

Жаҳон АДАБИЁТИ

Адабий-бадший, илғимий-публицистик журнал

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 11 (150)

2009 йил, ноябр

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ЎЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

МУНДАРИЖА

www.jad.uz

НАСР

Р. СТИВЕНСОН, О. УАЙЛД. Икки ҳикоя	3
Мурза ҒАПАРОВ. Мурғобликлар. Қисса	58
Жауме ФУСТЕР. Талваса. Роман	104

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Фридрих ШИЛЛЕР. Шодлик, эй сен, илохий олов	50
Вадим МУРАТХАНОВ. Биз кетамиз, сурат қолади	133

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ. Улуғбекнинг астрономия мактаби	138
Шаҳноза НАЗАРХОНОВА. Нафосат гулшани	146

ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

Темур ФИЁСОВ. Ўзбек халқининг содиқ дўсти	149
Т.ШУЛЬЦ, М.ВОЛЬФ. Майкл Жексон, тантанавор ва фожиали умр	153

ТАРЖИМА МАКТАБИ

Бегойим ХОЛБЕКОВА. Шеърий таржима мезони	157
---	-----

АДАБИЙ ҲАЁТ

Марҳабо ҚҶЧҚОРОВА. Мактублар – қалб кўзгуси	161
--	-----

АДАБИЙ ТАНҚИД

Тоҳир ҚАҲҲОР. Минг-минг кўзли Туркистон булоғи	166
---	-----

БАҲС. МУНОЗАРА. МУЛОҚОТ

Александр КАБАКОВ. Узлатнишин ёзувчилардан эмасман	170
---	-----

МУТОЛАА

Станислав ГОВОРУХИН. Қалбсиз авлод	173
---	-----

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Маҳмуд САТТОР. Миллат шажараси	175
---	-----

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Чингиз АБДУЛЛАЕВ. Борса келмасдан қайтганлар. Роман	177
--	-----

ЖАҲОН КУЛАДИ

Бенедикт САРНОВ. Ҳеч ажабланманг	202
---	-----

ТОШКЕНТ
НОЯБР

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**

Мирпўлат МИРЗО

Таҳрир ҳайъати:

Файзи ШОҲИСМОИЛ
(масъул котиб)
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖЎРАЕВА
Азиз САИД
Гулчехра МУҲАММАДЖОН

Жамоатчилик кенгаши:

Бобур АЛИМОВ
Эркин ВОҲИДОВ
Одил ЁҚУБОВ
Анвар ЖАББОРОВ
Абдулла ИСМОИЛОВ
Минҳожиддин МИРЗО
Абдурахим МАННОНОВ
Абдулла ОРИПОВ
Азимжон ПАРПИЕВ
Файрат ШОУМАРОВ
Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ
Рустам ҚОСИМОВ

Навбатчи муҳаррир Г.МУҲАММАДЁРОВА
Техник муҳаррир У.КИМ
Мусаҳҳиҳ Д.АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи З.МАННОПОВА

Жаҳон адабиёти, 11. 2009

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналада эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 04.11.2009 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.
Жами 1300 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом номидаги НМИУда чоп этилди.
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© Жаҳон адабиёти, 2009 й.

Икки ҳикоя

Роберт СТИВЕНСОН

ШАЙТОНИЙ ШИША

Г авайи оролларида бирида бир одам яшарди, уни Кеаве деб атай қолайлик, чунки, очигини айтганда, у ҳанузгача ҳаёт ва ҳақиқий исми сир бўлиб қолиши керак. У горда Буюк Кеавенинг хоки ётган Хонаунау деган жой яқинида дунёга келган. Бу одам қашшоқ, аммо серғайрат ва довюрак бўлиб, саводи мактаб ўқитувчисиникидан кам эмасди. Бунинг устига у ажойиб денгизчи сифатида ном чиқарган, яқин масофаларга қатновчи кемаларда сузган, Хамакуа соҳиллари ёқалаб пароходларни бошқарган. Шу десангиз, бир куни унинг кўнглига бу ёруғ дунёни кезиш, бегона шаҳарларни кўриш орзуси тушиб қолди-ю, Сан-Францискога йўл олаётган кемага ёлланди.

Сан-Франциско — ажойиб бандаргоҳи бўлган ҳашаматли шаҳар, у ерда бадавлат одамлар беҳисоб, ҳатто бир тепалик борки, нуқул даб-дабали қасрлардан иборат. Бир куни Кеаве чўнтагидаги тангаларини жаранглатган кўйи ана шу тепаликда сайр қилиб юрар, кўчанинг ҳар икки томонидаги саройларга суқланиб боқарди.

“Қандай чиройли уйлар-а! — деб ўйларди у. — Уларда эртанги кун ташвишини билмайдиган бахтли одамлар яшаса керак, ҳойнаҳой!”

Шу хаёллар билан бораётганида бир уйга дуч келиб қолди, у бошқа уйлардан сал кичикроқ бўлса ҳам муҳташам ва худди кўғирчоқдек чиройли эди. Пиллапоялари баайни нуқрадек ярақлар, бута-тўсиқлар чамандек яшнаб турар, дераза ойналари олмосдек жилоланарди. Кеаве кўз ўнгида намоён бўлган бу қадар мукамалликдан ҳайратланиб, беихтиёр тўхтаб қолди.

У шу алфозда уй рўпарасида турар экан, ичкаридан қандайдир бир одам унга қараётганини пайқади, дераза ойнаси шунчалик шаффоф эдики, Кеаве уни сув қайтишидан сўнг тошлар устидаги кўлмакда қоладиган балиқни кўргандек яққол кўриб турарди. Бу одам ёши қайтган, тепакал, қора соқолли, чехраси серташвиш ва ғамгин бўлиб,

Роберт СТИВЕНСОН (1850–1894) ва Оскар УАЙЛД (1854–1900) инглиз адабиётининг энг машҳур намояндalarидан. Қуйидаги ҳикоялар эса уларнинг ижодига унчалик хос бўлмаган фантастик-мистик йўналиши билан яққол ажралиб туради. Бироқ ҳар иккови ҳам шу йўналишнинг забардаст вакиллари қаторида юксак маҳорат билан қалам тебратишган.

Бу моддий дунёда юксак муҳаббат насиб этган одамлар бир-бири учун ҳаётини қурбон қилишга тайёр эканлиги жаҳон адабиётидан яхши маълум. Лекин инсон бошқа бир инсон, ҳатто севикли ёри учун бўлса ҳам охиратини қурбон қилиши мумкинми? Бир одам ўзга бир одамни дўзахдан сақлаб қолиш йўлида ўз хоҳиши билан дўзахга тушишни танлашга қодирмикан? Агар бу дунёда Иблис инсоннинг жамики орзу-тилақларини амалга оширишга тайёр бўлса-ю, эвазига иймонни сўраса, ҳар қандай одам ҳам шунга рози бўла оладими? Мабодо ҳаёт тақозоси билан шунга мажбур бўлиб

*Русчадан
Рустам ОБИД
таржималари*

огир-огир хўрсиниб қўярди. Хуллас, Кеаве у одамга, у эса Кеавега дераза орқали қараб туришар ва ишонасизми, йўқми, ҳар иккови ҳам бир-бирига ҳавас қиларди.

Нотаниш одам бирданига жилмайди ва Кеавени ичкари киришга имлаб, остонада кутиб олди.

— Менинг уйим жуда чиройли, — деди мезбон яна уф тортиб. — Уни бир кўриб чиқишни хоҳламайсанми?

Шундай деб у Кеавени ичкарига бошлади ва бутун уйни — ертўласидан тортиб чордоғигача таништириб чиқди, бу ердаги ҳамма нарса шу қадар мукамал эдики, Кеаве ларзага тушди.

— Чиндан ҳам ажойиб уй экан, — деди у. — Мен шундай жойда яшаганимда эртадан-кечгача шод-хандон юрардим балки. Лекин нега энди сен ҳадеганда уф тортаверасан, бунинг сабаби нима?

— Агар истасанг, — деди мезбон, — сен ҳам шу заҳотиёқ худди шунга ўхшаган уйга эга бўлишинг мумкин. Ёнингда пулинг бордир, ҳойнаҳой?

— Эллик долларим бор, холос, — жавоб қилди Кеаве. — Аммо бунақа уй анча қиммат турса керак.

Мезбон ҳаёлан нималарнидир чамалаб чиқди.

— Пулинг бунча кам, — деди у кейин. — Бу сенга келгусида ортиқча ташвиш келтиради, бироқ шунга қарамай, эллик долларга ҳам олаверишинг мумкин.

— Шу уйни-я? — ажабланиб сўради Кеаве.

— Йўқ, уйни эмас, — дея жавоб қилди мезбон, — аниқроғи, шишани Сенинг назарингда ниҳоятда омадли ва ўта бадавлат одам сифатида кўринаётган бўлсам бордир. Лекин, агар билсанг, очигини айтганимда, бутун мол-мулким — шу уй ҳам, боғ-роғ ҳам — барибари бир пинта¹дан унчалик катта бўлмаган бир шиша орқали топилган. Мана у.

Мезбон шундай деб аллақандай жавонни очди ва ичидан узун бўйинли ва қорни бақалоқ бир шишани олди. Шиша сутдек оқиш ойнадан ясалган бўлиб, камалакнинг жамики ранглариди ёлқинланиб-товланиб турарди. Унинг ичида эса соячами, аланга тилигами ўхшаш алламбало бир нарса тўхтовсиз ёғдуланиб-ўйноқлаб ётибди.

— Сенга айтган шишам шу, — деди уй эгаси ва Кеаве қулиб қўйганини кўриб, қўшимча қилди: — Гапимга ишонмаётганга ўхшайсан-а? Унақада ўзинг синай қол. Уни синдиришга, қани бир уриниб кўр-чи.

Шунда Кеаве шишани қўлига олиб, то ҳолдан тойгунича полга ура бошлади, бироқ шиша ҳар гал худди коптокдек сакраб кетаварди, бирон ери ҳатто қирилмади ҳам.

¹ П и н т а — ҳажм ўлчови бирлиги.

қолса-чи? “Шайтоний шиша” ҳикоясида ана шу азалий маънавий муаммолар устида сўз юритилади.

“Кентервиллик арвоҳ” ҳикояси эса тириклар марҳумлар руҳига ҳурмат билан қараш кераклиги, ёвузлик ҳеч қачон жазосиз қолмаслиги тўғрисидадир. Моддий дунё ҳар қанчалик юксак тараққиётга эришмасин, руҳий оламга нисбатан беписандлик билан қарашга мутлақо ҳаққи йўқ. Марҳумлар нечоғли гуноҳкор, ёвузлик билан яшаб ўтган бўлса ҳам эндиликда ўзини ҳимоя қилолмайди. Шу боис ҳам улар ҳамиша яхшилик билан хотирланишга сазовор, илло, ҳукм ёлғиз Парвардигорнинг ўзига ҳаволадир. Пок қалб, иймон бутлиги, бокиралик эса ҳар қандай ёвузликдан доимо устун бўлиб келган ва то рўзи маҳшаргача шундай қолиши шак-шубҳасиздир.

Ҳар икки ҳикоя ҳам бу дунёда ёвузликдан огоҳ бўлиб яшашга, ҳар қандай инсонга, кимлигидан қатъи назар, аввало юксак муҳаббат билан қарашга даъват этади. Илло, ҳар кимнинг кимлиги қилаётган амалидан яққол аёндир. Иймон поклиги эса бани башар яратилганидан буён Инсон зотининг энг бебаҳо ганжинаси бўлиб келган ва абадул-абад шундай қолажак.

— Фалати нарса экан, — деди Кеаве. — Бундай қараганда ва ушлаб кўрганда шишадан ясалгандек туюлади-я.

— Аслида ҳам шундай, — янада оғирроқ хўрсинди уй эгаси, — фақат бу шиша жаҳаннам оловида тобланган. Унинг ичида шайтон яшайди — сояга ўхшаш бир нима липиллаб турганини кўраётгандирсан. Ана ўша шайтон бўлади, ҳар қалай мен шундай деб ўйлайман. Шу шишага эга бўлган одам эса шайтонга буйруқ бера олади. Ўша лаҳзадан бошлаб ниманики хоҳласа, ўшанга эришади. Ишқ-муҳаббат, шон-шуҳрат, бойлик, шунга ўхшаш уйлар, ҳатто шунга ўхшаш шаҳарлар — ҳамма-ҳаммаси кўз очиб-юмгунича муҳайё бўлади. Наполеон шу шишага эгалик қилиб, дунёни қўлга киритди, кейин эса уни сотиб юборгач, маҳв этилди. Капитан Кук шу шишага эга бўлиб, унинг орқасида кўплаб ороларни кашф этди, бироқ у ҳам шишани сотиб юборганди, Гавайида ўлим топди. Чунки шишани сотган заҳоти унинг қудратли ҳимоясидан маҳрум бўласан, бироқ, иккинчи томондан, у қўлингалик пайтида топган нарсаларингдан қаноат қилмасанг, охири фалокатга учрайсан.

— У ҳолда нега энди шишани сотмоқчи бўлаяпсан? — деб сўради Кеаве.

— Кўнглим тилаган нимаики бўлса, барига эришдим, бу ёқда эса умр поёнига етиб қолди, — деди уй эгаси. — Шиша ичидаги шайтоннинг ёлғиз бир нарсага — инсон умрини узайтиришга қурби етмайди, холос. Яна бир жиҳатни сендан яшириб қолсам, инсофдан бўлмайди. Бу шишанинг бир нуқсони бор: агар эгаси уни сотишга улгурмай туриб ўлса, жаҳаннамда абадий ёнишга маҳкумдир.

— Ҳа, нуқсон бўлгандаям жуда зўр нуқсон экан, гап йўқ! — хитоб қилди Кеаве. — Мен бунақа шайтоний нарсаларга умуман аралашмаган бўлардим. Парвардигорга шукур, уйсиз ҳам яшашим мумкин. Аммо билатуриб ўз бошимга жаҳаннам азобларини сотиб олиш — бу, энди, бориб турган аҳмоқликнинг ўзгинаси.

— Ўпкангни бос, бу ишнинг энг охирини ўйлашга шошмасанг ҳам бўлади, — дея эътироз билдирди уй эгаси. — Бу ўринда энг муҳими — шайтоннинг ёрдамидан фойдаланиб, бу дунёда нима хоҳласанг, барига эга бўлиш. Кейин эса шишани ҳозир мен сенга сотаётгандек яна бирон одамга сотиб юбориш. Ана ундан сўнг қолган умрингни тинчлик-хотиржамлик, ҳузур-ҳаловатда ўтказаверасан.

— Мени яна бир нарса ўйлантираяпти, — деди Кеаве. — Авваламбор, оғир-оғир хўрсинаяпсан ва айни пайтда шишани сувтекинга сотмоқчисан. Бунинг сири нимада?

— Нега уф тортишларим сабабини ҳозиргина айтиб ўтдим, — жавоб қилди у одам. — Соғлиғим заифлашаётганини сезиб турибман ва бу мени кўрқувга солаяпти. Чунки, ўзинг айтиб ўтганингдек, ўлганидан кейин дўзахга равона бўлишни ҳеч ким истамайди. Энди шишани бунчалик арзон сотишимга келсак, унинг яна бир хусусиятини тушунтиришим керак. Иблис бу шишани ер юзига олиб келган жуда қадим замонларда уни биринчи бўлиб Пресвитер Иоанн сотиб олган ва эвазига бир неча миллион доллар тўлаган. Бироқ ҳамма гап шундаки, бу шишани фақат зарарига сотиш мумкин, холос. Агар сен уни харид қилган нархингнинг ўзига сотсанг, худди кабутар уясига қайтганидек, ёнингга қайтиб келаверади. Шишанинг баҳоси асрлар мобайнида пасайиб келавериб, мана ҳозир ҳайратомуз даражада арзимас пулга тенг бўлиб турганининг сабаби ҳам шу. Мен ўзим уни бадавлат қўшниларимнинг биридан сотиб олиб, бор-йўғи тўқсон доллар тўлаганман. Энди уни саксон тўққиз доллару тўқсон тўққиз центга сота оламан, лекин бир цент ҳам қимматига эмас, акс ҳолда у ўша

заҳотиёқ ёнимга қайтиб келади... Ана шу туфайли ҳам иккита мушкуллик мавжуд: биринчидан, шундай гаройиб шишани арзимас саксон долларга сотмоқчи бўлсанг, одамлар сени шунчаки ҳазиллашар-япти деб ўйлашади. Иккинчидан эса... У ёғи кейин энди... Очигини айтганда, ҳамма нарсани миридан-сиригача айтиб беришга мажбур эмасман. Фақат бир нарсани қулоғингга қуйиб ол — шиша муомалада юрган пулга сотилади, холос.

— Шу гапларнинг бари ҳақиқат эканига қандай қилиб ишонишим керак? — деб сўради Кеаве.

— Баъзи нарсаларни ҳозироқ текшириб кўришинг мумкин, — деди у одам. — Менга эллик доллар бергин-да, шишани олиб, шу пулинг ёнингга қайтишини хоҳла. Агар шундай бўлмаса, қасам ичиб айтаманки, савдоимиз пишмади дейман-у, пулингни қайтараман.

— Мени алдамаяпсанми мабодо? — сўради Кеаве.

Уй эгаси ҳақиқатни айтаётганига қасам ичди.

— Таваккал-да, бўлмаса, — деди Кеаве. — Бунинг зарари йўқ-ку, ахир.

Шундай деб, пулини уй эгасига берди, у эса шишани узатди.

— Қани, шиша ичидаги шайтон, — деди Кеаве, — эллик доллар пулимни қайтар-чи.

У гапини тугатиб улгурар-улгурмас, киссаси яна аввалгидек тўлиб қолганини сизди.

— Бу чиндан ҳам ажойиб шиша экан, — деди Кеаве.

— Мана энди хайрлашамиз, ошна, — деди уй эгаси. — Қани, бир жўнаб қол-чи, бу ердан!

— Э, шошма! — деди Кеаве. — Йиғиштир бунақа ҳазилингни. Ма, шишангни қайтиб ол.

— Сен унинг учун менга нархига нисбатан камроқ пул тўладинг, — деди у одам мамнунликдан кўлларини бир-бирига ишқар экан, — энди шиша сеники. Менга эса битта нарса керак: бу ердан тезроқ қорангни ўчирсанг бўлгани. — У шундай деб хитой хизматкорини чақиритишга кўнгироқ қилди, хизматкор эса Кеавени уйдан чиқариб юборди.

Кўлтигида шиша билан кўчага чиқиб қолган Кеаве ўйлай бошлади: “Агар бу одам айтганларининг бари ҳақиқат бўлса, роса чув тушган кўринаман. Лекин у шунчаки лақиллатган бўлса-чи?”

Шунда у авваламбор ёнидаги пулини ҳисоблаб чиқди: роппа-роса қирқ тўққиз америка доллари ва битта чили тангаси экан.

“Ҳаммаси тўғрига ўхшайди, — деб ўйлади Кеаве. — Қани, энди уни бошқачасига бир синаб кўрайлик-чи”.

Шаҳарнинг бу қисмидаги кўчалар худди кема саҳнидек топ-тоза, устига-устан, пешин пайти бўлишига қарамай, биронта ҳам йўловчининг қораси кўринмасди. Кеаве шишани йўл чеккасидаги ариққа улоқтириб, индамай кетаверди. Икки марта ўгирилиб қараганида қориндор, сутдек оқиш шиша у ташлаган жойда ётганини кўрди. Кеаве ортига учинчи бор назар ташлаб, муюлишда бурилди, лекин ҳали бир қадам ҳам ташлаб улгурмагандики, нимадир тирсагига келиб урилганини сизди. Не кўз билан кўрсинки, бақалоқ шиша бушлати¹ чўнтагини эгаллаган, узун тумшуғи ташқарига чиқиб турарди.

“Бунисиям ростга ўхшайди”, — деб ўйлади Кеаве.

Шундан кейин у нима қилди, деб сўрарсиз. Дўкончадан штопор² сотиб олиб, шаҳар ташқарисига, кимсасиз далага йўл олди. Ана шу

¹ Б у ш л а т — пахталик нимча, денгизчилар кийими.

² Ш т о п о р — бутилка пўкагини очадиган парма.

ерда шишанинг пўкагини чиқариб олмоқчи бўлди. Аммо у штопорни пўкакка бураб киритишга қанчалик уринмасин, штопор шу заҳоти ўз-ўзидан қайтиб чиқар, пўкак эса бус-бутун турарди.

“Пўкакнинг қандайдир янги тури”, — деб ўйлади Кеаве ва шу лаҳзадаёқ бутун борлиғи худди безгак тутгандек қалтираб кетди, баданини муздек тер қоплади: унда кўрқув уйғонганди.

Кеаве бандаргоҳга қайтар экан бир дўкончага дуч келди, унда аллақандай бир киши чиганоқлар, оролларда яшовчи ёввойи одамларнинг сўйиллари, қадимий тангалар, кўҳна маъжусий маъбудаларнинг ҳайкалчалари, хитой ва япон суратларини, қисқаси, денгизчи дунёнинг турли чеккаларидан сандиқчаларида олиб келадиган хилма-хил лаш-лушларни сотиб ўтирарди.

Шу ўринда Кеавенинг хаёлига янги фикр келди. У дўкончага кириб, эгасига ундаги шишани юз долларга сотиб олишни таклиф этди. Дўкондор аввалига қулиб қўйди, кейин беш доллар бермоқчи бўлди. Бироқ бу чиндан ҳам гаройиб шиша эди — ер юзида ҳали биронта шишапаз бунақанги шиша тайёрламаган, унинг сутдек оқиш туси камалакнинг жамики рангларида шунақанги чиройли товланар, ичида шунақанги бир сирли соя рақс тушардики, асти қўйверасиз... Хуллас, таомилга кўра савдолашгач, дўкондор Кеавега олтмиш кумуш доллар берди ва шишани пештахтасининг қоқ Марказидаги жавон тоқчасига жойлаштириб қўйди.

“Энди нима бўларкин? — деган фикр ўтди Кеавенинг хаёлидан. — Мен уни олтмиш долларга сотдим, ҳолбуки ўзим элик долларга, очигини айтганда, ундан ҳам арзонга сотиб олгандим, чунки битта тангам чили доллари эди-да. Энди бу ёғини яна бир бор текшириб кўрамиз”.

Шу хаёлларда Кеаве кемага қайтди, сандиқчасини очиб қараганида эса шиша шу ерда эканлигини кўрди: ундан аввалроқ етиб келибди. Кемада Кеавенинг Лопака деган бир дўсти бор эди.

— Ҳа, нима гап? — деб сўради у. — Сандиқчанга намунча тикилиб қолмасанг!

Улар кубрик¹да икковлон эдилар, Кеаве ўртоғини сир сақлашга қасам ичириб, бор гапни айтиб берди.

— Ақлга сизмас ҳодиса, — деди Лопака. — Назаримда, бу шиша сенинг бошингга балою қулфатлар ёғдирадиган кўринади-ёв. Жуда бўлмаганда битта нарса аниқ: сенга қандай фалокат таҳдид солаётганини ўзинг биласан. Модомики, шундай экан, бу ишдан бирон фойда чиқариб олишни ўйлаш керак. Нимани хоҳлашингни яхшилаб фикрлаб кўргин-да, шишага уни амалга оширишни буюр. Агар шиша айтганингни бажарса, уни сендан ўзим сотиб оламан. Чунки кўпдан бери бир нарсани ўйлаб юрибман — шхуна²га эга бўлиб, ороллар бўйлаб савдо билан шуғулланиш орзуим бор.

— Бу менга тўғри келмайди, — деди Кеаве. — Мен ўзим туғилиб ўсган Кон соҳилида чиройли уйим ва боғим бўлишини истайман. Қуёшнинг чароғон нурлари деразалардан тўкилиб турса, боғда гуллар чаман бўлиб очилиб ётса, деразаларда ойналару деворларда суратлар, стол устида анвойи дастурхонлар ва ўйинчоқлар бўлса — хуллас, ҳамма-ҳаммаси мен бугун кўрган уйдагидек ярақлаб турса... Ҳатто менинг уйим ундан бир қават баландроқ ва ҳар томонидан худди қирол қасри каби айвонлар билан ўралган бўлишини хоҳлайман. Ана

¹ К у б р и к — кемада команда жойлашадиган хона.

² Ш х у н а — унча катта бўлмаган елканли кема.

шундай уйда бегам-беташвиш, дўстларим ва қариндошларим билан шод-хуррам ҳаёт кечирсам дейман.

– Бундай қиламиз бўлмаса, – деди Лопака. – Шишани Гавайига ўзимиз билан олиб кетайлик, агар орзуларингнинг бари амалга ошса, боя айтганимдек, шишани сендан сотиб оламан ва ўзимга шхуна сўрайман.

Улар шунга қарор қилишди ва тез орада кема Гонолулуга қайтиб, Кеаве ҳамда Лопака билан бирга шишани ҳам келтирди.

Дўстлар соҳилга тушиб улгурмагандилар ҳамки, бандаргоҳда бир таниш одамни учратиб қолишди, у эса салом-алик тугар-тугамас, Кеаведан кўнгил сўрай бошлади.

– Ҳеч балони тушунолмаёйман, – деди Кеаве, – нима учун менга бунчалик ҳамдардлик билдираяпсан?

– Ие, хабаринг йўқми ҳали? – ажабланди таниш одам. – Ахир, амакинг... муҳтарам қария... вафот этди... Кейин эса... кўркамгина бир жиянинг бўларди-ку... ана ўша денгизда чўкиб кетди.

Кеаве ногаҳонда бошига тушган мусибатдан шу заҳотиёқ гамга ботди, оҳ-воҳ қилишга тушиб, шишани ҳам унутиб юборди. Бироқ Лопака унутмаганди, Кеаве бироз ўзига келганида ундан сўради:

– Шу тобда хаёлимга бир фикр келди – Гавайида, Каю худудида амакингнинг ер-мулки йўқмиди мабодо?

– Йўқ, – деди Кеаве, – Каюда йўқ. Хоокенадан сал жануброқда, тоғлик соҳилда ер майдони бор эди.

– Энди бу ер сенга мерос қоладими? – сўради Лопака.

– Ҳа, менга, – деди Кеаве ва яна марҳум қариндошларини эслаб, йиғи-сиғига тушди.

– Шошма, – деди Лопака. – Бирпасга оҳ-воҳ қилмай тур, хаёлимга бир фикр келди. Балки буларнинг бари шишанинг ишидир-а? Чунки сен истаган уй учун жой тайёр бўлиб турибди!

– Агар шундай бўлса, шишанинг бунақанги ёрдамани бошимга ураманми?! – дея қизишиб кетди Кеаве. – Мен ундан қариндошларимни ўлдиришини сўраганимдими, ахир! Аммо-лекин бу тахминингда жон бор – уйим худди ўша ерда бўлишини орзу қилганим.

– Бироқ уй ҳали қурилмаган-ку? – деди Лопака.

– Э, нимасини айтасан! – уф тортди Кеаве. – Бирор кун келиб қурилиши ҳам даргумон ҳали. Тўғри, амакиминг бироз қаҳва, ава, банан дарахтлари бор эди, аммо уларнинг ҳосили тирикчилигимга учма-уч етади, холос. Ер майдонининг қолган қисми эса қоп-қора лава¹дан иборат.

– Қани, юр-чи, саркор ёнига бориб кўрайлик, – деди Лопака. – Ҳар қалай, бу фикр менга тинчлик бермапти.

Улар Саркор ёнига боришганда эса бирдан маълум бўлдики, Кеавенинг амакиси ўлими олдида баногоҳ жуда бойиб кетибди ва ўзидан катта давлат қолдирибди.

– Мана сенга уй қуриш учун маблағ! – хитоб қилди Лопака.

– Агар уй қурмоқчи бўлсангиз, – деди саркор, – менда янги меъморнинг ташрифномаси бор, уни роса мақташяпти.

– Жуда соз! – деди Лопака. – Кўраяпсанми, ҳамма нарса олдиндан тайёрлаб қўйилган экан. Шишанинг айтганини қилиш керак, холос.

Улар меъморнинг уйига йўл олишди, у эса хилма-хил уйларнинг чизмаларини аллақачоноқ стол устига ёйиб қўйган экан.

– Сиз бошқаларига ўхшамайдиган гаройиб бир уй бўлишини хоҳлаяпсиз-а? – деб сўради меъмор. – У ҳолда мана буни бир кўринг-чи.

¹ Л а в а – вулқонлардан отилиб чиқадиган суяқ чўғ модда.

Кеаве у узатган чизмага бир қарашдаёқ ўзини тутолмай баланд овозда оҳ уриб юборди, чунки чизмада тасвирланган бино унинг орзуларида намоён бўлган уйнинг айнан ўзгинаси эди.

“Шу уй меники бўлиши керак, — деб ўйлади у. — Биламан, бу қийин иш, ўзимнинг ҳам кўнглим чопмаяпти. Лекин не чораки, шайтоний кучга боғланиб қолган эканман, ақалли бирон нафи тегсин”.

Шунда Кеаве меъморга нималарни истаётганини, уйни қай тарзда жиҳозлаш кераклигини тушунтира бошлади, деворга осиладиган суратларни, стол устида ётиши керак бўлган ўйинчоқларни ҳам унутмади. Кейин эса ундан бу ишларнинг бари қанчага тушади, деб дангалига сўради.

Меъмор Кеавага кўплаб хилма-хил саволлар берди, сўнгра қўлига қалам олиб, ҳисоб-китоб қилишга тушди. Ҳисоблаб бўлганидан кейин у Кеавага мерос қолган маблағнинг айнан ўзини айтди.

Лопака билан Кеаве бир-бирларига қараб қўйиб, бош иргашди.

“Ҳаммаси аён энди, — деб ўйлади Кеаве. — Хоҳлайманми, йўқми, шу уй энди меники бўлади. Уни менга Иблис совға қилди ва бу ишнинг охири яхшиликка олиб бормаслиги аниқ. Бироқ мен ҳам қатъий аҳд қиламан: шу шиша қўлимда экан, бундан бу ёғига ундан бошқа ҳеч нарса сўрамайман. Шу уй менинг бўйнимга тушди, уни ҳеч нарса қилолмайман энди. Шайтоний кучга боғланиб қолган эканман, жуда бўлмаганда шунга фойдаси тегсин, ахир”.

У меъмор билан шартнома тузди ва уни икковлари имзолашди. Шундан кейин Кеаве билан Лопака яна кемага ёлланиб, Австралияга йўл олишди. Чунки қурилишга аралашмаслик, уйни қандай барпо қилиш ва безатишни меъмор билан шишадаги шайтонга қўйиб бериш тўғрисида ўзаро қарор қилишганди.

Уларнинг сафари осойишта кечди, фақатгина Кеаве беихтиёр бирон тилак-истак билдириб қўймаслик учун доимо сергак туришига тўғри келди, зотан, у бундан буён иблиснинг бирон-бир марҳаматини қабул қилмасликка қасам ичганди. Икки дўст уйга ўз муддатида қайтишди. Меъмор уй тайёр бўлганини айтди ва Кеаве билан Лопака “Нуҳ кема-си”га чиқиб, Кон соҳиллари бўйлаб сузиб кетишди. Қани, янги уй қандай экан, Кеаве орзуларида тасаввур қилган уйга ўхшармикан?

Уй баланд соҳилда қурилган бўлиб, денгиздан ўтувчи кемаларга жуда яхши кўриниб турарди. Чор атрофда ўрмонлар нақ булутларга бўй чўзган, пастда — ёрларда қадимги ҳукмдорларнинг хоки ётган дарада қора лава оқимлари қотган эди. Уй тевараги гулзор бўлиб, камалакнинг барча рангларида жилоланиб турибди. Мевали дарахтлар ҳам бор — уйнинг бир томонида нон дарахтлари, бошқа томонида папайя экилган. Бино олдида, денгиз соҳилида эса кема мачтаси ўрнатилган бўлиб, тепасида байроқ ҳилпираб турибди.

Уй уч қаватли, хоналари ва ҳар бир қаватдаги айвонлари кенг-мўлгина. Деразалардаги ойналар сувдек тиниқ ва чароғон кундек ёруғ. Хоналарга чиройли жиҳозлар қўйилган. Деворларга олтин ҳалли гардишларда суратлар осилган бўлиб, уларда кемалар, денгиз жанглари, ер юзининг турли чеккаларидаги гаройиб манзаралар акс эттирилган ёки дунёдаги энг соҳибжамол аёллар тасвирланган. Кеавенинг янги уйидаги деворларга қилган бу суратлар шунақанги ёрқин бўёқлар билан ишланганки, бунақаси етти иқлимда ҳам топилмайди.

Беҳисоб ўйинчоқлару гаройиб буюмларнинг таърифига эса умуман сўз йўқ. Оҳангдор занг чалувчи соатлар, мусиқали қутичалар, бош чайқатувчи митти одамчалар, нафис ва ажойиб бошқотирмалар бир киши вақтини кўнгилчоғлик билан ўтказиши учун етарли эди.

Бироқ қаср нечоғли улугвор ва ҳашаматли бўлмасин, унда яшовчи одам хонама-хона кезиб, ажойибот-ғаройиботларни томоша қила-вериб зерикади барибир. Ана шу боис ҳам уй ҳамма томонидан бутун бошли шаҳарнинг аҳолиси бемалол ва қулайгина жойлаша олиши мумкин бўлган ниҳоятда кенг-мўл айвон билан ўраб олинган ва ундан чор-атрофни яйраб томоша қилиш мумкин эди.

Кеаве қайси томондаги айвонни афзал кўришни билмасди. Негаки, уйнинг орқасидаги айвондан мевазор боғлар ва гулзорларни кўриб кўзи қувнаса, тоғдан эсаётган майин шабададан кўнгли яйрайди. Уйнинг олд томонини безаб турган айвонда турганида эса у денгининг тоза шимолидан баҳраманд бўлар, тепалиқдан уммонга қараганида тахминан ҳафтада бир марта Хоокенадан Пеле адирларига йўл олувчи “Нуҳ кемаси”ни ёки ёғоч, ава ҳамда банан ташувчи шхуналар соҳилбўйи сувларида сузиб юрганини томоша қилар эди.

Кеаве билан Лопака ҳамма нарсани кўздан кечириб чиққач, орқа айвонга ўтиб ўтиришди.

— Хўш, қалай? — деб сўради Лопака. — Орзуларингга мос келдими?

— Лолу ҳайронман, — дея жавоб қилди Кеаве. — Бу ҳатто орзуларимдагидан ҳам зиёда бўлибди, шу қадар хурсандманки, нақ бошим айланиб кетаяпти.

— Мени эса бир нарса ўйлантираяпти, — деди Лопака. — Шуларнинг бари ўз-ўзидан келиши ҳам мумкин эди, балки бу ўринда шишадаги иблиснинг ҳеч қандай дахли йўқдир. У ҳолда мен шишани сотиб олганим билан шхунани етти ухлаб тушимда ҳам кўрмайман, икки ўртада жаҳаннам азобини ўз ихтиёрим билан бўйнимга олганим қолади, холос. Тўғри, шишани сотиб оламан, деб сенга сўз берганман, аммо сен ҳам аҳволимни тушунишга урин ва мен учун яна битта синов ўтказиб бер.

— Лекин шишадан энди ҳеч қандай совға олмайман, деб қасам ичганман-ку, ахир! Ўзи шундоғам қулоғимгача гуноҳга ботиб кетганман.

— Э, мен совғаларни мутлақо ўйлаётганим йўқ, — жавоб қилди Лопака. — Шайтоннинг ўзини бир зумгина кўрсам кифоя. Бунинг сенга ҳеч қандай фойдаси тегмайди, демакки, хавотир олишингга ҳам ўрин йўқ. Шунчаки, унга бирровгина кўз қиримни ташласам, бу ишга бўлган ишончим ортади дейман-да. Кел энди, оғайни, шайтонни бир кўрсата қол. Кейин ўша заҳотиёқ сендан шишани сотиб оламан, мана, пулим ҳам тайёр.

— Мен бошқа нарсадан хавотирман, — деди Кеаве. — Шайтоннинг қиёфаси балки ниҳоятда даҳшатлидир, унга шундоққина қараганиндаёқ шишани сотиб олишдан воз кечиб қолишинг ҳеч гап эмас.

— Сўзим — сўз! — дея жавоб қилди Лопака қатъийлик билан. — Мана пулим ҳам тайёр деяпман-ку, ахир.

— Бўпти унақада, — деди Кеаве. — Унга бир назар ташлашга ўзимам қизиқаяпман. Шайтон жаноблари, сизни бирровгина кўришимизга ижозат этсангиз!

У шундай дейиши билан шайтон шиша ичидан бир қаради-ю, шу заҳотиёқ яна ғойиб бўлди. Кеаве билан Лопака эса тош қотганча қолишди. Ҳатто кеч кирди ҳамки, улар ўзларига келишолмас, тиллари айланмасди. Ва ниҳоят, Лопака пулни ўртоғининг ёнига суриб қўйиб, шишани олди.

— Мен ҳалол одамман, сўзимда туришим керак, — деди у. — Акс ҳолда мана бу нарсага қўлимни ҳам теккизмаган бўлардим. Майли, начора, бошга тушганни кўз кўрар экан. Шхуна билан озроқ пулга

эга бўлсам бас, ўша заҳотиёқ манави лаънати́ни ўзимдан соқит қиламан. Чунки, очигини айтганда, уни кўрган замоним тепа сочим тип-па-тик бўлиб кетди.

— Лопака, — деди Кеаве, — кўнглиннга оғир олмагин-у, аммо битта гапни айтмасам бўлмайди сираям. Ҳозир тун, йўл ёмон, устига-устак, бемаҳалда қабристон ёнидан ўтиш беҳосият ҳисобланади — буларнинг барини мен жуда яхши тушуниб турибман. Бироқ анавининг мараз турқи-тароватини кўрганимдан кейин токи бу шиша шу ерда экан, на еган-ичганимда ҳаловат бўлади, на ором топаман ва на Парвардигорга илтижо қила оламан. Йўлингга фонус, шиша солиб олишинг учун сават берай, боз устига шу уйда кўнглиннга ёққан нима бўлса — ҳар қандай суратни, ҳар қандай энг ажойиб буюмни олишинг мумкин, фақат, Худо ҳаққи, бу ердан тезроқ жўнаб кетгин-у, Хоокенада Нахинанинг уйида тунай қол!

— Кеаве, — деди Лопака, — менинг ўрнимда ҳар қандай одам бу гапингдан кейин сендан қаттиқ ранжиган бўларди. Негаки, мен сенга нисбатан садоқатли дўстнинг ишини қилдим — сўзимда туриб, шишани сотиб олдим. Бу ёғи ярим кеча, ҳаммаёқ зим-зиё, қабристон ёқалаб ўтувчи йўл эса гарданида гуноҳи ва кўлтигида шайтонли шишаси бўлган мендек одам учун юз карра, минг карра даҳшатлироқ. Аммо ўзим ҳам кўркувдан дағ-дағ титраётганим учун сени айблай олмайман. Кетар эканман, Парвардигордан илтижо қиламанки, сен шу уйда бахтли ҳаёт кечиргин, менинг шхунадан омадим чопсин ва ҳар икковимиз ҳам умримизни яшаб бўлганимиздан кейин жамики жинлару шишаларга қасдма-қасд ўлароқ жаннатга тушайлик.

Лопака шундай дегач, отини тоғдан пастга қараб чоптириб кетди, Кеаве эса айвонда туёқлар дупурига қулоқ тутганича, қадимги ҳукмдорлар хоки ётган қоя остида фонус ёғдуси милтиллаб бораётганини кузатиб турарди. Кейин, шу турганича, япроқдек титраган кўйи кафтларини жипслаштириб, шундай балои азимдан қутулгани учун Парвардигорга ҳамду санолар айта бошлади.

Бироқ эртасига чароғон, беғубор тонг отди ва Кеаве янги уйидан ҳануз ҳайратланганча, кўркувларини унутиб ҳам юборди. Шундан сўнг кун кетидан кун ўта бошлади, Кеаве янги уйида яшар, шодлигининг чеки йўқ эди. Орқа томондаги айвон унинг севимли жойига айланди: у шу ерда овқатланар, бутун вақтини ўтказарди. Гонолулу газеталарини ўқиб, турли воқеа-ҳодисалардан хабар топарди.

Уни кўргани кимлардир келиб қолса, уларни айлантириб, бутун уйни, суратларни кўрсатарди. Кеаве уйининг овозаси олис-олисларга етиб борди ва Кон оролининг барча аҳолиси унинг қасрини Ка-Хале-Нуи, яъни “Машхур Уй” деб атай бошлашди, баъзан эса яна “Ярқироқ Уй” деб ҳам аташарди.

Кейинги номнинг сабаби шундаки, Кеаве хитой хизматкор ёллаган, у эса Худонинг берган куни уйнинг ҳамма еридаги чанг-чунгларни артиб, барча нарсани кўз олгудек ярақлатиб чиқарди. Чиройли ўйинчоқлару суратлар ҳам, дераза ойналарию олтин ҳаллар ҳам — бари-бари баайни тонг нурларидек чарақлаб турарди. Кеавенинг ўзи эса хонама-хона айланиб юрар экан, қувонч-шодлиги юрагига сиймай, беихтиёр кўшиқ куйлаб юборарди. Уйи ёнидан кемалар сузиб ўтаётганида эса у ўз мачтасидаги байроғини кўтарар эди.

Вақт шундай ўтиб борар экан, бир куни Кеаве узоққа ҳам эмас, яқинга ҳам эмас, балки Камлуага ёр-биродарларини кўриб келиш учун йўлга отланди. У ерда Кеавени яхшилаб меҳмон қилишди, аммо

шунга қарамай, у эрталаб турган заҳотиёқ орқага қайтиб, отини елдек учириб кетди – ўзининг ажойиб уйини яна бир кўриш учун шунчалик ошиқарди. Аксига олиб ўша кун, қадимги ривоятларда ай-тилишича, аждодларнинг арвоқлари қабрлардан чиқиб, Кон соҳилларида дайдиб юрадиган туннинг арафаси эди. Бир гал шайтонга айланишиб қолган Кеаве эса бу гал марҳумлар даврасига тушиб қолишни асло-асло истамасди.

У мана шу тариқа, Хонауануни ҳам ортда қолдириб от чоптириб борар экан, тўсатдан олисда – денгизда, шундоққина соҳил ёқасида қандайдир бир аёл чўмилаётганига кўзи тушди. Назарида у ёш, аммо етилган қиз бўлиб туюлди, Кеаве шундан бошқа нарсани ўйлагани йўқ. Шу зайлда от уни учириб борар экан, аввал оқ кўйлак, кейин қизил юбка – холоку кўзга чалинди: қиз сувдан чиқиб кийинаётган эди.

Кеаве етиб борганида у чўмилишдан кейин гулдек очилиб, қизил юбкасида йўл чеккасида турар, кўзлари кулиб, нигоҳидан бокиралик, нафосат таралар эди. Кеаве қизга кўзи тушган заҳоти от жиловини торти.

– Бу атрофда яшовчиларнинг ҳаммасини биламан, деб ўйлардим, – деди у. – Аммо сени танимас эканман, кимсан ўзинг?

– Мен Кианонинг қизи Кокуа бўлман, – дея жавоб қилди қиз. – Оахудан уйга энди келиб туришим. Ўзинг кимсан?

– Мен кимлигимни айтаман, – деди Кеаве отдан сакраб тушиб, – фақат ҳозир эмас, сал кейинроқ. Чунки кўнглимга бир фикр келди, агар кимлигимни айтсам, тўғри жавоб бермайсан, деган хавотирданман. Сабаби – балки мен ҳақимда эшитган чиқарсан. Бироқ авваламбор шуни айтгин-чи: турмуш қилганмисан?

Кокуа бу гапни эшитиб, кулиб юборди.

– Ҳамма нарсани билгинг келаяпти, – деди у. – Ўзинг-чи – уйланмаганмисан?

– Йўқ, Кокуа, уйланмаганман, – деб жавоб берди Кеаве. – Очигини айтганда, уйланиш ҳақида то шу дақиқагача ҳеч қачон ўйлаб кўрмаган эканман. Аммо сенга асл ҳақиқатни айтаман: сени шу ерда, йўл ёқасида учратдим, юлдуз кўзларингни кўрдим-у, юрагим қафасдаги қушдек потирлаб сен томон интилди. Мана энди, агар сенга маъқул тушмаган бўлсам, дангалини айтавер, мен индамай ўз йўлимга кетаман. Лекин, агар сенинг назарингда бошқа йигитлардан кам жойим йўқ бўлса – уни билдир. Мен йўлимдан бурилиб, бу кеча отангинг меҳмони бўлай, кейин эрталаб туриб, муҳтарам падари бузрукворингдан сенинг кўлингни сўрай.

Кокуа унинг бу гапларига ҳеч нима демади, фақат денгизга, олис-олисларга тикилганча, жилмайиб қўйди.

– Сукут аломати ризо, – деди Кеаве. – Унақада, Кокуа, уйингга йўл бошла, отангинг ҳузурига биргалашиб кирайлик.

Қиз ҳануз сукут сақлаганича олдинга ўтиб йўл бошлади, кейин икки марта ўгирилиб, йигитга бир зум кўз ташлади ва яна ўз йўлига қараганча, шляпасининг боғичини тишлаган кўйи кетаверди. Улар уйга яқинлашганларида Киано айвонга чиқиб, Кокуа Кеавенинг номини айтиб, баланд овозда сўрашди. Ана шунда Кокуа Кеавага кўзларини катта-катта очганича қараб қолди, чунки унинг ажойиб уйи ҳақидаги овозалар қизга ҳам етиб келганди. Қарамасинми яна!

Улар бутун оқшомни биргаликда ниҳоятда шод-хуррамлик билан ўтказишди. Ота-онасининг олдида қизнинг тили очилиб кетиб, Кеавага ҳазил-ҳузул қила бошлади, ақли ўткир, тийраккина, зийраккина экан.

Эртасига эса Кеаве Киано билан гаплашиб олди, кейин қизни излаб, ёлғиз ҳолда топди.

— Кокуа, — деди у, — кеча бутун оқшом устимдан қулиб ўтирдиг. “Мени тинч қўйгин-у, ўз йўлингга кетавер”, демоқчи бўлсанг, ҳали ҳам кеч эмас. Кеча кимлигимни айтгим келмади, чунки чиройли уйим бор ва у сенинг хаёлингни мендан — сени севадиган одамдан ҳам кўпроқ эгаллаб қўйишидан хавфсирадим. Мана энди сенга ҳаммаси маълум, агар қорамни ўчиришимни истасанг, очигини айтиб қўя қол.

— Йўқ, — деди Кокуа.

Бу гал у қулмади, Кеаве ҳам бошқа ҳеч нимани сўрамади.

Икковлари ана шу тариқа унаштирилди. Ҳамма нарса жуда тез рўй берди, лекин ёй ўқи ҳам тез учади, милтиқ ўқи эса янада учқурроқ, бироқ ҳар иккаласи нишонга тегиши мумкин. Ҳа, барчаси жуда шитоб билан юз берди, бироқ айна пайтда жуда кўп нарса амалга ошди.

Энди қизнинг қалбини Кеаве ҳақидаги ўй-фикрлар асир этганди, қора лава устига бостириб келувчи денгиз тўлқинлари гулдуриси ичра шу йигитнинг овози эшитиларди. Энди Кокуа ҳаётида бор-йўғи икки марта кўргани шу одам учун ота-онасини, туғилиб ўсган уйини ҳам тарк этишга тайёр эди.

Хўш, Кеавенинг ўзи-чи?! У қадимги дахмалар ёнидан ўтган тоғ сўқмоғида от йўрттириб борар экан, шодон қўшиғи марҳумлар хоки ётган горларда акс-садо берарди. Кеаве ўзининг “Ярқироқ Уй”ига қанот чиқаргандек учиб келганида ҳам қўшиқ айтишдан тўхтагани йўқ.

Кенг-мўл айвонда кечки овқатни тановул қилаётганида ҳам шундай бўлди, хитой хизматкор хўжайини ҳар икки луқма орасида қўшиқ айтаётганидан ажабланарди. Қуёш денгизга ботиб, тун ҳам кирди, Кеаве эса баланд соҳилдаги уйининг айвонларида фонуслар ёғдусида ҳануз айланиб юрар экан, қўшиғининг садолари шу яқин орадан сузиб ўтаётган кемалардаги денгизчилар кўнглига гулгула соларди.

“Мен юксак-юксакликларга кўтарилдим, — дерди Кеаве ўзига-ўзи. — Ҳаёт бундан ҳам гўзалроқ бўлиши мумкин эмас; мен тоғ чўққисиди турибман, бу ердан юқорига йўл йўқ — фақат пастга йўл бор, холос. Бугун илк бора барча хоналарни чироқ ёқиб чароғон қилишни буюраман, иссиқ-совуқ сувли чиройли ҳовузимда чўмилиман ва ётоқхонадаги никоҳ тўшагига ёлғиз ўзим ётаман”.

У хитой хизматкорини уйғотиб, ҳаммомни тайёрлашни буюрди, хизматкор пастда қозонга ўт қалар экан, хўжайини юқорида, чароғон хоналарда бахтдан энтикиб қўшиқ айтаётганини эшитиб турарди. Сув исиганида хизматкор хўжайинни чақирди ва Кеаве чўмилишга ўтди. Хизматкор хўжайини мрамар ҳовузга сув тўлдиратиб ҳам қўшиқ айтаётганини эшитиб турарди. Кейин қўшиқ бирдан узилди.

Хизматкор у яна янграшини бутун вужуди қулоққа айланиб кутиб тураверди ва охири, пастда турган жойидан хўжайинни чақириб, ҳамма нарса жойидами, деб сўради. Кеаве “ҳа” деди-да, хизматкорга ухлашни буюрди. Бироқ энди “Ярқироқ Уй”да қўшиқ бошқа эшитилмади. Хитой хизматкор унинг хўжайини бутун тунни бедор ўтказиб нақ тонгга қадар айвонларни кезиб юрганини сезиб турарди.

Ана энди нима гаплигини эшитинг. Кеаве чўмилиш учун ечинганида қояда йўсин пайдо бўлганидек танасида бир доғ пайдо бўлганини кўриб қолди. Ана шунда у қўшиқ айтишдан тўхтади. Негаки у йўсинга ўхшаш бу доғ нималигини биларди; “хитойча касал”га, оддийроқ қилиб айтганда, мохов дардига йўлиққанини англаб етганди.

Нимаям дердик, бундай хасталик – ҳар қандай одам учун катта бахтсизлик. Бундай аччиқ қисматга учраганлар ўзининг чиройли ва шинам уйини тарк этиши, барча ёр-дўстларидан айрилиши ҳамда Молокаи оролининг денгиз тўлқинлари яланг қояларга гулдурос билан урилиб ётган шимолий соҳилига кўчиб бориши керак.

Шўринг қурғур Кеаве бояқиш! Пешонасига битилган қайлиғини кунни кечагина топган, унинг муҳаббатига шу бугун эрталаб сазовор бўлганди-я! Мана энди жамики орзу-умидлари, ширин хаёллари шишадек чилпарчин бўлиб турибди!

У мармар ҳовуз лабида узоқ ўтирди, кейин фарёд билан оҳ уриб сакраб турди ва ташқарига отилди; ғам-ташвишлардан эзилган кўйи айвонларда яна узоқ вақт гирён кезинди.

“Аждодларимнинг ватани бўлган Гавайини тақдирга нола қилмай тарк этишим мумкин, – деб ўйларди Кеаве. – Қисматимга лом-мим демай бўйсуним, шу уйни, баланд соҳилда қад кўтарган кўп деразали шу ажойиб уйимни ҳам ташлаб кетишим мумкин. Заррача ношукурчилик қилмай, Молокаига, яланг қоялар орасида йўқолиб кетган ўша Клаунапауга йўл олишим, ўша ерда даҳшатли дардга мубтало бўлганлар орасида қолган умримни бир амаллаб яшаб ўтишим ва ўша ерда, ота-боболаримнинг еридан йироқ-йироқларда абадий уйкуга кетишим ҳам мумкин.

Бироқ қайси ёвуз ишларим учун, қайси гуноҳларим учун кунни кечагина Кокуани, денгизда чўмилиб, сувдан гул-гул яшнаб чиқиб келаётган шу қизни учратишим лозим эди? Оҳ, Кокуа, ҳаловатимни олган қиз! Ҳаётимнинг мазмунига айланган малак! Энди мен сени ҳеч қачон кўра олмайман, меникисан деб ҳеч қачон айта олмайман, энди ҳеч қачон бағримга босиб эркалата олмайман! Энди фақатгина сени деб, сени ўйлаб, куйиб-ёниб ўтаман, о, Кокуа!”

Кеаве қандай одамлигини энди тушуниб олгандирсиз. У ўзининг “Ярқироқ Уй”ида бир умр беғам-беташвиш яшаши мумкин эди, бедаво дардга чалинганидан ҳеч ким хабар топмасди. Аммо Кокуадан айрилганидан кейин бу ҳаётнинг нима қизиғи бор унга! У яна, касаллигини яшириб, Кокуага уйланиши ҳам мумкин эди, кўпчилик шундай қилган бўларди ҳам, чунки улар чиркин қалб эгаларидир. Бироқ Кеаве қизни мард эркакларга хос фидойилик билан севади, унинг ҳаётини хатарга қўйишни, дилига озор етказишни ҳатто халёга ҳам келтиролмайди.

Шу зайлда ўтирар экан, вақт ярим тундан ошган пайтида Кеаве бирданига шишани эслаб қолди. Кейин уйнинг орқа айвонига ўтиб, унинг сўрови билан шиша ичидаги шайтон ўзини кўрсатган кунни хотирасида тиклашга урина бошлади. Кеаве ўша кунни кўз олдига келтирди ва айни пайтда томирларида югураётган қон музлаб қолгандек туюлди.

“Бу шиша – даҳшатли нарса, – деб ўйларди у, – шайтон ҳам, жаҳаннам алангасида абадий ёниш ҳам даҳшат. Бироқ, бу дарди бедавондан фориг бўлишим ва Кокуага уйланишим учун бошқа қандай йўл бор, ахир? Начора, модомики, шу уй учунгина шайтонга боғланиб қолишдан чўчимаган эканман, Кокуага етиш йўлида унинг хизматидан яна бир бор фойдалансам нима бўлибди?”

Шу лаҳзада Кеаве “Нуҳ кемаси” айнан эртага Гонолулуга қайтишини эслаб қолди.

“Дарҳол Гонолулуга йўл олишим ва Локакани излаб топишим керак, – деб ўйлади у. – Энди бор-йўқ умидим ана шу шишадан. Бир вақтлари ундан қутулишни қанчалик хоҳлаган бўлсам, уни яна қўлга олишни шунчалик хоҳлайман”.

Кеаве шу кеча мижжа қоқмай чиқди, эрталаб томогидан бирон лўқма ўтмади. У шоша-пиша Кианога мактуб ёзди ва отга миниб, тоғ сўқмоғи бўйлаб, аждодлар хоки ётган қояни айланиб ўтиб, пастга — кема келадиган жойга тушиб борди. Ёмғир ёғар, от йўртиб борар, Кеаве эса горларнинг қоп-қоронғи оғзига тикилар экан, ичкарида қайғу-алам нималигини билмай, абадий уйқуга кетган марҳумларга ҳавас қиларди. Атиги бир кунгина аввал шу ердан шод-масрур ҳолда от чоптириб ўтганини эслар ва бунга ишонгиси келмасди.

Кеаве ана шу хаёллар билан Хоокенага етиб борди, у ерда эса одатдагидек, пароход келишини кутиб олгани ҳар томондан одам тўпланган эди. Ҳамма дўкон олдидаги бостирма остига жойлашган, ўзаро ҳазил-ҳузул қилиб, янгиликлардан гаплашиб ўтиришарди. Юрагини ит тирнаётган Кеавегина гап-сўзларга аралашмас, бошқалар қатори ўтирган кўйи томларни юваётган ёмғирга, қоялар оралиғида қайнаб ётган тўлқинларга тикилар, аҳён-аҳёнда оғир-оғир хўрсиниб кўярди.

— “Ярқироқ Уй”да яшовчи Кеавенинг бугун машқи пастроқ, — дея ўзаро шивирлашарди одамлар. Начора, чиндан ҳам шундай, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди.

Шундан сўнг пароход келди ва Кеаве қайиқда унга етиб олди. Кеманинг кўйруқ қисми хаоле — оқ танлиларга тўла, улар ўз одатлари бўйича вулқон отилишини томоша қилгани келишган. Палубанинг ўрта қисмига канак¹лар текилиб кетган, тумшук қисми эса Хилодан келтирилаётган ёввойи буқалар ва Каюдан олинган отлар билан банд.

Фам-ғуссадан эзилган Кеаве ҳеч кимга аралашмай бир чеккада ўтирар, соҳилда Кианонинг уйи қачон кўринишини кутарди. Мана, шундоққина денгиз қирғоғида, қоп-қора қоялар оралиғида, кокос палмалари соясидаги уй кўринди. Эшик олдида эса узоқдан худди капалакдек бўлиб қизил юбка кўзга ташланар, у баайни ҳақиқий капалакдек учиб кўнар, тинмай парвоз қилар эди.

— О, қалбим соҳибаси! — дея хитоб қилди Кеаве. — Сенга етишиш йўлида мен иймонимни сотишга ҳам тайёрман!

Тез орада кеч кирди, каюталарда чироқлар ёқирилиб, хаоле² ўз одатларига кўра виски ичиб, қарта ўйнашга киришди. Кеаве эса бутун тунни ва эртасига пароход Маун ва Молокаиани айланиб ўтар экан, бутун кунни ҳам палубани кезиб ўтказди. Бир ерда тинч ўтиролмас, қафасга тушиб қолган қоплон мисоли безовталаниб, ўзини қаерга кўйишни билмасди.

Қош қорайган маҳалда улар Олмос Бурундан ўтиб, Гонулулу гаванига кириб боришди. Кеаве йўловчилар оломони билан биргаликда соҳилга тушди ва шу заҳотиёқ Лопакани излашга киришди. Бироқ маълум бўлишича, Лопака шхуна сотиб олиб — бунақа чиройлиси бутун ороларда йўқ эмиш! — қаергадир олис сафарга: Пола-полагами ёки Кахникигами, жўнаб кетибди. Энди уни топиш амримаҳол эди.

Шу ўринда Кеаве Лопаканинг бир дўсти — шу шаҳарда яшовчи саркорни (исмини айтмай кўя қолай) эслаб қолиб, ўшани суриштира бошлади. Унга айтишларича, бу одам бирданига ниҳоятда бойиб кетибди ва ўзига Вайкини соҳилидан чиройли бир янги уй сотиб олибди. Бу хабар Кеавени ўйлантириб қўйди ва у извош ёллаб, ўша уйни излаб кетди.

Уй ҳам, боғ ҳам яп-янги, эндигина барпо қилингани яққол кўришиб турар, уй эгаси ҳам мамнун-шод қиёфада эди.

¹ К а н а к л а р — Тинч океандаги ороларнинг туб аҳолиси.

² Х а о л е — маҳаллий аҳоли.

– Хўш, хизмат? – деб сўради у.

– Сиз Лопаканинг дўстисиз, – деди Кеаве, – у эса мендан бир нарсани сотиб олганди. Ўша нарсани излаб топишимда менга ёрдам берарсиз, деган умидда келувдим.

Уй эгасининг чехраси шу заҳотиёқ тундлашди.

– Мистер Кеаве, – деди у. – Ўзимни овсарликка солиб, гап нима ҳақида бораётганини билмаётгандек кўрсатмай қўя қолай. Бу иш гоят шубҳали ва охири бахайр бўлмаслиги аниқ, фақат, ишонинг, мен аниқ бир нарса айтолмайман, лекин айрим нарсаларни тахмин қилишим мумкин. Менимча, баъзи жойлардан сўраб-суриштириб, кўшимча нарсаларни билиб олишингиз мумкин, деб ўйлайман.

У шундай деб Кеавага бир одамнинг номини айтди, келинг, уни ҳам ошкор этмай қўя қолайлик. У ёғига шу зайлда кетаверди, Кеаве Худонинг берган куни бир одамдан иккинчисига борар, у эса ўз навба-тида яна бошқасига йўллар эди. У ҳамма жойда янги либосларни ва янги экипажларни, чиройли янги уйларни ва бағоят бахтли одамларни учратарди. Бироқ Кеаве нима иш билан келганини айтган заҳотиёқ бу одамларнинг шодон чехрасини гўё кўланка қошлаб олгандек бўларди.

“Шишанинг изига тушганим аниқ, – деб ўйларди Кеаве. – Мана шу бойликларнинг бари – шайтоннинг тухфаси, бу одамларнинг мамнун қиёфаси эса улар хоҳлаган нарсаларини қўлга киритгач, лаънати шишадан эсон-омон қутулиб олганларидан далолат беради. Қачонки рангпар чехрани учратсам ва оғир хўрсинишларни эшитсам, ана ўшандагина мақсадимга яқинлашган бўламан”.

Ва ниҳоят, Кеавени Беритания-стритда яшовчи оқ танли бир одамнинг уйига йўллашди. Кеаве у ерга етиб борганида кечки овқат маҳали бўлиб қолганди. Бу жойда ҳам у одатдагидек янги уйни, янги боғни, электр чироқларидан чароғон деразаларни кўрди. Бироқ уй эгаси чиқиб келганида Кеавенинг юраги орқасига тортиб кетди, чунки унинг қаршисида кўзлари киртайиб, ич-ичига тушган, сочлари паришон, ранги мурданикидек оппоқ бир ўсмир турарди. Унинг қиёфаси бошдан-оёқ худди ўлимга ҳукм қилинган одамнинг қиёфасини эслатарди.

“Шиша шу ердалиги аниқ”, – деб ўйлади Кеаве ва бу одамнинг олдида ўз ниятини яшириб ўтирмади.

– Мен шишани сотиб олгани келдим, – деди у.

Беритания-стритда яшовчи оқ танли ўсмир бу гапни эшитиб, каловланиб қолди ва беихтиёр деворга суянди.

– Шиша дейсизми? – шивирлади у. – Сотиб олмоқчимисиз? – У бўғилиб овози чиқмай қолди, кейин Кеавенинг қўлидан маҳкам чангаллаганича ичкарига судраб кирди, сўнгра иккита стаканни олиб, шаробга тўлдирди.

Ўз вақтида оқ танлилар билан кўп ош-қатиқ бўлиб кўникиб қолган Кеаве тортиниб ўтирмади.

– Саломат бўлсинлар! – деб ичиб юборди ва кейин қўшиб қўйди: – Ҳа, мен шишани сотиб олгани келдим. Баҳоси қанча ҳозир?

Ўсмир бу гапни эшитиб, қўлидаги стаканни тушириб юборди, сўнгра Кеавага худди арвоҳни кўраётгандек қараб қолди.

– Баҳоси? – аранг хитоб қилди у. – Қанча дейсизми? Нима, унинг нархини билмайсизми ҳали?

– Билганимда сўраб ўтирармидим, – эътироз қилди Кеаве. – Лекин бунинг нимаси сизни хавотирга соляпти? Шишанинг нархига бир бало бўлгани йўқми, ишқилиб?

– Унинг нархи жудаям тушиб кетган, мистер Кеаве, – йигитга тутила-тутила аранг сўзларди.

— Нима бўпти, камроқ тўлар эканман-да, — деди Кеаве. — Уни қанчага олгандингиз ўзи?

Ўсмирнинг ранги докадек оқариб кетганди.

— Икки центга, — пичирлади у.

— Нима? — деди қичқириб юборди Кеаве. — Икки центга дейсизми? Шошманг, бундан чиқди, сиз энди шишани фақат бир центга сота оласиз, тўгрими? Уни сотиб олган одам эса... — Кеавенинг нафаси ичига тушиб кетди. — Демакки, бу шишани сотиб олган одам уни ҳеч қачон бошқа бировга сота олмайди! Шиша ҳам, ичидаги шайтон ўша бадбахтнинг қўлида ўла-ўлгунича қолади, бояқиш омонатини топшириши биланоқ уни дўзахга судраб кетишади!

Беритания-стритда яшовчи оқ танли ўсмир Кеавенинг олдида тиз чўкди.

— Худо ҳақи ўтинаман, уни сотиб олинг! — деб ёлворарди у. — Унинг ёнига қўшиб бор бойлигимни ҳам берай. Шишани шу нархда сотиб олганимда телбанинг ўзи эдим. Давлатнинг пулини ўзлаштириб қўйгандим ўшанда, агар шу шишани сотиб олмаганимда турмага қамалишим тайин эди.

— Оҳ, бечора-я! — деди Кеаве. — Қинғир ишинг учун қонуний жазо олишдан қочиб, шу даҳшатли ишга қўл ургансан, иймонингни сотгансан! Шундай экан, муҳаббат кутиб турган пайтда мен иккиланиб ўтирайми? Қани, ол шишани, қайтимни ҳам бер — уни тайёр қилиб қўйганингни биламан. Мана сенга беш центлик танга!

Кеаве тўғри топган, ўсмир стол тортмасида қайтимни тайёрлаб қўйган экан. Шиша қўлдан-қўлга ўтди ва бармоқлари унинг ингичка бўйнидан тутган заҳотиёқ Кеаве шайтонга шипшиб, даҳшатли касалликдан халос бўлиш истагини билдирди. У ёғига нима бўлди, деб ўйлайсиз? У меҳмонхонадаги хонасига қайтиши биланоқ ечиниб, баданини кўзгуга тутди: териси худди чақалоқникидек топ-тоза эди.

Бироқ ғалати ҳол юз берди, шу мўъжиза амалга ошган заҳотиёқ Кеавенинг қалбида ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди. Энди унинг назарида моховлик дарди ҳам арзимагандек туюлар, ҳатто Кокуани ҳам деярли эсламай қўйганди. Энди яккаю ягона бир фикр унга тинчлик бермас — иблис ва шиша билан умрининг охиригача боғланиб қолганини, жаҳаннамнинг абадий алангаси ҳамда оташ чўғларидан энди уни ҳеч нима қутқара олмаслигини ўйлагани-ўйлаган эди. Унинг кўз ўнгида дўзах олови ловулагани-ловулаган, қалби карахт ҳолга келиб, бутун ёруғ дунё зимзиё зулмат бўлиб кўринарди.

Кеаве бирмунча ўзига келганида кеч кирган, меҳмонхонада оркестр куй-қўшиқ ижро этишни бошлаган эди. У мусиқа оҳанглари томон юрди, чунки ўзининг ғам-ташвишлари билан ёлғиз қолишдан чўчирди. Ўша ерда, шодон чехрали одамлар орасида ҳаловат билмай дайдиб юрар экан, мусиқа садолари гоҳ баландлашиб, гоҳ паясишини эшитар, дирижёр қўлидаги таёқчасини садоларга монанд ҳолда ўйнатишини кўрарди. Аммо доимо қулоқларига дўзах алангасининг гувиллаши эшитилар, кўзларига жаҳаннамнинг қоп-қора қаъридан отилиб чиқаётган олов тиллари кўринарди, холос.

Шу пайт оркестр “Ки-ки-ао-ао” қўшиғини бошлаб юборди. Бу қўшиқни Кеаве Кокуа билан биргаликда кўп бора куйлаганди, мана энди таниш оҳанглар унга далда бераётгандек бўлди.

“Ўтган ишга саловат, — деб ўйлади у, — шу ишга жазм этибманми, лоақал бирон фойдаси тегсин”.

Кеаве биринчи пороходда Гавайига қайтди ва пайсалга солиб ўтирмай Кокуа билан тўйини ўтказди, кейин уни тоғлар чўққисида қад кўтарган “Ярқироқ Уй” ига олиб келди.

Хулласи калом, Кеаве билан Кокуа бирга яшай бошлашди. Икковлари биргалик пайтларида Кеавенинг дард-гамлари бироз пасайгандек бўлар, аммо ёлғиз ўзи қолди дегунча, яна даҳшатли фикрлар унинг бутун борлигини исканжага олиб тилкалай бошлар, яна қулоқларига дўзах алангасининг гувиллаши эшитилар, кўзларига жаҳаннам қаъридан отилиб чиқаётган аланга тиллари кўринаверарди.

Қиз эса бутун борлиги билан Кеавега боғланиб қолди, уни кўрди дегунча қалби ўз-ўзидан куйлаб кетар, қўллари унинг қўлларига интилларди. Кокуа бошдан-оёқ шу қадар очилиб-яшнаб кетган эдики, бу бекиёс гўзалликка кўзи тушган одам шодон табассум қилмай туролмасди. Қиз ниҳоятда мулойим, очикқўнгил, ҳар қандай одам учун бир оғиз ширин сўз топа оларди.

Кокуа кўплаб кўшиқларни билар, “Ярқироқ Уй”нинг уччала қавати бўйлаб қушчадек учиб-кўниб куйлар, шу ердаги ҳамма нарсадан ҳам ўзи кўпроқ ярақлаб кўринарди. Кеаве унга қараб, кўшиқларини эшитиб, бахтидан антиқар, кейин эса бироқ пастқам, кўздан пана жой топиб, яна изтиробларга берилар, бу бахт унга қанчалик қимматга тушганини ўйлаб, юрак-бағри пора-пора бўлар, оҳ уриб, фарёд чекарди.

Кейин яна кўз ёшларини қуритиб, юзларини чайиб, Кокуанинг ёнига келар, кенг-мўл айвонда унинг ёнида ўтириб, кўшиғига жўр бўлар, ичини ит тирнаб турган бўлса ҳам унинг табассумига табассум билан жавоб қайтарар эди.

Бироқ аста-секин вақт ўтиб, шундай кунлар келдики, Кокуа уй бўйлаб авваллари каби капалакдек парвоз қилмай қўйди. Кўшиқ айтишлари ҳам анча камайиб қолди. Эндиликда Кеавенинг ўзигина бирон бурчакда оҳ-воҳ қилмас, икковлари ҳам бир-бирларидан узоқлашишга уринишар, шундоқ маҳобатли “Ярқироқ Уй”нинг қарама-қарши икки чеккасидаги айвонларда ўтиришар эди.

Кеаве ўзининг дарди дунёсига шу қадар шўнғиб кетгандики, бу ўзгаришларни деярли сезмас, ва аксинча, ёлғиз ўзи қолишига ва аччиқ қисматини ўйлаб эзилишига имкон кўпроқ қолаётганидан хурсанд ҳам эди. Негаки, юрак-бағри лов-лов ёнаётган пайтда ҳам ҳадеганда ўзини мажбурлаб кулишига ҳожат йўқ-да, энди!

Бироқ бир гал у уй бўйлаб оҳиста кезиниб юрганида худди бола йиғлаётгандек бўлиб туюлди. Бориб қарасаки — Кокуа юзтубан тушиб, айвоннинг тош саҳнига бош уриб, зор-зор йиғлаб ётибди.

— Тўғри қиласан, Кокуа, бу уй гурбатхонанинг ўзи, — деди Кеаве. — Лекин ҳар қалай, лоақал сен бахтли бўлишинг учун умримнинг ярмидан бажонидил воз кечган бўлардим.

— Бахт эмиш-а! — хитоб қилди Кокуа. — “Ярқироқ Уй”ингда ёлғиз ўзинг яшаётган маҳалларинг ҳамма сени оролдаги энг бахтли одам деб биларди. Чунки чехрангдан табассум аримас, тилингдан кўшиқ тушмас, қиёфанг бошдан-оёқ тонг шафағидай чароғон эди. Кейин сен бечора Кокуага уйландинг-у — у сенга нимаси билан ёқмай қолгани ёлғиз Худога аён! — ўшандан буён шод-хуррамлик сени тарк этди. О, Парвардигор! — дея қичқириб юборди Кокуа. — Нима ёмон иш қилдим, ахир?! Мен гўзалман ва ўзимнинг Кеавемни қаттиқ севаман, деб ўйлардим. Хўш, айбим нима? Эримнинг ҳаётига қандай ташвиш-андух келтирдим?

— Кокуа бояқиш, — деди Кеаве. Кейин унинг ёнига ўтириб, қўлини олмоқчи бўлувди, қиз қўлини тортиб олди. — Кокуа бояқиш, — дея такрорлади у яна. — Бечорагинам... Тенгсиз гўзалим. Ҳолбуки, мен сени гам-қайғудан асраб қолишни ўйлагандим. Начора, мана энди ҳамма нарсани биласан-қўясан. Балки ўшанда шўрпешана Кеавега

лоақал ачинарсан; балки ўшанда у сени қанчалик қаттиқ севганини, сенга етишиш учун ҳатто дўзахдан ҳам қўрқмаганини тушуниб етарсан. Шу бахтсиз, абадий азобга маҳкум одам сени ҳали-ҳануз қаттиқ севишини, сени кўрганида кулишга ҳамон ҳоли келишини балки ўшанда англай оларсан.

Кеаве шундай дегач, бор гапнинг ҳаммасини, ҳеч нарсани яширмай айтиб берди.

— О Худо, шу ишларни сен ҳали мен учун қилдингми?! — дея оҳ уриб юборди Кокуа. — У ҳолда хавотирланишга менда ҳеч қандай асос йўқ экан! — У шундай деб эрининг бўйнига осилди ва қувончшодлик ёшларини тўка бошлади.

— О фариштагинам-а! — хитоб қилди Кеаве. — Дўзах алангасини ўйлаганимда хавотирланиш учун менда асос бор-да!

— Бундай дема, — деди қиз. — Айбинг бўлмай туриб, садоқатли Кокуангга муҳаббатингнинг ўзи учунгина охиратинг куйиши мумкин эмас. Менга қара, Кеаве: сени мана шу қўлларим билан қутқараман ёки сен билан биргаликда ҳалок бўламан. О Кеаве! Сен мени шу қадар севар экансанми, бу йўлда ҳатто иймонингни сотибсан, шундай экан, сени халос қилиш учун мен ўз ҳаётимни қурбон қилсам арзимайдими?

— Эҳ, менинг қушчагинам-а, сен ўз ҳаётингни юз марта қурбон қилишинг мумкин, аммо бу бирон нимани ўзгартира олармиди? — дея оҳ урди Кеаве. — То ҳисоб-китоб пайти келмагунча мен қолган умримни ёлғизликда ўтказишга маҳкуман, ахир!

— Сен ҳеч балони тушунмаяпсан, — эътироз билдирди Кокуа. — Мен оддий, бесавод қиз эмасман — Гонолулудаги мактабда ўқиганман. Сенга айтаяпман-ку, мен севимли эримни қутқариб қоламан. Сен бир цент деддингми? Бироқ дунёда муомалада бўлган пуллар фақат Американики эмас-ку! Англияда, масалан, фартинг деб аталувчи танга бор, қийматига кўра бир центнинг деярли ярмига тенг келади.

— Йўқ, йўқ, буям тўғри келмасакан! — дея хитоб қилди Кокуа. — Бу бизга ёрдам беролмайди: чунки шишани бир фартингга сотиб олган одам тамом бўлди деявер, сабаби — менинг Кеавеимга ўхшаган яна бир довюрак одам топилиши даргумон!

Лекин яна Франция ҳам бор, у ерда сантим деб аталувчи чақа танга муомалада юради, бир центга улардан беш-олтитасини беради. Бундан яхшироқ усулни ўйлаб тополмаймиз. Сафарга отлан, Кеаве, француз оролларига йўл оламиз. Кемага чиқсак, тез орада Таитига етиб борамиз. У ерда эса шишани тўрт сантимга, уч, икки, бир сантимга сотиш ҳам мумкин. Бир ўйлаб кўргин-а, шишани яна тўрт марта сотиш имконияти бор, бу иш билан шугулланиш учун эса биз энди бир киши эмас, икки кишимиз! Кеаегинам, энди мени бир ўпиб қўйгин-да, ғам-ғуссаларингни йиғиштир. Кокуанг сени кулфатда ташлаб қўймайди.

— Сени менга Худонинг ўзи етказди! — дея хитоб қилди Кеаве. — Сендек хазинага етишишни орзу қилганим учунгина Худо мени жазолаши мумкинлигига ишонмайман! Ҳаммаси сен айтганча бўла қолсин: қаерга десанг кетавераман, ўз ҳаётимни ҳам, иймон-охиратим тақдирини ҳам ўзингга ишониб топширдим.

Эртасига эрталабданоқ Кокуа сафарга тараддуд кўра бошлади; Кеаве денгиз сафарларида ўзи билан олиб юрадиган сандиқчани топиб, авваламбор унинг энг тубига, бир бурчагига шишани тикди, устидан эса энг қимматбаҳо кийимларни, уйда бўлган энг гаройиб ўйинчоқларни жойлаштирди.

– Ҳамма бизни бой-бадавлат деб ҳисоблаши керак, – деди у, – акс ҳолда сирли шишага ким ҳам ишонарди, ахир!

Кокуа йўлга отланар экан, ҳамиша қушдек шод-хандон эди, фақат баъзида эрига киши билмас кўз қирини ташлаганида беихтиёр кўзларига ёш қуйилиб келар, кейин югургилаб ёнига бориб, уни меҳр билан ўпиб қўярди.

Кеавенинг эса елкасидан тоғ ағдарилгандек эди; энди, сирини Кокуага очганидан кейин унинг олдида умид учқунлари милтиллагандек бўлди; у гўё қайта туғилгандек яна шахдам қадам ташлар, хўрсинишлари ҳам қолган эди. Бироқ барибир қўрқув уни бутунлай тарк этмаган; вақти-вақти билан, шамнинг заиф алангаси шамол эпкинисида ўтаётгандек, унинг умидлари ҳам ўча бошлар, шунда яна кўз ўнгида дўзах алангаси гувиллар, олов тиллари лопиллаб турарди.

Улар шу заҳотиёқ кўнгил ёзиш учун Штатлар бўйлаб саёҳатга йўл олаётганлари ҳақида овоза тарқатишди ва ҳамма бундан жудаям ажабланди, лекин кимдир асл ҳақиқатдан хабар топганида ҳайрати янада ортиши турган гап эди. Хуллас, Кеаве билан Кокуа “Нуҳ кемаси”да Гонолулуга, у ердан эса оқ танли йўловчилар оломони билан биргаликда “Уматилла”да Сан-Францискога йўл олишди.

У ердан “Тропиклар қуши” номли почта бригадинасига чиқиб, французларнинг Жанубий ороллардаги бош қароргоҳи бўлган Папелетсга етиб келишди. Саёҳат кўнгилдагидек кетди ва улар йўлакай пассат ёрдамида қуёшли бир кунда кўзлаган манзилларига келиб тушишди.

Бу ерда тўлқинлар Маржон оролларига бош уриб ётар; Мотпутининг юксак палмалари; соҳил ёқалаб оҳиста сузаётган шхуна; денгизнинг шундоққина ёқасида, ям-яшил дарахтлар соясида ястаниб ётган шаҳарнинг оппоқ-оппоқ уйлари кўзга ташланар; уларнинг ортида эса Донишмандлар ороллари – Таитининг пурвиқор тоғлари кўкка бўй чўзган, булутлар савлат тўкиб сузиб юришарди.

Икковлари маслаҳатлашиб, биронта уйни ижарага олган маъқулроқ, деган тўхтамга келишди. Улар шундай қилишди ва пулларини ҳаммага кўз-кўз қилиш, отлари ва экипажлари билан бошқаларнинг диққатини тортиш учун Англия консулхонасининг рўпарасидан бир уй олиб жойлашишди.

Буларнинг бари осон кечди, чунки уларда шиша бор, Кокуа эса Кеаведан анча дадилроқ бўлиб, ҳали у сабаб, ҳали бу сабаб шайтондан гоҳ йигирма доллар, гоҳ юз доллар талаб қилаверарди. Шу тариқа улар тез орада бутун шаҳарга ном чиқаришди, келгинди гавайиликлар, уларнинг отлари ва экипажлари, Кокуанинг анвойи либосларию қимматбаҳо тақинчоқлари ҳақидаги гап-сўзлар кўпайгандан-кўпайиб бораверди.

Улар танги тилини анча тез ўрганиб олишди, чунки у моҳиятан гавайи тилига бағоят ўхшаб кетар, фақат айрим товушлари билангина фарқланарди. Тил ўрганиб олишгач эса шу заҳотиёқ одамларга ўз шишаларини таклиф эта бошлашди. Лекин ўзингиз, албатта, тушуниб тургандирсиз, бунақа ишга ҳатто киришишнинг ўзи ҳам унчалик осон эмасди.

Ниятингиз жиддий эканига – ёшлик соғломлиги ва битмас-туганмас бойлик манбаини атиги тўрт сантиметга сотишга тайёр эканлигингизга одамларни ишонтириш бағоят машаққатли экан. Айни пайтда шиша ичига яширинган хавф-хатарлар тўғрисида ҳам гапиришга тўғри келар, шундан кейин одамлар ё уларнинг сўзларига мутлақо ишонмай қўйиб, очиччасига кулишар, ёки бунақанги шубҳали битимдан қўрқиб, чехралари тундлашар ва Шайтон билан боғланиб

қолган Кеаве ҳамда Кокуанинг ёнидан тезроқ нари кетишга ошиқишарди.

Шишани сотиш йўлида заррача омадлари келмаётган эр-хотин қўп ўтмай шаҳар аҳолиси улардан ўзини олиб қочаётганини пайқаб қолишди. Болалар уларни кўрганда чинқириб, ҳар томонга қочишар, бу эса Кокуанинг юрагига ўтқир ханжардек санчиларди. Эр-хотинга дуч келган католиклар худди шайтонга учрагандек чўқиниб олишарди. Бора-бора каттаю кичик барча ўзаро келишиб олгандек улардан иложи борича нарироқ юрадиган бўлди.

Эр-хотиннинг руҳи тушиб кетди. Улар кунни ғам-ташвишдан эзилиб ўтказишар, тунлари эса ўзларининг янги уйларида мижжа қоқмай, бир-бирларига ҳатто бир оғиз сўз қотмай чиқишарди. Бу сукунатни гоҳ-гоҳида Кокуанинг тўсатдан ўкраб-ўкраб йиғлаб юборишлари бузарди, холос.

Баъзан улар Парвардигорга ибодат қилишар; айрим ҳолларда шишани олиб ўртага қўйишар ва унинг ичидаги бешакл соя бетиним липиллашига қараганча, бутун оқшомни шу алфозда ўтказишарди. Шундай лаҳзаларда кўрқув уларни дам олишга қўймас; киприкларига уйку илинмасди. Мабодо биронтаси мудраб кетса ҳам уйғонганида қоронгулик бағридан келаётган бўғиқ йиғи товушини эшитар ёки ўзи ёлғиз қолганини кўрарди.

Зотан, уларнинг ҳар бири уйдан қочиб чиқишга, шишадан имкон қадар йироқроқ бўлишга интиларди. Мўъжазгина боғдаги бананлар остида ёки ойдин кечада денгиз соҳилида айланиб юришни маъқул кўрарди.

Бир куни тунда ана шундай бўлди — Кокуа уйғонганида Кеаве кўринмасди. У ёнини пайпаслаб чиқди, ўрни совиб улгурганига қараганда эри чиқиб кетганига анча бўлганга ўхшарди. Кокуани кўрқув босди, у ўрнидан туриб ўтирди. Дераза қопқоғининг тирқишларидан ичкарига Ойнинг заиф нури тушаяпти. Унинг хонани ёритган ёғдусида Кокуа полда турган шишани кўрди.

Ташқарида бўрон гувиллар, уй олдидаги баланд дарахтлар кучли шамол остида аянчли гичирлар, шохлардан узилиб тушаётган япроқлар айвон саҳнида шитирларди. Бироқ шу шовқин ичида Кокуа бошқа товушларни ҳам илғай олди.

Боғ тарафдан одамнингми, ҳайвоннингми, баайни ўлим олдидаги даҳшатли ингроқлари эшитилардики, бу товушлар Кокуанинг нақ юрак-бағрига тиг бўлиб санчилди. У оҳиста ўрнидан туриб эшикни очди ва Ой нурига чўмилган боғга назар ташлади. У ерда, банан дарахти тагида Кеаве юзтубан тушиб ётар, кўксидан фарёд, ингроқ отилиб чиқарди.

Кокуа эрининг ёнига югуриб бориб овутгиси келди, аммо ногаҳоний бир янги фикр уни тўхтатиб қолди. Кеаве унинг назарида доимо мард ва жасур кўринишга уришиб келганди, бинобарин, энди Кокуа унинг заифлик, ожизлик лаҳзаларига, уят-номусига гувоҳ бўлиб қолиши умуман тўғри келмайди. Ана шу фикр уни уйга қайтарди.

“Эй, Парвардигор! — деб ўйлади Кокуа. — Намунча беғам, намунча тубан кимса бўлмасам-а! Ахир, жаҳаннам азоби менга эмас, унга таҳдид солаяпти-ку; иймонидан айрилиб, абадий қарғишга мубтало бўлган мен эмас, у-ку, ахир! Мени деб, мендек бир аянчли, ожиз аёлга бўлган муҳаббатини деб у энди кўз ўнгида жаҳаннамнинг ўтли қопқаларини кўраяпти; ойдин кечада, ғир-ғир шамоллар қўйнида ётган жойида дўзахнинг бадбўй, қўланса тутунларини симираяпти!

Мен эса — мен! — ҳафтафаҳм ва тошбағир аёл бурчим нимада эканлигини шу пайтгача англаб етолмасам-а! Балки англаб ета олгандирман-у, ундан ўзимни олиб қочгандирман? Бироқ мана энди, фурсатни бой бермай туриб, муҳаббат йўлида мен ўз иймонимни ўз қўлим билан қурбон қиламан! Жаннатга элтувчи оппоқ пиллапояларга, у ерда мени кутиб турган қадрдон ёр-дўстларимга энди мен “Алвидо!” дейман! Муҳаббатга муҳаббат билан жавоб қайтариш керак, менинг муҳаббатим ҳам унинг муҳаббатига тенг келсин илоё! У мени деб охиратидан кечибдими, унинг ўрнига менинг охиратим куя қолсин!”

Кокуа чаққон-эпчил аёл эди, бир зумда кийиниб бўлди. Кейин чақа тангаларни олди — бу бебаҳо сантимларни улар доимо тайёр ҳолда сақлашарди. Бу тангалар муомалада кам юргани учун уларни банкдан захира қилиб олишганди. Кокуа кўчага чиққанида осмонда шамол булутларни ҳайдаб юрар, улар эса Ой юзини тўсиб қўйишган эди. Бутун шаҳар уйқуда, аёл қаерга боришни билмасди, шу пайт дарахтлар остидаги қоронғиликда кимдир йўталаётганини эшитиб қолди.

— Қария, — деди Кокуа, — ҳаво айниган шундай кечада сиз бу ерда нима қилаяпсиз ўзи?

Чол бетиним йўталар, қийинчилик билан сўзларди, лекин ҳар қалай Кокуа у қашшоқ ва кексалигини, бу ерларда мусофир эканлигини тушуна олди.

— Менга бир ёрдам кўрсата олмайсизми? — деб сўради Кокуа. — Бу ерларга иккаламиз ҳам бегона эканмиз. Гавайи қизидан кўмагингни дариф тутманг...

— Э, бу сенмидинг — саккизта оролдан келган жодугар? — деди қария. — Ҳатто мендек бир кекса одамни ҳам тузоғингга илинтиришни хоҳлаб қолдингми ҳали? Бироқ мен сен ҳақингда аллақачонлар эшитганман ва ёвуз жодуларингдан кўрқадиган жойим йўқ.

— Кел, бирпас ўтирайлик ва мен сенга бир воқеани ҳикоя қилиб берай, — деди Кокуа ва Кеавенинг бошига тушган балою кулфатларни бошдан-оёқ айтиб берди.

— Хуллас, мен унинг хотиниман ва у бечора менга етишиш учунгина абадий барҳаёт руҳини шайтонга сотишга мажбур бўлган. Хўш, энди мен нима қилишим керак? Шишани менга сотишини ўзим сўрагудек бўлсам, у албатта рози бўлмайди. Лекин шу таклифни агар сен айтсанг, у жон-жон деб кўнади. Мен эса сени шу ерда кутиб тураман. Сен шишани тўрт сантимга сотиб оласан, мен уни сендан уч сантимга сотиб оламан. Мен бахтиқарога Парвардигорнинг ўзи мадад берсин!

— Мабодо мени алдагудек бўлсанг, Худо жонингни олсин, — деди қария.

— Майли, ола қолсин! — дея қичқирди Кокуа. — Ваъдамдан асло шубҳаланма, қария! Сени алдашимга Парвардигорнинг ўзи йўл қўймайди.

— У ҳолда менга тўрт сантим бергин-да, шу ерда кутиб тур.

Бироқ кўчада ёлғиз ўзи қолганидан кейин Кокуани кўрқув босди. Шамол дарахтлар тепасида увиллар, бу эса аёлга дўзах алангасининг гувиллаши бўлиб эшитиларди. Кўча фонуси ёғдусида соялар тебрана, бу эса аёл назарида шайтоннинг даҳшатли чангаллари у томонга чўзилаётгандек бўлиб туюларди.

Кокуанинг мадори етганида дод солиб қочиб қолган бўларди, аммо нафаси қайтиб кетди. На қичқиришга ва на жойидан кўзгалишга ма-

жоли бор, кўча ўртасида худди кўрқиб кетган гўдакдек дағ-дағ қалтираганича турарди.

Шу пайтда у қария қайтиб келаётганини ва қўлида шиша борлигини кўрди.

— Мен илтимосингни бажардим, — деди чол. — Уйдан чиқиб кетаётганимда эринг азбаройи қувонганидан ёш боладек йиғлаб юборди. Бу кеча у энди хотиржам ухлайди. — Қария шундай деб шишани Кокуага узатди.

— Шошмай тур, — аёл нафаси бўғилиб, аранг гапирарди. — Модоники шайтоний кучга боғланиб қолибсанми, бу ишинг беҳуда кетмаслиги учун сенам бирон фойда ол. Шишани менга беришингдан аввал унга сени йўталдан қутқаришини буюр.

— Мен бир кекса одам бўлсам, — деди чол, — бир оёғим гўрда турган пайтда иблисинг марҳаматига муҳтож эмасман. Хўш, сенга нима бўлди? Шишани нега олмаяпсан? Ё фикрингдан қайтиб қолдингми?

— Йўқ-йўқ, қайтганим йўқ! — дея хитоб этди Кокуа. — Шунчаки бир заифа аёлман. Андак сабр қилгин. Шу лаънати шиша қаршисида бошдан-оёқ кўркувдан титрайпман, уни олгани кўлим бормаяпти асло. Яна бироз кутиб тургин, мен ўзимга келиб олай.

Қария Кокуага ачиниш билан қаради.

— Ҳа бечорагина-я! Бутун борлигини даҳшат қамраб олган, юрагинг балою қулфатларни сезаяпти чоғи. Бўпти, шиша менда қолаверсин. Ошимни ошаб, ёшимни яшаб бўлдим, бу дунёдан кутадиған қувончларим ҳам қолмаган, энди у дунёга келсак...

— Бер менга уни! — деб қичқириб юборди Кокуа. — Ол пулингни. Мени шунчалик пасткашликка боради, деб ўйлаганимидинг ҳали? Шишани узат менга.

— Сени Парвардигор ўз паноҳида сақласин! — деди қария.

Кокуа шишани холокуси остига яшириб, чол билан хайрлашгач, боши оққан томонга қараб кетди. Чунки энди унга ҳамма йўллар барибир — бари дўзахга олиб борарди. Аёл гоҳ юриб, гоҳ югурар, баъзан мусибатга тўлуғ фарёди тун бағрини тилкалаб ўтар, баъзан эса йўл ёқасида ерга юзгубан тушиб ётганча оҳиста йиғларди.

Жаҳаннам ҳақида шу пайтгача нималарники эшитган бўлса, ҳамма-хаммаси кўз ўнгида гавдаланарди. У аланганинг олов тилларини кўрар, олтингугурт ҳидини сезар, чўғлар оташи гулдек баданини жизганак қилаётганини ҳис этарди.

Фақат тонг саҳарга борибгина у ҳушини йиғиштириб олди ва уйига қайтди. Бу ерда барча нарса қария айтганидек экан: Кеаве худди бешикдаги чақалоқдек ширингина ухлаб ётарди. Кокуа унга қараганича туриб қолди.

“Мана энди, эржоним, хотиржам ухлаш учун сенинг галинг келди, — деб ўйлади у. — Уйғонганингда эса истаганингча ўйнаб-қулишинг мумкин. Бироқ бояқиш Кокуа учун — гарчи у ҳеч кимга ёмонлик қилмаган бўлса ҳам! — энди на ҳаловат, на фароғат бор. Энди у ерда ҳам, осмонда ҳам рўшнолик кўрмайди”.

Кокуа шу ўй-хаёллар билан эрининг ёнига чўзилди ва ғам-ташвиш эзиб ташлаган чоғи, шу лаҳзадаёқ чуқур уйқуга кетди.

Эр хотинини уйғотиб, ажойиб янгиликдан хабар берганида кун пешинга яқинлашиб қолган эди. Кеаве қувонч-шодликдан нақ телбаланиб қолгандек эди. Кокуанинг тили айланмас, аммо бунинг аҳамияти йўқ: эри ҳар икковлари учун ҳам бетиним сўзларди. Аёлнинг томоғидан бир луқма ҳам ўтмади, лекин буни ким

хам пайқарди дейсиз! Кеаве ёлғиз ўзи барча таомни паққос тушириб қўйди.

Кокуа унга қараб турар, гапларини гўё тушида эшитаётгандек эди. Қандай даҳшатли ҳодиса юз берганини аёл баъзан бир сонияга унутиб қўяр, баъзан эса ҳеч нарса содир бўлмагандек туюла бошлар ва у қўлини пешанасига олиб борарди. Кокуа абадий азоб-қийноқларга маҳкум этилганини билар, бу ҳам етмагандек, эри худди ёш боладек бўлар-бўлмас гапларни валдирашига тоқат қилиши кераклигини ҳам тушунар ва булардан дарди-дунёси тамом қоронғи бўлиб кетарди.

Кеаве эса шодон еб-ичар, тинмай валақлар, уйга тезроқ қайтиш орзусида режалар тузарди. Уни қутқариб қолгани учун Кокуага миннатдорчилик билдирар, уни суйиб-эркалаб, халоскорим деб атарди. Кейин эса азбаройи аҳмоқлигидан шишани сотиб олган чол устидан кула бошларди.

— Аввалига менга туппа-тузук қариядек кўрунувди, — дерди у. — Аммо ҳеч қачон одамнинг ташқи кўринишига қараб баҳо бериб бўлмас экан. Бу қари бадбахтга шиша нима учун керак бўлиб қолганикан-а?

— Балки унинг нияtlари яхши бўлгандир, — оҳиста эътироз билдирди Кокуа.

Бироқ Кеаве заҳарханда кулиб қўйди:

— Бемаъни гап! Сенга айтаяпман-ку, у нафақат қари тулки, балки ғирт эшак ҳам экан! Шишани тўрт сантиметга сотишнинг ўзи қанчалик азоб бўлди, уни уч сантиметга оладиган телба умуман топилмас керак. Негаки хавф-хатар ниҳоятда катта! Ундан у ёғига эса жаҳаннам оташи уфуриб турибди! — деб қичқириб юборди у ва кейин елкаларини қисиб қўйди. — Тўғри, мен ўзим уни бир центга сотиб олганман, лекин ўшанда бундан ҳам майдароқ тангалар борлигини хаёлимга келтирмагандим. Кейин эса тентакдек қийналиб юрдим. Аммо энди бошқа аҳмоқ топилмаслиги аниқ, чунки шиша кимнинг қўлига тушса, уни тўғридан-тўғри дўзахга судраб кетиши шак-шубҳасиз!

— О, эржоним! — деди Кокуа. — Одам ўзини қутқариб, бошқа бировни абадий азоб-уқубатларга дучор қилиши даҳшатли эмасми, ахир? Назаримда, мен бу ҳолдан кула олмасдим, уялган бўлардим. Ғам-ташвишга тушиб, шу шиша қўлида қолган шўрпешананинг ҳақиқа дуои илтижолар қилардим.

Унинг сўзлари ҳақиқат эканлигини сезган Кеаве янада жаҳлланиб кетди.

— Ҳали сен шунақамисан? — деб бақирди у. — Агар кўнглинг тусаётган бўлса, майли, хоҳлаганинг учун ғам-ташвиш чекавер. Лекин ҳар қалай, эрига меҳрибон аёл учун шу иш ярашадими, муносибми? Менга салгина бўлса ҳам жонинг ачиганида шу сўзларингдан ўзинг хижолатга тушардинг!

У шундай деб уйдан чиқиб кетди ва Кокуа ёлғиз ўзи қолди.

Шишани икки сантиметга сота олишдан у қандай ҳам умид қилсин энди? Бунинг ҳеч қанақа иложи йўқлигини ўзи яхши тушунади. Ҳатто шундай умид-илинжи бўлган тақдирда ҳам бунга фурсат қани? Эри бу ердан тезроқ жўнаб кетиш пайида, борадиган жойларида эса центдан майдароқ тангалар муомалада йўқ. Аёл-ку ўзини қурбон қилди, лекин шундан нима наф бўлди? Мана, эртасига эрталабоқ эри уни силтаб ташлаб, уйдан чиқди кетди.

Кокуа унинг ихтиёрида қолган вақтдан фойдаланиб қолишга ҳатто уриниб ҳам кўрмади. Уйда ёлғиз ўзи ўтирган кўйи гоҳ шишани олиб, унга даҳшат-ваҳима билан қарар, гоҳ яна титраб-қақшаб кўздан пана жойга олиб қўярди.

Ниҳоят, Кеаве уйга қайтиб, хотинига сайр қилиб келишни таклиф этди.

— Ҳозир тобим қочиб турибди, — дея жавоб берди Кокуа. — Мени кечирасан-у, лекин юрагимга қил ҳам сизмайди, ўйин-кулгуга ҳушим йўқ.

Бу гапдан Кеавенинг баттар жаҳли чиқиб кетди. Хотиним қарияга ачинаяпти деган хаёлда унга захрини сочди, аммо у тўғри гапираётганини кўриб тургани, ўзининг ноўрин шодлигидан уялаётгани учун ўз-ўзидан ҳам нафратланиб кетди.

— Ҳали шуми сенинг вафо-садоқатинг! — дея ҳайқирди у. — Ҳали шуми сенинг муҳаббатинг! Эринг сенга бўлган муҳаббати учун ўзини абадий азоб-уқубатларга гирифтор қилган эди, улардан аранг қутулиб қолганида эса сен ҳатто эрингнинг қувончига шерик бўлишга ҳам ярамаяпсан! Бебурд, бевафо экансан, Кокуа!

Кеаве яна қаҳр-ғазабда уйдан отилиб чиқди ва кун бўйи шаҳарда дайдиб юрди. Дўстларини учратиб, улар билан бирга кайф-сафо қилди. Кейин улар экипаж ёллаб, шаҳар ташқарисига йўл олишди ва у ерда зиёфатни яна давом эттиришди. Бироқ Кеаве хотини уйда ғам-ташвишда эзилиб ўтирган бир пайтда ўзи ялло қилиб юрганини унут олмас, бундан беҳад изтироб чекарди. У хотини ҳақлигини юрак-юрагидан ҳис этиб турар, лекин шуни тушунгани учун ҳам бора аламини ичкиликдан олишга уринарди.

Уларнинг даврасида бир кекса хаоле, ниҳоятда пасткаш ва қўпол бир одам ҳам бор эди. Бир пайтлари у кит овловчи кемада боцман бўлиб хизмат қилган, кейин дайди-саёқлик билан кун кечирган, сўнгра олтин конларида омадини синаб кўрган, турмада ҳам ўтириб чиққан эди. Юраги қора, оғзи шалоқ бу кимса ичкиликка муккаси-дан кетган, бошқаларни ҳам ичиришга уринар, Кеавени ҳадеб ичишга қистайверарди. Тез орада даврадагиларнинг биронтасида ҳам сариқ чақа қолмади.

— Менга қара! — деди у шунда Кеавега. — Сен ахир бой-бадавлатсан-ку, ўзинг доим мақтаниб юрасан. Ҳар хил ҳунар кўрсатадиган шишанг бор, ахир!

— Ҳа, — деди Кеаве, — мен бой-бадавлатман. Ҳозир уйга бориб хотинимдан пул оламан, негаки пул унинг қўлида туради.

— Фирт аҳмоқ экансан-у, ошна, — деди боцман. — Қайси тентак пулни хотин кишига ишониб бериб қўяди! Уларнинг бари хиёнаткор, маккор, оқар сувдек беқарор-ку, ахир. Сен ҳам хотинингга доимо кўз-қулоқ бўлиб юришинг керак.

Бу сўзлар Кеавенинг юрагига заҳарли нишдек санчилди, мастлигида боши гувиллаб, ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди.

“Балки у чинданам менга хиёнат қилар, қаердан билиб ўтирибман? — деб ўйлади у. — Мен нажот топганимда суюниш ўрнига куюнишига бало борми бўлмаса? Бироқ бунақа қилиқ-найранглари менга ўтмайди, унга кўрсатиб қўяман ҳали. Ҳозир тўғри бораман-да, нақ жиноят устида қўлга тушираман!”

Кеаве мана шу гумон-шубҳаларда шаҳарга қайтди, боцманга уни муюлишда, қадимги кўрғон ёнида кутиб туришни буюрди ва ўзи уйига қараб йўл олди. Бу орада кеч кирган, деразаларда чироқлар кўринар, аммо уйдан тиқ этган товуг эшитилмасди. Кеаве бинони айланиб ўтиб, орқа эшикка биқиниб борди ва уни оҳиста очиб, ичкарига назар ташлади.

Хона ўртасида, ёниб турган лампа ёнида Кокуа ўтирар, унинг олдида эса сутранг-оқиш тусли ва узун бўйинли бақалоқ шиша турар, аёл унга қараб юм-юм йиғлар эди.

Кеаве бу манзарани кўриб остонада михлангандек туриб қолди, узоқ вақтгача жойидан силжий олмади. Аввалига у ҳайқалдек тош қотди, ҳеч нарсани ўйлаёлмай тураверди, кейин эса уни қўрқув қамраб олди. У нима учундир битим амалга ошмай қолган-у, шиша худди Сан-Францискода бўлганидек яна ёнимга қайтиб келган, деган хаёлга борди. Шу лаҳзадаёқ тиззаларидан мадор кетиб, кайфи ҳам баайни дарё тепасидаги туман тонг саҳарда эриб кетганидек, бир зумда тарқади қолди. Лекин бирданига хаёлига янги, жуда ғалати бир фикр келди-ю, уят-номусдан юзларига қон тепди.

“Бунни текшириб кўриш керак”, – деб ўйлади у.

Кеаве эшикни оҳиста ёпди, уйни яна астагина айланиб ўтди, кейин эса гўё эндигина қайтиб келаётгандек тапир-тупур қилиб ортига юрди. Хўш, нима бўлди у ёғига? У катта эшикни очиб ичкари кирганида шишанинг қораси ҳам кўринмасди, Кокуа эса оромкурсида ўтирган кўйи уни кўрганида бир сесканди ва гўё уйқудан уйғонгандек бўлди.

– Мен бутун кунни кайф-сафо билан ўтказдим, – деди Кеаве. – Ажойиб дўстларим даврасида эдим, ҳозир эса пул олгани келдим – зиёфатимизни яна давом эттирмақчимиз.

Унинг чеҳраси ҳам, овози ҳам мудҳиш тусда эди, аммо ўз ёғига қовурилиб ўтирган Кокуа ҳеч нимани пайқамади.

– Тўғри қиласан, эржоним, чунки бу ердаги ҳамма нарса сеники, – деди у синиқ овозда.

– Ҳа, мен доимо тўғри иш қиламан, – деди Кеаве ва тўғри сандиқча ёнига бориб, ичидан пул олди. Айни пайтда у сандиқчанинг шиша турадиган бурчагига кўз ташлашга улгурди, аммо у кўринмасди.

Шу аснода Кеавенинг бирдан кўзи тиниб, боши айланиб кетди, назарида бутун олам остин-устун бўлаётгандек эди. Чунки у энди ҳамма нарса барбод бўлганини, бу ёғига ҳеч қандай нажот йўқлигини англаб етган эди.

“Айнан ана шундан қўрққандим, – деб ўйлади. – Демак, шишани хотиним сотиб олгани шубҳасиз”.

Ниҳоят, у ўзига келиб, чиқиб кетмоқчи бўлди, аммо ёмғирдек сероб ва булоқ сувидек совуқ тер томчилари юзларидан қуйилиб келарди.

– Кокуа, – деди Кеаве. – Бутун сенинг кўнглингни оғритиб қўйганим чакки бўлди. Ҳозир дўстларимнинг қувноқ-шодон даврасига қайтаман ва базми жамшидни яна давом эттираман. – Шу ўринда у сал қулгандек бўлиб, қўшимча қилди. – Лекин агар сен мени кечирсанг, кўнглихушлигим ҳам сал татирмиди.

Кокуа унга отилиб, тиззаларини қучоқлаб олди, бош уриб, кўз ёшлари тўкди.

– О! – деёлди у оғриқли оҳангда. – Менга сенинг ширин сўзларингдан бошқа ҳеч нарса керак эмас!

– Бундан бу ёғига бир-биримиз ҳақимизда ёмон хаёлга бормайлик асло, – деди Кеаве ва уйдан чиқиб кетди.

Ана энди кейин нима бўлганини эшитинг. Аслида Кеаве улар бу ерга келишган заҳотиёқ захира қилиб қўйишган пулдан атиги бир неча сантим олганди, холос. Кайф-сафо қилиш шу тобда унинг хаёлига ҳам келмасди. Хотиники уни деб ўзини дўзахга тутиб берибдими, энди уни деб Кеаве ўзини жаҳаннамга отиши керак. Шу лаҳзаларда у бундан бўлак ҳеч нарсани ўйлай олмасди.

Боцман уни муюлишда, қадимги қўрғон ёнида кутиб турарди.

— Шишани хотиним эгаллаб олибди, — деди унга Кеаве. — Агар уни қайтариб олишимга сен ёрдам бермасанг, бугун иккаламиз учун пул ҳам, ичкилик ҳам йўқ.

— Шиша ҳақидаги гапларинг ростми, ҳазиллашмаяпсанми мабодо?

— Қани, фонус остига юр-чи, — деди Кеаве. — Энди менга бир қара: ҳазиллашаётганга ўхшайманми, йўқми?

— Гапинг рост, — деди боцман. — Арвоҳнинг қиёфаси ҳам сеники-чалик жиддий бўлмаса керак.

— Унақада кулоқ сол, — деди Кеаве. — Мана сенга икки сантиметр. Ҳозир хотинимнинг ёнига борасан-да, шишани шу пулга сотиб оламан дейсан. Агар мен тўғри тушунган бўлсам, у ўша заҳотиёқ беради. Шишани бу ерга олиб келасан ва мен уни сендан бир сантиметрга сотиб оламан. Чунки қонун-қоидаси шунақа: бу шишани фақат зарарига сотиш мумкин. Ҳа, энди бир гап: сени мен юборганимни хотинимга айтиб қўймагин-а, яна!

— Мени лақиллатмаяпсанми ишқилиб, ошна? — деб сўради боцман.

— Мабодо алдаган тақдиримда ҳам сен нима йўқотардинг? — эътироз билдирди Кеаве.

— Бу гапинг ҳам тўғри, — маъқуллади боцман.

— Агар менга ишонмаётган бўлсанг, текшириб кўришинг жуда осон, — деди Кеаве. — Уйдан чиққан заҳотинг чўнтагинг пулга тўлишини ёки энг яхши бир шиша ром пайдо бўлиб қолишини сўра. Ёинки, ўзингга маъқул келган, кўнглинг тусаган исталган нарсани тилайвер. Бу шишада қандай куч-қудрат борлигини ана ўшанда кўрасан.

— Бўпти, дўстим, — деди боцман. — Синаб кўрсам кўрибман-да. Аммо-лекин бир нарсани билиб қўй. Мабодо устимдан кулишни ўйлаган бўлсанг, мен оғзини очиб қараб турадиган анойилардан эмасман. Бошлаб адабингни бериб қўйиш қўлимдан келади.

Кит овловчи кекса боцман шундай деб, уй томон кетди, Кеаве эса уни кутиб қолди. Бу жой ўтган кеча Кокуа қарияни кутган ер яқинида эди. Фақат, хотинидан фарқли ўлароқ, Кеаве қатъиятга тўлиқ, заррача бўлсин иккиланмас, ҳолбуки юраги пора-пора бўлиб ётарди.

Унинг назарида жуда узоқ кутиб қолгандек туюлди, лекин, мана, қоронғиликдан хиргойи товуши эшитилди. Кеаве боцманнинг сархуш овозини таниб, ажабланди: шу бемаҳалда қаердан ютиб ола қолди экан?

Ниҳоят, кўча фонуси ёғдусида гандираклаб келаётган боцман кўринди. Шайтоний шиша унинг қўйнига яширилган, бушлатининг ҳамма тугмалари қадалган эди. Қўлида эса бошқа шиша, Кеавага яқинлашар экан, ундан ҳўплаб-ҳўплаб қўярди.

— Кўринишингга қараганда, ишингни бажарганга ўхшайсан, — деди Кеаве.

— Торт қўлингни! — дея ўшқирди боцман бир қадам ортга чекиниб. — Яқинлашадиган бўлсанг, уриб абжафингни чиқараман! Менинг орқамда шу очил дастурхонга эгалик қилишни ўйлабмидинг ҳали!

— Нималар деяпсан ўзи? — ажабланди Кеаве.

— Нималар деяпман? — такрорлади боцман. — Бу шиша менга жуда ёқиб қолди, ана шуни айтмоқчиман. Шундай хазинани атиги икки сантиметрга қандай қилиб қўлга киритдим, ўзим ҳам ҳайронман. Аммо лекин сен уни бир сантиметрга оламан, деб хомтама бўлмай қўя қол.

– Уни... сотмоқчи эмасмисан ҳали? – деб сўради Кеаве тили зўрга айланиб.

– Йўқ, сэр! – дея хитоб қилди боцман. – Лекин сени бир қултум ром билан сийлашим мумкин.

– Сен бошқа бир гапни тушун: бу шишага эгалик қилган одам дўзахга тушиши муқаррар, ахир!

– Ўзи, шусиз ҳам борадиган жойим ўша ер, – дея эътироз билдирди боцман. – Жаҳаннамга саёҳат қилишда эса манави шишадан ҳам яхшироқ ҳамроҳни учратганим йўғиди шу пайтгача, сэр! – дея ҳайқирди у яна. – Энди бу шиша меники, сен эса йўқол, балки бошқасини топиб оларсан.

– Менга қара, шу гапларни чиндан ҳам айтаяпсанми? – деб бақириб юборди Кеаве. – Худо ҳақи, сендан ўтинаман – охиратинг куй-маслиги учун сот уни менга!

– Ўтинчингга тупурганим бор! – дея жавоб қилди боцман. – Сен мени шунчаки бир лақма, гўл деб ўйлагандинг, энди кўриб турибсанки, тузоғингга илинадиган ҳафтафаҳмлардан эмасман. Хуллас, гап тамом, вассалом! Ром билан меҳмон қилишимни хоҳламасанг хоҳлама – ўзим ичаман. Саломат бўл, ошна!

У шундай деб шаҳар марказига қараб йўл олди, ҳикоямиздаги шиша ҳам у билан бирга кетди.

Кеаве эса Кокуанинг ёнига қанот чиқаргандек учиб борди ва шу кеча уларнинг қувонч-шодликларига ҳеч қандай чегара бўлмади. Ана ўшандан буён эр-хотиннинг “Ярқироқ Уй”даги ҳаёти тинчлик-осо-йишталик, шод-хуррамликда кечди.

Оскар УАЙЛД

КЕНТЕРВИЛЛИК АРВОҲ

Моддий ва руҳий узвий чатишиб кетган романтик воқеа

1

Америкалик элчи мистер Хайрэн Б.Отис Кентервил қасрини сотиб олишга қарор қилганида ҳамма уни ўта бемаъни бу ишдан қайтаришга уринди, чунки қаерда арвоҳ борлиги барчага маълум ҳақиқат-ку, ахир. Ҳатто энг майда-чуйда нарсаларни ҳам ўз ўрнига қўйишга одатланган мард Кентервилнинг ўзи олди-сотди хужжатини тузиш пайтида мистер Отисни бу ҳақда огоҳлантириб қўйишни ўз бурчи деб билди.

– Биласизми, гап нимада, – дея сўз бошлади Лорд Кентервил. – Бувимнинг синглиси, герцогиня Болтон исмли бир бева холам бўларди. У бир куни ўз хонасида тушлик учун кийинаётганида тўсатдан елкаларига иккита қоқсуяк қўл келиб тушган. Бояқиш азбаройи қўрққанидан асабий тутқаноқ дардига учраб, ўзини ўнглай олмай ўтиб кетди. Сизга очиғини айтсам, мистер Отис, арвоҳ ҳозирда ҳаёт бўлган оила аъзоларининг кўпчилигига ҳам кўринган. Уни маҳаллий руҳоний, Кембриждаги Қироллик коллежи магистри Огастас Дампьер ҳазратлари ҳам кўрганлар, Герцогинянинг бошидан кечган бу даҳшатдан сўнг хизматкорларнинг бари бизни ташлаб кетди. Леди Кентервил эса умуман уйқусизликка учради: Худо берган кечаси унга йўлак ва кутубхонадан аллақандай номаълум шовқин эшитиладиган бўлиб қолди.

— Бўпти, милорд, — дея жавоб қилди мистер Отис, — арвоҳни ҳам жиҳозлар қаторига қўшиб қўя қолинг. Мен пулга сотиб олиш мумкин бўлган жамики нарсалари бор илғор мамлакатдан келганман. Қолаверса, ёшларимиз сизларнинг Эски Дунёингизни ағдар-тўнтар қилиб юборишга қодир ўктам авлод. Энг яхши актрисаларингизу опера хонандаларингизни ватанимизга олиб кетишяпти. Бинобарин, Европада ақалли биттагина арвоҳ учраб қолса ҳам кўз очиб-юмгунча биздаги бирон музейда ёки сайёр томошахонада пайдо бўлиши аниқ.

— Кентервиллик арвоҳ ҳар қалай мавжуд, деган фикрдаман барибир, — деди лорд Кентервил жилмайиб. — У сизларнинг уддабуро им-прессароиларингиз таклифига учмаган бўлиши эҳтимол. Бироқ бу ерда у нақ уч юз йил — аниқроқ, бир минг беш юз саксон тўртинчи йилдан бери маълум ва машҳур. Одатда, оиламиз аъзоларидан бирон-тасининг ўлими олдидан, албатта, пайдо бўлади.

— Одатда, лорд Кентервил, бундай ҳолларда оилавий шифокор келади. Ҳеч қандай арвоҳ йўқ; сэр, ва мен табиат қонунлари ҳамма — ҳаттоки инглиз аслзодалари учун ҳам бир хил, деб ўйлашга журъат этаман.

— Сиз америкаликлар табиатга жуда яқинсизлар ҳали! — дея хитоб қилди лорд Кентервил, у мистер Отис сўзларининг ниҳоясидаги кинояни тўлиқ илғаёлмаганди, чоғи. — Нимаям дердим, агар арвоҳли уй сизга маъқул бўлса, демак, ҳаммаси жойида. Фақат, сизни огоҳ-лантирганимни унутиб қўймасангиз. Бас.

Бир неча ҳафтадан кейин олди-сотди ҳужжати имзоланди ва Лондон мавсуми яқунлангач, элчи оиласи билан Кентервил қасрига кўчиб келди. Миссис Отис ўз вақтида — 53-Ғарбий кўчада яшовчи мисс Лукреция Р.Тэппең деган номда юрган қизлик пайтидаёқ гўзаллиги билан бутун Нью-Йоркка донг таратганди. Эндиликда эса у — ўрта ёшлардаги, тароватини ҳануз йўқотмаган, кўзлари нурли, хушбичим хоним. Америкалик аёлларнинг аксарияти ватанни тарк этаётиб, ўзларини сурункали хасталиклардан бирига учрагандек қилиб кўрса-тишади, гўёки бу европача назокату нафосатнинг белгиларидан бири эмиш. Миссис Отис бунақа нарсани хаёлига ҳам келтирмайди. У қадди-қомати бағоят келишган, бутун борлиғи ғайрат-шижоатга тўлиб-тошган аёл. Тўғри, уни ҳақиқий инглиз аёлидан фарқлаш қийин, бу эса, агар тилдаги тафовутни ҳисобга олмаганда, эндиликда Америка билан бизда ҳамма нарса бир хил эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Тўнғич ўғилга ота-онанинг ватанпарварлик ҳисси жўш уриб кетиб, Вашингтон деб ном беришган, ўзи эса бундан доимо афсуслиб юради. У оқ-сарикдан келган, анча кўркам йигит, дурустгина америкача дипломат бўлиб етишадиган сиёқи бор. Негаки, муттасил уч мавсум мобайнида Ньюпорт казиносида немисча кадрилга дирижёрлик қилди, ҳатто Лондонда ҳам ажойиб раққос сифатида танилди. Хуллас, гардения¹га ва гералдика²га айланишиб қолганини айтмаганда, бошқа ҳамма нарсада мутлақо соғлом фикр юритадиган йигит.

Мисс Виржиния Е.Отис ўн олти ёшга қараб кетаяпти. У сарв қомати нақ охудек латофатли, мовий кўзлари катта-катта, тиниқ нигоҳли қиз. Понини чиройли миниб юради, бир куни кекса лорд Билтонни Гайд-парк атрофида икки марта пойга ўйнашга кўндириб, нақ Ахиллес ҳайкали ёнида ундан жажжи от танасининг бир ярим баробари

¹ Гардения — мангу яшил буталар.

² Гералдика — гербшунослик.

масофасида ўзиб кетди. Буни кўриб турган ёш Чешир герцоги шунақанги қойил қолдики, ўша заҳотиёқ менга турмушга чиқсангиз, деб сўради. Бироқ герцогни оталиққа олганлар уни ўша куни кечкуруноқ кўзда ёшлари билан Итонга қайтариб юборишди.

Оилада Виржиниядан кейин ёш эгизаклар ҳам бор, улар узлуксиз суратда савалаб турилгани сабабли “Юлдузлар ва йўл-йўл белгилар” деган лақаб олишган. (Бу ўринда АКШнинг серюлдуз ва йўл-йўл байроғига ишора этилаяпти — *Тарж.*) Шу боис ҳам бу шўх-шаддод болакайлар, муҳтарам элчини ҳисобга олмаганда, оилада эътиқоди энг кучли республикачилар эди.

Кентервил қасридан темир йўлнинг энг яқин бекати Аскотгача бўлган масофа етти милга тенг, бироқ мистер Отис бекатга отулов юбориши тўғрисида телеграф орқали ўз вақтида буйруқ бергани туфайли оила аъзолари қасрга томон хушнуд кайфиятда йўлга тушишди. Июлнинг сўлим оқшоми, ҳаво қарағайзорнинг илиқ, муаттар ҳидига тўйинган. Аҳён-аҳёнда ўз овозидан масрур ўрмон кабутарининг нозик ку-кулаши эшитилади, папортникларнинг шитирлаган чангалзориди тустовуқнинг олачи пар кўкраги кўзга ташланиб қолади. Митти олмаҳонлар баланд дархтлар тепасидан мўралайди, қуёнлар пастак ўт-ўлан орасига яшириниб олган ёки оппоқ думчасини диккайтирганча йўсин босган сўқмоқлар бўйлаб тирақайлаб қочиб кетади. Бироқ йўловчилар Кентервил қасрига олиб борадиган хиёбонга кириб улгурмаган ҳам эдиларки, бирданига осмонни булут қоплаб, атрофга ғалати сукунат чўкди. Зағчаларнинг улкан ғаласи уларнинг боши узра бесас учиб ўтди, уйга яқинлашиб қолганларида эса ёмғир йирик-йирик томчиларини аста-секин ташлай бошлади.

Остонада келгувчиларни қора шойи кўйлак кийган, оқ рўмол тангиб, пешбанд боғлаган сариштагина кампир кутиб олди. Бу уй бошқарувчиси мисс Амни бўлиб, миссис Отис уни леди Кентервилнинг илтимос-ўтинчига биноан аввалги ўрнида қолдирган эди. Аёл эски анъанага мувофиқ, оила аъзоларининг ҳар бирига чуқур таъзим қилди ва:

— Кентервиллар қасрига хуш келибсизлар! — деди.

Улар ходима ортидан уй ичига йўл олишди ва Тюдорлар даврига хос ҳақиқий холлдан ўтгач, кутубхонага кириб қолишди. У узунчоқ ва шифти пастак хона бўлиб, деворларига қора эман тахтаси қопланган, эшик рўпарасида каттагина витраж бор эди. Бу ерда чой ичишга ҳамма нарса тайёрлаб қўйилган экан. Улар ёмғирпўшлари билан шарфларини ечиб, дастурхон атрофида жойлашиб олгач, миссис Амни чой қуйғунига қадар, хонани кўздан кечира бошлашди.

Шу пайт миссис Отис камин ёнидаги полда вақт ўтишидан қорайиб кетган қизил доғни кўриб қолди ва у қаердан пайдо бўлганини билолмай, мисси Амнидан сўради:

— Бу ерга бирон нима тўкилган, шекилли?

— Ҳа, хоним, — дея жавоб қилди кекса бошқарувчи шивирлаб, — бу ерга қон тўкилган.

— О, қандай бемаънилик! — дея хитоб қилди миссис Отис. — Мен меҳмонхонамда қонли доғлар бўлишини истамайман. Уни дарҳол ювиб ташлашсин!

Кампир кулимсиради ва яна ўша сирли оҳангда шивирлаб жавоб берди:

— Сизлар леди Элеонора Кентервилнинг қонини кўриб турибсизлар. Уни минг беш юз етмиш бешинчи йили эри сэр Симон де Кентервил худди шу жойда ўлдирган эди. Шундан сўнг сэр Симон яна

тўққиз йил яшади ва кейин бирданига, мутлақо сирли равишда гойиб бўлиб қолди. Унинг танаси умуман топилмади, аммо гуноҳга ботган руҳи ҳали-ҳануз қасрни кезиб юрибди. Бу ерга келувчи сайёҳлар ва бошқа зиёратчилар мана шу абадий ўчмас қон доғини ниҳоятда қизиқиб томоша қилишади.

— Бу қандай бемаънилик! — деди Вашингтон Отис. — Пинкертоннинг беқиёс Доғ йўқотгичи ва намунавий тозалагичи уни бир дақиқага қолмай йўқ қилиб ташлайди!

У шундай деб тиззалаб олди ва то кўрқиб кетган бошқарувчи халақит бериб улгурмасиданоқ, лаббўёқ идишчасига ўхшовчи кичик қора таёқчада полни қира бошлади. Бир дақиқага борар-бормас, доғдан асар ҳам қолмади.

— “Пинкертон” панд бермайди! — деди йигитча бу ишга қойил қолган оила аъзоларига тантанавор тарзда ўғирилар экан. Аммо у гапини тугатиб улгурмай, нимқоронғи хона (чақмоқнинг ўткир ёғдусидан) ёришиб кетди, момоқалдиरोқнинг даҳшатли гулдуриси ҳаммани оёққа турғизиб юборди, миссис Амни эса ҳушини йўқотди.

— Нақадар расво иқлим, — деди америкалик элчи бамайлихотир оҳангда ва учи кесилган узун сигарасини ўт олдириди. — Қадимги ватанимизда аҳоли шунчалик кўпайиб кетганки, ҳаттоки тузукроқ обҳаво барчага бирдек етишавермайди. Англия учун ягона нажот йўли — аҳолини четга кўчириш, деб билиб келганман ҳаммиша.

— Азизим Хайрам, — деди миссис Отис, — мабодо бу аёл сал нарсага ҳушидан кетаверса, нима қилишим керак?

— Нима қилардинг, идишни синдириб қўйганида бўладигандек, маошидан бир марта чегириб қол, — деб жавоб берди элчи, — дарров ақли киради.

Чиндан ҳам икки-уч лаҳза ўтгач, миссис Амни ҳушига келди. Бироқ, ларзага тушганидан ўзини ҳали буткул ўнглаб ололмагани шундоққина сезилиб турарди, акс ҳолда мистер Отисга хонадонингизга фалокат таҳдид солаяпти, деб тантанавор башорат қилишига бало бормиди.

— Сэр, — деди у, — мен шундай нарсаларни кўришимга тўғри келганки, ўрнимда ҳар қандай тақводорнинг тепа сочи тикка бўлиб кетарди. Бу ернинг даҳшатидан қанча-қанча кечаларда мижжа қоқмай чиққанман.

Лекин мистер Отис билан унинг рафиқаси муҳтарама ходимани биз арвоҳдан кўрқмаймиз, деб ишонтиришди. Шунда кекса уй бошқарувчиси ўзининг янги хўжайинларига Парвардигорнинг марҳаматини тилади ва унинг маошини оширишса ёмон бўлмаслигига шама қилишни ҳам унутмаган ҳолда, мажолсиз оёқларини оҳиста босиб, ўз хонасига йўл олди.

2

Туни билан бўрон увиллаб чиқди, аммо айтарли ҳеч қандай воқеа бўлмади. Бироқ эрталаб оила нонуштага тўпланганида ҳамма яна ўша кўрқинчли қон доғини кўрди.

— Намунавий тозалагичга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас, — деди Вашингтон. — Мен уни нималарда синаб кўрмаганман, ахир. Бу ўринда чиндан ҳам арвоҳнинг қўли борга ўхшайди.

У доғни яна йўқотди, лекин эртасига эрталаб доғ яна ўз ўрнида пайдо бўлиб қолганди. Шу куни кечқурун мистер Отис ухлагани кетишдан аввал кутубхона эшигини ўзи қулфлаб, калитини ёнига со-

либ қўйди. Бироқ эртасига ҳам яна ўша аҳвол такрорланди. Энди бутун оила арвоҳлар масаласига қизиқиб қолганди. Мистер Отис руҳлар мавжудлигини инкор этиш билан фикр қотиб қолишига йўл қўймадиммикан, деб ўйлай бошлади. Миссис Отис арвоҳлар ҳаётини ўрганувчилар жамиятига аъзо бўлиш нияти борлигини билдирди. Вашингтон эса “Майерс ва Подмор” фирмасига жиноят оқибатида пайдо бўлган қон доғлари узоқ муддат сақланиши хусусида узундан-узоқ мактуб битди. Мабодо шундан кейин ҳам оила аъзоларида арвоҳлар мавжудлиги тўғрисида бирон-бир шубҳа қолган бўлса, шу кечасиёқ у бутунлай тарқаб кетди.

Серқуёш, иссиқ кун ҳам ниҳоясига етди ва оқшом салқини тушганида Отислар сайр қилгани йўл олишди. Улар уйга кеч соат тўққизларда қайтиб, енгил таом билан кифояланишди. Арвоҳлар ҳақида умуман гап очилмади, чунки даврадагилар руҳлар моддийлашувидан олдин кўпинча бўладиган юқори сезгирлик даражасида эмасди мутлақо. Кейинчалик мистер отис менга айтиб берганига қараганда, олий табақага мансуб маърифатли америкаликлар доимо нималар ҳақида гапиришса, улар ҳам ўша оқшом айнан шу нарсалар тўғрисида мисс фанни Давенпорт актриса сифатида Сара Бернардан ўлса ўлиги ортиқлиги; ҳатто энг яхши инглиз хонадонларида ҳам жўхори, маржумак нони ва бўтқаси дастурхонга тортилмаслиги; жаҳон маданиятининг шаклланишида Бостоннинг аҳамияти; темир йўлда юк ташишда чипта тизимининг афзалликлари; Лондоннинг чўзилувчан таллафузига нисбатан Нью-Йоркнинг майин талаффузи ёқимли эканлиги ва ҳоказо мавзуларда гапириб ўтиришган. Файритабий нарсалар ҳақида мутлақо гап бўлмаган, сэр Симон де Кентервил тўғрисида-ку, ҳеч ким чурқ этиб оғиз очмаган. Соат ўн бирда оила аъзолари дам олгани тарқалишган ва ярим соатдан кейин уйда чироқлар ўчирилган.

Бироқ кўп ўтмай, мистер Отис йўлакдан, у ётган хонанинг шундоққина эшиги олдидан эшитилаётган ғалати шовқиндан уйғониб кетди. Назарида темирлар жаранглашини илгагандек бўлди ва бу товуш дақиқа сайин янада яққолроқ янграй бошлади. У ўрнидан турди, гугурт чақиб, соатга қаради: роппа-роса тунги бир эди. Мистер Отис пинагини бузмаган кўйи темирни ушлаб қўрди — у доимгидек бир маромда уриб турарди. Йўлакдаги ғалати шовқин ҳануз тинмас, энди қадам товушлари аниқроқ эшитила бошлаганди. Элчи оёғига шиппакни илиб, зарурат буюмлари сақланадиган жойдан қандайдир узунчоқ шиша идишча олди ва бориб эшикни очди. Унинг рўпарасида, Ой ёғдусида кўрқинчли қиёфадаги бир чол турарди. Кўзлари чўгдек ёнапти, узун, оппоқ сочлари пагила-патила бўлиб елкасига тушган, алмисоқдан қолган бичимдаги яғир қўйлаги тилка-пора, кишан урилган қўл-оёқларидан залворли ва занглаган занжирлар осилиб турибди.

— Сэр, — деди мистер Отис, — сиздан шуни ўтиниб сўрашга мажбурманки, бундан кейин занжирларингизни мойлаб юрсангиз. Шу мақсадда “Демократик партиянинг балқийётган куёши” номли машина мойидан бир шишачани сиз учун олиб чиқдим. Ишлатган заҳотингиз кўнгилдагидек натижа беради. Буни бизнинг таниқли руҳонийларимиз тасдиқлашган, ёрлиғи билан танишиб кўргач, бунга шахсан ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Мен шишачани шамдон ёнидаги манави столча устида қолдираман, мабодо яна керак бўлиб қолса, бу восита билан сизни таъминлаб туришни ўз бурчим деб биламан.

Кўшма Штатлар элчиси шундай деб, шишачани мрамор столча устига қўйди, кейин хонасига кириб, эшикни ёпди ва тўшагига чўзилди.

Кентервиллик арвоҳ кутилмаган бу муносабатдан қотиб қолганди. Кейин газаб ичида шишачани олиб паркет полга урди, сўнг ўзидан мудҳиш яшил ёғду таратганича, оғир ингроқ билан йўлак бўйлаб олдинга интилди. Бироқ у эман ёғочидан ясалган кенг зинапоянинг юқори майдончасига энди чиқиб улгурганди ҳамки, ланг очилган эшикдан иккита оқ шарпа отилиб чиқди ва улкан ёстиқ унинг боши устидан шувиллаб учиб ўтди. Руҳ фурсатни бой бермай жон ҳалпида тўртинчи ўлчамга ўтишга улгурди ва деворнинг тахта қопламаси ичига сингиб, яшириниб олди. Уйга сукунат чўкди.

Арвоҳ қасрнинг чап қанотидаги махфий хужрасига етиб боргач, Ой нурига суяниб, бирпас нафас ростлади ва кейин қандай аҳволга тушиб қолгани тўғрисида ўйлай бошлади. Уч юз йиллик шарафли ва бенуқсон хизмати мобайнида уни ҳатто бирон марта ҳам бу қадар таҳқирлашмаган эди. Арвоҳ ўзи учун ширин хотираларга берилиб кетди беихтиёр...

... Бева герцогиня бошдан-оёқ зеб-зийнатлару жавоҳирларга қўмилиб, кўзгуда ўзига махлиё бўлиб турганида уни ўлгудай қўрқитиб юборганди. Меҳмонлар учун ажратилган ётоқхонанинг дарпардаси ордиган бор-йўғи бир қулиб қараганида тўртга оқсоч нақ жазавага тушиб қолган. Маҳаллий руҳоний бир кунги кечкурун кутубхонадан чиқиб келаётганида кўлидаги шамни кимдир пуфлаб ўчириб қўйди — бечора асаб хасталигига учраб, ҳалигача сэр Уилям Галлнинг кўлида даволанади. Кекса мадам де Тремуляк бир тонгда бехосдан уйғониб кетганида камин ёнидаги оромкурсида унинг кундаликларини ўқиб ўтирган скелетга кўзи тушиб қолди; шундан кейин кампир бояқиш мия яллиғланиши хасталиги билан олти ой кўрпа-тўшак қилиб ётди, черковга интилди ва машхур шаккок мосье ва Волтер билан алоқани бутунлай узди.

Лорд Кентервилни тунда кийимхонада, томоғига валет қартаси тикилганидан бўғилиб қолган ҳолда топишди — қария жон берар чоғида худди шу қарта билан Крокфорд қиморхонасида Чарлз Жеймс Фексни элик минг фунтга чув туширганига иқроор бўлди ва бу қартани унинг томоғига Кентервиллик арвоҳ тикиб қўйганини айтиб берди. Арвоҳ ўзининг буюк ишларидаги ҳар бир қурбонни — қаср саркоридан тортиб соҳибжамол Статфилдгача эслади. Саркор буфет хонасининг деразасини ям-яшил қўл тақиллатаётганини кўрган заҳотиёқ ўзини отиб қўйганди. Леди Статфилд эса оппоқ терисида қолган бешта бармоқ изларини яшириш учун ҳамиша бўйнига қора баркут рўмолча ташлаб юришга мажбур эди. Кейинчалик у қирол хиёбони адоғидаги, зоғора балиқлари билан машхур бўлган ҳовузга ўзини ташлаб, ўлиб кутулди.

Арвоҳнинг бутун борлигини ҳар қандай ҳақиқий рассомга яхши таниш бўлган туйғу — ўз ижодидан масрурлик, сархушлик туйғуси қамраб олган эди. У ўзининг энг яхши ролларини хаёлидан бирмабир ўтказар экан, лабларида аччиқ кулгу ўйнардди. У охирги марта Қизил Рубен ёки чақалоқларни бўғиб ўлдирувчи қиёфасида чиққанди. Биринчи мартасида эса Жибон Дароз ёки Бекслей Ботқоғидаги қонсўрар ролида намоён бўлган. Арвоҳ яна бир воқеани — июннинг осуда бир оқшомида теннис майдончасида ўз суяклари билан кегли ўйнаб, томошабинларни ларзага солганини эслади.

Мана энди, шунча воқеа-ҳодисалардан кейин қасрга манави лангнати америкаликлар келиб, унга машина мойини тикиштиришса, ёстиқ улоқтиришса-я! Бунга тоқат қилиб бўладими, ахир! Арвоҳ шунчалик хўрланганини тарих кўрмаган ҳали! Хуллас, у қасос олишни кўнглига тугиб қўйди ва тонг отгунича қилт этмай, чуқур ўй-хаёлларга фарқ бўлди.

Эртасига эрталаб, нонушта пайтида Отислар арвоҳ ҳақида анча узоқ суҳбатлашиб ўтиришди. Қўшма Штатлар элчиси совғаси рад этилганидан жиндек кўнгли оғриганди.

— Мен арвоҳни ранжитмоқчи эмасман, — деди у, — лекин шу масалага боғлиқ ҳолда бу уйда шунча йиллар яшаган одамга ёстиқ улоқтириш ўтакетган одобсизлик эканини ҳам айтмасдан ўтолмайман. — Афсуски, мутлақо ҳаққоний бу танбеҳни эгизаклар қаттиқ хохолаш билан кутиб олишди. — Аммо шунга қарамай, — дея давом этди элчи, — агар руҳ қайсарлик қилаверса ва “Демократик партиянинг балқийган куёши” номли машина мойидан фойдаланишни истамаса, уни занжиру кишанлардан халос этишга тўғри келади. Эшик ортида шалдиршулдур қилиб туришганидан кейин ухлаб бўлмапти.

Бироқ ҳафтанинг охиригача уларни ҳеч ким безовта қилмади, фақатгина кутубхонадаги қон доғи ҳар куни эрталаб яна пайдо бўлиб, ҳамманинг гашига тегаётганди. Бунинг сабабини тушунтириш қийин, чунки ҳар куни кечкурун хона эшигини мистер Отиснинг ўзи қулфлайди, дераза қопқалари эса мустаҳкам тамбалар билан ёпилади. Иккинчи томондан, доғ рангининг ўзгариб туриши ҳам изоҳ талаб қилади. У баъзан қора-қизил, бошқа пайтлари эса қирмизи тусга киради. Бир куни епископал черковнинг ислоҳ қилинган Америкача эркин кўринишига мансуб ва соддалаштирилган маросим бўйича оилавий ибодат қилиш учун ҳамма пастда йиғилганида доғ зумрад-яшил тусда эканлигини кўришди. Ранглар қутилмаган тарзда алмашилиб туриши, табиийки, оила аъзоларини жудаям қизиқтириб қолди ва улар ҳар куни кечкурун эрта тонгда қайси ранг пайдо бўлиши устида гаров ўйнай бошлашди. Ёлғиз жажжи Виржиниягина бу ўйинларга кўшилмасди, қон доғини ҳар гал кўрганида у нима учундир маъюсланиб қоларди, у яшил тусга кирган куни эса сал бўлмаса йиғлаб юборай деди.

Душанбага ўтар кечаси руҳ ўзини иккинчи марта намоёниш этди. Оила эндигина ётганида бирданига холлдан даҳшатли гурсиллаш эшитилиб қолди. Ҳамма кўрқиб кетиб, пастга югуриб тушганида тагликда турган рицарлик совути қулаб, йирик-йирик қисмлари полда ётганини, баланд суянчиқли оромкурсида эса Кентервиллик арвоҳ тиззаларини силаганича оғриқдан афти буришиб ўтирганини кўришди. Эгизаклар шу заҳотиёқ камончадан мерганлик билан биттадан ўқ узиб қолишга улгуришди — улар бу қадар маҳоратга хусниҳат ўқитувчисини нишонга олиб, узоқ давом этган жиддий машқлар туфайли эришишган эди. Қўшма Штатлар элчиси эса арвоҳга тўппонча ўқталиб, Калифорния одати бўйича “Кўлингни кўтар!” деди.

Руҳ ирғиб турди-да, аламли ҳайқирик билан улар орасини тумандек ёриб ўтди, Вашингтоннинг қўлидаги шамни ўчириб, ҳаммани зулмат қўйнида қолдирди. У зинапояннинг юқори майдончасига чиқиб, бироз нафас ростлагач, ўзининг машҳур иблисона қаҳқаҳасини ишга солишга қарор қилди, чунки бу унга бир неча марта муваффақият келтирганди. Айтишларича, шу машъум қаҳқаҳа туфайли лорд Рейкернинг ясама сочи бир кечада оқариб кетганмиш. Леди Кентервилнинг уч нафар гувернант аёллари қасрда ҳали бир ой ишламай туриб қочиб кетишларига ҳам ана шу мудҳиш хохолаш сабаб бўлгани шубҳасиз. Ана шу воқеаларни эслаган арвоҳ шу даражада иблисона қаҳқаҳа урдикки, қасрнинг қадимий гумбазлари кўчиб

тушишига оз қолди. Бироқ даҳшатли акс садо тинган заҳоти эшик очилиб, унинг рўпарасига оқиш-зангори капотедаги миссис Отис чиқиб келди.

– Тобингиз қочган кўринади, – деди у. – Сиз учун доктор Добеллинг дамламасидан келтирдим. Агар ошқозонингиз азоб бераётган бўлса, у ёрдам қилади.

Руҳ унга қаҳр билан қарадио қора итга айланишга шайланди, чунки бу истеъдоди унга катта шон-шуҳрат келтирганди. Мисол учун лорд Кентервилнинг амакиси, мўътабар Томас Хортон бедаво телбалик дардига йўлиққанига оилавий шифокор ана шу ҳодисани сабабчи қилиб кўрсатган. Бироқ яқинлашиб келаётган қадам товушлари арвоҳни бу ниятидан воз кечишга ундади. Натижада у фосфор янглиг заифгина ёғдулана бошлаш билан кифояланишига тўғри келди ва эгизаклар етиб келаётган лаҳзада қабристонда эшитиладиган оғир ингроқ билан ғойиб бўлишга улгуриб қолди.

Бошпанасига етиб борганида у ўзини мутлақо йўқотиб қўйди ва қаттиқ изтиробга тушди. Эгизакларнинг тарбиясизлиги ва миссис Отиснинг дағал моддиюнчилиги уни бағоят саросимага солганди, бироқ совутни кийишга муваффақ бўлолмагани унга ҳамма нарсадан кўпроқ алам қиларди. У, ҳатто ҳозирги америкаликлар ҳам совут кийган арвоҳни кўрганда жилла қурса ўз миллий шоирлари Лонгфелленинг ҳурмати учун жиндек чўчиб қўйишса керак, деб тахмин қилганди. Кентервиллар шаҳарга кетган пайтлари арвоҳ шоирнинг нафис ва ҳузурбахш шеърояти устида соатлаб ўтирганлари беҳуда эмас, албатта. Кейин, у ёғини суриштирадиган бўлсак, бу унинг ўз совутику, ахир! Сэр Симон де Кентервил ўшанда – Кенилвортда ўтган турнирда мана шу совутда бағоят шавкатли бўлиб кўринган ва ҳатто ёш маликанинг ўзидан беқиёс зўр мақтовни эшитиш шарафига мурассар бўлган эди. Мана эндиликда залворли кўкрак зирҳи ва пўлат дубулга унга жуда оғирлик қилиб қолибди – совутни кийганида у тош саҳнга йиқилиб тушди, тиззалари ва ўнг қўл бармоқлари эзилиб кетди.

Арвоҳ мазаси бўлмай чинакамига ётиб қолди ва бир неча кунгача хонасидан чиққани йўқ, фақат кечалари қон доғини етарлича тартибда сақлаб туриш учунгина бориб келарди, холос. Бироқ ўз-ўзини моҳирона шифолаши туфайли тезда соғайиб кетди ва энди элчи билан унинг оила аъзоларини учинчи марта қўрқитиб кўришга қарор қилди. Шу мақсадда ўн еттинчи август жумани белгилади ва бир кун аввал алламаҳалгача кийимларини кўздан кечириб чиқди. Охири қизил пат қадалган баланд, кенг ҳошияли шляпани, бўғзи ва энгларида қон доғлари бўлган кафанни ҳамда занглаган ханжарни танлади. Уша кунни кечга бориб жала қуйиб берди, шамол шу қадар қутурдики, эски уйнинг барча дераза-эшиклари нақ нари бориб, бери келарди. Аммо бундай об-ҳаво унинг учун айни муддао эди.

Режани қуйидагича тузди. Биринчи навбатда Вашингтон Отиснинг хонасига оҳиста кириб боради, оёқ томонида бир нималарни тўнғиллаганича тураверади, кейин юракларни увиштириб юборувчи мусиқа садолари остида ўз бўғзига уч марта ханжар уради. Вашингтонга нисбатан унинг алоҳида бир алами бор, чунки Кентервилнинг машҳур Қон Доғини жин ургур аллақайси бир Пинкортоннинг намунавий тозалагичи билан ўчиришни ана шу йигитча одат қилиб олганини у жудаям яхши билади. Мана шу беақл ва беодоб ўсмирни кўркувдан тахта қилиб қўйганидан кейин Қўшма Штатлар элчиси билан рафикасининг ётоқхонасига ўтади. Муздек тер босган қўлини миссис Отис-

нинг пешанасига туртганича, унинг дир-дир титраётган эрига даҳ-манинг даҳшатли сирларини шивирлаб айтаверади.

Жажжи Виржинияга нисбатан қандай йўл тутишини ҳозирча аниқ ўйлаб кўргани йўқ. Чиройли ва оққўнгили бу қиз уни бирон марта ҳам ранжитмади. Бу ўринда жавон ичидан туриб бир неча марта бўғиқ инграшнинг ўзи кифоя қилар, ҳойнаҳой. Мабодо қиз шунда ҳам уй-гонмаса, арвоҳ акашак бўлиб қолган титроқ бармоқларида унинг устидан чойшабни тортади.

Эгизакларнинг эса яхшилаб таъзирини бериб қўйиш керак. Авваллабор уларнинг кўкрагига ўтириб олиб, ваҳимали тушлар таъсирида типирчилашларини кўриб бир мириқади. Кейин, зумрашаларнинг каравоти бир-бирига яқин бўлгани учун ўртада муздек ва кўкариб кетган мурда бўлиб қаққайиб туриб олади. Тирмизаклар азбаройи даҳшатдан ўлар ҳолатга келиб қолмагунларича шу алфозда тураверади. Сўнгра устидаги кафанни иргитиб, оппоқ суяқларини намоёйиш қилади, битта кўзини гир-гир айлантирганича хонада у ёқдан-бу ёққа юраверади — Бесас Данниел ёки ўз жонига қасд қилганнинг скелети ролида худди шундай қилганди. Бу жуда кучли роль бўлиб, унинг машҳур Телба Мартин ёки Махфий Сир ролидан асло қолишмайди, томошабинларга бир неча марта қаттиқ таъсир кўрсатган.

Соат ўн яримда овозлар пасайганига қараб, у бутун оила дам олишга тарқалганини тушунди. Лекин ўқтин-ўқтин кучли қийқириқ ва хоҳолаш унга алламаҳалгача халақит бериб турди — эгизакларнинг шўхлиги, ўйинқароқлиги ҳатто уйқуни ҳам калака қилаётгандек эди. Бироқ ўн бирдан чорак ўтганда уйга сукунат чўкди, роппа-роса ярим тунда эса арвоҳ ишга чиқди.

Бойқушлар деразага келиб урилишар, қарға қари эман тепасида қағиллар, шамол қадимий қаср атрофида гир айланиб, безовта руҳдек инграр ва сарсону саргардон кезарди. Отислар эса ҳеч нимадан хавотирланмаган кўйи хотиржам ухлашмоқда, ҳаттоки элчининг хуррак товуши ёмғир шатирлашию бўрон увиллашини босиб кетган. Руҳажин босган лабларида заҳарҳанда кулгу билан деворга қопланган тахта орасидан оҳиста чиқди. Ўзининг ва ўлдирган хотинининг герблари зарҳал билан туширилган фонусни кўтарганича дераза ёнидан биқиниб ўтаётган пайтида ой булутлар ортига яширинди. У мудҳиш соя янглиғ ҳануз олға интилар, ҳаттоки тунги зулматнинг ўзи ҳам унга жирканиб қараётгандек туюларди.

Тўсатдан уни кимдир чақиргандек бўлди-ю, турган жойида тошдек қотди, — йўқ, кўшни фермада ит вовуллаган экан. У ўз йўлида давом этаркан, XVI асрнинг эндиликда ҳеч кимга тушунарсиз сўкишларини тўнғиллаганича ва занг босган ханжарни ҳавода сермаганича борарди. Ниҳоят, бадбахт Вашингтоннинг хонасига олиб борадиган йўлак бошланувчи муюлишга ҳам етиб келди. Шу ерда бироз нафас ростлади. Шамол унинг оппоқ сочларини тўзғитар, қабр ҳиди анқиган кафанида таърифга сизмас даражада даҳшатли бурмалар ҳосил қиларди. Соат ўн иккидан чорак ўтди ва арвоҳ интиқом лаҳзаси етиб қолганини сизди.

У мамнун ҳолда ҳиринглаб муюлишдан ўтди ва бор-йўғи бир қадам қўйганини биладикки, аянчли фарёд урганча ўзини орқага ташлаб, докадек оқариб кетган юзларини узун, қоқсуяк қўллари билан беркитиб олди. Унинг нақ рўпарасида даҳшатли шарпа, телбанинг алаҳсирашига кўринадиган махлуқ ҳайкалдек қилт этмай турарди. Боши тап-тақир, силлиқ, думалоқ юзлари мурданикидек оппоқ, мудҳиш тиржайиши башарасида бир умр қотиб қолгандек. Кўзларидан қип-

қизил нур сочилади, оғзи олов қайнаётган қудуқдек, арвоҳникига ўхшаб кетувчи машъум либоси — қордек оқ кафан бақувват танасини чирмаб олган. Шарпанинг кўкрагига осилган тахтачада қадимий ҳарфларда аллақандай ёзув битилган. Аламли мағлубият, ярамас иллатлар, ваҳшийларча ёвузликлар ҳақида бўлса керак у, ҳойнаҳой. Шарпа ўнг кўлида ярқироқ пўлат шамширни баланд кўтариб турибди.

Кентервил руҳи шу пайтгача ҳеч қачон арвоҳларни кўрмаганди, шундан ўлгудай кўрқиб кетди, ваҳимали шарпага кўз қири билан яна бир бор назар ташладию тирақайлаб қочиб қолди. Оёғини кўлига олиб югурар экан, кафанига ўралашиб ҳансирарди, занглаган ханжарни йўл-йўлакай элчининг бошмоғи устига тушириб юборди ва уни эрталаб қаср саркори топиб олди. Хонасига етиб келиб ўзини хавфсизликда сезган руҳ қаттиқ тўшагига кириб, бошини чойшабга буркаб олди.

Бироқ кўп ўтмай унда Кентервилларнинг азалий жасорати уйғонди ва тонг ёришган заҳоти бориб, ўша арвоҳ билан гаплашишга аҳд қилди. Атрофдан адирлар кумушранг тусда кўзга ташлангани ҳамано кўрқинчли шарпани учратган жойига қайтди. У ўйлаб кўриб, арвоҳлар қанча кўп бўлса, шунча яхшилигини тушунди, янги шеригининг ёрдамида эгизакларни жиловлаб олишдан умид қилди.

Аммо арвоҳ ўша жойга етиб келганида кўз ўнгига машъум манзара намоён бўлди. Шарпа аллақандай бир кулфатга учраган кўринади. Кўзларидан нур йўқолиб, бўм-бўш чаноқлар қолган, ярқироқ шамшир кўлидан тушиб кетган, ўзи эса қандайдир галати, беўхшов бир тарзда деворга суялиб турибди. Кентервил руҳи югуриб бориб уни кучоқлаб олганди — о, қандай даҳшат! — шарпанинг боши узилиб, полда думалаб кетди, танаси қоқ ўртасидан бўлинди. Арвоҳ қарасаки, кўлида бор-йўғи оқ чойшабни тутиб турибди, оёғи остида эса супурги, ошхона пичоғи ва ичи бўш қовоқ ётибди. У ақлга сиғмас бу эврилишни қандай тушунишни билолмай, гарангсиган қиёфада, титроқ кўллари билан ёзувли тахтачани олди ва унда тонг гира-ширасида қуйидаги даҳшатли сўзларни ўқиди:

Отис фирмасининг руҳи!
 Ҳақиқий ва ўзига хос яккаю ягона арвоҳ!
 Сохта арвоҳлардан эҳтиёт бўлинг!
 Шу арвоҳдан бошқа бари — қалбаки!

Ҳамма нарса аён бўлганди. Демак, уни алдашибди, ёш боладек лақиллатишибди, бошлаб чув туширишибди! Арвоҳнинг кўзлари Кентервилларнинг аввалги ўти билан ёнди, у тишсиз милкларини гичирлатиб, заиф кўлларини осмонга чўзиб, қасам ичди — қадимий нутқларнинг энг яхши намунасига риоя этган ҳолда, хўроз икки марта қичқиршишга улгурмай туриб, бу уйда қон тўкилади ва қотиллик хонама-хона бесас кеза бошлайди, деб онт ичди!

Бу даҳшатли қасам сўзларини айтиб улгурган ҳам эдики, яқин орадаги қизил черепицали том устида хўроз қичқирди. Руҳ бўғиқ овозда, заҳархандалик билан узоқ ва мириқиб кулди, кейин кута бошлады. Бироқ, бир неча соат кутса ҳамки, хўроз негадир бошқа қичқирмади. Ва ниҳоят, соат етти яримларда хизматкорларнинг қадам товушлари эшитилиб, арвоҳни қарахтлик ҳолатидан чиқариб юборди, у хонасига қайтиб, амалга ошмаган режалари ва пучга чиққан умидларига қайгура бошлады. Кейин қадимги рицарлик ҳақидаги энг севимли китобларидан бир қанчасини кўриб чиқди, уларда эса ҳар гал шу қасам айтилганда хўроз икки марта қичқирishi кераклиги ёзилганди.

– Ҳа, бўйнинг узилгур бефаросат парранда! – деб яниди у. – Бир куни келиб, найзам томоғинга санчилади-ю, ана ўшанда ўлим олдидан хириллашингни эшитаман.

Шундан сўнг у кўрғошин тобутига қулай жойлашиб олиб, қоронғу тушгунича ётди.

4

Эрталаб руҳ ўзини жуда эзилган бир ҳолатда сизди. Бутун бир ой мобайнидаги кучли зўриқиш ўз таъсирини ўтказа бошлаган эди. Асаблари қақшаган, тиқ этган товушдан сапчиб кетадиган бўлиб қолганди. Беш кун хонасидан чиқмади, бор-е, менга нима, деб қон доғидан ҳам хабар олмай қўйди. Модомики қон доғи Отисларга керак эмас экан, демак, улар унга муносиб эмас. Афтидан, Отислар гайритабиий ҳодисаларнинг рамзий маъно-мазмунини англаб етишга мутлақо лаёқатсиз бўлган шўрлик моддиюнчиларга ўхшаб кетади. Самовий белги-аломатлар билан астрал¹ жисмларнинг ҳолати масаласи баҳс талаб этмайдиган алоҳида соҳа, албатта, очигини айтганда, унинг ваколат доирасига кирмайди ҳам.

Бироқ ҳафтада бир марта йўлакда пайдо бўлиш ҳамда ҳар ойнинг биринчи ва учинчи чоршанбасида боғ томонга қараган дераза ёнида ҳар балоларни тўнгиллаб ўтириш арвоҳнинг муқаддас бурчи. Аммо у мана шу вазифаларидан ўз қадрини ерга урмаган ҳолда воз кечишнинг ҳеч бир иложини тополмаяпти-да. Тўғри, ер юзидаги умрига гуноҳга ботиб яшади, лекин энди бу дунёда ҳамма нарсага виждонан, сидқидилдан ёндашадиган бўлиб қолди. Шу сабабли ҳам кейинги учта шанбада у одатига кўра ярим тундан соат учга қадар ҳамон йўлакларни айланиб юрар, бироқ уни ҳеч ким кўрмаслиги, шарпасини эшитмаслиги учун барча эҳтиёт чораларни қўлларди. Шу мақсадда ҳашаротлар кемириб ташлаган юпқа пол тахталари гичирламаслиги учун этик киймай, энгил қадам ташлаб юрар, эгнига кенг ва қоп-қора баркут ёмғирпўш ташлаб олганди. Оёқ-қўлларидagi занжирларни “Демократик партиянинг балқийётган қуёши” номли машина мойи билан яхшилаб мойлаб туришни ҳам ҳеч қачон унутмасди.

Аслини олганда-ку, хавфсизликнинг бу сўнги чорасини қўллашга кўникиши осон кечгани йўқ. Аммо ҳар қалай бир куни кечқурун, оила аъзолари овқатланиб ўтиришган пайтда, мистер Отиснинг хонасига кириб, бир шиша машина мойини кўтариб чиқди. Тўғри, у ўзини бироз хўрлангандек ҳис қилди, лекин бу ҳолат тезда ўтиб кетди. Пировард-оқибатда эса оқилона иш тутиш туйғуси устун келди ва у мазкур ихтиро муайян афзалликларга эга эканини, маълум даражада унга фойдаси тегиши мумкинлигини тан олди.

Бироқ арвоҳ қанчалик эҳтиёткор бўлмасин, уни тинч қўйишмасди барибир. Масалан, қоронғуда юрганида йўлакка тортиб қўйилган арқонга ҳадеганда қоқилиб кетаверади. Бир гал эса, Қора Исаак ёки Хоглей ўрмонлари овчиси ролида кийиниб чиққанида сирпаниб кетиб, қаттиқ лат еди. Чунки тирмизак эгизаклар гобеленлар залига кираверишдан тортиб, то эман ёғочли зинапояннинг юқори майдончасига қадар полга мой суртиб чиқишган экан. Бу арвоҳни шунчалик газаблантириб юбордики, у ўзининг оёқости қилинган кадр-қиммати ва ҳақ-ҳуқуқларини сўнги бор ҳимоя қилишга ва Итоннинг бу безбет талабалари кўз ўнгида ўзининг Жасур Рупер ёки Бошсиз Граф номли машҳур ролида намоён бўлишга аҳд қилди.

¹ А с т р а л – нариги дунёга оид, мистик жисм.

Бу ролни ўйнамай қўйганига етмиш йилдан ҳам ошди. Охирги мартасида соҳибжамол леди Барбара Модис уни кўриб ўтакаси ёрилган ва қаллиғи ҳозирги лорд Кентервилнинг бобосига турмушга чиқишдан воз кечиб, кўркам йигит Жек Каслтон билан Грента-Гринга қочиб кетганди. Барбара бу ишини даҳшатли арвоҳ ғира-ширада айвонда бамайлихотир сайр қилиб юришига йўл қўйиб бериладиган оилага ўлақолсам қадам босмайман, деб изоҳлайди. Кўп ўтмай бечора Жек Вондсворт яйловида лорд Кентервилнинг ўқига учди, Барбара эса юраги вайрон бўлиб, бир йилга борар-бормас Танбриж-Уэлсда оламдан ўтди.

Хуллас, бу рол ҳар томонлама муваффақиятли чиқиши керак. Бироқ бунинг учун ғайритабиий олам ёки тил билан айтганда, “олий даражадаги табиий олам” – жоиз бўлса, жуда мураккаб грим керак эди ва у бунга нақ уч соат вақт сарфлади. Ниҳоят, ҳамма иш битди ва у ўзининг кўринишидан мамнунлик туйди. Тўғри, бу либосга зарур бўлган чарм ботфорт – тиззагача етадиган кенг кўнжли этик унга бироз катталиқ қилар, устига-устак, эгар тўппончаларидан бири ҳам аллақайси гўрга ғойиб бўлганди, аммо умуман олганда, қиёфаси ёмон эмасдек туюларди.

Соат иккидан роппа-росса чорак ўтганида арвоҳ деворнинг тахта қопламаси ичидан чиқиб, йўлак бўйлаб биқиниб кетди. Гулқоғозлар ва дарпарда ранги туфайли “Зангори ётоқхона” деб ном олган эгизаклар хонасига етиб борганида эшик қия очиқлигини кўрди. Арвоҳ бутун вазоҳати билан мумкин қадар кўпроқ даҳшат солишга шошилиб, эшикни ланг очди... ва шу заҳотиёқ сув тўла баҳайбат кўза бошига ағдарилди. Кўза-ку чап елкасига тегар-тегмай ўтди-я, аммо бошдан-оёқ шилтаи шалаббо қилгани расво бўлди. Шу лаҳзадаёқ эгизаклар ётган жойдан қийқириқ ва хохолаш янгради.

Арвоҳнинг асаблари дош беролмасди. Оёғини қўлга олганича хонасига югурди-ю, эртасига шамоллаб ётиб қолди. Хайриятки, бошсиз чиққани, акс ҳолда жиддийроқ шикастланиши ҳеч гап эмасди. Шугина кўнглига таскин берарди.

Энди у қўпол америкаликларни кўрқитишдан бутунлай умид узди. Аксари пайт оёғига латта шиппак илиб, шамоллаб қолмаслик учун бўйнига катта қизил шарф ўраб, эгизаклар ҳужум қилиб қолса, деб ҳар эҳтимолга қарши кичик болта кўтарган ҳолда йўлакларни кезиб юришининг ўзи билан кифояланишга мажбур эди.

Ўн тўққизинчи сентябрда арвоҳга сўнгги зарба беришди. Ўша куни у ҳеч ким безовта қилмайди, деб ишонган жойи – холлга тушди ва Қўшма Штатлар элчиси билан рафиқасининг Саронида ишланган ҳамда Кентервиллар аждодларининг суратлари ўрнига қўйилган йирик фотосуратлари устидан кулиб ўтирган бўлди. Арвоҳ оддийгина, аммо батартиб кийинган – у ер-бу еригина қабрда чириб кетган узун кафанга ўралиб олган эди. Пастки жағига сариқ рўмол боғлаган, қўлларида эса фонус билан гўрковлар белкураги.

Аслида у ўз ижодининг энг яхши намуналаридан бири – дафн этилмаган Ион ёки Сертсейдаги Мурдалар ўғриси ролида кийиниб олганди. Бу ролни Кентервилларнинг бари жуда яхши эслашади ва бунинг сабаби ҳам бор – айнан ўша кезлари улар қўшни лорд Рафффорд билан уришиб қолишганди. Соат учдан чорак ўтганида арвоҳ бутун вужуди қулоққа айланиб тингласа ҳам тиқ ётган бирон товуш эшитмади. Шунда у қон доғидан нима қолганини кўриш учун кутубхонага оёқ учида ўтиб бораётганди, қоронғу бурчакдан бирданга иккита шарпа отилиб чиқди ва унинг боши устида қўлларини жазава билан силтаганча, нақ қулоқлари остида “У-у-у!” деб чинқириб юборди.

Ногаҳоний ҳужумдан эсанкираган, борлигини ваҳима қамраб олган арвоҳ зинапояга отилди, аммо бу ерда уни Вашингтон боғда ишлатиладиган катта дори пуркагич билан қутиб турган экан. Ҳар томонлама душманлари қуршовида қолган руҳ жонҳолатда катта темир печка ичига ўзини урди — яхшиямки, унга ўт ёқилмаган экан! — ва мўри орқали бошдан-оёқ кир-чир, кафани увода, қалби алам-изтиробга тўлиқ бир алфозда ўз манзилига бир амаллаб етиб олди.

Шундан кейин у кечалари ташқарига чиқишни бас қилди. Зумрашалар яна бир неча марта пистирма қўйишди, ота-оналари ва хизматкорларнинг қаттиқ норозилигига қарамай, ҳар куни кечкурун йўлакка ёнғоқ пўчоқларини сочиб чиқишди, аммо буларнинг ҳеч биридан наф бўлмади. Чамаси, руҳ ўзини шу қадар таҳқирланган деб билардики, уй эгаларига бошқа кўринишни истамасди. Шу сабабли мистер Отис демократик партиянинг тарихи бўйича қўп йиллардан бери ёзаётган асари устида ишини давом эттириш имкониятига эга бўлди. Миссис Отис денгиз соҳилида ажойиб сайр уюштириб, бутун графликни қойил қолдирди, чунки дастурхондаги жамики таомлар моллюскдан тайёрланган эди.

Болакайлар лакросе, покер ва бошқа хил америкача миллий ўйинларга берилиб кетишди. Виржиния эса ўз пони отида хиёбонлар бўйлаб, таътилининг сўнги ҳафтасини Кентервил қасрида ўтказётган ёш Чешир герцоги билан биргаликда сайр қилиб юрарди. Ҳаммалари арвоҳ бу ердан кетиб қолди, деб ишонишди ва мистер Отис бу ҳақда лорд Кентервилга ёзма равишда маълум қилди. У эса жавоб мактубида бу воқеадан хурсандлигини билдирди ва элчининг муҳтарама рафиқасига табрик йўллади.

Бироқ Отислар янглишганди. Арвоҳ уйни тарк этмаган, гарчи энди деярли мажруҳ эканига қарамай, уларни буткул тинч қўйишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Меҳмонлар орасида ёш Чешир герцоги борлигини билганидан кейин эса бу аҳди янада қатъийлашди. Чунки бу герцог бир вақтлари Кентервиллик арвоҳ-ла тонг отгунча қимор ўйнаб чиқаман, деб полковник Карбери билан юз гинейга гаров боғлаган ўша лорд Фрэнсис Стилтоннинг жиян набираси бўларди-да. Ўшанда лорд Стилтонни эрталаб ломбер хонаси полида фалажланиб ётган ҳолда топишган. Шундан кейин у яна узоқ йиллар яшади, аммо “олти дубл” деган иккита сўздан бошқасига тили айланмади сираям.

Ҳар иккала нуфузли хонадоннинг шаънига доғ тушмаслиги учун бу воқеани бости-бости қилиб юборишга ҳар томонлама уриниб кўришди, аммо шунга қарамай, у ўз вақтида катта шов-шувга сабаб бўлганди. Бу тўғридаги тафсилотларни лорд Гэттаннинг “Регент шаҳзода ва унинг дўстлари ҳақида хотиралар” асарининг учинчи жилдидан топиш мумкин. Табиийки, арвоҳ Ститонларга аввалги таъсирини ҳануз йўқотмаганини исботлаб бермоқчи бўлди. Қолаверса, уларга узоқроқ қариндошлиги ҳам бор: унинг жияни иккинчи оиласида монсенъор де Балклига турмушга чиққан, Чешир герцогларининг бутун уруғи шу одамдан бошлангани эса ҳаммага маълум.

Арвоҳ ҳатто, Вампир-роҳиб ёки Қонсиз Бенедиктчи номли машҳур ролини тиклаш устида ишлай бошлади; Виржиниянинг ёш мухлисига шу қиёфада кўринишга аҳд қилди. Бу ролда у шунчалик даҳшатли эдики, янги 1764 йил арафасидаги ўша машъум кунда унга кўзи тушиб қолган кекса леди Стартап жон аччиғида бир неча бор қичқаришга улгурган-у, кейин ҳушидан кетган. Уч кундан кейин

эса у Кентервилларни, ўзининг яқин қариндошларини меросдан маҳрум қилганча ва бор мол-мулкани лондонлик бир дорихоначига қолдирганча, оламдан қўз юмган.

Бироқ, эгизаклар олдидаги қўрқув сўнгги дақиқада арвоҳ ўз хонасидан чиқишига йўл қўймади ва ёш герцог қирол ётоқхонасида хотиржам ухлади. У тушида Виржинияни кўрди.

5

Бир неча кундан кейин Виржиния олтин сочили ошиғи билан Броклей яйловига отда сайр қилиш учун борди ва жонли ихота орасидан ўтаётиб, амазонка либосини йиртиб олди. Шу сабабли ҳам уйга қайтгач, ҳеч кимга кўринмай, ёрдамчи зина орқали ўз хонасига чиқмоқчи бўлди. Аммо эшиги қия очиқ гобелонлар зали ёнидан югуриб ўтаётганида назарида хонада кимдир бордек туюлди. Онасининг оқсочи баъзан шу ерда у-бу нарса тикиб ўтирарди, унга кўйлагини тиктириб олишни ўйлади. Қиз шу хаёлда ичкари кирганида эса Кентервиллик арвоҳни кўриб, ҳайратдан қотиб қолди.

У дераза ёнида шамол дарахларнинг омонат олтин либосини аёвсиз юлқиб ташлаётгани ва сарғиш-қизғиш япроқларни узун хиёбон бўйлаб чирпирак қилиб учуриб кетаётганини маънос кузатиб ўтирарди. Бошини қўлларига тираган, бутун борлигидан оғир изтироб сезилиб турибди. У жажжи Виржинияга шу қадар ёлғиз ва шу қадар ожиз қария бўлиб кўришиб кетдики, қиз аввалига югуриб бориб, хонасига яшириниб олишни ўйлаган бўлса ҳам энди унга ачинди, юпатгиси келди. Виржиниянинг қадам ташлаши шунчалик енгил, ҳамдардлик туйғуси шунчалик кучли эдики, то ўзи гап бошламагунича, арвоҳ уни ҳатто пайқамди ҳам.

— Сизга жудаям раҳмим келаяпти, — деди қиз. — Аммо эртага укаларим Итонга қайтишаяпти, агар ўзингизни яхши тутсангиз, энди сизни ҳеч ким хафа қилмайди.

— Мен ўзимни яхши тутишимни сўраш бемаънилик, — деб жавоб берди руҳ у билан гаплашишга жазм этган чиройлигина қизчани ажабланиб кўздан кечирар экан. — Ҳа, ҳа, гирт бемаънилик! Мабодо занжирларимни шалдиратишим, қулф тешигидан инграшим, тунлари дайдиб юришимни айтмоқчи бўлсанг, бу менинг вазифам-ку, ахир! Мавжудлигимнинг бутун мазмун-моҳияти айнан ана шунда, агар билсанг!

— Бунда ҳеч қанақа маъно йўқ, қанчалик ёмон одам бўлганингизни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Сиз хотинингизни ўлдирганингизни бу ерга кўчиб келган кунимизнинг ўзидаёқ миссис Амни айтиб берганди.

— Нима бўпти, — дея ижирғаниб жавоб қилди руҳ, — бу оилавий масала, ҳеч кимга дахли йўқ.

— Ўлдириш умуман яхшимас, — деди Виржиния. Янги Англиядаги қайсидир ижодидан унга мерос бўлиб ўтган пуританча ахлоқ-одоб, бундай воқеаларга тоқат қилолмаслик қизда гоҳо яққол сезилиб қоларди.

— Сизларнинг сариқ чақага қиммат, маза-матрасиз қарашларингизга заррача тоқатим йўқ! Хотиним ўлгудай аҳмоқ, ношуд, уқувсиз эди. Кийимларимни ақалли бирон марта ҳам дурустроқ крахмаллаб бера олмаган. Овқат пиширишга-ку умуман нўноқ эди. Бир гал Хоглей ўрмонидан бир ёшли, манаман деган эркак буғуни овлаб келганимда ундан нима пишириб берганини биласанми? Ҳа, майли, энди гапириб нима қилдим — ўтган ишга салавот. Мен-ку, хўп, хотинимни ўлдирибман, лекин унинг укалари мени очдан ўлдиришгани ҳам у қадар илтифотдан бўлмайди ҳар қалай.

– Улар сизни очдан ўлдиришганми ҳали?! О, жаноби руҳ, кечиразиз, сэр Симон демоқчи эдим, росаям очиқиб кетгандирсиз, ҳойнаҳой? Сумкамда озроқ бутерброд бор эди. Мана, марҳамат!

– Йўқ, раҳмат. Аллақачондан буён ҳеч нарса емай қўйганман. Лекин барибир сен жуда оққўнгилик экансан, мана шу тарбиясиз, ахлоқсиз, виждонсиз, жирканч оила аъзоларинг орасида энг яхшиси ўзингсан.

– Бундай дея кўрманг асло! – деб қичқирди Виржиния ер тепиниб. – Сиз ўзингиз тарбиясиз, ахлоқсиз, жирканч руҳсиз! Ана энди виждонга келадиган бўлсак, ўша бемаъни қон доғини чизиш учун менинг қутичамдан бўёқларни ким ўғирлаганини ўзингиз жуда яхши биласиз. Олдиниға барча қизил бўёқларни, сўнгра бошқаларини олдингиз ва мен қуёш ботиши манзараларини чизолмай қолдим. Кейин зумрад яшил ва сариқ бўёқларни ҳам гум қилдингиз. Охири фақат тўқ яшил бўёқларгина қолди-ю, Ой манзараларидан бошқа ҳеч нимани чизолмаяпман, бу эса ўлгудай зерикарли, чизиш ҳам жуда қийин. Бундан қанчалик жаҳлим чиқмасин, ҳеч кимга айтганим йўқ. Умуман олганда, буларнинг бари ниҳоятда кулгили нарса: қани, ўзингиз айтинг-чи, зумрад рангли қонни қаерда кўргансиз, ахир?

– Бўлмаса нима қилишим керак эди? – деди руҳ энди баҳслашишга уринмай. – Ҳозирги вақтда ҳақиқий қонни топиш осонмас, аканг ўзининг намунавий тозалагичини тиқиштираверганидан кейин мен ҳам сенинг бўёқларингдан фойдаланишимга тўғри келди, бошқа иложим қолмаганиди. Энди қон рангига келсак, бу ҳар кимнинг таъби, агар билсанг. Мисол учун Кентервилларнинг қони зангори, бутун Англия бўйича энг зангориси (аслзодаликка ишора – *Тарж.*). Дарвоқе, сиз америкаликларни бунақа нарсалар умуман қизиқтирмайди-ку.

– Сиз ҳеч нарсани билмас экансиз. Яхшиси, Америкага борганингиз, у-бу нарса ўрганганингиз маъқулроқ эди. Дадам сизга бепул чиптани бажонидил тўғрилаб беради. Тўғри, ҳар хил ифорларга ва, чамаси, арвоҳларга алоқадор нарсаларга бож ҳақи жуда катта, лекин сизни ҳеч қанақа тўловсиз ўтказиб юборишади. Чунки божхона амалдорларининг бари – демократ. Нью-Йоркда эса сизни улкан муваффақият кутади. Оддийгина бобой учун юз минг доллар беришга, оилавий арвоҳ учун эса ундан кўпроқ пул тўлашга тайёр турган кўплаб одамларни биламан.

– Сизнинг Американгиз менга ёқмаса кераг-ов.

– Нима, у ерда қадимий ва гаройиб ҳеч нарса йўқлиги учунми? – киноя билан сўради Виржиния.

– Нега энди – бор. Кемалар флотингизни қадимий, маънавиятингизни гаройиб дейиш мумкин!

– Хайр, унақада. Ҳозир бориб дадамга айтай, эгизакларни яна бир ҳафтага уйда қолдирсин.

– Мени ташлаб кетманг, мисс Виржиния! – дея хитоб қилди руҳ. – Шу қадар ёлғизман, шу қадар бахти қароманки!.. Очиғи, энди нима қилишни ҳам билолмай қолдим. Ухлашни истайман, аммо иложим йўқ.

– Бу яна нимаси?! Бунинг учун тўшакка ётиб, шамни ўчирсангиз бас. Ухламай ўтириш қийин, айниқса черковда. Ухлаш эса жудаям осон, ҳатто чақалоқнинг ҳам кўлидан келади.

– Уч юз йил бўлди ухламаганимга, – деди руҳ гамгин овозда, Виржиниянинг гўзал мовий кўзлари ҳайратдан катта-катта очилди. – Уч юз йилки ором билмайман, қалбим қақшаб адо бўлди!

Виржиниянинг кўнгли бўшашиб кетди, нозик лаблари гулбарглар сингари титради. У руҳга яқин келиб тиз чўкди ва унинг қаримсиқ, серажин юзига қаради.

— Бечора арвоҳгинам, — деди у шивирлаб, — наҳотки ётадиган, ухлайдиган бирон жойингиз бўлмаса-а?

— Йироқ-йироқларда, қарагайзор ортида мўъжазгина боғ бор, — деди руҳ осуда ва орзу қилаётгандек оҳангда. — У ерда майсалар қалин ва бўлиқ, тун ва тонг юлдузлари оқаришиб кўринади, у ерда булбул кечаси билан сайраб чиқади. У тонг отгунига қадар чаҳчаҳлайди, осмонда биллурдай Ой ярқирайди, баҳайбат дарахтлар эса ухлаб ётганлар устида қўлларини чўзиб, уларнинг оромини кўриқлайди.

Виржиниянинг кўзларига ёш тўлди, юзини қўллари орасига яширди.

— Бу Ўлим Боғими? — деб сўради шивирлаб.

— Ҳа, Ўлим Боғи. Ўлим гўзал бўлиши керак. Майин ва нам тупроқ орасида ётасан, тепангда майсалар шитирлайди, сукунатни тинглайсан. Кечаги, эртанги кунни билмаслик, вақтни унутиш, ҳаётни берган азоблари учун кечириш ва ором бағрига сингиб кетиш нақадар яхши-я! Сен менга ёрдам беришинг мумкин. Ўлим дарвозаси сенга осонгина очилади, чунки сенда Муҳаббат бор, Муҳаббат эса Ўлимдан кучли!

Вужудига муздек бир нима теккандек Виржиния сесканиб кетди, ўртага жимлик чўкди. Қиз назарида кўрқинчли бир туш кўраётгандек эди.

Яна руҳ тилга кирди, унинг овози шамол эпкинидай, хўрсиниқдай эшитиларди:

— Кутубхона деразасига битилган қадимий башоратни ўқигандирсан?

— О, неча марталаб ўқиб чиқдим! — дея қиз бошини адл кўтарди. — Уни ёддан биламан. Қадимги ва қора ҳарфларда ёзилгани учун бирданига ўқиш қийин. У ерда бор-йўғи олти сатр бор:

Бу ерда олтинсоч болакай
Чин қалбдан кўз ёши тўккани ҳамон
Дуоси ғам ила андуҳни қувгай.
Боғда ўрик гуллар бегумон —
Шунда бу уй шодланар тамом,
Руҳ-чи, ухлаб топажак ором.

Фақат, буларнинг бари нимани англатишини мен билмайман.

— Бунинг маъноси шуки, — деди руҳ маҳзун оҳангда, — сен менинг гуноҳларим учун кўз ёши тўкишинг керак, илло ўзимда кўз ёши йўқ, менга бағишлаб дуо ўқишинг керак, илло ўзимда эътиқод йўқ. Ана ўшанда, агар сен доимо оқкўнгил, меҳрибон, бокира бўлсанг, Ўлим Фаришгаси менга шафқат қилади. Кечалари даҳшатли махлуқлар ёнинга келиб, кўрқинчли сўзларни шивирлай бошлайди, аммо сенга зарар етказа олишмайди, чунки дўзахнинг жамики ёвузликлари гўдакнинг поклиги олдида ожиздир.

Виржиния жавоб бермади, руҳ эса унинг олтин сочли боши нечоғли қуйи солинганини кўриб, янада қаттиқроқ изтиробга тушди. Бирдан қизча ўрнидан турди. Унинг ранги оқариб кетган, кўзларида эса ажойиб бир ўт чақнарди.

— Мен кўрқмайман, — деди у қатъийлик билан. — Фариштадан сизга шафқат қилишини сўрайман.

Руҳ шодлигидан оҳ уриб, дарҳол ўрнидан турди, қизнинг қўлини

олиб, кўҳна таомил бўйича таъзим қилди ва лабларига босди. Унинг бармоқлари муздек эди, лаблари куйдириб юборгандай бўлди, аммо Виржиния сесканмади ва ортига қайтмади, руҳ эса уни нимқоронғи зал бўйлаб бошлаб кетди. Ранги унниқиб кетган яшил гобеленлардаги кичкина овчи-тасвирлар ўзларининг шокилалар билан безатилган бурғуларини чалиб, уни ортга қайтармоқчи бўлишди. “Қайт ортингга, жажжи Виржиния! — деб қичқиришарди улар. — Қайт ортингга!”

Бироқ руҳ унинг қўлини маҳкам тутиб олганди, қиз кўзларини юмди. Тасвири каминга ўйиб туширилган чақчайма кўзли ва калтакесак думли махлуқлар ундан кўз узмай шивирлашарди: “Эҳтиёт бўл, Виржиния, эҳтиёт бўл! Сени қайта кўрармиканмиз яна?” Аммо руҳ олдинга тобора тезроқ интилар, Виржиния уларнинг гапини эшитмасди.

Улар зал адоғига етиб келишганида руҳ тўхтади ва қандайдир тушунарсиз сўзларни оҳиста айтди. Қиз кўзларини очиб, девор тумандек эриб кетганини, унинг орқасида эса зимзиё жарлик борлигини кўрди. Муздек шамол келиб урилди ва қиз кимдир унинг енгидан тортқилаётганини сездди.

— Тезроқ, тезроқ! — деб қичқирди руҳ. — Акс ҳолда кечикамиз!

Тахта қоплама улар ортидан бир зумда ёпилди ва гобеленлар зали хувиллаб қолди.

6

Орадан ўн дақиқа ўтиб, чойга бонг урилганда Виржиния пастга тушмади ва миссис Отис уни чақириб келгани лакейлардан бирини юборди. У қайтгач, ёш хонимни тополмаганини айтди. Виржиниянинг оқшом дастурхонига гул териб келиш одати бор эди, шу боис миссис Отис аввалига умуман хавотирланмади. Аммо соат олтига занг чалганида ҳам ундан дарак бўлавермагач, она безовталаниб, эгизакларнинг опаларини излаш учун боғга йўллади, ўзи эса мистер Отис билан уйни бошдан-оёқ айланиб чиқди. Олти яримда болалар қайтиб, Виржиниянинг ҳеч қандай изи топилмаганидан хабар беришди. Ҳамма ниҳоятда хавотирланган, нима қилишни билмасди. Шу пайт мистер Отис лўлилар таборига ўз мулкида тўхташ учун рухсат берганини эслаб қолди.

У дарҳол катта ўғли билан икки нафар хизматкорни олиб, лўлилар тўхтаган Блэкфел ўтлоғига йўл олди. Қаттиқ ҳаяжонга тушган кичкина герцог қандай қилиб бўлмасин уларга қўшилишга уринди, бироқ мистер Отис тўпалон чиқиши мумкинлигини ўйлаб, бунга йўл қўймади. Лўлилар жойида йўқ эди, аммо гулхан қолдиғи ҳали илиқ эканига ва майсалар устида идиш-товоқлар сочилиб ётганига қараганда, улар шошилиш суратда жўнаб кетишганга ўхшайди. Мистер Отис ўғли билан хизматчиларга яқин-атрофни кўздан кечиришни тайинлаб, ўзи уйга югурди ва бутун графлик бўйича барча полиция нозирларига телеграмма йўллаб, дайдилар ёки лўлилар ўғирлаб кетган ёш қизчани ахтариб топишни сўради.

Сўнгра от келтиришларини буюрди ва хотини билан болаларни дастурхон атрофига зўрлаб ўтқазиб, ўзи қарол ҳамроҳлигида Аскотга борадиган йўлга чиқди. Лекин улар икки мил масофани ҳам ўтишмагандики, орқадан от дупури эшитилди. Мистер Отис ўгирилиб қараб, кичкина герцог понида қувиб келаётганини кўрди, унинг шляпаси йўқ, юзлари эса бўғриқиб кетганди.

— Маъзур тутгайсиз, мистер Отис, — деди бола нафасини ростлар экан, — Виржиния топилмагунча томоғимдан овқат ўтмайди. Хафа

бўлманг-у, лекин бултур бизнинг унаштирилишимизга розилик билдирганингизда мана бунақа воқеа ҳам юз бермаган бўларди. Сиз мени орқага қайтариб юбормассиз ҳар қалай, тўғрими? Мен уйга қайтишни истамайман, умуман, ҳеч қаерга кетмайман!

— Элчи бу ёқимтой қулоқсиз болага қараб, кулгусини тутиб туролмади. Ўсмирнинг садоқати унга қаттиқ таъсир қилганди, кейин эгар устидан энгашиб, унинг елкасига қоқиб қўйди.

— Начора, нимаям қилардим, — деди у, — модомики ортга қайтишни истамас экансиз, сафимизга кўшиб олишимизга тўғри келадди. Фақат Аскотда сизга шляпа сотиб олмасак бўлмайди.

— Менга шляпа керакмас! Менга Виржиния керак! — деб кулди кичкина герцог ва улар темир йўл бекати томон от суриб кетишди.

Мистер Отис бекат бошлиғидан бу ердан қиёфаси Виржинияга ўхшаб кетувчи қизчани кўрган-кўрмаганини суриштириб билишни илтимос қилди, бироқ афсуски, ҳеч ким тайинли жавоб айта олмади. Шунга қарамай, бекат бошлиғи йўлдаги барча бекатларга телеграф орқали хабар берди ва мистер Отисни қидирув ишлари учун ҳамма чораларни кўрамиз, деб ишонтирди. Эгаси эндигина ёпмоқчи бўлиб турган дўкончадан кичкина герцогга шляпа сотиб олгач, элчи Бексли қишлоғига йўл олди. Унга етказилган бир хабарга кўра, бекатдан тўрт мил масофадаги бу жойда жамоага қарашли каттагина ўтлоқ бўлиб, лўлилар тез-тез йиғилиб туришаркан. Мистер Отиснинг ҳамроҳлари қишлоқ полициячисини уйғотишди, аммо ундан тузук-қуруқ бирон маълумот олишолмагач, уйга қайтишди. Улар қасрга соат ўн бирларда ҳориган, эзилган, хавотир, изтиробга тўлган ҳолда етиб боришди.

Дарвоза олдида Вашингтон билан эгизаклар фонус кўтариб кутиб олишди: боққа аллақачон қоронғилик тушганди. Виржиниянинг ҳеч қандай излари топилмабди. Лўлиларга Броклей ўтлоғида етиб олишибди, лекин улар орасида қиз йўқ экан. Лўлилар қароргоҳдан шошилинич жўнаб кетганларини Чертон ярмаркасига кечикиб қолишдан кўрққанлари билан изоҳлашди, чунки у очиладиган кунни адаштириб юборишган экан. Қизча йўқолганини билиб, лўлиларнинг ўзи ҳам ташвишга тушишди ва тўрт кишини қидирувга ёрдам бериш учун қолдиришди, зотан, улар ўз мулкида тўхташга рухсат бергани учун мистер Отисдан бағоят миннатдор бўлишганди.

Шундан кейин қасрнинг ҳар бир бурчагини, ҳатто зоғорабалиқлари билан машҳур бўлган ҳавзани ҳам синчиклаб текшириб чиқишибди. Хуллас, Виржиния бу кеча уларнинг ёнида бўлмаслиги яққол кўриниб турарди. Мистер Отис ва болалар бошларини қуйи солганча уйга қараб юришди, қарол улар ортидан иккита от билан понини етаклаб келарди. Холлда ташвишли қиёфадаги хизматкорлар кутиб олишди. Кутубхонадаги диванда эса миссис Отис хавотир ва кўрқувдан ўзини йўқотар даражада ётар, уй бошқарувчи кампир унинг чеккаларига атир суртиб ўтирарди. Мистер Отис хотинини тамадди қилиб олишга қўндирди ва дастурхонга овқат тортишни буюрди. Бу жуда ғамгин давра эди. Ҳамма дилгир кайфиятда, ҳатто эгизаклар ҳам шўхлигини унутиб жим бўлиб қолишган, чунки опаларини ниҳоятда яхши кўришарди.

Овқатланиб бўлишгандан кейин мистер Отис тунда барибир ҳеч нима қилиб бўлмайди, эрталаб эса ўзим телеграф орқали Скотланд-Ярддан зудлик билан изкуварларни чақираман, деб кечкина герцогнинг ўтини сўрашларига ҳам қарамай, ҳаммани ухлашга жўнатди. Улар емакхонадан чиқишаётган пайтда черков соати ярим тунга занг чала бошлади ва сўнгги занг товуши янграши билан бирданига ни-

мадир ҳарсиллаб-тарсиллаб кетди-ю, баланд хитоб овози эшитилди. Момақалдиуроқнинг даҳшатли гулдуросидан уй ларзага келди, аллақардан самовий мусиқа оҳанглари янгради ва шу лаҳзадаёқ зинапо-янинг юқори майдончасида тахта қопламанинг бир бўлаги гурсиллаб кулаб тушди ва девор ичидан ранги оқариб кетган, қўлларида жажжи қутича ушлаган Виржиния чиқиб келди.

Кўз очиб-юмгунча уни ҳамма ўраб олди. Миссис Отис қизини бағрига маҳкам босди, кичкина герцог оташин бўсаларга кўмиб ташлади, эгизаклар эса гир айланиб, ёввойиларнинг жанговар рақсига туша бошлашди.

— Қаерда эдинг, Виржиния? — дея қатъий оҳангда сўради мистер Отис, у қизим бизга қандайдир қалтис ҳазил қилди деб ўйлаётганди. — Биз сени излаб Сесл билан Англиянинг ярмини кезиб чиқдик, онанг эса қўрқувдан ўлаёзди. Бизга бошқа бундай ҳазил қилма ҳеч қачон!

— Фақат руҳни лақиллатса бўлади, фақат руҳни! — деб қийқиришди эгизаклар телбаларча ирғишлашар экан.

— Бормисан, жоним болам, топилдинг-ку, ахир, Парвардигорга шуқр, — дерди миссис Отис титраётган қизини ўпиб, тўзғиб кетган олтин сочларини сийпалаб турар экан. — Энди ёнимдан кетмагин сираям, хўпми?

— Дада, — деди Виржиния хотиржам оҳангда, — мен бутун оқшомни руҳ билан бирга ўтказдим. У ўлди, бориб уни кўришларингиз керак. Ҳаётлигида жуда ёмон яшаган, бироқ гуноҳларига тавба қилди ва менга ажойиб жавоҳирларга тўла мана бу қутичани эсдаликка тақдим этди.

Ҳаммалари Виржинияга ҳайрат аралаш индамай тикилиб туришар, лекин у ўта жиддий қиёфада эди. Қиз шундай деб уларни девордаги тешиқдан олиб ўтди ва унинг ортидаги тор махфий йўлакчадан бошлаб кетди. Вашингтон стол устидаги шамни олиб, қаторга кўшилди. Ниҳоят, Отислар эмандан ясалган ва катта-катта миҳлари занглаб кетган залворли эшикка етиб келишди. Виржиния қўл теккизиши билан эшик очилиб кетди ва улар шифти гумбазсимон, дарчасига панжара ўрнатилган пастак бир хонага кириб қолишди.

Тош саҳнда даҳшатли скелет ётар, у деворга ўрнатилган баҳайбат темир ҳалқага занжир билан боғланган эди. У ўзининг узун бармоқларини қадимий ликопга ва косага чўзаётгандек кўринар, аммо идишлар қўл етмайдиган қилиб қўйилган эди. Ичини яшил тусли моғор қоплаган коса бир пайтлари сувга тўла бўлганга ўхшайди. Ликопчада эса бир ҳовуч гард қолган, холос. Виржиния скелет ёнида тиз чўкиб, кичкина кафтларини бирлаштириб, оҳиста овозда дуо ўқий бошлади. Бошқалар эса сир-асрори эндигина очилган даҳшатли фожиа манзарасига қараганча лол қотиб туришарди.

— Қаранглар! — деб қолди шу пайт эгизаклардан бири, у дарчадан ташқарига назар ташлаб, бу хужра қасрнинг қайси қисмида эканлигини аниқлашга уринаётган эди. — Қаранглар! Қуриган ўрик дарахти гуллабди! Ой ёғдусида унинг гулларини аниқ кўраяпман!

— Парвардигор уни кечирди! — деди Виржиния ўрнидан туриб, унинг чеҳраси аллақандай нурдан ёришиб кетганди.

— Сиз фариштасиз! — деди ёш герцог уни бағрига босиб, ўпар экан.

7

Ана шу гаройиб воқеалардан тўрт кун ўтгач, ярим тун киришига бир соат қолганида Кентервил қасри олдидан мотам сафи йўлга тушди. Тобут қўйилган аравани олтига қора от олиб борар, ҳар бирининг

бошига ўрнатилган жиға – йирик туяқуш пати салобат билан силкиниб турарди. Қўрғошин тобут устига Кентервиллар герби зарҳал ип билан тикилган ҳашамдор қирмизи ёпқич ташланган. Экипажларнинг ҳар икки томонида машғала тутиб бораётган хизматкорларни ҳам қўшганда маросим чуқур таассурот қолдирарди. Марҳумнинг энг яқин қариндоши, мотам маросимига Уэллсдан етиб келган лорд Кентервил дастлабки каретада жажжи Виржиния билан бирга жойлашган. Улар ортидан Қўшма Штатлар элчиси билан рафиқаси, ундан кейин Вашингтон билан уч бола боришарди. Охириги каретада миссис Амни ўтирибди, арвоҳ уни эллик йилдан зиёд қўрқитиб келганидан кейин уни қабрга кузатиб қўйишга кампирнинг ҳаққи борлиги шундай ҳам аён, ахир.

Улкан дарахт тагида қазилган катта қабр тепасида руҳоний Огастес Дэмпиер жаноза дуосини теран туйғу билан ўқиди. Пастер тугаллаганида хизматкорлар Кентервиллар уруғининг қадимий одаига кўра, қўлларидидаги машғалаларни ўчиришди. Тобутни қабрга туширишарди Виржиния яқин келиб, ўрикнинг оқ ва нафармон гулларидан тўқилган катта хочни қопқоқ устига қўйди. Шу лаҳзада Ой булутлар орасидан оҳиста сузиб чиқиб, мўъжазгина қабристонни кумушранг ёғдуга тўлдирди, йироқдаги дарахтзорда эса булбул сайрай бошлади. Виржиния руҳ ҳикоя қилиб берган ўлим Боғини эслади. Унинг кўзлари ёшга тўлди ва то уйга қайтгунларича лом-мим демади.

Эртасига эрталаб лорд Кентервил Лондонга қайтиш учун тайёрланаётганида мистер Отис арвоҳ Виржинияга совға қилган жавоҳирлар хусусида сўз очди. Қимматбаҳо тошлар, айниқса, XVI аср заргарлик санъатининг ноёб намунаси – Венеция усталари ясаган гардишдаги ёқут маржон беқиёс даражада гўзал эди. Умуман, жавоҳирлар қиймати шу қадар юксакки, мистер Отис қизи уларни қабул қилишига асло рухсат беролмайди.

– Милорд, – деди у, – “мурданинг қўли” ҳақидаги қонун мамлакатингизда ер мулкига ҳам, оилавий жавоҳирларга ҳам бирдек қўлланишини биламан. Бинобарин, ушбу жавоҳирлар сизларнинг уруғингизга тегишли эканига ёки ҳар қандай ҳолда ҳам сизларга қайтарилишига заррача шак-шубҳам йўқ. Шу сабабли уларни Лондонга олиб кетишингизни ва бундан кейин ўз мулкингизнинг бироз галатироқ шароитда бўлса ҳам яна ўзингизга қайтарилган бу қисми, деб билишингизни сўрайман. Энди менинг қизимга келадиган бўлсак, у ҳали ёш бола ва Худога шукрки, ҳар хил қимматбаҳо ялтир-юлтурга ҳозирча қизиқмайди. Бундан ташқари, миссис Отис менга маълум қилишига кўра, мана шу ялтир-юлтурни жуда катта пулга сотиш мумкин эмиш, ўз ўрнида айтиб ўтишим зарурки, рафиқам ёшлигида бир неча қишни Бостонда ўтказган бўлиб, заргарлик санъатини жуда яхши билади. Мана шу айтганларимдан келиб чиққан ҳолда, лорд Кентервил, бу жавоҳирлар оила аъзоларимдан биронтасининг қўлига ўтишига рози бўлолмайман, буни ўзингиз ҳам тушуниб тургандирсиз. Умуман олганда, британ аслзодалари нуфузини сақлаб туриш учун зарур бўлган мана шу бемаъни ялтир-юлтурнинг ҳаммаси республикача дунёқарашнинг қатъий ва менимча, метиндек мустаҳкам принциплари руҳида тарбия топган одамга мутлақо ортиқча. Бироқ, ўрни келганида шуни ҳам яширмай, очиқ айтиб ўтайки, Виржиния қутичанинг ўзини сизнинг ижозатингиз билан албатта, йўлдан озган бахтиқаро аждодингиздан бир хотира сифатида сақлаб қўйишни жудаям хоҳлайпти. У эски, тўкилиб тушай деб турган буюм бўлгани учун қизимнинг илтимосини рад этмасиз балки. Мен эса ўз навбатида тан оламанки,

Виржиния ўрта асрларга бу қадар қизиқиб қолганидан ниҳоятда ҳайратдаман. Бунинг сабаби ёлғизгина бир нарса – миссис Отис Афина сафаридан қайтиб келаётганида қизим Лондон чеккасида дунёга келгани билан изоҳлаш мумкин, холос.

Лорд Кентервил муҳтарам элчининг гапларини чуқур диққат-эйтибор билан тинглар экан, ора-сира кулгусини яшириш учун оппоқ мўйлабларини силаб қўйган бўларди. Мистер Отис сўзларини тугатганида эса лорд Кентервил унинг қўлини маҳкам қисиб, шундай деди:

– Қимматли сэр, ажойиб қизингиз менинг бадбахт аждодим сэр Симон учун жуда катта иш қилди, менинг ўзим ҳам, барча қариндошларим ҳам ҳозирда камдан-кам учрайдиган жасорат ҳамда фидойилик намуналарини кўрсатгани учун ундан бениҳоя миннатдоримиз. Жавоҳирлар сўзсиз унга тегишли, мабодо мен уларни ўзимга олгудек бўлсам, ишончим комилки, қари гуноҳкор икки ҳафтага ҳам бормай қабридан чиқиб келади ва қолган ҳаётимни нақ дўзахга айлантриб юборади. Энди бу бойлик кимга тегишли, деган масалага келсак, васиятномада ёки бошқа бирон юридик ҳужжатда кўрсатиб ўтилмаган буюмлар бу ҳисобга кирмайди, жавоҳирлар ҳақида эса ҳеч қаерда ҳеч қандай гап йўқ. Ишонинг, уларга саркорингизнинг қанчалик ҳаққи бўлса, менинг ҳам шунчалик ҳақим бор. Миссис Виржиния улғайганида бу безакларни мамнуният билан тақишига эса асло шак-шубҳам йўқ. Қолаверса, мистер Отис, сиз бир нарсани унутиб қўйдингиз: бу қасрни жиҳозлари ва арвоҳи билан бирга қўшиб сотиб олдингиз, бинобарин, арвоҳга тегишли ҳамма нарса ўз-ўзидан сизнинг тасарруфингизга ўтиб бўлган аллақачон. Гарчанд сэр Симон кечалари катта фаоллик кўрсатган бўлса-да, юридик жиҳатдан у марҳум, бинобарин, сиз унинг бутун мол-мулкани қонуний асосда мерос қилиб олгансиз.

Мистер Отис лорд Кентервилнинг бу раддиясидан ниҳоятда ўкинди ва ундан бу масалани яна бир бор яхшилаб ўйлаб кўришни илтимос қилди. Бироқ олижаноб сэр ўз фикрида собит турди ва пироварднатижада жавоҳирларни қизи учун қолдиришга элчини кўндирди. Хуллас, 1890 йил баҳорида ёш Чешир герцогиняси турмуш қуриши муносабати билан қиролича қабулида бўлганида ҳамманинг кўзи у таққан зеб-зийнатларда эди. Зотан, Виржиния америкалик маънавияти юксак қизларнинг барчасига мукофот тариқасида бериладиган герцоглик тожига сазовор бўлди. У ўзининг ёш мухлисига у балоғат ёшига етиши биланоқ турмушга чиқди. Ҳар иккала ёш шу қадар ажойиб, бир-бирини шу қадар севардики, кекса маркиза Дамблтондан бошқа ҳамма уларнинг бахтидан қувонди. Бир томондан, кампиршони ҳам тушуниш керак: эрга теголмай ўтириб қолган еттита қизидан бирини герцогга узатиш гамида бир эмас, уч марта тушлик зиёфати бериб, анчагина пулга тушганди-да.

Қанчалик ғалати кўринмасин, норозилар сафида аввалбошда мистер Отис ҳам бор эди. Чунки у, назорат мулоҳазаларга бориб, ҳар қандай унвонга ҳануз душманлик кўзи билан қарар, ўз ибораси билан айтганда, “ҳузур-ҳаловатга берилган аслзодаларнинг заифлаштирувчи таъсири республикача оддий ҳаётнинг метиндек мустаҳкам негизларига шикаст етказиши мумкинлигидан хавотирланарди”. Бироқ уни бу фикридан қайтишга тезда кўндиришди ва мистер Отис қизининг қўлидан тутиб, Ганновер-сквердаги Авлиё Георгий черковининг меҳробини ёнига бошлаб келганида, менимча, бутун Англия бўйича ундан-да мағрурроқ одам топилмасди.

Асал ойи ўтганидан сўнг герцог билан герцогиня Кентервил қасрига келишди ва эртаси куни қарағайзор яқинидаги ташландиқ қабристонга йўл олишди. Улар сэр Симоннинг қабри тошига нималар деб ёзиш кераклигини узоқ ўйлаб кўришди ва, ниҳоят, марҳум исм-фамилиясининг бош ҳарфларини ҳамда кутубхона деразасига битилган шеърни ўйиб туширишга қарор қилишди. Герцогиня қабри ўзи келтирган гулларга кўмиб ташлади, унинг тепасида бироз туришгач, улар ярим вайрона эски черковга киришди. Герцогиня йиқилиб ётган устун устига ўтирди, эри унинг оёқлари остида жойлашиб, сигарета тутатганича, унинг тиниқ кўзларига узоқ тикилиб қолди. Кейин у сигаретани улоқтириб юборди-да, герцогинянинг қўлидан тутди:

— Виржиния, хотиннинг эридан яширадиган сири бўлмаслиги керак.

— Менинг ҳам сендан яширадиган ҳеч қандай сирим йўқ, азизим Сесл.

— Йўқ, бор, — деди у жилмайиб. — Руҳ икковингиз қамалиб олганингизда нималар бўлгани тўғрисида менга ҳеч қачон гапириб бермагансан.

— Бу ҳақда умуман ҳеч кимга ҳеч нарса айтмаганман, Сесл, — деди Виржиния жиддийлашиб.

— Биламан, лекин менга айтишинг мумкин-ку, ахир.

— Мендан бу тўғрида сўрама, Сесл, чиндан ҳам сенга айтиб беролмайман. Бечора сэр Симон! Ундан шу қадар миннатдорманки!.. Йўқ, кулма, Сесл, ҳақиқатан ҳам шундай. У мен учун Ҳаёт нимаю ўлим нималигини, Муҳаббат нима учун Ҳаёт ва Ўлимдан кучли эканлигини кашф этиб берди.

Герцог ўрнидан туриб, рафиқасини оҳиста ўпди.

— Майли, бу сир ичингда қолаверсин, фақат қалбинг меники бўлса бас, — деди у шивирлаб.

— У доимо сеники, Сесл.

— Бироқ бу воқеаларнинг барини бир куни келиб, фарзандларимизга айтиб берасан-ку, ахир! Тўғримасми?

Виржиния қип-қизариб кетди.



Таваллудининг 250 йиллигига

Фридрих ШИЛЛЕР

Шодлик, эй сен, илоҳий олов

ЕРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ

Одамларга Зевс¹ дейди: “Замин сизга хос!
Ердан олинг, ҳимматимдан қолинг нафланиб,
Олий инъом сизлар учун бўлсин бир мерос,
Оға-ини мисол яшанг иноқ ё сафланиб!”

Тараддудга тушди ҳамма, калапатра жон,
Ўзин қайга қўярини билмас ёш-қари.
Бўлиқ ерни, экинзорни танлади деҳқон,
Овчи эса ўрмон олди, тоғлардан нари.

Аббатга² — май керак экан, тужжорга-чи — мол,
Бутун савдо йўллари олиб бир йўла,
Кўприкларни тўсди, соқчи қўйди-ку, қирол:
“Олди-сотди қилдингми, бас, товонин тўла!..”

Алламаҳал узоқлардан келди шоир жим,
Ўйга ботган, кўзларини ердан олмаган...
Ҳамма нарса улашилган, тугаган тақсим,
Шоир учун бир қарич ҳам ер йўқ, қолмаган...

¹ Зевс — юнон афсоналарида олий маъбуд, худо

² Аббат — католик руҳонийси.

*Русчадан
Муҳаммад АЛИ
таржималари*

Буюк немис шоири, драматурги, санъат назарийчиси, тарихчиси Иоганн Кристоф Фридрих Шиллер 1759 йил 10 ноябрда Марбах шаҳрида дунёга келди. Бу йил адиб таваллуд топган кунга 250 йил тўлади.

Фридрих Шиллер Г.Э.Лессинг ва И.В.Гётелар билан бир қаторда немис классик адабиётининг асосчиларидан ҳисобланади.

Фридрих Шиллер ижодда кўламнинг кенглигини яхши кўрарди, антик адабиёт вакиллари уни мафтун этарди, шу боис улар ижодини чуқур ўрганди. Оқибатда ўзи ҳам улуғ адибларга хос бўлган умуминсоний мавзуларда асарлар ёзди. В.Г.Белинский таъбири билан айтганда, ўз ижоди, ардоқлаган ғоялари билан “инсониятнинг олийжаноб ҳимоячиси”га айланган, Ф.М.Достоевский “инсониятнинг дўсти” деб атаган, А.И.Герцен “олийжаноб туйғулар шоири” деб улуғлаган Ф.Шиллернинг ижоди бағоят ранг-баранг. У “Қароқчи-

“О, қисмат! — оҳ урди шоир. — Наҳот ёлғиз мен
Эҳсонингдан бенасібман? Шундоғми азминг?
Фидойи бир ўғлингман-ку!.. Раҳм айлагил сен...”
Бироқ осмон ҳукмдори сўз деди вазмин:

“Нафсиз орзу-хаёлларга қул бўлдингми, бас,
Кўз ёш тўкма, керак эмас нолаю нидо.
Буюк тақсим палласида қайдайдинг, эй кас?..”
“Мен сен билан бирга эдим, эй ҳозик худо!”

Сенинг ёрқин жамолинга боқдим қизганиб,
Сеҳр тўла каломинга бўлдим маҳлиё.
Улуғ зотни ўйлаб, эвоҳ, байгулҳазанни¹ —
Унутган бир бечорани кечиргил, худо!”

Зевс деди : “Ҳеч вақом йўқ, билмам, нетарман,
На қишлоқ, на шаҳар... айлай десам илтифот.
Аммо сенга кенг осмонни ҳадя этарман,
Осмонларда юражаксан эркин, ҳур ва шод!”

РУССО ҲАЙКАЛИ²

Франция ва давримиз шаънига
Тўлиб тошган маломату таънага —
Ҳайкалинга бош эгурман бу фурсат.
Сенга таъзим, доноларнинг доноси!
Сен изладинг фоний ҳаёт сафосин,
Ер остидан уни тополдинг фақат...

Гардуни дун яралари битганмас:
Јадим зулмат — доноларга илди іасд.
Гозир нур бор — хгш, жаллодлар камми, кам?
Суйрот глди жоқилларнинг іггида,
Одам іилай деб исовий іулидан,
И совийдан глди Руссо гзи дам ...

¹ Б а й т у л ҳ а з а н — бу ғамхона дунё, дунёи бевафо, маъносида.

² Руссо ҳайкали Париж яқинидаги Эрменонвил шаҳрида ўрнатилган эди. Шеър ўша ҳайкалга мурожаат тарзида ёзилган (*Таржимон*).

лар”, “Макр ва муҳаббат”, “Мария Стюарт”, “Дон Карлос”, “Валленштейннинг ўлими”, “Вильгельм Телль” каби жаҳон адабиётини бойитган драмалар, “Шодликка қасида” (шоирнинг ўзи эътироф этишича, бу шеър худди халқ шеъри, қасидаси дегулик шарафга эришган, Бетховен ўзининг Тўққизинчи симфонияси охириги қисмини шу қасида асосида яратди, бастакорни шеърдаги озодлик, тенглик ва қардошликнинг кўтаринки руҳи, ифодаси илҳомлантирган эди), “Ернинг тақсимланиши”, “Қўшга қўшилган Пегас”, “Янги аср ибтидоси”, “Оламнинг улуғворлиги”, “Қўнғирок ҳақида қўшиқ” сингари оҳанраболи шеърлар, “Қўлқоп”, “Жом”, “Кафолат”, “Поликрат узуги”, “Геро ва Леандр”, “Ғолиблар тантанаси” ва бошқа машҳур балладалар, новелла, роман, “Қўшма нидерландларнинг испан ҳукмронлигидан ажаралиб чиқиш тарихи”, “Ўттиз йиллик уруш тарихи” сингари, нафақат илмий изланишлар маҳсули, балки немис насрининг ажойиб намуналарига айланган йирик тарихий тадқиқотлар, санъат тарихи ва эстетикага бағишланган теран мақолалар муаллифидир.

ҚЎШГА ҚЎШИЛГАН ПЕГАС

Хаймаркетда¹ бўларди от савдоси,
Сотиларди ҳатто жуфту ҳалоллар.
Чор-ночор оч қолган шоир Пегасин,²
Мана, сотайин деб, бозорга солар.

Ёлларин силкитар, кишнар асов от,
Кўкларга сапчийди.
Одамлар ҳанг-манг,
Ҳайратдан ёқасин ушлайди: “Ҳайҳот!
Қанақа зўр от-а! Савлатин қаранг!
Оҳ-оҳ, қанотлари бўлмаса борми,
Отмисан от бўлар эди дунёда!
Отинг, айтганингдай, жуда зотдорми?
Миниб олиб тагин юрмай ҳавода?”

Отга яқинлашар битта харидор:
“Рост, кўркин қаноти турибди бузиб.
Ҳечқиси йўқ.... Бунда уста байтар бор,
Отлар пири, шартта ташлайди кесиб!
Кейин отдай бўлар! Берай беш олтин!
Марҳамат, олгин”.

Шоир дер: “Бор-барака!”
Отни олиб Ҳанс жунар.
Қараганлар қараган,
Ҳасадчилар ютинар...

Оғир аравага юкларни ортиб
Йўл олар Ҳанс.
Учмоқ истайди Пегас,
Олийжаноб ғазаб, қаҳри олийдан
Кўкка интилдию юганни тортиб,
Эс-ҳушин йўқотиб учиб тушди Ҳанс.

“Ҳа-ҳа-ҳа! — деди Ҳанс. — Шундайин тулпор
Юк торта олмасмиш! Ҳеч бокиси йў-ў-ўқ!
Тонг билан почтага ўтарман бир бор,
Аравага кўшиб кўраман аниқ.
Унда у уч отнинг ишини қилгай!
Балки шу йўсинда ақли ҳам киргай!”
Юки енгиллашган эҳтиётсиз от
Учқур шамолларни қолдирди ортда!
Арава елади! Ногаҳон, ҳайҳот,
Фоний йўл чангига ўрганмаган от-да! —
Осмон-фалакларга айлади парвоз,
Пинҳон қудратини этиб намоён,
Пастда-чи, ўрмонлар бўй чўзмиш, дароз...
Бирдан кетди ҳамма отлардан имон,

¹ Жой номи.

² Қадимги юнонларда афсонавий илҳом аргумоғи.

³ Байтар (*араб*) — ветеринар, мол дўхтири.

Жилов ҳам, қамчи ҳам йўлга сололмас,
Даҳшатдан титрашар сайёҳлар бари.
Кеч кирди ва, мана, тунда бир нафас
Тик адир устида тинди сафари...

“Эҳҳе! – Ҳанс ўйланди. – Ҳазилми ё чин?
Ахир, нима тортар сени осмонга?
Бунақа қилигин унутсин учун,
Туну кун ишлатиб олайн кучин,
Емдан озроқ берай қайсар ҳайвонга!”
Айтди – бас. Чўп бўлиб қолди шўрлик от,
Тўрт кунда қаровсиз, емдан бенасиб.
Ҳанс хурсанд, кўкларда қоқади қанот:
“Энди ҳеч қушларга қилмассан таъсип!
Энди қўш тортасан ҳўкиз-ла бот-бот!”

Мана, шармандали қисматга банди
Тулпор ҳўкиз билан чиқар майдонга...
Беҳуда ер тепар само фарзанди,
Беҳуда интилар она осмонга.
Ҳўкиз-чи? Судралар эҳканча бошин,
Майишар юкдан Феб¹ аргумоғи ҳам.
Фақат занжирлари жаранглар машъум,
Фақат қанотлари қайрилар бу дам,
Ҳудо манглайини силаган тулпор
Йиқилар азобдан ёш тўкиб зор-зор...

“Э, ҳайвон! – Ҳанс қаҳри ловуллаар ногоҳ,
Кетма-кет тулпорга солади қамчи! –
Қўшга ҳам ярамас, не гап бу, эвоҳ,
Лаққа туширибди мени алдамчи!..”

Ҳанс тинмай Пегасни калтаклар ҳамон,
Тоғдан тушиб келди бир йигит шу он.
Созидан таралар тотли бир нағма,
Очиқ чехрасидан ёғилади нур.
Манглайин безаган тиллоий тасма,
Ўзи ҳам куйидан қиларди ҳузур.
“Биродар! Бекорга куйинма бирпас! –
Дехқонга боқади йигитча хомуш, –
Сен ўзи, афтидан, бу ерлик эмас,
Айт, ҳеч кўрганмисан, ҳайвон билан қуш
Бир қўшда юрганин? Диққат бўлма, бас!
Яхшиси, отингни берақол менга,
Унинг мўъжизасин кўрсатай сенга!”

Дарҳол эгарланар тулпор! Шу замон
Йигит табассум-ла эгарга минар.
Пегас чавандозни сезгани ҳамон
Кўзида учқунлар чақнаб кўринар
Ва кишнар, учай деб кўкка уринар!

¹ Қадимги юнонларда қуёш ва нур худоси Аполлоннинг лақабларидан бири.

Пуркуч руҳ, нақ худо, подшо мисоли
Турар у занжирдан, таҳқирдан холи!

Гўё қанотида элтмоқда бўрон,
Ложувард осмонга интилар Пегас.
Мана бир дақиқа, мана бир нафас,
Ожиз нигоҳлардан бўлди у ниҳон!

ЖОМ¹

“Ким бўлса ҳам — рицарми, оддий аскарми ва ё,
Чўққидан денгизга ташлай олур ким?
Ушбу олтин жомимни итқитаман шу асно,
Сув тубига шўнғиб, ким топса жомим,
Соҳилга қайтиб чиқса тўлқинлардан саломат,
Ўшанга жом туҳфадир, бир туҳфаки — аломат!”

Шундай дер подшоҳ мағрур юксак чўққида туриб,
Қараркан мавжланган денгиз томонга.
Сўнг беписанд, ҳамманинг ҳавасини келтириб,
Шарт отиб юборар жомни уммонга...
“Қани, ким ул, борми мард, жасорат деб туғилган?
Тоғиб, ортга соғ-омон қайтмоқни ният қилган?..”

Аммо рицарь ҳам аскар, индамай юз буришар,
Сукут жавоб бўлар подшоҳ сўзига;
Ваҳимали денгизга қўрқиб қараб туришар,
Кўрмай жом излашни раво ўзига.
Такрор сўзланар подшоҳ, ҳар каломиди виқор:
“Қани, ўша довиорақ, юрагида ёли бор?..”

Жимлик... Бирдан ёш йигит, паж² — подшоҳ хизматкори
Тавозеъ-ла ўртага чиқади мағрур;
Ёпинчигини ечар, белбоғ, қалпоғин борин —
Тахлаб ерга қўяр... Кўзларида нур...
Хонимлар ва рицарлар кўнглидан кечар алҳол:
“Ёш жонингга раҳм айла! Қўй, шахтингдан қайта қол!”

Қоянинг қиррасига қадам ташлар бу фурсат,
Тикилар денгизнинг қаърига ўғлон...
Тубсиз қаърдан долғалар отилиб чиқар қат-қат,
Айқириб, кўкларга қилгандай исён!
Тўлғанар оч тўлқинлар, кўпик сочар жангари:
Даҳшат момақалдироқ сурон солган сингари.

Увлар-да, ҳуштак чалар, ўзин қирғоққа урар,
Чиқар ўт теккандай вишиллаб садо.

¹ Шеърнинг номи аслиятда “Фаввос”. Рус таржимони В.Жуковский ўз таржимасида мазмундан келиб чиқиб, “Жом”, яъни май ичиладиган қалаҳ, деб атаган.

² П а ж — рицарлик унвонини олишни мақсад қилган подшоҳнинг ёки бирон амлақдорнинг шахсий хизматкори, ғуломи. Бошқа маъноси — маҳрам.

Тўлқинлар чопар, кўпик тутундай кўкка ўрлар -
Устундай самога етмоқчи гўё!
Баланд тўлқин, долғалар, пўртанавор тубсиз қаър...
Дейсан, денгиз бош олиб кетмоқни истар магар?

Бирдан тинар тўлқинлар, мавжлар тинчланиб қолар,
Хурпайган кўпиклар ичида альфон
Ўпқон пайдо бўлару денгиз бир сўлиш олар,
Сув шитоб ёприлар ул ўпқон томон!
Барчасин юта бошлар оч денгиз қаъри, қара:
Қаър ўртанар, тўлғанар, ҳар ён ўкирик, наъра...

Ваҳшатга боқмас йигит, сакрар денгизга азот,
Ичида худога айлаб тавалло...
Ҳамма тош қотган, кўрққан, диллардан учар фарёд, —
Ачинар йигитга: “Дариг!.. Ажабо!..”
Шу палла сирли ўпқон оғзи шартга ёпилар,
Биров билмас, ки йигит топилмас ё топилар...

Денгиз тинди... Борлиқ жим... Тўлқинлар шовқин солмас,
Денгиздан излашар йигит изларин,
Боқару ғам-аламдан ўзин тўхтата олмас:
“Баҳодир йигит, — дер — кечир бизларни!”
Теран қаърнинг сурони пасайиб борар аста...
Диллар ненидир кутиб сирқирайди шикаста...

“Менга деса, сувга от олтин тожингни майли,
Дея: “Ким келтирса сув қаъридан тож,
Тахтага ҳам шерик бўлгай, ботирлиги туфайли!” —
Тахтинга йўқ менда, билсанг, эҳтиёж.
Ваҳший ўпқон йигитни айлади кўздан ниҳон,
У ҳақда сўзлаб бермас, бунда бирон тирик жон.

Қанча-қанча кемалар тўлқинларга бойланиб,
Ем бўлган, чўккандир ўпқон ичида:
Барчаси парча-парча, пайрахага айланиб
Юзиб юрган тагсиз уммон ичида...”
Бироқ тагин сас келар қаърдан он ўтган сайин,
Олис момақалди роқ товушидай нотайин.

Увлар-да, ҳуштак чалар, ўзин қирғоққа урар,
Чиқар ўт теккандай вишиллаб садо.
Тўлқинлар чопар, кўпик тутундай кўкка ўрлар —
Устундай самога етмоқчи гўё!
Боз сувларни сачратар, кўпик пуркар тубсиз қаър,
Баҳайбат махлуқ мисол, наъра тортар, ўкирар!..

Бирдан... ажаб, шиддатдан сармаст кўпиклар аро
Оқ нарса кўринди... кўринди аён...
Бир оқ нарса... ана қўл, елка... бир бахти қаро
Тўлқин-ла олишар, қаттиқ, беомон!
Ана, — хитоб, нидога чулғанади издиҳом —
У чап қўл-ла ҳопитар, ўнг қўлида эса... жом!

Узоқ нафас олар ул, оғир-оғир энтикар,
 Шукр айлар оламни боз кўриб ўғлон.
 “У тирик! — деб қичқирар кимки интиқ кўз тикар, -
 Бундоқ жасоратни кўрмаган жаҳон!
 Нақ зимистон қабрдан, денгиз тубидан омон,
 Ўлмай чиқди-я омон, гўзал йигит навқирон!”

Соҳилга чиқар йигит; ҳайқиради оломон;
 Подшоҳнинг пойига отилар ғаввос
 Ва олтин жомни кўяр... Подшоҳ айлайди фармон,
 Буюрар қизига: “Мард экан, шоввоз!
 Узум шарбати тўла жом узатгил шу заҳот,
 Ки ширинлик, ширинлик бўлсин унга мукофот! ”

“Омон бўлсин подшоҳим! Ерда борки тирик жон,
 Ҳеч ким чет қолмасин, шодлансин, кулсин!
 Аммо бағоят даҳшат, денгиз таги зимистон...
 Банда Ҳақ амрига итоат қилсин:
 Худо биздан сир тутган нарсаларни билмоққа
 Уринма, журъат этма ҳаттоки интилоққа...”

Ўқдай шувиллаб учдим мен ваҳший денгиз сари...
 Келарди қаршимдан бир оқим шитоб;
 Тошларнинг ёриғидан сув тирқирар сарсари,
 Тортиб кетди шу он даҳшатли гирдоб,
 Суриб кетди қаър ичра, бирам пуркуч, пурқудрат...
 Чирпирак айлади-ку, хас-хашак, буюм сифат!

Яратганга ёлбордим, паноҳингда асра деб,
 Худо кўллади-да, ўзи халоскор:
 Зулматда гира-шира қояни қолдим кўриб,
 Жон-жаҳд-ла ёпишдим, неки кучим бор;
 Олтин жом ҳам илиниб турар коралл¹ шохига,
 Тўлқин олиб кетмаган уни денгиз чоҳига.

Пастимда нима бордир, ноаниқ гира-шира,
 Қирмизранг зулматда кўзлар илғамас,
 Сукунат чўмган, жимлик... қаърдан сас келмас сира;
 Қўрқинчли, боқурсан олмайин нафас,
 Бесўнақай нарсалар силжир таҳдидли бот-бот,
 Денгиз тубин безаган турфа хил ажойибот...

Кўрдим, ажаб, ҳар бало камардан чиқар қайнаб,
 Балиқ, турфа жонвор, ўт... йўқ наrsa йўқ,
 Бари устун мисоли ўрлар баландга қараб,
 Тирмашар уларга бир тишли махлуқ.
 Очкўз денгиз бўриси деб аталган бир наҳанг
 Ейман дебон ташланди, қутулиб қолдим аранг.
 Қодир қисмат қошида қамти турардим ҳолсиз,

¹ К о р а л л — маржон-маржон бўлиб яшайдиган дегиз жониворларининг тошга айланган қолдиқлари. Улардан аёлларнинг безак буюмлари, тақинчоқлари ясалади.

Инсон назаридан йироқда ночор,
Ваҳший махлуқлар аро ўзим биргина, ёлғиз,
Денгизнинг тубида хасдан хокисор.
Фақат инсон каломи берарди дилга сафо,
Зиндонни макон тутган тилсиз жонзотлар аро.

Титроқ босар... судралиб келар, кўзи ўт сочар,
Юз оёқли ваҳший, ножинс, ҳўл бало,
Домига тортай дея .. каппақдай оғзин очар...
Жон ҳолатда қочдим ундан уввало!
Балодан ҳазар дерлар: тўлқин тутиб кифтини,
Қошингизга соғ-омон чиқариб кўйди мени..."

Ушбу қисса подшоҳга кўп гаройиб кўринди:
“Олтин жомни олгин, кўшай узук ҳам,
Олтин узукни сенга туҳфа этайин энди,
Олмос ярақлайди унда чинакам!
Яна журъат кўргизиб, қаърга отилсанг дадил,
Қайтиб, сўйларсан денгиз сирларидан турфа хил.”
Буни эшитган замон малика қалби куйди,
Қизарганча деди: “Жоним отажон,
Етар ахир, раҳм этгил, у зўр иш қилиб кўйди,
Бошқа биров шундоқ қилмоғи гумон!
Агар яна текширмоқ истасанг ким мард, жасур,
Ёш паж эмас, биронта рицарни юбориб кўр!”

Аҳдида қоим эди, сўздан қайтмади подшоҳ,
Олтин жомин отди денгизга томон:
“Энг ардоқли рицарим бўлурсан, қайтганинг чоғ,
Кўлингда олтин жом ярақлаган он.
Қизим, малика, мана сени айлар ҳимоя,
Бўлур сенинг қайлигинг, қайтганингда ниҳоят!”

Йигитнинг шаъми ёнар, бағрига ўт туташар,
Кўзларида порлар мардлик, жасорат.
Қизнинг юзи ловулар, ранги оқара бошлар...
Дилгинасин ўртар кўрқув ва шафқат...
Қувончига тор келиб, йигит қалби потирлар,
Ё ҳаёт, ё мамот деб, тўлқинларга отилар!..

Денгизнинг қаъри тинчир... яна суронлар солар...
Сув сатҳин қошлайди кўпиклар яна...
Қалби титраб қиз узоқ денгизга қараб қолар...
Пўртана кетидан келар пўртана...
Тўлқинлар келар, кетар, лом-мим демас, сўз айтмас...
Йигитдан-чи, йўқ дарак, у энди мангу қайтмас...

Мурза ҒАПАРОВ

Мурғобликлар

Қисса

Кечкурун яна ётоқхонага қайтиб келдим. Бир ойдан буён таъмирланаётган уч қаватли ётоқхонанинг бирорта ҳам деразасидан йилт этган шуъла кўринмайди. Лекин даҳлиз ёруғ эди. У ерда дам олишга кетган эшик оғасининг диванида комендант ётибди. Кўзида кўзойнак, оғзида папирос, қўлида газета. Бу киши хотини ва бўйига етиб қолган қизи билан бинонинг бир кунжида истиқомат қилишади. Ҳозир хотини ухлаб ётган бўлса керак, қизи эса сўзсиз шаҳарга чиқиб кетган чоғи, йўқса комендант тун ярмигача бу ерда ётмас эди. У қизини кутиб ётибди. Қизи эса шунақа — ҳамиша кеч келади. Шаддодроқ, арзанда қиз.

Мен эшикнинг ойнагини чертдим. Комендант қайрилиб қарамаса ҳам, мен эканлигимни билиши шубҳасиз, чунки, қизи келса менга ўхшаб ойнакни черткилаб ўтирмай, эшикни тепкилай бошлайди.

Комендант оҳиста қаршимга келиб:

— Йўқ, — деди бошини чайқаб, — очмайман.

— Яна бир кунгагина, — дедим мен, шаҳодат бармоғимни кўрсатиб.

— Сенинг «бир кунингга» бир ой бўлиб қолди.

— Мен бугун жой топиб келдим, эртага кўчиб кетаман.

— Топганинг рост бўлса, бугуноқ кўчиб кет. Ўша жомадон деган матоҳингни ҳозир келтириб бераман.

— Бугун кеч бўлиб қолди. Топган ҳужрам узоқда, Бишкекда эди-да.

— Етар, оғайни, иззатинг битди, — деб комендант юз ўгириб кетди.

*Қирғиз тилидан
Қурбон САТТОР
ва*

*Турсунбой
АДАШБОВЕВ
таржимаси*

Қирғизистон халқ ёзувчиси Мурза Ғапаров – қирғиз китобхонларининг ардоқли адибларидан бири. У ўзининг замондошлари Ашим Жақипбеков, Мар Байжиев, Кенгаш Жусуповлар билан бир сафда турган ҳолда, қардош қирғиз адабиётида ҳикоячилик жанрини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган. М. Ғапаров 1936 йилда Ўш вилоятининг Новқат туманидаги Нуйғут қишлоғида туғилган. Мирза оға атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов билан биргаликда кўп йиллар «Қирғизфильм» киностудиясида ишлаб, қатор кинофильмлар ҳам яратган.

Мурза Ғапаровнинг «Меҳмон» деб номланган биринчи китоби 1963 йилда нашр этилган. Адибнинг «Бир шингил узум», «Арслонбоб томонларда», «Қоракўлнинг ғозлари», «Ғаройиб Орол», «Қизил беда», «Ёввойи ўрдаклар» сингари қатор китоблари қирғиз, рус ва қардош тилларда босилиб чиққан. «Жаҳон адабиёти» журнали мухлислари эътиборига ҳавола этилаётган мазкур қисса олис ва сирли Бадахшондаги қирғиз элатининг турмуш тарзи Мурза Ғапаровга хос услубда баён этилади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

58

— Амаки... — дедим, илтижо билан, лекин, комендант қиё боқмай диванга бориб ўтириб, ўчиб қолган папиросини ўрнига янгисини ўт олдириб чека бошлади.

Энсам қотиб, ноилож, эски, синашта усулни қўллашга тўғри келди — деразадан бақамти қўйилган темир шоти орқали хонамга кириб олдим. Менинг бу «ҳийлам» комендантга ҳам қўпдан маълум эди. Тўртта каравот, тўртта жавончадан иборат бу бўлмада ҳозир фақат бир ўзимман. Каравотларнинг учтаси яйдоқ, тўртинчисида фақат биттагина тўшак бор. Яйдоқ каравотларнинг эгалари бир ой аввал чўнтақларига дипломларини солишиб, кўкрақларига биттадан белгиларини тақишиб, бу каравотлар билан биратўла хайрлашиб кетишган. Анаву каравотда ўн кун аввал тўшакдан ташқари кўрпа, оппоқ чойшабу пар болишлар ҳам бор эди. Ўн кун илгари ҳозиргидек кечаси келсам, биргина тўшак қолибди. Шунисига ҳам Худого шукур дедим.

Мен чироқ ёндирмадим, шундоғам жойимни топаман, ечинсам бас. Аслида ҳам бу ерга фақат тунаш учунгина келардим. Эндигина бўйинбоғимни ечганимда йўлакдан оёқ шарпаси эшитилиб қолди.

Эшикдан мўраласам, қоронғи йўлак бўйлаб папироснинг чўғи ҳайинчалакдек учиб келарди. Дарҳол йўлакдан ўтиб, учинчи қават зинапоясига бекиндим. Комендант барибир шарпамни сезиб қолибди.

— Қочма, Охун, — деди у. — Барибир бугун сени бу ерга қўймайман.

Мен нес бўлиб, ўрнимда туриб қолдим. Комендант менинг хонамга кириб, матрасни ҳам йиғиштириб олди-да, йўлга тушди. Қуруқ каравотда ётишнинг ўзи бўлмайди. Ноилож ортидан эргашдим.

— Амаки, бугунча йўқ деманг.

Комендант гўё эшитмагандек, биринчи қаватга тушиб, худди мен олиб қочиб кетадигандай тўшакни диванга тўшаб, устига ётиб олди.

Атайин мени «унутди-қўйди». Мен шалоғи чиққан креслога бориб, бошимни ҳам қилганимча ўтириб қолдим.

— Мен иш топдим, — дедим ниҳоят зора дийдасини юмшатсам деган илинжда. Бу синашта усул бир неча марта кор келган эди. — Радиога муҳаррирликка таклиф этишди.

— Ия, газета билан хайр-маъзур қилдингми? — деди комендант истеҳзо билан. — Эсиз, муҳбирлигинга икки кунгина бўлувди-я!

Жин урсин «муҳбир бўлганимни» унутиб қўйибман-да.

— Унисиям тўғри эди, — дедим. — Лекин радиога борсам, бизга айнан талантли ёшлар керак, бизга келавер, дейишганидан, уларга ваъда бериб қўйдим.

— Сайра-я, сайра, — деди комендант. — Рўпарангда нима десанг лаққа тушаверадиган овсар турибди-да.

Мен мулзам бўлиб, индамай қолдим. Айни шу дамда эшик таққиллай бошлади. Эшикнинг ойнагидан қарасам, комендантнинг қизи — Ойша. Менга кўзи тушган қиз (рамзий) ўпич ҳадя қилди. Мен унга пешвоз чиқмоқчи бўлганимда, отаси гимирлаб қолди. Комендант — олтмишни қоралаб қолган, бурама мўйлов, бўтқа бет, семиз кимса, шоҳ ташлаб бориб эшикни очди.

— Қизим, бемаҳалда юрма, деб неча марта айтганман сенга, — дея одатдаги дийдиёсини такрорлади. — Ҳозир безорилар кўп, бирортасининг чангалига тушиб қолсанг, нима бўлади?

— Мендан хавотирланманг, ота, мени олиб келиб қўйишади, — деди қиз, ичкари кираётиб.

Менга кўзи тушгач: — Яхшимисан, Охун, ишларинг қандай? — деб сўради.

Мен кўриб турибсан-ку, дегандай елкамни қисиб қўйдим.

— У бугун газетадан бўшаб, радиога ишга кириб келибди, — деди комендант. — Одамлар иш тополмай юрса, бунга кунора янгиси.

Эски даҳмазамизни тушунган қиз, ҳазин жилмайиб қўйди. Чолнинг қизи менга ёқарди. Сулув, ақл-хушдан ҳам худо берган. Дивандаги тўшакни унга ишора қилиб қўйдим.

— Ораларингиздан яна қора мушук ўтдими? — деб сўради қиз отасидан.

— Кетсин! — деди отаси. — Менга бўлмаса ҳам, беш йил шу ётоқхонадан текин жой бериб, ўқитган ҳукуматга раҳмат десин-да, кетаверсин. Иззати битди.

— Сиздан нима кетяпти, ота? Шу увода тўшакнинг нимасини қизғанасиз? Имкони бўлганда кетади-да. Ойша тўшакни юмалоқлаб, келиб менга кучоқлатиб қўйди.

Кўзининг оқу қораси бўлган қизини комендант жонидан ҳам яхши кўрарди.

— Майли, яна бир кечага, — деди менга айнан «кечага» сўзини такрорлаб. — Аммо, айтиб қўяйин, бола, эртага яна келадиган бўлсанг, Ойшанга ҳам ишонма, шундоқ елкангдан ушлайман — ўзингни ҳовлида кўрасан. Юр!

У қизини олдига солиб, ўзларининг ётоғи томон кетди. Йўл-йўлакай Ойша менга дўстона кўз қисиб қўйди.

Мен тўшагимни каравотимга тўшаб, уйқуга ётдим. Кун бўйи қўп юрганымдан, тезда уйқуга кетибман. Бир маҳал юзимга бировнинг муздек лаблари текканини сездим. Бу, шубҳасиз, Ойша эди. Мен кўзимни очмасдан, уни кучоқлаб, маҳкам бағримга босдим. Эгнига халат кийиб олибди. Биз бир лаҳза ялаб-юлқашиб олдик. Қиздан ўта хушбўй атир ва шампан виносининг ҳиди бурқирарди.

— Хўш, маликам, айтинг-чи, бугун қаерларда, кимлар билан бўлиб, нима ишлар қилиб келдингиз? — деб сўрадим ундан.

Ойша мендан ҳеч нарсани яширмасди.

— Тушгача кир ювдим, тушдан кейин кинога бордим, — деди у.

— Ким билан бординг?

— Кандидант билан.

— Кейин-чи?

— Кейин ресторанга, ресторандан сўнг унинг уйига бордик.

— Оҳ-хо-о! Илгари ҳам борганмидинг уйига?

— Йўқ, борсам айтмасмидим. Ҳозир ҳам бормас эдим, танишганимизга бир ой бўлса ҳам сен менинг уйимни кўрганнинг йўқ деб, елимдек ёпишиб олди. Уйда эса кўришга арзигулик нарсаси ҳам йўқ экан. Қўйди-чиқдидан теккани: бир жавон, бир стол, телевизор, икки кишилик эски каравот, холос.

— Кейин-чи? Кейин нима деди?

— Нима дейишини уйига бормай туриб ҳам билар эдим. Нима дер эди, каравотга юр дейди-да. Э, ҳозир эркак зоти билан самимий, инсоний иззат-ҳурмат билан дўстлаша олмайсан. Биринчи куни — «сиз», «биз». Иккинчи куни ўпишса, учинчи куни каравотга ётишингни талаб қилишади. Ҳаммаси бузилган! Ҳаммаси! Фақат сен бузилганингча йўқ. Сенинг ор-номусинг бор. Мен сенга ишонаман. Мен сени беш йилдан бери биламан, сен бирор марта қуюшқондан чиқиб, қўлингни белимдан пастга туширганинг йўқ...

... Ҳа, буниси ҳақ гап эди. Ойша, деярли менинг кўз ўнгимда вояга етди. Бундан беш йил муқаддам мен ўзим, ўн саккиздаги бўз бола эдим, комендант айтган ўша ёмон жомадонимни кўтариб шу

даргоҳнинг остонасига келганимда, Ойша ўн учдаги ёшгина қиз эди. Айвон саҳнида абитуриент қизлар билан тўп ўйнаётган шу қизчадан биринчи ётоқхонани сўраганимда, кўрсатиб берибгина қолмай, комендантнинг қаерда туришигача айтиб берган. Кейин бу қиз коментдантнинг қизи ва менинг кўшниларимдан бири эканлигини билдим.

Биз худди ака-сингиллардек апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Ўтган йилгача менинг наздимда у ҳамон мишиқи қизчайди. Ўтган йили илк бор, тўсатдан уни гўзал, кетворган бўлиб етилиб қолганини пайқадим. Ўша кунни бизнинг филфакнинг янги йил кечаси бўлганди. Ойша кундузи менинг олдимга келиб: «Охун, кечаларингизга битта таклифнома топиб бер» — деб қолди. «Э, ҳа-а, йигит топиб олибсиз-да-а, ойимча», — деб ҳазиллашдим мен. «Э-э, жинни, менинг ўзимга» — деди Ойша. «Сен чиптасиз ҳам кираверасан. Сени бутун университет билади», дедим. «Бунинг тўғрику-я, лекин, мен бировга ёлвориб эмас, махсус таклифнома билан киришни хоҳлайман», деди жаҳли чиққан Ойша. «Топиб, бермасанг қўй, ўзим топиб оламан», — деб бурилиб кетаётганда шоша-пиша ўзимнинг чиптамни кўлига тутқаздим. У «Раҳмат» деб, мамнун жилмайиб, югуриб кетди. Ойша то шу кунгача бизнинг ҳар қандай маросимларимизга ҳеч такалүфсиз аралашиб юрарди. Бугун эса... Унинг бугунги «димог-фироги» менга жумбоқ, мўъжизадек туюлди. Ҳақиқатан ҳам «мўъжиза» тунда юз берди: бал роса авжига чиққан пайти. Мен ҳам курсдош қиз билан рақс тушардим. Тўсатдан маликамга кўзим тушиб қолди. Бир четда, танҳо ўзи. Э, воҳ, ўшанда бир кўрсангиз эди уни! Сочини катталардек қиёмига келтирибди. Бари нақ тўпигини ўпиб, навнихол, нозик қоматини кўз-кўз қилган бежирим кўйлак эгнида. Оёғида чиройли туфли. Хушбичим қулоқларида нозик исирга, оппоқ, бўйнида маржон, бармоқларида қимматбаҳо узуклар ялт-юлти... Авваллари бунақанги кечаларга келса, кўпқаридаги чавондоздек галага уриб кетаверадиган шадлод қизча, бугун гўё, ўз ҳусну-малоҳатидан ўзи гуноҳқордек, ийманиб қовушмай турибди. Аммо, айни дамда, худди ўзининг биринчи балига келган Наташа Ростовага ўхшаб, кўзлари порлаб, ҳаяжон билан рақсга талпиниб тургандай... Мен шу кунгача уни бундай қиёфада кўрмаган эдим. Ҳозир қаршимда бирданига бўйига етиб қолган илоҳий соҳибжамол турарди. Ушбу лаҳзаларда қалбимнинг қаеридадир нозик бир ришта «чирт» этиб узилгандай бўлди...

Биз рақсга тушаётган куй тезроқ тугаса экан деб жоним ҳалак. Рақсимиз тугагунча унинг нигоҳини бир марта тўқнаштириб, кўзимни қисиб кўйдим. Қизнинг чеҳрасида севинч аломати кўриниб, ибo билан жилмайиб, бошини сарақ-сарақ қилиб кўйди. Куй тугаши билан мен қизнинг олдига бориб, уни янги бошланган рақсга етакладим. Бу менинг Ойша билан биринчи рақсим эди.

Рақс тугагач, гўё биров мендан тортиб олиб қўядигандек, уни юқори қаватга етаклаб чиқиб кетдим. Шу ерда, қоронғи йўлакда, сиртда ёғаётган қорнинг эпкини келиб турган очиқ дераза олдида биринчи бор уни ўпдим...

— Ох, қандай маза? — деди қиз.

— Нима маза? — деб сўрадим, меровланиб.

— Сенинг бўсанг, — деди, қизи тушмагур.

Кейинроқ билсам, бу париваш ўн тўрт ёшдан бери тенгқур йигитчалар билан «лаб уриштириб» келар экан... Ўн саккизга ҳатлаб, ўнинчи синфни битириб, университетга ўтмай қолди. Мана шунақа бизнинг бу Сулув...

— Сен нима дединг, кандидатнинг бу таклифига? — деб сўрадим мен.

— Рад этдим, албатта. Мен курсида ўтириб ҳам дам олавераман, каравотга ЗАГСдан кейин бориб ётаман, дедим.

— У-чи?

— Кўлимга паспортини бериб, ишонмасанг, мана, эртагаёқ бориб, рўйхатдан ўтиб келамиз. Каравотга эса бугун ётаверайлик, деди. Йўқ, каравот — ЗАГСдан сўнг... Аввал ЗАГС, кейин — каравот... Ҳафсаласи пир бўлгач, такси чақириб, жўнатиб юборди.

— Баракалла, ҳамиша шундай бўлгин, — дедим мен.

— Бўлмасам-чи, унга алданадиган аҳмоқ борми?!

— Яна таклиф қилса бораверасанми?

— Қайдам... Унинг ваъдаларига ҳеч ишонгим келмайди. Билсанг, Охун, шунчалар бахтсизманки...

— Овсар, — дедим мен, унинг манглайдан ўпиб. — Бахт нималигини қаёқдана билардинг ҳозир.

— Охун, менга уйлан-чи. Мен сенга бинойидек хотин бўламан.

— Йўқ. Айтгандим-ку, қирқ ёшимда уйланаман деб.

Ёшлик экан-да, ҳақиқатан ҳам шунақа эътиқодим бор эди.

— Унда мен сени қирққа чиққунингча кутаман, майлими?

Мен қаҳ-қаҳ отиб юборишдан ўзимни тийиб қололмадим:

— Кута олмайсан, — дедим.

— Йўқса, мен унгача бир эрга тегиб чиқсам, нима дейсан?

— Бунисиям муаммо. Мен қирққа чиққунча, сен беш боланинг онаси бўлиб қоласан. Беш боладан воз кечиш мумкин эмас.

— Ҳа, майли мени олмасанг, олма. Барибир сени севаман. Мана кўрасан, кимга тегмайин, сени ўйнаш қилиб оламан.

— Тентак.

— Ҳозироқ ўйнаш қилиб олар эдим-у, лекин, биринчи эрга бокиралигинг билан боришинг керак-да.

— Тўғри. Биринчи эрга иффатинг билан боришинг керак.

Ойша мени ўпиб қўйди.

— Менинг оқилим, — деди у. — Менинг насиҳатгўйим. Билсанг, сени отам билан онам ҳам яхши кўришади.

— Бе-е, қўйсанг-чи...

— Ёлгон айтсам тил тортмай ўлай. Тунов куни дастурхон устида сенинг «ҳасратингни» қилишди.

— Унда нега отангинг мени кўргани кўзи йўқ.

— Отам иккаламиздан шубҳа қилиб қолибди. Рост-да, кунора ҳожат баҳона гумдон бўлиб кетсам... Фалокат юз бермаса деб кўрқади. Қуруқ каравотни «қизғангани» шундан.

Шу чоқ йўлакнинг бош томонидан отасининг таҳдидли овози келиб қолди:

— Ойша! Ҳой, Ойша! Ҳў-ў ер ютгур...

Иккаламиз ҳам кўрқиб кетдик. Ойша мени «чўлп-чўлп» ўпиб олди-да, хонадан «учиб» чиқиб кетди. Ҳойнаҳой менинг бўлмамининг рўпарасидаги ҳожатхонага кирса керак. Мен ёлгондакам уйкуга кетдим. Комендант хонага кириб лампочкани ёндирди.

— Ҳа-я, ухлаяпсанми? — деди кесатиб. — Ойша қани?

Мен кўзимни очмадим. Аини дамда ҳожатхона томондан сувнинг қаттиқ шариллагани эшитилди. Комендант чироқни ўчирмасдан чиқиб кетди.

Йўлакдан унинг: — Шу ерда эканлигингни билардим! — деган саси эшитилди. — Нега аёлларники қолиб эркакларнинг ҳожатхонасига кирдинг?

— Аёлларнинг ҳожатхонасига сув келмай қолибди, — деди Ойша.

— Қасам ичма! Мен ҳозир ўша ердан келдим.

— Демак, кейин ишлаб қолган-да.

— Ҳе-е, яшшамагур сени...

— Вой-вой-вой, — деган Ойшанинг чинқириғи эшитилди. Чамаси, отаси унинг қулоғидан чўзди.

Ота-боланинг қадам товушлари эшитилмай қолгач, кўнглим жойига тушиб, ухлашга ҳаракат қилдим. Лекин кўп ўтмай комендант яна хонамга кириб келди. Чироқ ҳамон ёниб турарди. Мен кўзимни юмиб, ҳуррак торта бошладим.

— Яна ҳуррак отганига ўлайми, буни! — деди комендант. — Ҳой бола, ўрнингдан тургин-у, кўзимдан даф бўл! Йўқса, ҳозир сени...

Мен кўзимни очиб, ҳайрон бўлгандек тикилдим унга:

— Э-э, сизми бу... Тинчликми?

— Ҳо-о, шунақами, — деди дарғазаб комендант. — Ҳе, отангни арвоҳига сени... — У уриниб-суриниб, каравот тагидан менинг жомадонимни тортиб олди-да, очиқ турган деразадан ташқарига улоқтирди. — Энди тушундингми нима бўлганини? Қани, жўна?

Комендант менинг тагимдаги тўшакни суғуриб олиб, хонадан чиқиб кетди. Мен ич кийимда муздек каравот устида қолавердим. Бироқ, сим каравот устида кўп ўтириш мумкин эмасди. Ўрнимдан туриб, кийина бошладим. Бу ердан кетмасам бўлмай қолди.

Лекин, қаёққа?! Беш йилнинг бадалида бу шаҳарда бирорта хонадондан таниш-билиш орттирган эмасдим. Барибир кетиш керак деган қарорга келдим.

Чироқни ўчириб, узун йўлакка чиқдим. Қутурган комендантнинг турқини кўргим келмай, бояғи шоти билан жомадоним олдига тушиб бордим.

Бечора жомадоним. Аза тутсанг арзийдиган аҳволга келиб қолибди. Беш йиллик содиқ ҳамроҳим. Беш йилнинг ичида беш марта олис Новқатдаги ўрик ва шафтолиларга бурканган шинам қишлоққа бориб келган. Қишлоқ хўжалик юмушларига борганимда, бошимга болиш бўлган. Ёзсанг бир ҳикояга «масаллиқ» бўлгудай таржимаи ҳоли бор.

Мен жомадонимни олиб, уйқудаги шаҳарнинг кимсасиз кўчаси бўйлаб юриб кетдим. Биз жомадоним иккимиз университетни шундай тамомлаб, шу тарзда хайрлашдик. Бизни беш йил текин ўқитиб, беш йил бепул ётоқхона билан таъминлаган ҳукуматга раҳмат. Комендантга ҳам...

* * *

Мен шу кетганча тўғри шаҳарнинг олиймақом меҳмонхонасига кириб бордим. Меҳмонхонанинг йўлагига «Чўпонларнинг слёти иштирокчиларига алангали салом!» деган лавҳа осиб қўйилибди. Одатда, бунақа пайтларда бўш жой топилиши мушкулроқ бўлгучи эди. Ноумид шайтон, зора, омад кулиб боқса.

Кўзойнак таққан, истараси иссиқ маъмур қирғиз аёл билан саломалик қилгач, жой борми, деб сўрадим. Аёл боши билан тасдиқ ишорасини қилди. Мен шоша-пиша паспортимни узатгач, шахсий «ишкалимни» баён қилишга киришдим: (Паспортимда ҳамон шаҳар фуқароси мақомига эга эдим. Шаҳарда яшовчиларга эса, меҳмонхоналардан жой берилмасди.)

— Опажон, мен ўзим шаҳарда яшайман, — деб бошладим, гуноҳкорона оҳангда. — Уй-жойим бор. Лекин, кутилмаганда

қишлоқдан ота-онамлар келишиб қолди. Сигишмасдан, ноилож бу ерга келдим. Бир кечага йўқ демайсиз.

— Иккитагина одам келиб, уйингга сифмай қолдингми? — деди аёл паспортимни варақларкан.

— Билсангиз, уйим бир хонадан иборат. Ўзимиз эса тўрт жонмиз. Хотиним, иккита болам бор.

— Паспортигда бола-чақанг ёзилмабди-ку.

Одатда, паспортнинг тегишли жойида оила аъзоларингизни умумий рўйхати қайд этилган бўлади. Бу ёғига мен «қовун туширган» эдим.

— Биз ҳали оилавий рўйхатдан ўтганимизча йўқ эдик, — дедим.

— Икки болали бўлгунча-я? Унда болаларинг кимнинг номида?

— Хотинимнинг номида.

Аёл ишонқирамай бир қараб олиб:

— Майли, фақат бир кечага рухсат, — деди.

Елкамдан тоғ қулагандай бўлди. Қўлимга рухсат қоғозини бергунча аёлни раҳмату ташаккурга белаб ташладим.

Хона икки кишилик экан. Каравотларнинг бирида эгнида кийими билан бир қишлоқчи йигит ётибди. Ёши ўттизлар чамасида, ўрта бўйли, тарам-тарам бети товоқдай. Қўлида «Чалқан» журнали. Кулгунинг зўридан бу дунёни унутган эди. Салом берсам ҳам сезмади. Мен бўш каравотга бориб ечина бошладим. Бирпасдан сўнг йигит журнални тушириб юбордими ё ўзи ерга ташладими, кулганича ўрндан турди.

— Ўта қизиқ эканми, — деб сўрадим.

— Асти сўрама, — деди йигит. — Тавба, ичакларим узилиб кетди.

Ваҳа-ҳа-ҳа... Бир одам хотинимни ўғирлаб кетишди, топишга ёрдам беринглар, деб ёзибди. Жинни бўлмаса, битта хотинни эплай олмай, ўғирлатиб юборадими? Менинг бобомнинг учта чиройли хотини бўлган, учаласига ҳам гард қўндирмаган, азамат. Бу-чи, ҳе-е, ландовур...

— Иссиқ сув борми? — деб сўрадим йигитдан.

— Нима? Ҳа-а, сувми... Билмадим, мен совуқ сувга ўрганганман.

Мен ночор жилмайиб қўйдим.

— Қаердан келаяпсан? — деб сўради у.

— Москвадан, — деб қўйдим.

— Москвадан? Ия, ўша ёқда яшайсанми?

— Ҳовва.

— Унда нега мен сени у ёқларда кўрмадим? Мен бу йил Москвада бўлдим.

Мен сочиқни олиб душга жўнавордим. Бир лаҳза лол бўлиб тургач, кулиб юбордим.

— Москвага нима юмуш билан борган эдинг? — сўрадим ундан.

— Йигилишга, — Йигит курсидаги пиджагини олиб, унга қадалган медални кўрсатди. — Ўзаро тажриба алмашдик.

— Ўх-хў, дўстим, сен ҳазилакам одам эмас экансан-ку, — дедим унга тан бериб.

— Мен ҳақимда газеталарда ёзишган. Ўқигандирсан: исмим Маман, фамилиям Сулаймонов.

— Ўқимабман. Лекин, сенга қойилман, Маман.

— Мен билан ҳамма ерда ҳисоблашишади.

— Ҳисоблашмай кўришсин-чи, ҳоқимиятнинг вакили бўлсанг...

Душнинг бўсағасига етганимда, хаёлимдан бир нарсга «ялт» этиб ўтди:

— Э-э, ўлма, Маман, балки менга сенинг ёрдамнинг тегиб қолар...

— Қандай, айт-чи, қандай ёрдам керак сенга?

— Москвада яшайман, деб, сенга ёлгон гапирдим.

— Ўзимам шундоқ деб ўйловдим. Рост бўлганида сени у ёқларда кўрардим-да.

— Худди шундай. Мен университетни битирдим. Помирда Мурғоб деган бир қирғиз тумани бор экан, ўша ёққа ўқитувчи бўлиб борасан дейишувди, кўнмадим. Бу ерда эса ишнинг иложи бўлмапти. Сен мен учун бир ҳаракат қилиб кўрмайсанми?

— Йўқ. Менинг кўлим бу ерларга етмайди. Мен — Тожикистоннинг фуқаросиман. Бу ерга йиғилишга вакил бўлиб келганман.

— Шундай дегин.

Мен яна душга юзланганимда:

— Ҳой, тўхта-чи, нега Помирга бормадинг, — деб сўраб қолди Маман.

— Кўятур-чи, бунинг тарихи узун, — дедим. Рост-да, дабдурустан оби-дийда қилиш ҳам яхши эмас.

— Бекор қилибсан, — деди у.

— Нега? — дедим мен ҳайрон бўлиб.

— Бизнинг ерларимиз ажойиб, сенга сўзсиз ёқарди.

— Қизиқ, сен ўзинг Помирликмисан?

— Ҳа-да, сен айтган ўша қирғиз райониданман. Хўп десанг, сени бирга олиб кетай.

Мен жилмайиб:

— Кўрамиз. Аввал душга тушиб олайн-чи, сизларда душ ҳам бўлмаса керак, тўғрими? — дедим.

Мен душга кириб, ечиниб улгурмасимдан, Маман остонага келиб туриб олди. Унинг олдида ечинишга уялдим.

— Бача, сен бекор қипсан, — деди Маман. «Бача» деган сўзнинг маъносини кейинроқ билсам, помирлик қирғизларнинг шеvasида «дўст», «оғайни» дегани экан. Бизнинг туман мактабларида ўқитувчилар етишмайди. Шунинг учун ҳам шаҳар бедарвоза — подачиси ҳам муаллимликка даъво қилаверишади. Сенга ўхшаган олий маълумотлилар эса, боришмайди. Боришса ҳам, бир йилгина ишлаб, хайр-маъзурни насиё қилишади. Еримиз бинойидек, элимиз яхши. Биргина қусуримиз — шаҳардан йироқмиз. Ўзинг айт-чи, ўқитувчи бўлдим деганларнинг бари шаҳарда қолаверса, қишлоқдаги болаларни ким ўқитади? — Маман мендан жавоб кутгандай жимиб қолди. Мен индамадим. — Мен-ку, кўйимни боқиб юравераман, болаларга увол бўлди. Болалар қолоқ...

Маман сўзлашдан тўхтади. Мен ҳам нимадир дейишим керак эди.

Мен беихтиёр: — Помирда одамлар тутак¹дан ўлиб туради, дейишади, шу ростми? Ҳавоси сийрак-да, — деб юборибман.

— О-о-ла, роса лақма экансан-ку, — деди Маман. — Тутакдан одам ўлаверса, Помир аллақачон хувиллаб қолмасмиди? Олди-қочдиларга ишонаверма. Ундан кўра, ўзинг бориб, яшаб кўр. Агар тутак ёқангдан оладиган бўлса, менга айт, ҳокимнинг қора «Волга»сида Қирғизистонингга кузатиб қўяман.

Мен жилмайиб кўйдим. Буни кўриб Маман янада жонланди.

— Ростдан ҳам, бача, бир бориб кўрмайсанми? — деди у. — Ёқса ишлаб қоласан, ёқмаса, зоримиз бор, зўримиз йўқ. У ерда ҳам ҳокимият бор, бир йил ишлагач, кетаверасан. Қалай, маъқулми?

— Ўйланиб кўрайин, — дедим мен. Ростдан ҳам ўйлаб кўрадиган таклиф эди.

¹ Т у т а к — баланд жойларда ҳаво етишмаслиги касали.

— Майли, — деди Маман. — Мен сени зўрламайман. Эртага кетаман. Манзилимни қолдираман. Агар, боргинг келса, шу ерга тўғри бораверасан. Мен у ердагиларнинг ҳаммасига тайинлаб қўяман.

— Жуда яхши, мен ювиниб чиққунимча манзилни ёзиб тур.

Маман эшикни ёпиб, жойига кетди...

Яхши бўлган экан. Шаҳарда яна бир ҳафтача туриб, Помирга равона бўлдим.

* * *

Мен қишлоққа қандай кириб келганимизни билмай қолдим. Йўлда ухлаб қолибман. Ҳайдовчи уйғотди. Ўн саккиз ёшлардаги бола. Унинг билан туман маркази — Мурғобдаёқ танишиб олдим. Исми Шарип экан.

Мен кабинадан чиқиб, қишлоқни кўздан кечирдим. Бу қишлоқни тасаввур қилишингиз учун, тўрт фасл чўққисидан қор аримайдиган, елкалари яйдоқ, хўмрайган, айқаш-уйқаш тоғларни кўз олдингизга келтиришингиз керак. Тоғларнинг орасида сон-саноқсиз даралар, жилғалар мавжуд. Илгари бир Олайлик оқин помирлик қирғизларнинг турмуш манзарасини: «Ҳар жилғада уйи бор, ҳар бир уйда бийи бор», деб шеърга солган экан. Уша оқин айтгандай, бу қишлоқларнинг барчаси йил ўн икки ой мазкур даралар ва жилғаларда умрғазаронлик қилишар экан. Мен келган қишлоқ ҳам бир неча жилғаларнинг киндиги — торгина дарада эди. Дарада ҳатто биттагина тўрғай қўнадиган бирорта ниҳол йўқ. Дарани иккига бўлиб ўтадиган катта дарёнинг суви сутдек оппоқ Соҳилнинг бир томони чоққина ям-яшил оролдан иборат. Оролда сўппайган биттагина уй. Қишлоқдагилар ҳазиллашиб «Тайван» деб аташадиган ушбу оролдаги ёлғиз уйда ўн тўққиз яшар қизи билан Тўлибой деган мерган яшар экан. Соҳилнинг иккинчи юзи баланд, тупроғи билқиллаган бўз даладан иборат. Қишлоқ мана шу ерга жойлашган бўлиб, ўттиз чоғли хонадонга эга. Уйларнинг йигирма бештачаси яккаш бўз рангда, қолган беш-олтитаси катта-катта, оқланган иморатлар. Оқланганлари — колхознинг идораси, клуби, мактаби, магазини, меҳмонхонаси, биттаси эса қишлоқ раисининг уйи. Уйлар бари гавжум, лекин тартибсиз жойлашган. Энг чеккадаги уйдан беш юз одимча нарида кўримсизгина қабристон. У ердаги қабрларнинг сони, қишлоқдаги уйларникидан уч-тўрт ҳисса кўпроқ эди. Қабристонда пишиқ гиштдан урилган, тепасига кўтоснинг думидан туғ қадалган биттагина сағана бор. Кўтоснинг думи тинимсиз эсадиган шамолда ҳилпираб туради. Бу сағанани қишлоқ раиси мен келмасимдан икки йил бурун отасининг қабри устига кўтартирган экан.

— Помир деганлари шу экан-да, — дедим мен қишлоқни томоша қила туриб. Ичимда бу ерга келганимга афсусландим.

— Сиз бошқача тасаввурда эдингизми? — деб сўради Шарип, жомадонимни менинг ёнимга қўяр экан. Паст оҳангдаги кесатиқ эмас, шунчаки қизиқиш бор эди.

— Мактабларинг қайси? — деб сўрадим унинг саволига атайлаб.

— Ҳў, анависи, — деди Шарип, оқланган уйларнинг бирини кўрсатиб. Кейин мен бир қарорга келмасимдан, машинасига ўтириб, чанг тўзғитганича, жўнаб кетди.

Қаёққа боришимни билмай, анчагача туриб қолдим. Атрофда бирор кимсанинг қораси кўринмайди. Оқланган уйлар ўртасидаги ялангликда эгар-жабдуқли ёлғиз кўтос мудрамоқда. Ҳар қайси уйнинг деворига навбат билан чоптириб, қора Бўйноқ диконглаб юрибди.

Қишлоқ сукунат оғушида. Бир маҳал мактаб биносининг ичидан болганинг «тўқ-тўқ» деган овози эшитилиб қолди. Мен жомадонимни жойида қолдириб, ўша томонга юрдим. Мактаб таъмири ҳали тугалланмаган экан. Қоронғи йўлакда парталар, синф доскалари, машҳур кишиларнинг портретлари сочилиб ётибди. Эшиги очиқ хоналардан оҳак билан бўёқ ҳиди анқийди. Лекин, бирор кимса кўринмайди. Хайрият, бояги «тўқ-тўқ» яна эшитилиб қолиб, мушкулумни осон қилди.

Хоналарнинг бирида бир киши парта тузатиш билан овора экан. Ёши қирқларда новча, эгнида қора чийбаҳмалдан жомакор, оёғида қайиш этик, бошида тумоқ.

— Ассалому алайкум, — деб, ўзимнинг келганимдан дарак бердим.

У киши мени кўриб, болғасини ташлаб:

— Ваалайкум ассалом, — деди, самимият билан қўл узатиб. — Хуш келибсиз!

— Хушвақт бўлинг. Мен Бишкекдан келдим, ўқитувчиман, — дедим. — Менга мактабнинг директори ёки илмий мудири керак.

— Э-ҳа-а, Маман айтган йигит сиз экансиз-да, — деди у қувонч билан.

— Топдингиз, — дедим мен. — Маманнинг ўзи қаёқда бўлди экан?

— Маманми? Кеча вилоятга мажлисга кетганди. Индинларга келиб қолади. Зап келибсиз-да. Қани, бир танишиб олайлик-чи. Менинг исмим Мамит. Шу мактабнинг илмий мудириман.

Мен хижолат тортиб:

— Узур, мен сизни уста экан деб ўйлабман.

— Ҳечқиси йўқ, — деди у. — Устачилик ҳам қилаверамиз. Биз мактабимизни ҳар йили ўз кучимиз билан таъмирдан чиқарамиз. Кўч-кўронингиз қаёқда?

— Ташқарида.

— Унда, юринг, мен сизни, сизга аталган уйга элтиб қўяй.

Биз мактабдан чиқиб, жомадоним сари борар эканмиз:

— Бу дейман, нега қишлоғингизда сув қўйгандек жимжитлик? Ҳамқишлоқларингиз қаёқда? — деб сўрадим ундан аввалги жимжитликни кўриб.

Илмий мудир кулиб:

— Бизнинг турмушимиз шунақа, эрта баҳордан, то кеч кузгача манави уйларда ҳеч ким яшамайди. Ҳаммаси яйловда бўлишади.

— Демак, бу ерда йил давомида уч-тўрт ойгина яшашар экан-да?

— Ҳа. Шундаям барча тўкис кўчиб келмайди, кўпчилиги йил бўйи яйлов билан қишловларда қолиб кетишади.

— Нега энди?

— Мол боқишади.

— Ўқитувчилар, ўқувчилар-чи, улар қаёқда?

— Ўқувчилар таътилни ота-оналари билан ўтказишади. Ўқитувчиларимиз ўқув бошланадиган кунга ўқувчиларни йигиб келгани кетишган.

Шу маҳал бизга яқин ердаги уйдан боланинг йиғиси эшитилиб, унга бошқалари ҳам жўр бўла бошлади.

— Бу қанақа «хор» бўлди? — сўрадим мен, ҳайрат билан.

— Биринчи синфнинг ўқувчилари, — деди илмий мудир. — Бугун яйловдан келишган. Танишасизми?

Биз ўша ёққа бурилдик. Бир неча эшикли узун уй. Очиқ турган эшик томон юрдик.

— Бизнинг хўжалигимиз шу уйда, — деди илмий мудир одатдагидек жилмайиб. — Ётоқхонамиз ҳам, омборимиз ҳам, ошхонамиз ҳам шу.

Очиқ турган эшик — бир даҳлиз, бир катта бўлмадан иборат ошхона экан. Даҳлизда бир аёл куймаланиб юрибди. Катта бўлмада устига елим мато ёпилган узун стол. Унинг икки тарафига биттадан узун ўриндиқ қўйилган. Ўриндиқларда симдаги қалдирғочлардек тизилишиб, етти-саккиз ёшлардаги ўғил-қизлар ўтиришибди. Болалар олдиларидаги бўтқага қарамай, йиғига зўр беришарди. Столнинг бир бошида чорпахилдан келган, кирза этик, тумоқ, фуфайка кийган бир эркак, иккинчи бошида йигирма, йигирма беш ёшлардаги, новча, чиройли келин турарди. Иккаласи ҳам болаларни овутиб, овқат едира олмай ҳалак.

Бизни биринчи бўлиб келин кутиб олди. У ҳайрон бўлиб, менга қаради.

— Яхшимисизлар, — дедим мен келинга.

— Шукур, келинг, келинг, — деди у, сипогина.

Эркак оҳиста истиқболимизга юрди. У ёши ўттизларда, заҳил юзли, кўзлари қийиқ, совуқ нигоҳли кимса эди.

— Маман айтган муаллим шу йигит экан, — деб таништирди мени.

— Сақтан, — деди эркак менга қўл бериб. — Сақтан Қачибеков. Математика муаллимиман. Мен сиз билан элатдошман.

Мен ҳам ўзимни таништириб ўтдим.

— Бу келиннинг исми Роқия, — шу болаларнинг муаллимаси, — деди Мамит.

— Менинг хотиним, — деб изоҳлади Сақтан.

Унинг ҳуснбузардай бу қистирмаси: «Эсингдан чиқармай, қадамингни билиб бос», дегандай менга эриш туюлди.

Мен келинга таъзим қилиб қўйдим. Келин аввалгидек сипогина жилмайиб, бошини бироз эгиб қўйди.

— Нега йиғлаяпсизлар? — деди Мамит болаларга юзланиб.

Унинг бу гапидан сўнг, биз кирганда алаҳсиб, жимиб қолган болаларнинг чеҳрасида ётсираш ва қўрқув пайдо бўлди. Кутилмаганда бир бола «авж пардадан олворди-ю» қолганлари ҳам ёппасига унга жўр бўла бошлашди.

— Бўлди! Бас қилинлар! — деди Роқия пўписа аралаш.

— Тоғнинг болалари шунақа ёввойи бўлади, — деди Сақтан, гўё сайёҳларга шарҳловчилик қилаётган йўриқчилардек.

Мамит эшикка чиқиб кетди. Эру хотин билан хайрлашиб, мен ҳам унга эргашдим. Жомадонимни олиб, яна бир узун уйга келдик.

Бу уй аввалгидан ҳам анча узун эди. Яхшилаб разм солсам, битта деганим етти хонали уй бўлиб чиқди. Худди нимадандир қўрққандай, бир-бирининг «пинжиги кирган» бу уйларнинг сонини, уларнинг тоmidан билдим — бириники паст, бириники баланд. Мамит биринчи уйга келиб, эшикка боғланган симни ечди. Биз даҳлизга кирдик. Даҳлизда кўмир қолдиғи, аёлларнинг бир жуфт пайпоғи, ёзув битилган дафтарлар бор экан.

Ичкариги хона катта ва ёруғ эди. Хонага ёруғлик эса шифтга қурилган новсимон деразадан тушиб турарди. Унда печка, стол, темир каравот.

— Ўтган йили бу уйда Душанбедан келган ўрис муаллима яшаб кетган, — деди Мамит. — Уч-тўрт йилдан бери рус тилидан мутахассисимиз йўқ эди, у келганида бошимиз кўкка еганди. Лекин,

икки ойдан кейин бечора бешиб, дарсларни директорга ташлаб, кетиб қолди. Ўшандан бери бу уйда ҳеч ким яшамайди.

— Ўзларингиз-чи, ўзларингиз безмайсизларми? — Албатта, саволим ўринсиз эди. Ўз саволимдан ўзим уялиб кетдим.

— Безсак, бу ерларда яшамас эдик. Хўп, мен бориб сизга, кўрпачи-тўшак юборайин. Бирор соатдан кейин келаман, бизникига бориб, тамадди қиламиз.

— Раҳмат, — дедим миннатдорчилик билдириб.

Мамит чиқиб кетгандан сўнг, ўзимни каравотга ташлаб, хаёлга чўмдим...

* * *

Бир оздан сўнг, тиш чўтка харид қилгани қишлоқ магазинига бордим. магазинда уч киши бор экан. Қирқ, қирқлардан ошган, сариққа мойил узун мўйловли, кўзлари қийғи пештахта ортида нимадир ёзиш билан машғул. Иккитаси унли қопларнинг устида ўтиришибди. Бири олтмишларда, сариқ юзли, кўса эди. Иккинчиси ундан кексароқ, бақалоқ киши. Бу икки улфатнинг бақалоғи мени кўриб, ароғини яширди.

Учаласининг ҳам нигоҳида «бу ким бўлди?» деган ажабсиниш зоҳир эди.

— Ассалому алайкум, — ёппасига салом бердим мен.

Улар хушламайгина алик олишди.

— Менга битта тиш чўтка берсангиз, — илтимос қилдим, хат ёзиб ўтирганидан.

У индамай пулимни олди-да, битта тиш чўткани пештахта устига қўйди. Мен харидимни олиб, эшикка йўналдим.

— Иним, бу, сизни танимадик-ку? — деб қолди, кўса юзлиси ортимдан.

— Мен сизларнинг мактабингизга муаллим бўлиб келдим. Исминим Охун.

Учаласида ҳам ўзгариш юз берди.

— Э, ҳа-а! — деди кўса юзлиси. — Маман айтган муаллим сиз экансиз-да? Бизда беш муаллимнинг ўрни бўш. Қани, танишиб олайлик. Менинг исминим Тошмат, мактаб директориман. Манови юмалоқ эса менинг дўстим. Исми Тўлубой, ўзи мерган. Анови, Маймунни эса Турат деб қўямиз, у ҳам менинг дўстим. Ароқ ичмайди. Аммо, берсангиз кўлингизни қайтармайди: қадаҳни олиб, пештахтасининг тагига яшириб кетганингиздан кейин бошқаларга пуллайди.

— Ҳой-ҳой, Тошмат ака, меҳмоннинг олдида одамни қораламанг-да, — деди магазинчи, мириқиб кулиб.

— Қани, меҳмон, энди биз билан ўтиринг, қиттак-қиттак олайлик, — деб директор, кейин шеригига буюрди: — Ароқни ол бу ёққа.

Мерган шишани чиқариб:

— Огай¹, узр, биз сизни тумандан келган катталардан экан деб, кўрқиб кетдик, — деди.

— Йўғе-е, мен катталарга ўхшайманми? — дедим мен.

— Ҳозир казо-казолар ёшлардан чиқяпти-да, — деди директор дўстининг гапини маъқуллаб. — Қани, ўтир, ука.

— Раҳмат, — дедим мен. — Ҳозирча узр, узоқ йўл юриб, чарчаб келдим. Бошқа сафар ичармиз.

¹ О г а й — муаллим, ўқитувчи дегани.

Директор билан мерган бир-бирига қараб қўйишди.

— Ҳа, майли, — деди директор. — Аммо, кейингисида йўқ демайсан...

* * *

Ўша куни оқшомда, Мамитнинг уйидан келаётиб, мерганга дуч келиб қолдим. Магазиннинг олдидан ўтиб кетаётсам, қоронғида кимдир:

— Оғай, бу ёққа кел! — деди.

Қарасам, магазиннинг остонасида мерган ўтирибди. Магазин ёпиқ. Олдига борсам:

— Бача, мен маст бўлиб қолдим, уйимга элтиб қўй, — деб қолди.

Рад этишга уялиб, рози бўлдим. Боз устига мерганнинг оролда яшашини ҳали билмас эдим. Қишлоқдан чиқиб қабристон томонга бурилганимизда ҳавотирланиб:

— Уйингиз қаерда? — деб сўрадим.

— Нариги бетда, бача, — деди мерган. — Оролда.

Мен рози бўлганимга ўқиндим, лекин энди бўлар иш бўлганди.

Гўристонга етганимизда, тоғ ортидан барқашдай бўлиб ой мўралади. Унинг нури тоғлар, чўққиларни ёритгани билан, воҳаю даралар ҳамон қоронғулик оғушида.

Биз гўристонни кесиб ўтган сўқмоққа бурилдик.

Қўлтиқлашиб олганимиз учун, сўқмоқ торлик қилиб, қабрларни ҳам тепалаб кетиб борардик. Мерган одатланиб қолган бўлса керак, бепарво. Мени эса, худди мурдаларни босиб бораётгандек ҳиссиёт қийнаб, баданим жимирлайди.

— Бу гўристон, — деди мерган, гўё мен буни пайқамагандек. Ё, ўзи учун айтдими, қайда. — Ҳаёт сўқмоғи шу ерга келганда тугайди... Қайғу, аламинг ҳам, шоду хуррамлигинг ҳам.

Тўсатдан, олдимиздан бир нарсачоғибор ўтди. Мен кўрқувдан сесканиб кетдим. Буни сезган мерган:

— Куён, — деди ҳиқичоқ аралаш. — Гўристонда ёлғиз шу куён бор.

Мен баъзан унга: «Ҳой узун қулоқ, мендан узоқроқ юрсанг-чи, бир куни шўрингга шўрва тўкилиб қолмасин», деб ҳазиллашиб қўяман. Яшайверсин, бечора. Балки мен ҳам бу ерга келиб ётганимда устимда рақс тушиб юрар, — деди.

Гўристон тугаб, сўқмоқ тик қирғоқдан қиялаб, дарёга олиб туша бошлади. Пастга тушиш иккаламизга ҳам машаққатли эди. Аммо, бу мерганнинг тўпиғига ҳам келмай, ўз уруғига мансуб қирғизларнинг оҳангида хониш бошлади:

— Э-э-эй, қатор-қатор нор ҳайдаб,
Қиёларда юрмадим.
Қиёматлик жуфт бўлиб,
Сиз-ман ўйнаб, кулмадим...
— Оғай, қўллаб турсанг?

Мен ҳайрон бўлиб:

— Қанақасига? — деб сўрадим.

— Қанақасига дейди-я! Биров хиргойи қилганда, тинғир-пинғир деб, жўровоз бўлиб турилади-да.

Ҳа, гап бу ёқда экан-да.

— Менинг «тинғир-пинғирга» рағбатим йўқ, оқсоқол, — дедим, ижирганиб.

Тавба-а, ортмоқлаб бораётганим камлик қилгандай, ашуласини ҳам айтишим керак экан-да!

Мерган хиргойисини бас қилди. Биз қирғоққа тушдик. Бунгача ой ҳаволаниб, чор тараф хийла ёришиб қолганди.

— Шу атрофда осма кўприк бор, излаб кўр-чи, оғай, — деди мерган.

Ўнгу сўлимга разм солсам, дарёнинг устига тортилган иккита йўғон сим арқон кўринди. Сим арқонларнинг биз томондаги учиди сандиқсимон бир нарса осилиб турарди. Осма кўприги шу бўлса керак деб, мерганни ўша сандиққа олиб бордим. Аслида, бу кўприк дегани сувўлчагич қурилма экан.

— Бу нарса билан қандай қилиб у ёққа ўтамиз? — деб сўрадим мергандан.

— Манави кажавага аввал мени тушир, кейин ўзинг туш, — деди мерган.

Мен унинг айтганидек қилдим. Кажава дегани қирғоқдаги темир устунчаларга бойланган эди. Мерган ипларни ечган эди, кажава хийла ергача ўзи силжиб бориб, кейин тўхтаб қолди.

— Энди, бача, сим арқоннинг бирини ушлаб, ўзингга қараб тортавер, — деди мерган. — Мана менга ўхшаб.

Иккаламиз сим арқонни бирдан ушлаб олиб, ўзимизга тортиб, олдинга жила бошладик. Бу қийин иш экан. Бир зумда қўлларим ачишиб, чарчаб қолдим. Помирнинг сийрак ҳавоси кўникмаган одамни тез чарчатиб, дамини қайтариб, ҳатто, ҳушдан кеткизиб қўйиши ҳали менга маълум эмасди. Мерган эса, парвойи фалак, яна ашуласини бошлади:

Қатор, қатор нор ҳайдаб,
Қиёларда юрмадим.
Қиёматлик жуфт бўлиб,
Сиз-ман ўйнаб, кулмадим.

— Сен ҳам қўшилсанг, бача.

— Э-э, қўйсанг-чи, оқсоқол! — дедим, бу сафар баттар жаҳлим чиқиб.

— Ана, менинг қизим ҳам кутиб турибди, — деди мерган, менинг сўзимга эътибор бермай.

Ҳақиқатан ҳам қирғоқда бир қиз турарди. Қизнинг нариёғида тўртта ит ва бир эшак ҳам бор эди. Биз минг машаққат билан қирғоққа етганимизда, қиз сим арқонлар боғланган темир устунчалар ёнига келиб, кажавани тутиб, устунчаларга боғлашга киришди.

— Қорасоч, мана бу оғайнинг билан танишиб ол, бугун Бишкекдан келди, — деди мерган.

Қиз: — Ҳуш келибсиз, — деди-да, кейин жимгина отасини тушира бошлади.

Мени қизнинг саломига алик олгани ҳам мажолим келмай, бош ирғаб қўйдим. Қиз бунни пайқамади ҳам. Мерган ерга тушгандан сўнг, мен кажавани еча бошладим. Бунни кўрган қиз, негадир, отасига савол назари билан қаради.

— Эй, бача, нима қилаяпсан? — деди мерган, таажжуб билан.

— Энди мен қайтиб кетайин, — дедим.

— Э, оғай, қўй. Баҳонада бир келиб қолдинг, меҳмон бўлиб кетасан. Туш кажавадан.

— Раҳмат! — дедим.

— Йўқ, бача, қолмасанг бўлмайди, — деди мерган, энди қатъийроқ оҳангда. — Кетсанг, биринчидан, қизим иккаламиз хафа бўламиз, иккинчидан, кажавамизни нариги қирғоққа боғлаб кетсанг, бизни шу ягона кўпригимиздан маҳрум қиласан.

— Об-бо, бу ёғини худо урган экан-ку, дедим ичимда. Қайси гўрдан бу наҳсга дуч келдим, — деб ранжидим. Аммо, шунчалик ҳориб-чарчаганимдан, турган жойимдаёқ узала тушгим келиб турарди. Боз устига, бу кеча қаерда тунаганимнинг фарқи йўқ-ку, деган хаёлда, тақдирга тан бердим.

Қиз отасини эшакка мингазди. Эшак йўрғасига солиб, манзилига жўнади. Ортимдан тўрт този ва қиз иккимиз эргашидик. Кўп ўтмай мерган яна хиргойисини бошлади:

— Э-э-эй, қатор-қатор нор ҳайдаб...

Уйга етгунимизча қиз иккимиздан ҳам садо чиқмади. Уйга етгач, қиз отасини эшакдан тушириб, учовлон уйга кирдик.

Мерганнинг уйи ҳам, бояги менинг уйимдек бир даҳлиз, бир катта хонадан иборат эди. Хоналарни чироқлар ва деразадан тушган ой нури ёритиб турарди. Даҳлизда идиш-оёқ, сандиқ, қоп, милтиқ, қопқон каби қақир-қукурлар. Ичкари хонада кўрпа-тўшакдан бошқа ҳеч вақо йўқ.

Қорасоч чаққонлик билан тўрдаги тўшаклар устига тўшак янгиллади.

— Қани, огай, тўрга ўтинг, — деди мезбон. — Қизим, овқатинг пишган бўлса, олиб кел. Бўзандан борми?

— Бўза бугун ичилгани йўқ, — деб, қиз даҳлизга чиқиб кетди.

— Ичилмаган бўлса, жуда соз, мана энди ичамиз-да, — деди мерган.

Ҳаялламай дастурхон ёзилиб, икки ёғоч косада шўрва, катта мис тоғорода гўшт, яна бир катта ёғоч тоғорада бўза келди. Уйнинг ичини шўрва, гўшт ва бўзанинг ёқимли ҳиди тутиб, шифтдаги новсимон дераза ойналари иссиқ таомлардан чиққан бугдан терлади.

Мерган бир зумда гўштни тақсимлаб юборди.

— Қани, меҳмон, гўштга қара. Кийикнинг гўшти. Қизим, бўзадан қуй.

Қорним тўқ бўлса ҳам кийикнинг гўшти деганидан, ҳазилакам тановул қилмадим. Гўшт жонивор жуда ҳам лаззатли экан. Бўзани ҳам икковлон роса олдик. Хуллас, бинойидек маст бўлиб қолдим. Энди Помир кўзимга ўзгача қиёфада кўриниб, овлоқдаги хилват уйда, мерган ва унинг қизи билан ҳамхона бўлиб, тансиқ гўштга тўйиб, бўза кайфини суриб ўтирганимдан, ўзимни арши аълода ҳис қила бошладим. Мерганнинг ўзи ҳам, унинг лўппи юзли, ювош, мўмин қизи ҳам ёқиб қолди.

— Айтмоқчи, ўзинг асли қаердансан? — деб, сўраб қолди мезбон.

— Новқатданман.

— Вох-хо! — деб хитоб қилди мерган. — Сен менга тоға бўлар экансан-ку! Раҳматли онам новқатлик бўламан дерди. Қарасанг, томиримиз бир экан-да. Қани, бача, гўштан олавер. Қизим, тоғангга бўзадан қуй. Новқатда ҳам бўза солишадими, тоға?

— Солишади.

— Овчилик ҳам қилиб туришадими?

— Ҳа.

— Ўзинг ҳеч овчилик қилганмисан?

Болалигимда тенгқурларим билан ит эргаштириб, таёқ билан анча-мунча каклик, чил, қуён овлаган пайтларимиз бўлган. Бироқ, ҳозир бундай катта овчининг олдида унақанги бачки нарсаларни айтгани уялиб:

— Йўқ, — деб қўя қолдим. — Лекин, овчиликка иштиёқим зўр.

— Унда мен сени овчи қиламан, — деди мерган. — Мана қўрасан. Кийик, айиқ, ҳатто, йўлбарс отираман. Беш кунлик умрда тоғажиян бир мириқайлик...

Мен жилмайиб қўйдим. Мерганнинг ваъдалари мени ҳам жунбушга келтира бошлади.

— Унда қачон чиқамиз, овга? — деб юбордим.

— Хоҳласанг, эртагаёқ, — деди мерган. — Эрта тонгда, кийиклар ўтлагани тушганда, таппа босамиз. Қизим, биз илк сахар, юлдузлар ботмасидан овга жўнаймиз. Керакли нарсаларнинг барини тахт қилиб қўйгин. Эшакка емдан кўпроқ бер. Итларга овқат берма — қантариш керак. Тўқ бўлса, эртага овга ярамайди. Сенга бир ажойиб томоша кўрсатайин, тоға! Бўзадан қуй, қизим.

— Энди сиз қуйиб туринг, ота, мен қозон-товоғимни ювиб олай, — деб қизи бўзали тоғорани отасига жилдирди.

— Майли, қизим, майли, бориб ишингни қилавер, — деди мерган. Қорасоч бўшаган идишларни олиб, даҳлизга чиқиб кетди.

— Қизим, эсли бўлди, — деди мерган. — раҳматли онасига тортган. Худо хоҳласа, бирорта амалдорга узатсам деган орзуйим бор. Чўпон-чўлиққа тегса, хор бўлади, ёлғизим... Сен уйланганмисан?

Мен бош чайқаб, йўқ ишорасини қилдим.

Мерган яна қадрдон хиргойисини эслаб қолди:

— Э-э-эй, қатор-қатор нор ҳайдаб,

Қиёларда юрмадим...

— Э-э-эй! —

бу гал мен ҳам унга жўр бўлдим...

Қачон ётганимизни билмайман. Эртасига кўзимни очсам, шифтдаги деразадан тушиб турган қуёш нуридан хона ичи чароғон эди. Ёнимда баралла хуррак отиб мерган ётибди. Унинг бош ёғида, деворда милтиқ, ўқдон, дурбин осиглиқ турарди. Мерганнинг тунги ваъдасини эслаб, ов барбод бўлганини тушундим.

Ов масаласи кейин ҳам кўп марта такрорланди. Мерган мени тез-тез уйига таклиф қилиб: «Тоға, кечқурун бизникига келиб ётасан, эртага азонлаб овга жўнаймиз. Айтмоқчи, ҳалигидан бирорта ола келгин, бўзага қўшиб, эрмак қилиб ўтирамиз», дейди. Мен «ҳалигисидан» биттани олиб уйига бораман. Кейин алламаҳалгача шакаргуфторлик қилиб ўтирамиз. Бечора Қорасоч ҳар гал ов анжомларимизни тахт қилиб, эшакни емлаб, итларни қантариб, тайёрлаб қўяди. Лекин, эртаси уйғонсак, яна чошгоҳ бўлиб қолган бўлади...

Ҳайтовур, бир гал овга бориш насиб этди. Ўша куни ҳаво айниб, қор шунчаки элаб турарди. Биз эндигина тонг ёришаётганда ўрнимиздан туриб, апил-тапил бир косадан бўзани симириб, йўлга отландик. Мерган менинг бир қўлимга ҳалачўп бериб, бир қўлимга бешта итнинг етовини тутқизиб, ўзи ялпайиб эшагига миниб олди. Агар, овга бўлган иштиёқ шунчалик жигаримдан урмаганида, бу хўрликка чидамаган бўлардим.

Помирда кийик овлаш учун узоққа бориб ўтирмайсиз. Икки бурилишдан ўтиб, бир кенг жилгага етганимизда, мерган эшагини тўхтатиб, дурбинни ишга солди. Буни кўриб, етовимдаги итлар ҳам безовталаниб, қулоқларини диккайтириб, эгасининг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузата бошлашди. Қари, бўз эшак эса ўз ҳолича, мудраганнамо катта шувоқнинг тагини ҳўллаб бошлади.

— Ўн чоғли така юрибди, — деди мерган кутилмаганда.

— Қани? — деб мерганнинг қўлидан дурбинни юлиб олдим.

Қарасам, ростдан ҳам, новвосдай-новвосдай келадиган ўнта така бамайлихотир ўтлаб юрибди. Мени ҳаяжон босди.

— Энди нима қилишимиз керак? — дедим, кўзимни дурбиндан олмай.

Мерган менинг саволимга жавоб бермасдан, эшагидан тушиб, итларини еча бошлади. Итлар ҳали такаларни кўрмаган бўлса-да, бўлажак овнинг завқини туюшиб, бири олиб-бири қўйиб гинғишлашиб, кўзлари олма-кесак териб, чор тарафга аланглашарди. Мерган ҳаммасини ечиб бўлиб, керакли томонни қўли билан кўрсатиб қўйди. Итлар елиб кетишди. Аммо, узоққа бормай, кескин бурилишиб, такалар қолиб, тамоман тескари томонга чопиб кетишди.

— Итларингиз жинни бўлганми? — дедим мен, ҳафсалам пир бўлиб.

— Улар такаларни кўришди, — деди мерган. — Айланиб бориб, орқасидан чиқишади.

— Унда биз нима қилиб турибмиз, бу ерда? Биз ҳам ортидан бормаймизми?

— Бизнинг у ёқда керагимиз йўқ. Итлар ўзлари ҳайдаб келишиб, хув анаву қояга қамаб беришади. Ундан кўра устингдаги тўнингни ечиб, енгилланиб тур.

Мен мерганнинг айтганини қилдим. Бу орада итлар овози эшитилиб қолди. Қарасам, тўрт ит бир таканинг ортидан қувлаб, бояги мерган кўрсатган қояга чиқиб боришарди. Така итлардан юз метрча олдинда, бечоранинг жони кўзига кўриниб, бор куч-қувватини, чопқирлигини ишга солганди. У итларга нисбатан анча чопқир, боз устига, қояга етганда унинг устунлиги янада орта бошлади. Шу зайилда қочаверса, қутулиб кетарди. Лекин, така бу имкониятдан фойдаланиш ўрнига, таъқибчиларнинг ваҳимали вовиллашидан кўрқиб, кескин бурилиб, девордек силлиқ юза бўйлаб, қоянинг ўртасигача қиялаб чопиб борди-да, кафтдеккина ерда ҳансираб туриб қолди. Шубҳасиз, у тин олган ерга ит зоти чиқа олмасди. Мерганнинг итлари ҳам, у ерга интилиш ўрнига, қояни қуршаб олди. Уларга шугина керак эди. Бечора така энди қутулдим, деб ўйлагандир, балки. Итларнинг ортидан милтиқли одам келишини у қаёқдан билсин.

— Мана, энди жўна, — деди мерган. — Нақ бошига отгин!

Мен қояни кўзлаб югурдим. Бироқ Помирда узоққа югура олмаймиз. Тутак дегани бор, оёғингизга кишан уради-қўяди. Бу ерда ўру қирга оҳиста юриб, бурнингиз қонамай чиқиб борсангиз, ўпка, юрагим соғлом экан деб, фахрлансангиз арзийди.

Мен қояга элтувчи қирнинг қулайроқ, такага кўринмайдиган томони билан юриб, ярим соат деганда, қоянинг бир томонини тўсиб турган итнинг ёнига етдим. Ит билан кийикнинг оралиғи эллик метрча келарди. Шу ердан туриб отишга қарор қилдим. Катта тошнинг биқинини паналаб, милтиқни ўқладим. Милтиқ помирликлар тили билан айтганда — «пирсилдоқ» деган туридан эди. Тўлубой мерганнинг айтишича, бунинг ўқи кийикка текканда «тўп» деган, тегмаганда «чақ» деган товуш чиқар эмиш. Отиб кўрайлик-чи...

Милтиқнинг масофа ўлчагичини етмиш беш метрга қўйиб, мўлжалга ола бошладим. Лекин, ҳаллослаб келганимдан, ўпкамни боса олмай, қўлларим қалтираб, милтиқнинг мўлжалчўпи бир жойда турмасди. Бошимни кўтариб, бир-икки дақиқа кийикни томоша қилиб туриб қолдим. Кийик ниҳоятда катта, чиройли эди. Уюридан ажралган бечора, бетиним ҳуриб турган итларнинг қуршовида кўрқиб, қалтираб, ўта аянчли аҳволдайди.

Мен тепкини босиб юбордим. «Тўп» деган акс-садо эшитилди, тегди чамаси. Лекин, така қочиш тугул, ўрнидан ҳам жилмади. Фақат, улкан гавдаси бир силкиниб, оҳиста бурилиб, менга орқасини ўгириб олди. Мен шоша-пиша иккинчи ўқни уздим. Яна бояги «тўп» деган товуш эшитилди. Така яна қочиш ўрнига, бир айланиб, мен томонга қараб олди. Яна отдим. Бу гал ёввойи така аввалгидек бурилмасдан, оғир гавдаси билан қулочдек келадиган шохларини қояга тираб туриб қолди. Шунда мен унинг бу фожиали аҳволини кўриб, ич-ичимдан зил кетдим. Ишонсангиз, кийикдан уялдим. Қочиб бораётганда отиб олсам ҳам, бир нави эди. Аксинча, ўзимдан эллик одим нарига михлаб қўйиб, гўё жонсиз нишонга отгандек ўқ ёғдиришим инсофдан эмасди. Мен такани, чорасиз таслим бўлган паҳлавонга, ўзимни эса, уни ҳаётдан маҳрум этган бағри тош, қўрқоқ қотилга ўхшатдим. Ўзимни бундай нохуш ҳиссиётлардан, кийикни эса, оғир азоб-уқубатдан халос этиш учун апил-тапил яна ўқ уздим. Таканинг гавдаси чийралиб, яна айланмоқчи бўлди-ю, лекин, айлана олмасдан, баланд зовдан пастга қараб учиб кетди. Кийик хийла ергача ҳаволаниб бориб, қоянинг этагидаги оппоқ, майда ялангликка тушди. Майда тошлардан кўчи ҳосил бўлиб, кийикнинг сулайган жонсиз (эҳтимол, ҳали жони бордир?) танасини тўппа-тўғри Тўлибой мерган томонга суриб кетди.

Мен шошмай тепадан тушиб келгунимча, мерган кийикни бўғизлаб, ичак-чавоғини итларига хомталаш қилиб берганди.

— Келишган такани отибсан, бача, — терисини Мамитга берамиз, музейга тулум қилиб олсин.

— У қанақа музей?

— Сен ҳали унинг музейини кўрганинг йўқми? Ўқувчиларига қойилмақом музей ясаб берган. Мен унга кўмаклашиб тураман. Музейдаги тулум қилинган жониворларнинг барини мен отиб берганман.

— Шундай денг...

Биз кийикни эшакка ёппа ташлаб, йўлга равона бўлдик. Ушбу ов менинг руҳиятимни қарама-қарши ҳислар гирдобига ғарқ қилганди...

* * *

Эртаси куни мактабда биринчи қўнғироқ чалинди. Мен бир журнални қўлтигимга қисиб, ўқитувчилар билан хонадан чиқиб, йўлакнинг охиридаги «VIII-синф» деган ёзуви бор эшик томон юрдим. Бу менинг синфим эди. Ўқувчиларим билан танишадиган кун — биринчи дарсимга энг яхши костюмимни кийиб, энг яхши бўйинбоғимни тақиб, кўкрагимга университетнинг кўкрак нишонини қадаб келгандим. Шунинг учун одатдаги уст-бошлари билан келган маҳаллий ўқитувчиларнинг олдида, мен худди, эстрада сахнасидаги олифта хонанданинг ўзи бўлиб қолгандим. Бу қусурим учун анча вақтга қадар уялиб юрдим. Йўлакнинг охиригача Роқия билан бирга бордим. Унинг синфи меники билан ёнма-ён эди.

— Биринчи дарсингизга омад, — деди у жилмайиб, ўз синфига кираётиб.

Унинг бу самимияти бироз эриш туюлса-да:

— Раҳмат! — деб, бўйинбоғимни тўғрилаб эшикни очдим.

Синф хонаси каттагина эди. Бироқ, хонада саккизта парта бўлиб, ҳар бир партада биттадан ўқувчи ўтирарди. Ўқувчилар ўзаро қизгин суҳбатга берилишиб, кулиб-яйраб ўтиришган паллада мени кўришиб, ҳаммаси ўринларидан туришди.

— Салом, болалар! — дедим, мен уларга.

— Салом, оғай! — дейишди улар бир овоздан.

Шу аснода охирги партадаги ўқувчи рухсатсиз жойига ўтириб олган экан, менинг нигоҳимни кўриб, дарров ўрнидан тура қолди. Бу ўқувчининг ёши синфдагилардан каттароқ бўлиб, ўн саккизлар чамасида, савлати меникидан кам эмас. Унинг бу синфда ўтириши менга ғалати туюлди.

— Ўтиринглар, болалар! — деб, ўзим ҳам ўтирдим. — Бугунги дарсимиз танишув дарси бўла қолсин. Менинг исмим — Охун, фамилиям — Матқолиқов. Мен сизларнинг синф раҳбарингиз, шунингдек, қирғиз тили ва адабиётидан муаллимингиз бўламан. Энди, мен ҳам сизларнинг исм-фамилияларингизни билиб олсам. — Мен журнални очиб, рўйхатни батартиб ўқий бошладим:

— Туротов Тошбой ким?

— Мен, оғай, — деб товоқбет, олакўз бола ўрнидан турди.

— Ўтир. Тўқтўбоев Содиқ?

— Мен! — қичқирди биринчи партада ўтирган тўрғайдеккина болакай.

— Ботирова Сора?

Синфдаги уч қиздан бири жимгина ўрнидан турди.

— Дўўлўтова Унсун?

Иккинчи қиз ҳам индамай ўрнидан турди.

— Тўйчиев Пайиз?

Охирги партадаги катта бола ўрнидан туриб: — Мен, — деди бесўнақай овозда.

— Ёшинг қанчада? — деб сўрадим ундан.

— Ўн саккизда, — деди бола хижолат бўлиб.

— Нега шу ёшингда саккизинчи синфда ўтирибсан?

Пайиз индамади.

— Оғай, бу бола ҳар бир синфда икки йил ўқишни яхши кўради, — деди унинг ўрнига Содиқ.

Ўқувчилар кулиб юборишди. Пайиз Содиққа бир ёвқараш қилиб қўйди.

— Ўтир, — дедим мен уни хижолатдан чиқариб. — Мамитова Адолат?

Синфдаги учинчи қиз ўрнидан турди...

— Эсенов Эрмек?

Бу уккикўз, бурни ўроқдай болани, кейин билсам, онаси бадахшонлик тожиклардан экан.

Мен журнални ёпдим.

— Мана, биз танишиб ҳам олдик, — дедим, ўрнимдан туриб.

— Энди сизлар таътилни қандай ўтказганингизни билмоқчиман.

— Таътилимиз яхши ўтди, оғай, — деди бир неча бола бараварига.

— Ҳеч қандай яхши-пахши ўтгани йўқ! — деб, Содиқ уларникини рад этди. — Оғай, биз таътил қандай ўтганини сезмай ҳам қолдик. Ҳаммамиз хўжаликда ишладик. Қизлар кўтос соғишди, болалар пичан ўришди, жун қирқишди. Бунинг нимаси таътил?

— Ҳой, ношукур, — деди Адолат. — Сенингча, таътилда биз нима қилишимиз керак?

— Дам олиб, ўйнаб-кулишимиз керак, — деди Содиқ, сўзини маъқуллаб. — Мисол учун шаҳарлик ўқувчиларни олиб кўрайлик, таътилни қандай ўтказишаркин? Уларга ҳамма нарса муҳайё — махсус лагерлар ташкил этилган. Тўғрими, оғай?

Мен боланинг саволига жавоб бермасдан, дераза ёнига бордим. У ердан идора, мактаб, магазин, клуб — бу иморатларнинг қуршовидаги катта майдон кафтдагидек кўриниб турарди. Майдоннинг ўртасида тупроққа беланиб, офтобқоқи бўлиб, тўқими билан ҳўв ўша кўтос ётибди. Шу пайт, қутилмаганда, магазиннинг ёнидан бир янги қора «Волга» олиб чиқди-да, негадир, майдонда бир доира ясаб, кўтоснинг олдига бориб тўхтади. Машинадан эса, менинг депутатим тушиб, кўтоснинг манглайини силаб-сийпаб кўйиб, шахдам юриб магазинга кириб кетди. Лекин магазинда узоқ турмай қайтиб чиқиб, мактаб томон кела бошлади.

— Ҳой, қаранглар, Маман аканинг «Волга»си келибди! — деб қичқирди бир бола.

Шу заҳотиёқ ёппасига деразага келиб «Волга»ни томоша қилиб қолишди.

— Қани, жой-жойларингга ўтиринглар! — дедим мен. — «Волга» кўрмаганмисизлар?!

Болалар негадир, менинг сўзларимга ҳайрон бўлишгандай, бир-бирига қарашди. Шу пайт, қутилмаганда кўнғироқ чалиниб қолди. Мен ҳайрон бўлиб, соатимга қарасам, дарс тугашига ҳали йигирма минут бор экан. Болалар бирданига, менинг рухсатимни ҳам кутишмай, эшикка ёпирилишди.

— Қаёққа! Қаёққа?! Жойларингга ўтиринглар! — деб қичқирдим жаҳлим чиқиб.

Аммо, ўқувчиларнинг бирортаси ҳам қулоқ солишмади. Синфда ёлғиз ўзим қолдим. Ўқувчиларимнинг ўзбошимчалигидан, бемаврид кўнғироқ чалган кимсадан дарғазаб бўлиб, ўқитувчилар хонасига жўнадим. Йўлакка чиқсам, мактабдаги жамики ўқувчилар тўс-тўполон билан ташқарига чиқиб кетишаётган экан. Хонага етмасимдан, бир тўда ўқитувчилар қуршовида келаётган депутат мени кўриб:

— Охун! — деб, қувончли хитоб билан келиб, мени бағрига босди. — Раҳмат! Келганинг яхши бўпти. Қалай, қишлоғимиз ёқдимиз?

— Шошмай тур, пича вақт ўтсин, кейин айтарман, — дедим. Сўнгра мудирга мурожаат қилдим. — Кўнғироқ нега бунча эрта чалинди?

У ўз навбатида истиҳола билан депутатга қаради.

— Кўнғироқни мен чалдирдим, — деди депутат.

— Сен? Нима учун?

— Болалар «Волга»ни бир томоша қилиб олишсин. Ҳозир уни туманга қайтариб юбораман.

Мен ҳеч нарсага тушунмадим.

— Бу нимаси? Болалар ҳеч «Волга» кўришмаганми?

— Кўришган. Икки мартагина. Иккаласида ҳам мен ўзим ҳайдаб келганман. — Депутат мени қўлтиқлаб, майдонга олиб чиқди. Болалар қуршовида «Волга» кўринмас эди. — Бизнинг туманда бача, шу биргина «Волга» бор. Бу асли ҳокимга тегишли бўлиб, у вилоят марказига — Хорогга боргандагина минади. Хўжаликларнинг йўллари ёмон, ички эҳтиёжларига эски «Виллис»ини ишлатади.

— Нега, энди сенга машинасини бериб қўйди?

— Менгами? Ахир мен депутатман-ку...

Ҳамқишлоқ муаллимларга юзланиб: — Менга бермай кўрсин-чи? — деди.

Мен кулиб юбордим. Ҳаммамиз машина ёнига бордик.

— Қани, томоша тугадими? — деб сўради депутат болалардан.

— Яна озгина кўятуринг, Маман ака, — дейишди болалар.

— Туман марказига юз километр масофа, шофёр ҳам эртароқ етиб олсин. Қани, йўл беринглар.

Маман машинадан жомадонини олиб, Пайизга узатиб: — Қўтоснинг қанжигасига боғла, — деди. Сўнгра мўйловли шофёрга, Энди сен кетавер, Усенбой, деб буюрди.

Усенбой машинага ўтириб, чанг тўзғитганча елиб кетди.

— Яна бир оз қўятурганингизда, — деди Содик ўкинч билан.

— Хафа бўлма, бача, — деди депутат унга. — Маман аканг омон бўлса, бу машинани кўп марта кўрасан. Энди қоронғуга қолмай, мен ҳам йўлга тушай, бундан нариёгига ҳам бир кунлик йўл.

— Ундай бўлса, бояги «Волга» билан етиб олсанг бўлмасмиди? — сўрадим мен.

— Э-э, бача, мен борадиган ерга «Волга» эмас, танкинг ҳам бора олмайди, — деди Маман. — Пайиз, менинг қўтосимни келтир. Пайиз бир ёнбошига жомадон боғланган қўтосни келтирди. Маман қўтосга миниб:

— Яхши қолинглар, — деди.

— Яхши боринг! — дейишди болалар.

— Уйингга омон-эсон етиб ол! — оқ йўл тилашди катталар.

— Хайр энди, Охун, — деди Маман.

— Хайр, — дедим мен ҳам бош ирғаб.

— Тошмат ака! Мамит ака! — хитоб қилди депутат, директор билан мудирга қараб. — Охунни хафа қила кўрманглар!

— Ўлибмизми, хафа қилиб! — деди директор. — Нима деса, биз тайёр. Жамики қирғиз тили ва адабиёти дарсини бердик. Оз деса, яна берамиз. Бизда чет тили муаллими йўқ, ашула дарси ҳам эгасиз ётибди. Хоҳласа, уларниям олсин.

— Уларниям беринглар, — деди Маман.

Мен кулиб юбордим.

— Раҳмат, шундоғам керагидан ортиқча, — дедим.

— Ўзинг биласан, — деди депутат. — Иш қилиб, биздан хафа бўлмасанг бўлди. Хўп, энди мен борай. Қани, Пайиз, тизгинни бер. Айтмоқчи, Охун, Пайиз менинг жияним бўлади. Яхшилаб ўқитавер. Эплаб, бу йил саккизни битириб олса, Душанбега олиб бориб мол дўхтирлиги ўқишига киргизиб қўяман. Ўқиб, одам бўлсин. Чу, жонивор...

Маман қўтоснинг биқинига ниқтаб, лўкиллатганича йўлга равона бўлди. Шу заҳоти, қўнғироқ чалиниб, ўқитувчилару ўқувчилар мактабга ошиқди.

Шу аснода: — Э-э-эй, тоға! — деган овоз қулоғимга чалинди.

Қарасам, Тўлубой мерган. Қизи иккаласи магазиндан чиқиб келишаётган экан. Мерган сархушроқ, қизи етаклаб олибди. Қизнинг қўлтигида бўғчаси ҳам бор.

— Ассалому алайкум, — мерганга салом бердим. — Ҳорма, Қорасоч.

— Бор бўлинг.

— Тоға, сен бугун кечқурун бизникига бориб ёт, — деди мерган. — Эртага овга борамиз.

— Раҳмат, эртага дарсларим бор, бора олмайман.

— Унда дарсинг йўқ кунни бор. Майлими?

— Майли.

— Мана кўрасан, мен сени мерган қиламан. Кийик отасан, айиқ отасан, йўлбарс отасан...

Қорасоч менга қараб жилмайиб қўйди.

Унинг нега жилмайганини англаб етмасам ҳам, мен ҳам жилмайиб қўйдим. Лекин, қизнинг нигоҳи бошқа томонда эканлигини кўриб,

ортимга қарасам, ўқувчилардан ортда қолган Пайизни кўрдим. У қизга қўллари билан дудуқларча нималарнидир ишора қиларди. Қорасочнинг кимга жилмайганини энди тушундим. Бу ўсалликнинг аламини Пайиздан олдим:

— Сен нима қилиб турибсан, бу ерда?! — деб жеркидим уни. — Ё кўнгироқни уққанинг йўқми?

Пайиз шошиб жўнаб қолди. Мерган эски ашуласини хиргойи қилиб йўлга тушди:

— Э-э-эй, қатор-қатор нор ҳайдаб...

* * *

Дам олиш куни бекор ўтирмайин деб, уйимни оқлай бошладим. Уйим қишлоқдаги аксарият уйлар сингари, бирор марта ҳам оҳак кўрмаган. Шунинг учун, оҳак дурустроқ ёпишмасди. Шундай бўлса ҳам, бир нави деб, оҳаклай бердим.

Бир маҳал уйга ёши элликлардан ошган, ўрта бўйли, тўладан келган, оғир карвон бир киши кириб келди.

— Ассалому алайкум, оғай, — деди у, қўл узатиб. — Келганингизни эшитганимга анча бўлса-да, бир келиб танишиб кетишга имкон топмадим. Мен шу хўжаликнинг раисиман. Исми Жақип.

— Яхши, раҳмат, — дедим мен. — Менинг исми Охун.

— Савоб иш қилибсиз. Шунча узоқ жойдан келиб, болаларимизни ўқитаётганингиз учун раҳмат. Биз томонларга сиздақанги ўқимишли ёшлар кам келишади, ўзимизда эса кадрлар етишмайди. Келганингиз учун миннатдормиз.

Бу мақтовларга лойиқ бирор сўз дейишга тилим айланмади.

— Уй оқлаяпсиз экан-да. Бунингиз ҳам биз учун янгилик. Майли, сиз оқлай беринг-чи, агар, яхши чиқса, бизга ҳам ўрнак бўлса ажаб эмас, — деди раис кулиб. Унга қўшилиб мен ҳам кулдим. — Ўрда¹ отиб ўрганганмисиз, оғай? — деб сўраб қолди раис, қўлидаги ошиқни кафтида айлантириб.

— Йўқ, ўрганмаганман, — дедим, ажабланиб.

— Ўрганмаган бўлсангиз, ўргатамиз. Юринг, бирпас эрмак қиламиз.

— Раҳмат, бошқа куни ўйнармиз. Бугун уйимни оқлаб олай.

— Ҳа, майли. Унда ўзимиз ўйнаймиз.

Раис чиқиб кетди. Мен ортидан кулиб қолавердим.

Кейин билсам, ўрда — бу қишлоқнинг ягона эрмаги экан. Турли маросим ва байрамларда соврин тикилиб, кўпқари уюштиришар эканлар. Лекин, бундай имконият ҳамиша ҳам бўлавермайди. Бироқ, асосан помирлик қирғизларнинг жонига оро бўладиган биргина нарса шу ўрда отиш ўйини экан. Қишлоқ аҳлининг қўли меҳнатдан озгина бўшади дегунча, эркаклар иккига бўлиниб, ўрдани бошлашади. Аксарият деҳқон билан ўқитувчилар бир-бирига рақиб бўладилар. Одатда, довга бир қўй тикилади. Уйин бошидаёқ, қўй бечоранинг боши олиниб, гўшти бир хонадоннинг қозонида қайнай бошлайди. Яна аллақанча шиша ичимлигиям бўлади. Уйин тугагандан сўнг, ўрда отувчиларнинг бари ўша уйга боришиб, мириқиб кайфи-сафо қилишади-да, чиқимнинг ҳаражати ўйинни бой берган томоннинг гарданига тушади.

Раис Жақип ўрданинг мутаассиб ишқибози экан. У, хўжаликнинг ташвишлари билан бўлиб, кунлар, ҳафталар давомида қишлоқда бўлмайди-да, келиши билан дарҳол ўрданинг пайига тушади. Остона

¹ Ў р д а — ошиқ отиб ўйналадиган миллий ўйин.

хатлар-хатламас, биринчи синфда ўқийдиган ўғлига: «Абдусамад, бор, оғайларинга айт, ўрда отамиз», — дейди.

Хиёл ўтмай, магазин қаршисидаги майдонга ўқитувчилар бирин-бирин кела бошлашади. Уларни кўриб, идорадан қишлоқ фаоллари чиқишади. Магазинчи Турат вазифасини менинг синфимда ўқийдиган ўғли Тошбойга юклайди. Кимдир, биров, дўнгликка чиқиб, ҳовлисида гимирлаб юрган Тўлубой мерганга имо-ишора қилади... Зарурият билан узоқ-яқиндан келган чўпон-чўлиқлар бўлса, улар ҳам шу ерда ҳозир. Томошабинларни қўяверасиз. Кўп ўтмай бир халта ошиғини кўтариб раис келадию, ўйин бошланиб кетади.

Баъзан тап босди учун раисга бирорта ҳам хариф топилмай қолади. Муаллимларнинг дарси бор, қишлоқ фаолларининг ҳам вақти зиқ, магазинчи Турат савдонинг сузтигидан шикоят қилади; мерган тоққа чиқиб кетган бўлади. Қисқаси, раиснинг бозори касод. Бунақанги пайтларда, раис халтасини қўлтиқлаб идора, магазин ва мактаб ўртасида танда қўя-қўя, тақдирга тан бериб, уйига равона бўлади.

Бир гал шунақанги вазиятда ўқувчим Пайизни чақириб олиб, кечгача у билан ўрда отишган. Лекин, Пайиз ўрда отолмасди. Раис уни юта-юта, ҳафсаласи пир бўлиб, болани сўкиб-сўкиб, ҳайдаб юборган. Яна бир куни ҳатто Пайизни ҳам топа олмай, атрофни туман босиб, қор элаб турса ҳам, қош қорайиб, ошиқлар кўринмай қолгунча, ўзи билан ўзи ўйнаб, ниҳоят, майдонни тарк этган. Мана шундай фидойи ишқибоз бу раиси тушмагур.

Мен хоналарнинг ичини оқлаб бўлиб, сиртга чиқдим. Офтобли кун эди. Мактаб биносининг орқа томонидаги ялангликда болалар тўп ўйнашмоқда. Одатдаги майдонда эса, ўрдачиларнинг шовқин-сурони авжида. Деворга суяниб ўлтириб, уларни пича томоша қилдим-да, ишимни давом эттирдим. Даставвал, тиккасига чизиқ тортиб, узун девордан ўз уйимнинг чегарасини белгилаб олдим. Кейин челақни курси устига қўйиб олиб, бафуржа оҳақлай бошладим. Лекин, кўп ўтмай, суви қочиб, оҳагим деворга юқмай қолди. Битта бўш челақ топиб, сувга жўнадим.

Дарёга тик қирғоқдаги қиялама, сўқмоқ орқали тушилади. Арава йўли ҳам бор, лекин, униси айланиш — узоқлик қилади. Сувни обкаш, от-улов билан, ҳаммомга ўт ёқилган кунлари арава билан ташилади.

Қияликка етганимда, обкашда сув кўтариб келаётган Роқияга дуч келдим.

— Яхшимисиз, Роқия? — деб, унга йўл бўшатдим.

Роқия алик олгач:

— Бу дейман Охун, биратўла помирлик бўлиш ниятингиз бор чамаси? — деди.

— Анави «оғилхонангизни» оқлаётганингизга айтаман-да.

— Энди... Беш кун бўлса ҳам, «оғилхонадан» фарқланиб турсин-да.

Роқия кулимсираб, боши билан «маъкул!» ишорасини қилиб ўтиб кетди.

Соҳилга, тушганимда бир гала ёввойи ўрдақ мендан ҳуркиб, ҳавога кўтарилди. Буларни кўриб, дарёнинг ўртасидаги оролчадан, икки соҳилдаги баланд жарларнинг тубидан, нарироқдаги манзил ортидан, ўнлаб, юзлаб ғоз ва ўрдақлар кўкка ўрлади. Осмонни тутган «ғат-гут»лардан дарёнинг шовқини ҳам эшитилмай қолди. Мен уларнинг шовқин-суронию парвозига маҳлиё бўлиб, кўпга қадар туриб қолдим. Тўлубой мерганнинг айтишича, булар меҳмон қушлар бўлиб, иссиқ ўлкаларга кетиш мавсуми бошланиб қолганди. Уларнинг ўтиш даври яна бирор ой давом этиб, кейин, келгуси йилнинг илк баҳориди

қайтиб келишаркан. «Шу қушларнинг ичида битта оқ гоз бор, ўша гоз биринчи бўлиб қайтиб келиши билан, Помир заминида баҳор бошланади», деган эди Тўлубой. Мерган шундай дегандан буён, мен бу илвосинлар галасидан ўша оқ гозни кўп изладим...

Ниҳоят, қушлар олислаб кетишди. Мен дарё лабига келдим. Дарвоқе, бу дарёнинг номи ҳам, туманнинг номидек Мурғоб деб аталади. Аниқроғи — туманнинг номи дарёдан олинган. «Мурғоб» тожикчасига «мурғ — ўрдак», «об-сув» яъни — ўрдаклисой дегани экан.

Челагимни эндигина сувга ботирганимда, фақат шунақанги покиза сувлардагина яшайдиган, мудраб ётган бир гала гулмоҳи балиғи тирақайлаб қочишди. Бу ерларнинг балиғи жуда ювош табиатли. Ёш болалар тўғнағичдан қўлбола қармоқ ясаб, ноннинг куйигини хўрак қилиб овлашар экан. Агар, Тўлубой мерганнинг гаплари рост бўлса, сувга келган қиз-жувонлар ҳам балиқларни чўмич билан қирғоққа иргитиб олар эмиш. Бунинг сабаби — балиқларнинг камдан-кам безовта қилинишидадир. Помирлик қирғизлар балиқ гўштини гўшт ўрнида кўришмайди. Мени балиқ овига кетаётганимни кўришганда, ажабланиб қараб қолишарди. Бирортасига ўлжамдан кўз ҳақи берсам, «кўй-чи, бача, бунингни ким тозалайди?» деб, олишмайди. Албатта, бундай ернинг балиғи баёв бўлади-да!

Сувни олиб, ўрнимдан турганимда, нариги қирғоқда кетаётган қиз билан йигитга кўзим тушиб қолди. Қўлтиқларида бир тутамдангина қуврайи бор. Иккови бир-бирига, эркаланишиб, бот-бот ўпишиб кетишмоқда. Синчиклаб қарасам, қиз мерганнинг қизи, йигит эса, менинг Пайизим экан...

Ҳайрат билан: — Қойил-э-э, — дедим-у, мабода, мени кўриб қолишса, ҳижолат бўлишмасин деб, бурилиб кетдим.

Пешингача ишимни битириб, куннинг қолган қисмини ўз ўқувчиларим билан ўтказдим. Ўқитувчилар галма-гал интернатда навбатчи бўлиб туришади. Яъни — интернат болаларининг овқати, ўзлаштиришию ётиб туришигача мутасаддилик қилишади. Бугун менинг навбатим эди. Уйимни оқлаб, ошхонага келсам, ошпаз аёл кечки овқат пиширишга ўтин йўқ деб қолди. Мен дарҳол болаларга бирдан қоп олдириб, қишлоқнинг у ёқ-бу ёғидан тезак тердира бошладим. Тезак териш асносида, тўсатдан Унсин:

— Қаранглар! Охун оғайнинг уйи оқ паравозга ўхшаб қолибди! — деб қийқирди, болаларча қувноқлик билан.

Биз дўнгликда бўлганимиз учун қишлоқнинг уйлари пастликда ястаниб ётарди. Қарасам, менинг оқланган уйим, дарҳақиқат ўзининг ранги билан ёндош уйлардан фарқли ўлароқ, бир неча кўркисиз, ғарибона вагонларни шатакка олган паравозга ўхшаб қолибди.

— Ҳа-ҳа! Худди ўзи! — деб чувиллашди болалар.

Фақат Содиққина афтини буриштириб, Унсинга:

— Ҳой, довдир, паровоз ҳам оқ бўлар эканми? — деди.

— Ўзинг довдирсан, мен мисол учун айтаябман! — деди Унсин жаҳли чиқиб.

— Ростдан ҳам қандай чиройли паравоз, — деди Сора, уларнинг баҳсига эътибор бермай.

Сорани бошқалар ҳам қувватлашди.

— Қизик, қаёққа кетяпти, бу паравоз?

— Ҳеч қаёққа кетаётгани йўқ, вокзалда турибди.

— Йўқ, қаёққадир кетаяпти.

— Ҳамманг жиннисан! — деди Содиқ норози оҳангда.
 Болалар ўз хаёлий тасаввурлари завқига ботиб, мириқиб кулишарди.

— Тўхтанглар! — деди Адолат, — ростдан ҳам Охун оғайнинг уйи паравозга айланиб бериги уйлар тиркалган вагонлар бўлиб қолса, биз нима қилар эдик?

Энди Содиқ ҳам қўшилди уларга:
 — Унда мен унга тушиб олиб, кетиб қолардим.
 — Қаёққа? — деб сўрашди болалар.
 — Қаёққалигининг фарқи йўқ. Мактаби йўқ ер бўлса, бўлгани...
 — Жиннисан, — деди Сора унга.
 — Мен, — деб қолди Эрмек. — Африкага борардим.
 — Охо-хо-о! — дейишди болалар баравар.

Биттаси ҳуштак ҳам чалиб юборди.
 — Африкада асло қиш бўлмайди, — деб давом этди Эрмек, уларнинг масхаралашига парво қилмай. — Одамлар дойим яланғоч юришади.

Болалар яна кулишди.
 — Қасамхўр! — деди Унсин. — Йўқ, деганда турси кийиб юришади десанг!

— Қандай фарқи бор? — деди Эрмек.
 — Мен эса мева-чевалари кўп томонларга кетардим, — деди Тошбой.

— Мечкай! — деди ҳамма бир овоздан.
 — Сен-чи, сен қаёққа борар эдинг? — деб сўради Адолат, дугонаси Унсиндан.

— Менми? Мен... Мен... Э, барибир ойим мени ҳеч қаёққа юбормайди, — деди Унсин.

Бунга ҳам кулишдик.
 — Сен ўзинг-чи? — деб сўради Унсин.
 — Биласизларми, мен қаёққа борардим? — деб Адолат хиёл ўйланиб тургач. — Бишкекка борардим. Бориб ўзимга шаҳарлик қизлар киядиган либослардан кўплаб сотиб олиб, кун сайин кинога, театрга борардим.

— Ох-ох! — деди Унсин ҳавас билан.
 — Сен-чи, Пайиз? — деб сўраб қолишди тўсатдан, одамови Пайиздан.

Пайиз нима деб жавоб беришини билмай, тиржайиб, қизариб-бўзариб туриб қолди.
 — Пайиз ҳеч ёққа кетолмайди, — деб унинг ўрнига Содиқ жавоб берди. — Агар у кетиб қолса, Тулубой мерганнинг қизи бир умрга эрсиз қолмайдими?

Яна болаларнинг умумий кулгуси янгради. Пайиз дарғазаб бўлиб, Содиққа қўл кўтарган эди. Содиқ вақтида чап бериб қолди.
 — Оғай, сиз нима қилар эдингиз? — деб, сўраб қолди Адолат кутилмаганда.

Менинг ҳам нимадир дейишимга тўғри келиб қолди.
 — Менми? Мен... Мен бир кичкинагина ёғоч уйчада ўтириб олиб, сизларга билет улашиб турардим. Чунки, билетсиз ҳеч кимни поездга қўйишмайди-да.

Менинг жавобимни ҳам болалар қувноқ кулги билан маъқуллашди. Шунчаки ҳазил билан бошланган баҳс кўнглимизни кўтариб, руҳиятимизга ажиб бир мусаффолик бахш этди. Чунки, арзимасдек бўлиб туюлган, мазкур баҳслар замирида улкан ҳаётий мантиқ муҳассам бўлади.

* * *

Бугун ҳавонинг авзойи бузуқ. Кучли шамол эсиб, ўрда ўйналадиган майдонда қуюнлар рақси ҳукмрон.

Мен бешинчи синфда, директорнинг дарсида ўтирибман. Эрталабдан бери география ва тарих фанларидан ўтган икки дарсида иштирок этдим. Энди, учинчиси — рус тилидамиз. Ўқитувчиларнинг бундай иш услубини «тажриба алмашиш» деб қўямиз. Аммо, ростини айтсам, директор иккимизнинг «алмашадиган» ҳеч вақойимиз йўқ экан. Менга унинг иккала дарси ҳам ёқмади. География дарсида у бутун синфдан: «Шоли нима дегани?» деб сўраб чиқди. (Шоли — ўтмишдаги жазо усулларидан бири бўлиб, туянинг хом терисидан тайёрланган «каллапўш» гуноҳкорнинг бошига кийгизиб қўйилган. Тери қуриб, қотган сари, маҳқумни мудҳиш азобга грифтор қилган. 1965 йилги «Қирғизча-русча луғат»нинг 404-бетдаги «коок», 899-бетдаги «шоли»га қараб, изоҳга ҳукм чиқариш сизга ҳавола, тақсир. Директорнинг ушбу саволи оддийгина «шоли» яъни оқланмаган гурунч бўлиши мумкинлигини ҳеч мантиққа «сигдиrolмадим...») Синф бўйича биттагина боладан ташқари, «шоли» нималигини билмаганлар «икки баҳога сазовор» бўлишди. Билган бола эса, шу «бешинчида» иккинчи йил ўқиётган бола бўлиб, ўтган йили айнан шу саволга жавоб беролмай, имтиҳондан йиқилган экан. (Кейинчалик, буни менга ўша боланинг ўзи айтиб берди). У дарс охиригача мен айтаман деб, қўл кўтариб турди. Ёнидаги болаларнинг (Бизга ҳам айтиб қўйсанг?) деган ёлворишларига парво қилмади. Ниҳоят, директор ундан сўрагач, бола тўғри жавоб берди. Аммо, директор «билганингни бошқаларга айтмаганинг учун» деб, унга ҳам «икки» қўйди. Буни кўрган, «аламзада» болаларнинг боши қўкка етгандек бўлди. Бундай услубнинг моҳиятига мен асло тушунмадим.

Тарих дарси ҳаммасидан ғаройиб бўлди. Директорнинг «гулдургуп ўйини» деган услуби бор экан. Бу услуб таълимнинг йўриғига биноан, у тахтани тўлдириб саволларни ёзиб, сўнгра синфни рўйхат бўйича чақира бошлади. Ўқувчилар доскага чиқиб, саволлар қаршисига билган жавобларини жимгина ёзишиб, қайтиб жойига ўтиришарди. Ҳар гал чиққан ўқувчи, ўзидан олдинга чиққан ўқувчининг хатосини тузатарди. Ниҳоят, «гулдургуп»дан зериккан болалар «енг ичида» картани бошлаб юборишди. Ўйинга берилиб кетган биттаси, кутилмаганда: «Дама!» деб қичқириб юборди. Бу қичқариқ «гулдургуп ўйини»нинг қойдасини бузди. Директор доскага Пайизни чиқариб, унга жавобни ёзмасдан, оғзаки айта қолишини сўради. (Чамаси, ўзи ҳам «гулдургуп»дан безганди). Пайиз ёлчителиб жавоб беролмагач, директор доскага Содиқни чақирди. Содиқ чиқиб, яхши жавоб бергач, директор унга баҳо қўйиб бўлиб, «Қани, энди, Содиқ мана бунинг юзига тарсаки тушир» деб, Пайизга ишора қилди. Буйруқ синфга ҳам ёқа тушди — ўқувчилар баралла кулишиб, буйруқнинг ижросини кута бошлашди. Бироқ, Содиқ, «оғай» деб иккиланиб, юраги дов бермасди. «Ур! Ур!» деб қийқирди директор. Болалар ҳам унинг буйруғини такрорлашарди. Бечора Пайиз, бу унинг ҳамини қисмати бўлса керак, тақдирга тан бериб, икки кўзини лўқ қилиб тура берди. Фақат, бир мартагина илтижо билан менга қараб олди. Мен ожизона бошимни қуйи солдим. Бу орада «тарс!» этган овоз эшитилиб, гурра кулги кўтарилди. Қарасам, Пайиз чап юзини сийпалаганича, аламли нигоҳини дераза томонга ўгирди. Деразанинг нариёғида эса, шамол увиллаб, ўрда ўйналадиган майдонда ҳамон қуюннинг рақси давом этарди...

— Абдусаматов! — деб қичқирди директор.
 — Қайси биримиз, огай? — деб сўради бир ўқувчи.
 — Сен эмас, Қўйчумон, чиқ!
 Доскага чорпахл, сап-сарик бола чиқди.
 — Где ты стоишь?! — деб ўдағайлади директор унга.
 Қўйчумон русча саволга тушунмай, ўртоқларига мўлтиллади.
 — Доскага яқинроқ, тур деяпти, — деб таржима қилиб берди бир бола.
 Қўйчумон доска томонга бир қадам жилди-да, бурнини шилқиллатиб тортиб олгач, саволни ҳам кутмасдан бошлаб юборди:

— Белеет парус одинокий
 В тумане моря голубом.
 Что ищет... Что ищет...

деб бориб, дудуқланиб туриб қолди. Директор унга газабнок тикилиб, менга ҳам бир ёнаки қараш қилиб қўйди...

Аввалги икки дарсини пича муҳокама қилганимизда, мен салбий баҳо берган эдим. Ўзи: «Холис гапиравер, ҳамиша дангалчи бўлишимиз керак», деди. Эҳтимол, мендан мақтов кутгандир? Унинг дарсларини ҳамиша мақташаркан. Райондаги йиғинларда ҳам уни намуна қилиб кўрсатишармиш. Мураббийлик қилган йиллари чиндан ҳам ибратга арзийди. Йигирма тўрт йиллик умри мактабда ўтган. Шунданми, менинг терс баҳойим оғир ботиб, ҳазилакам «ирғишламади». Бизнинг мунозарамизни эшитиб турган бошқа муаллимлар ҳам ўзларича ўнғайсизланиб мўътабар кимсанинг олдида мен учун ҳижолат чекишаётгандек эдилар...

— Думамай, думамай, — деди директор Қўйчумонга. Дарси русча-қирғизча аралаш олақуроқ эди. Бегона кимса бўлмаса, дарсни қирғиз тилидаёқ «қойилмақом» қилиб қўядиган сиёҳи бор. Қўйчумон излаганини топмай, мадад кутиб, синфга жовдирарди. Уртоқларидан бири унга шифтни имо қилиб қўйди. У дарров шифтга қаради. Шифтнинг вассажуфтлари энли-энли тахталардан иборат эди. Қарасам, ҳар бир тахтанинг юзаси қалам, сиёҳ ва бўр билан турли фанларга тааллуқли тайёр «шпаргалька»нинг ўзгинаси битилган экан.

Қўйчумон «шпаргалька»ни хийлагача ҳижжалаб, ўқиб туриб, ниҳоят:

— В глу-иби-ну си-бир-ских руд¹... деб энтикиб, қироатини келтириб ўқиб берди.

— Нима деб алжираяпсан?! — деб қичқирди директор фиғони фалакка чиқиб.

Мен бостириб келаётган даҳшатли кулгудан кўрқиб, дераза томонга бурилиб, шайтонга ҳай бердим. Тангрим кўллаб, бу фожеий вазиятга кўнғироқ овози нуқта қўйди. Мен дарров эшикка шошилдим.

Йўлакка чиқсам, Пайиз Содиқнинг икки қулоғидан маҳкам ушлаб, бечорани девор суздиртиб, бояги тарсакининг ҳисоб-китобини қилаётган экан.

Мен пўписа оҳангида — «Ҳой бола!!» деб қасоскорни шаштидан туширдим. Пайиз Содиқни қўйиб юбориб нари кетди. Мен ўқитувчилар хонасига кирдим. У ерда ўтиришган ҳамкасбларимнинг суҳбати чортанг, кулги авжидайди. Киришим билан, суҳбатга «дарз кетди». Каминага қадалган нигоҳларида илгариги самимият ўрнига, сирли бир ифода зухур этарди. Бу мен учун жумбоқ эди.

¹ И з о х — муаллиф юқорида қолақ ўқувчи воситасида, Лермонтовнинг «Елкан» шеърининг сатрларига Пушкиннинг «Сибир конларининг тагида» сатрини тиркаб, қойилмақом юмор яратган эди. (Тарж.)

— Ишқилиб, тинчликми? — дедим уларга.

— Ҳа, шунчаки, ўтган бир ҳангома туфайли кулишиб ўтирибмиз, — деб қўйди илмий мудир.

Шу аснода директор кириб келди.

— Хў-ў-ўш, Охун, — деди у, сохта самимият билан. — Энди бу дарсимга нима дейсан?

Менинг нимагадир гайирлигим келди. Нималигини ўзим ҳам билмайман.

— Бу сафар ҳам бояги-бояги, Тошмат ака, дедим. — Ўқувчилар дарсингизни билишмайди.

Директор жонли ҳайкалга айланди гўё, бир қизариб-бир бўзариб барчани нигоҳи билан кузатиб чиқди. Ҳеч кимнинг тили калимага келмасди. Хайрият мудир:

— Дарс бошланди, ўртоқлар, ҳамма дарсга, — деб, жонимизга оро кирди.

Ўқитувчилар журналларини олиб хонани тарк этишди. Директор иккимиз ёлғиз қолдик. Ўртага ноқулай жимлик чўкди.

Ниҳоят, жимликни директор бузди:

— Унда, нима қил дейсан менга?

— Билмадим. Мен ўқувчиларга ачинаман. Уларга увол...

— Увол бўлса, мен ўқитувчиликка нуқта қўяйми?!

— Бу сизнинг ишингиз.

— Ҳой, бола! Биласанми, мен қанча йилдан бери шу касбда ишлаб келаяпман?! Йигирма тўрт йилдан бери!

Директорнинг кўзлари чаноғидан чиқиб, ғазабдан тили калимага келмасди. Менинг аҳволим ҳам уникидан кам эмасди. Бу туришимизнинг охири хосиятсиз эди. Мен дарсни баҳона қилиб, ташқарига йўналдим.

Йўлакда Роқияга дуч келдим.

— Охун, — деди у, менинг руҳиятимга эътибор бермай. — Янгиликни эшитдингизми?

— Қандай янгилик?

— Тўлубой мерганнинг қизи ҳомиладор бўлиб қолибди.

У менга синовчан тикилиб турарди.

— Қизиқ янгилик экан, — дедим мен, бепарво жилмайиб. — Боланинг отаси ким экан?

— Отаси саваласа ҳам, қизи айтмаётган эмиш.

— Ёшлик-да, — дедим мен, ҳазил аралаш.

— Лекин, ўқитувчиларнинг кўпчилиги сиздан шубҳа қилишяпти, — деди у... Кўзлари эса, ҳамон синовчан тикилиб турарди.

Менга ҳамма нарса энди равшан бўлганди. Ҳалиги, хонадаги кулгиларнинг илдизи ҳам шу ёқда экан-да...

— Шунақами? Бу туҳмат! — дедим. Аламли ғазабдан томоғим бўғилиб, бошқа сўзга келолмай, жадал юриб кетдим.

* * *

Шу кетганча уйимга бориб, таппа ташлаб, кун ботарда ташқарига чиқдим. Ташқарида туман тушиб, хафласизлик билан қор эламоқда. Унда-бунда битта-яримта кимсанинг арвоҳдек шарпаси элас-элас кўриниб қолади. Қишлоққа вазмин сукунат чўкканди.

Мен чой, қанд учун магазинга бордим. Магазинда Содиқ, директор ва мерган бор экан. Магазинчи пештахта ортида, бир қўлини иягига тираб бир қўлида тишни ковларди. Мерган билан директор бочкалар устига жойлашиб, ўртага бир шиша ароқни қўйиб олишганди. Мерган

маст, шекилли, худди ёш боладек минғирлаб йиғларди. Директор афтидан маст эмас, мерганни койиб, нималарнидир қулоғига қуярди. Бу манзара мени ҳушёр торттирди.

Барибир салом бериш лозим: — Ассалому алайкум, — дедим, омонатгина.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Мерган бошини кўтариб:

— Ҳаромининг боласи, — деди, лаблари титраб. — Сени туппа-тузук одам экан деб, кун ора, ҳафта сайин уйимга чорлаб, топганимни олдинга қўйиб, сийлаб юрсам, оқибатинг шуми, қариганимда элга шарманда қилдинг. Ув-ув-ув... — Мерганнинг йиғиси аввалгидан баттар авжига чиқди.

Ҳамма нарса олдиндан маълум бўлгани учун, «мушук-сичқон» ўйнашнинг ҳожати йўқ эди.

— Тўлубой ака, бу ишга менинг ҳеч қандай алоқам йўқ, — дедим жаҳдимни ютиб.

— Алоқанг бор! — деб қичқирди мерган. — Сендан бошқа ҳеч ким менинг уйимга борган эмас!

Бу сўзига мен жавоб қайтармадим.

— Охун, — деб орага суқилди директор, — Сен билимли муаллимсан, мен эса билимсизман. Сен болаларга кўпроқ билим берасан, мен эса озроқ. Бироқ иккиламиз ҳам педагог деган номга эгамиз. Шундайми? Шундай? Энди ўзинг айт-чи, сен қилган иш тақдирлашга муносибми?

«Жоҳил» деб қўйдим ичимда.

— Буни мен қилганим йўқ.

— Сени жазолашимиз керак.

— Ким?

— Директор, ўзингга маълум — мен директорман. Мен сени жазолайман. Жазонг шу — бу кеча Помирда тунайсан. Эртага э-эрта туриб, жомадонингни кўтариб, қорангни ўчирасан.

Буниси суягимдан ўтиб кетди.

— Майли! — дедим, алам билан, қатъий. — Мен кетаман! Аммо...

— Йўқ! — деб қичқирди мерган, менинг сўзимни бўлиб, — Бу жазо камлик қилади, Тошмат. Шуям жазоми?! Менинг қизимни ҳомиладор қилиб қўйиб, мени бутун Помирга шарманда қилиб, силлиққина кета берадими? Буниси кетмайди, садағанг кетайлар. Бу бола... уйланиши керак менинг қизимга!

— Мана бу — айни ҳақиқат! — деди, ҳанузгача тишини ковлаб, мум тишлаб ўтирган магазинчи. — Ўшанда сиз ҳам куймайди, кабоб ҳам.

— Тўлубой, хотиринг жам бўлсин, сенинг қизингга куёв топилади, — деди директор. — Помирлик йигитларнинг бу келгиндидан ўлса, ўлиги ортиқ. Бу кетаверсин.

Ҳа, хом сут эмган банда-я! .. Айни дамда, менга энг аламли жойи — бу жоҳил, чаласавод «мураббийнинг» нега бунчалар жон куйдириб, Помирнинг иззат-нафсини, гурурини ҳимоя қилаётгани, аламзада ота билан, гумроҳ магазинчининг етти ухласа ҳам тушига кирмасди. Директор учун, ўша қизнинг ор-номуси эмас, фурсат-ганиматда мендан ўч олиш, «шаккок», «ғайрипомир» бир келгиндининг думини тугиш эди.

— Йўқ, Тошмат, бу уйланади менинг қизимга, — деди мерган. У ўрнидан туриб, мен томон юрди. — Ҳой, бола, сен уйланасан менинг қизимга. Йўқса... — мерган грибонимдан олиб, силкита бошлади, — сени ўзим жазолайман. Мен сени худди Помирнинг чиябўрисини отгандай, отиб ташлайман!

— Ох-хо! — деди шу дамда, сиртдан кириб келган биров. Магазиннинг ичи қоронгилашиб қолганидан, келган кимсани дарров таний олмадим. Унинг устида оғир пўстин, тумоғини бостириб кийиб олганди. Ўзи қорбобога ўхшаб қолибди. Мен тугул, беригилар ҳам таний олишмади.

— Чирогингни ёқ-чи, Турат ака! — деди, сабрсизлик билан.

— Ия, Маманмисан? — деди магазинчи уни таниб. — Ҳозир, ҳозир... ука...

Маманнинг кутилмаган ташрифи ҳаммамиз учун Оллоҳнинг иноятидай бир гап эди. Менинг кўзимга эса, худди Исо Масиҳдек бўлиб кўринди. Депутат энгил-бошидаги қорларни қоқди. Чироқ ёниб, кўз-кўзга тушгач:

— Қани, бу ерда ким кимни отмоқчи? — деди, ҳазил аралаш. Сўнг, ҳаммамиз билан жимгина қўл олишиб чиқди.

— Э-э, ука, бизда фалокат юз берди, — деб директор отини қамчилаб қолди. — Охун манаву шўрпешонанинг қизини бўғоз қилиб қўйибди.

Депутат кескин бурилиб, менга ҳайрат билан тикилиб қолди. Мен биринчи бўлиб унинг гапиришини кутдим.

Директорнинг сўзига лаққа тушган депутат: — Биз сендан буни кутмагандик-ку, Охун? — деди, бармоғи билан кўкрагимга ниқтаб.

— Ёлгон айтсам, йигит ўлайин, — дедим мен, ишонарли чиқсин учун, вазмин оҳангда, — боланинг отаси мен эмасман.

Ўзимни оқлаш учун, қасам ичиб, буларнинг олдида тубан кетиб ўтирганимдан, ўзимдан ўзим нафратландим. Лекин, бусиз иложи ҳам йўқ эди. Чунки, иш чаппасига айланиб бораётганди.

Депутат менга узоқ синовчан тикилиб туриб, кейин улар томонга бурилди.

— Сен тониб кетаман деб ўйлама, Охун, — деб, яна бошлади директор. — Ундан кўра, «Оғайнилар, ёшлик қилдим, шайтон йўлдан уриб, қизнинг бошини айлантирибман», десанг мана, Маман ҳам келиб қолди, кўплашиб бир чорасини топамиз. Энг осони унга уйланиб, ҳаммани, жумладан, ўзингни ҳам иснод ботқоғидан асраб қол. Тўғрими, Маман?

Директор сўзини тугатгунча депутатнинг кўзидан кўзини узмади.

— Шошманлар-чи, — деди депутат. — Менимча, Сизлар уни шунчаки гумон қилаётганга ўхшайсизлар. Қиз ўзи нима дейди?

— Жувонмарг, менга ҳеч нарсани айтмаяпти, — деди мерган, боягидан хийла шаштидан тушиб. — Урдим, сўкдим, кўрқитдим, натижа чиқмади.

— Ундай бўлса, бу можарони ўртоқлик судида қилни қирқ ёриб, батафсил текшириб, кейин ҳукм чиқарамиз. Охун, сен кўрқма, суднинг раиси ўзимман. Оқ бўлсанг — оқ, қора бўлсанг — қора, адолатли тарзда ҳал қиламан. Агар, бола бошқадан бўлса, даъвогарларнингнинг соқолига ўт қўяман. Агар, аксинча бўлса, бача, мендан ўпкалама! Ҳа, шундай.

— Нима дейсан?..

— Мен ҳозир туман марказига шошиб турибман. Эртага мажлис бўларкан. Худо хоҳласа, индинга, ўн иккиларга келиб қоламан. Ушангача қишлоқдагиларни ўртоқлик судига тахт қилиб қўйинглари. Уқдингизми?

— Уқдик.

— Тўлубой ака, сиз қизингизни олиб келасиз, мен ўзим сўроқ қиламан. — Мерган бош силкиб, розилик билдирди. — Шундай бўлсин. Турот ака, раисни кўрмадингизми?

— Хайронман. Боя Мурғобга бораман, деб юрувди.

— Мурғобга иккаламиз бормоқчимиз. Менинг келишимга машина тайёрлаб қўймоқчийди. Яхшиси унинг уйига бориб кўрай-чи...

Депутат чиқиб кетди. Магазинда яна тўртовлон қолиб, орага ноқулай жимлик чўкди. Ниҳоят, мен ҳам эшикка юзландим. Эшикка чиққач, чой ва қанд учун келганлигимни эсладим. Бироқ қайтиб кирмадим.

Ташқарида ҳамон қор ёғмоқда. Ҳеч кимса кўринмайди. Мутлақ жимжитлик. Фақат ўрда отиладиган майдонда Маманнинг кўтоси турарди.

Мақтабнинг олдидан ўтиб кетаётсам, мактаб музейининг чироғи ёниб турибди. Ҳўв, мерган мақтаган музей-да. Тан бериш керак — мақтовга лойиқ музей. Ҳар қандай вилоятлардаги музейлардан қолишмайди. Деразасидан қарасам, оқ халатда, бир кийикнинг тулумига хас-ҳашак тикаётган мудир кўринди. Хиёл ўйланиб туриб, унинг олдига кириб бордим.

Бу музейда Помир ҳайвонот дунёсининг жамики намуналари, тошу типроғи, ўсимликларнинг алвон нусхалари мавжуд. Қисқаси, бу миттигина Помир чинакам музей. Музейни музей қилганлар эса, дарҳақиқат, Тўлубой мерган билан Мамит ака. Бири тоғу тошдан отиб, термалаб, қазиб олиб келса, иккинчиси қойилмақом қилиб, экспонат ясайди. Иккаласининг меҳнати ҳам беминнат, ихтиёрий. Албатта, музей Мамит акага — айни муддао: у зоология, ботаникадан дарс беради, Тўлубой мерганникини эса ҳақиқий фидойилик дейиш мумкин. Кошки эди, меҳнатига мактаб сариқ чақа тўлаб қўйса?! Рост гап дўпписи тор келиб қолган пайтларда, Мамит ака, ўз ҳисобидан беш-ўн сўм пул, баъзан ароқ қуйиб беради, холос. Бўлгани шу — вассалом. Иккисини мақтаб, раҳмат деган бирор кимса йўқ. Булар ҳам бировдан таъма қилмайди. мен музейга кириб, зич қўйилган экспонатлар оралаб ўтиб, Мамит аканинг ёнига бордим.

— Ассалом алайкум, Мамит ака.

— Э-э, сенмисан, Охун, — деди Мамит ака жилмайиб, — кел, ўтир.

Мен Мамит ака кўрсатган эски яшик устига ўтирдим.

— Сен отган кийик, — деди Мамит ака, ясаётган тулумини кўрсатиб. — Чиройли така отибсан.

Қарасам, ростдан ҳам ўша така экан.

— Мамит ака, Тўлубой мерганнинг қизи ҳақидаги миш-мишларни эшитдингизми? — деб сўрадим ундан.

— Эшитдим, — деди у.

Яна бирор нарса дермикин десам, индамади.

— Бу ишга менинг заррача алоқам йўқ, — дедим, — унинг дилига қўл солиб кўриш учун.

— Алоқанг йўқ бўлса, йўқ-да, — деди у.

— Сен сабр қилиб тур. Эртами-кечми, ҳақиқат юзага чиқади. Менинг биттасидан шубҳам бор.

— Кимдан?

Мамит ака қийналиб, анчадан кейин айтди.

— Пайиздан.

— Менинг ҳам! — дедим деярли қичқириб. — Ўша боланинг оёқ олишидан гумоним бор эди-ю, лекин, ўз ўқувчим ҳақида ёмон ўйга боришга истиҳола қилдим.

— Қорасоч билан Пайизнинг муносабатларини кўпдан биламан. Иккаласи мактабга бирга киришиб, олтинчи синфгача бир партада

ўтиришди. Олтинчи синфдан Пайиз айниди, ночор ўқиб, синфдан-синфга кўчмайдиган бўлиб, ўтган йилдан умуман, ўқимай қўйди. Қорасоч эса ўнинчини битириб кетди. Аммо, улар ҳали ҳам бир-бирини яхши кўришади. Пайизнинг ўзига қолса, бугуноқ мактабни ташлаб, Қорасочга уйланиб оларди. Менимчаям, шуниси тузук эди. Кўриб турибсан, у қаригунча ўқиса ҳам, ҳеч нарса чиқмайди. Ундан кўра, оила қуриб, хўжаликнинг бир корига ярагани яхши.

— Шундоқ экан, уни мактабдан чиқариб юборсак бўлмайдимиз?

— Бу Маманнинг истаги. Эплаб, саккизни тугатиб берсангизлар, техникумга киргизиб қўяман, дейди. Унинг юзидан ўта олмай, судраб юрибмиз.

Иккаламиз ҳам хийла жим қолдик.

— Шундай... — деди мудир, — Менинг шубҳам шу боладан.

Мен кетишга чоғланиб:

— Хўп, хайр, — деб эшик томон юрдим.

— Хотиржам бўлавер, ука, бунинг тагига етмай қўймаймиз.

Мен уйимга келиб, чироқни ёқдим. Печканинг ўти ўчиб, уй ичи муздеккина бўлиб қолган экан, ўт ёқдим. Ҳадемай, совуқдан ҳувиллаган кулбамага фойз кириб, баданимга ҳузурбахш илиқлик югурди. Депутат билан мудирнинг одамшавандалиги, безовта руҳимга илиқлик олиб кирганди. Бироқ, шундай бўлса ҳам, кўнглимдаги губор тўлиқ аримай, ёлғизлик ҳисси қийнаб, дилимни мавҳум бир соғинч эзиб, хаёлим паришон эди. Занг босган эски каравотимни ғижирлатиб, лопиллаб ёғаётган лайлак қорга деразам оша тикилиб, узоқ ётдим. Ахири, ётишдан безиб, печканинг олдига келиб, мунғайиб ўтирсам, ногаҳон, кўзим бурчакдаги бир шиша ароққа тушиб қолди. Бу Мерганнинг дастурхонига атаб олинган матоҳ эди. Сизга илгари ҳам айтган бўлсам керак, мерганнинг уйига ҳеч қуруқ қўл билан бормасдим. Сабаби, мерган мени овга таклиф қилганда, ҳамиша бир шиша шу «зормандага» шаъма қилиб турарди.

Мен ароқни кўриб, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг севиниб кетдим. Ҳаргиз ёлғиз ичмаган жоним, шаҳд билан бориб, бир чоғроқ пиёлага тўлдириб қўйдим-да, бир кўтаришда сипқордим. Гўё, ичим ёнди-ю, оғзимдан тутуни чиқди! Оч қоринга дарров олди. Бир зумда бинойидек маст бўлиб қолдим. Бироқ, юрагимдаги асорат ҳамон турарди. Тўсатдан бир яхши улфат билан ёки бир дилбар аёл зоти бўлса, ўша билан ҳисларимга эрк беришни қўмсаб қолдим. Мўъжиза — кутилмаганда, комендантнинг қизи ёдимга тушди! Дарҳол унга мактуб ёза бошладим. Хатим тахминан қуйидагича бошланган эди. «Ойдиним, мен сени беҳад соғиндим. Ушбу хат қўлингга тегар заҳоти, йўлга отлан. Ёстигимиз битта бўлади», деган мазмундайди.

Хатни конвертга солиб, манзилини ёзиб ўтирсам, Пайиз кириб келди. Менинг бор вужудим хатда бўлиб, Пайиз билан мерганнинг қизи хусусида бир оғиз сўз ҳам демабман. Аксинча, салом-аликни ҳам унутиб, унинг қўлига конвертни тутқазиб: — Ма! Почтачига бориб айт, хатни бугун кечасиёқ жўнатсин!

— Оғай, менинг сизда икки оғиз гапим бор эди, — деди Пайиз.

— Кейин! Кейин гаплашамиз! Ҳозир чоп! — деб қичқирдим мен.

— Почтачи бугун кечаси, жўната олмайди, — деди Пайиз. — Ундан кўра, ҳозир Маман тоғам районга жўнаяпти, ўшандан бериб юборайми?

— Бериб юбор! — дедим.

Пайиз чопиб, чиқиб кетди.

* * *

Икки кундан кейин, дам олиш куни ўқувчиларнинг дафтарини текшириб ўтирсам, бешинчида ўқийдиган Қўйчумон деган бола халлослаб, кириб келиб:

— Оғай, Маман ака келди, сизни келсин, ўртоқлик судини бошлаймиз деяпти, — деди.

Қишлоқ аҳли эрталабдан бери менинг устимдан бўладиган ушбу судни сабрсизлик билан кутишарди. Мен, суднинг хотимасидан қўрқмасдим, албатта. Лекин «ўртоқлик суди» деган ушбу томошадаги «бош қаҳрамоннинг роли» бошимни қотирарди... Начора, кийиниб олиб, йўлга тушдим.

Ўрда отиладиган майдонда, таниш қора «Волга» турибди. Уни ўқувчилар-у, ҳангоматалаблар ўраб олибди. Депутатнинг ёнида турган директор, мени кўриб:

— Қани, ҳамма клубга! — деб хитоб қилди.

Тўпланганлар ёппасига клубга томон оқди. Воқеадан беҳабар кимса, буларнинг чехрасидаги шодлик ва қувонч аломатларини кўриб, клубда ўртоқлик суди эмас, ноёб томоша бор экан деб ўйлаши шубҳасиз эди. Буларга ҳам қийин — бир қолипдаги, зерикарли ҳаётнинг психологияси эди бу!

— Ёш болаларга нима бор бу ерда?! — дедим, жаҳлим чиқиб, клубга биринчи бўлиб кириб кетаётган ўқувчиларни кўриб.

— Бизнинг ўртоқлик судимизга, ҳамма бирдек иштирок этади, — деди директор.

— Қўрқма, — деди депутат кулиб, елкамга қоқиб. — Оқ бўлсанг — оққа, қора бўлсанг — қорага ҳукм чиқараман. Депутатимнинг ушбу сўзлари бу гал менга ёқмади, аксинча, жиғимга тегди. Томошага режиссёрлик мавқеи шу инсоннинг қўлида эди.

— Усенбой! — деб қичқирди Маман қора «Волга»нинг ҳайдовчисига. — Энди, сен кетавер.

— Кўя тур, бача, — деди Эсонбой, «Волга»сининг эшигини ёпиб. — Сизларнинг томошангизни кўриб кетайин. Бунақаси бизда ҳам кам бўлади.

— Ҳа, майли, кўра қол, — деди Маман. — Боргач, бошқаларга хикоя қилиб берарсан.

Мен клубга охириги бўлиб кирдим. Клубнинг ичида игна ташласанг, ерга тушмайди. Келганимдан бери бу клубда беш-олти марта кино кўрсатилди, бир марта хўжалик мажлиси бўлди, лекин унда бунчалик эл тўпланмаганди. Киришим билан, ҳамма, гўё мени биринчи марта кўраётгандек, қараб қолишди. Мен жимгина бориб, олдинги қатордаги ўриндиқдан бир ўқувчини турғизиб, ўрнига ўтирдим.

— Охун, сенинг жойинг бу ёқда, — деб қолди Маман.

Президиумда ундан бошқа яна икки киши директор билан мудир бор эди. Директор менга олд томондаги, ўзининг рўпарасига қўйилган ёлғиз курсини кўрсатди. Мен гижиниб, бориб ўша курсига ўтирдим. Энди орқа томонимдан бутун зал, рўпарамда ҳайъат аъзолари. Депутат ўрнидан туриб, столдаги кўнғироқни олиб, зални тартибга чақирди. Ғала-ғовур босилгач, кўнғироқни қўйиб, графиндан стаканга сув қуйиб, бир хўплам ичди-да:

— Ўртоқлар! — деб залга мурожаат қилди. — Ўзингизга маълум, ўтган йилдан бери бизда ўртоқлик суди бўлгани йўқ. Бирок, бунга мен айбдор эмасман. Суд бўлиши учун унга далил керак, бизга эса, шу кунгача даъво тушгани йўқ. Маман сўздан тўхтаб, яна графинга

қўл чўзди. Мен деразага қарадим. Деразадан ўрда майдони кўринди. Майдонда тўқим урилган Маманнинг қўтоси билан қора «Волга»дан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Қўтос «мудраб ётган» қора «Волга»нинг «кўзойнаги»ни бетиним яларди. — Мана, ўртоқлар, энди бизга ариза тушди, — деди ўртоқлик судининг раиси. — Бугун биз ўқитувчи Матҳолиқов Охуннинг ишини кўрамиз. — Депутат, мен томонга бир қараб олди. Залдагилар ҳам менга қараб, шивир-шивир бошланди. — Ўртоқлар, жим! — Депутат қўнғироқни яна жиринглатиб қўйди. — Энди, ўртоқлар, судимизнинг навбатдаги мажлисини очиқ деб эълон қиламан! — Маман бош бўлиб, залдагилар бир сидра қарсак чалиб қўйишди. Суд раиси жойига ўтириб, яна сувдан бир хўплаб, икки ёнидаги маслаҳатчилари билан шивирлашиб олди. — Қани, ўртоқ Матҳолиқов, ўрнингиздан турунг-чи, — деб менга «сиз» дея муурожаат қилди.

— Ғўддайиб туришим шартми?! — дедим мен.

— Ҳа, — деди раис. — Қоидаси шунақа. — Мен ўрнимдан турдим. — Ўртоқ, котиб айбномани ўқиб, эшиттиринг.

Котиб мактаб директори эди. У ўрнимдан туриб, томоқ қириб, қогозни қўлига олди. Айни шу паллада, залдан:

— Тўхтанг! — деган хитоб эшитилиб, котибга халал берди.

Бу Тўлубой мерганнинг қизи эди. Кўп йиғлаганидан бўлса керак, қовоқлари шишиб кетибди. Қиз ўрнимдан туриб, залдан кимнидир ахтара бошлади.

— Пайиз! — деб қичқирди у. — Айт энди! Турмайсанми, Пайиз?!

Ҳамманинг ҳайратли нигоҳи қизда, ўзаро шивир-шивир бошланди.

— Ана, айтганим тўғри келдими?! — деди Содик атрофидаги синфдошларига.

— Э-э, тинчланинглар! — деб қичқирди директор. — Тўлубойнинг қизи, сен тартибни бузмай, жойингга ўтир! Бу ерга биз сенга қайишиб келиб ўтирибмиз.

— Тошмат ака, қўя турунг-чи, — деди Маман, бир нарсани сезгандай. — Қорасоч, Пайизга нега унақа деяпсан? Пайиз нимани айтиши керак?

— Маман ака... — деди қиз, йиғламсираб, — Охун оғайда ҳеч қандай айб йўқ...

Худога шукур, дедим ичимда. Залда ғала-ғовур бошланиб, бари менга қараб қолишди. Аслида, шундай бўлишини қўнглим сезиб турарди. Маман менга қараб олиб, яна Қорасочга юзланди:

— Унда, ким айбдор?! — деб сўради.

Қиз унга жавоб бермасдан, яна залга қараб:

— Пайиз! Сен ўзим айтаман деган эдинг-ку?! — деб қичқирди.

Шу маҳал залнинг охиридаги бурчакдан, Пайиз отилиб чиқиб, ўзини эшикка урди. Ҳамма унинг ортидан қараб қолаверди.

— Шумиди?! — деб қичқирди мерган, қизининг ёнига югуриб келиб. Қиз жавоб бериш ўрнига, йиғлаб юборди-да, аста жойига чўкди. — Айт, яш-ш-шамагур! — Мерган қизининг сочидан бураб, тортди. Қорасоч бошини сарак-сарак қилиб тасдиқ ишорасини қилди. Мерган нес бўлиб туриб қолди. Халойиқ эса, бири олиб-бири қўйиб, клубни бошига кўтаришарди. Пайизнинг шаънига, кулгу аралаш, латифа, кесатиқ «болалай» бошлади. «Томоша»да менинг «ролим» тугаган эди! Кўзларим Маманнинг аянчли нигоҳи билан тўқнашди. У, кўзини олиб қочиб, ўрнимдан турди-да, қўнғироғини ишга солди. Шовқин-суроннинг дами кесилди.

— Ўртоқлар, ўртоқлик судининг навбатдаги мажлисини ёпиқ деб эълон қиламан. Ўқитувчилардан бошқа ҳаммага рухсат, Тўлубой ака, сиз қизингиз билан қолинг.

Ҳангоматалаблар ғала-говур, тапир-тупур қилишиб, тўда-тўда бўлиб, чиқиб кетишди. Сўнгги сўз Маманда қолганди! У, узоқ сукутдан сўнг, ниҳоят тилга кирди:

— Мен Пайизни ёлғиз опамнинг боласи деб, ўқитиб, одам қилайин деган ниятда эдим, — деди у. — Бўлмади. У, ўқиб бўлди. Энди уни менга беринг, оғайлар. Энди уни ўзим ўқитаман. Тўлубой ака! Сиз кўп койиманг. Бўлар иш бўлди. Начора, иккови ҳам аҳмоқлик қилишибди. Энди уларнинг бошини қовуштириб қўяйлик. Йўқ, демасангиз, мен буларни, ўзим билан олиб кетаман. Нима дейсиз?

— Тўй-пўйсиз, қуруққинами? — деди мерган. У, орият учун шундай дегани билан ишнинг бу тарзда силлиқ кўчганидан, ичида кувончда эканлиги сезилиб турарди.

— Тўйни, худо хоҳласа, баҳорда қиламиз, — деди Маман. — Ҳозир киш, иш қизгин. Тўй қилишга менинг ҳам имкониятим йўқ, тўй-тўйлашга элнинг ҳам фурсати йўқ. Яхши бўлди, бир кўра қўйга чўпон етишмаёвтувди. Қорасоч! Бор синглим, Пайизни топиб, олиб кел. Қўрқмай келаверсин, урмайман.

Қорасоч отасига бир қараб олиб, шахдам юриб, ташқарига чиқиб кетди.

— Охун, — деди депутат, — бача, кечир бизни, сени беҳуда гуноҳкор қилибмиз. Тошмат ака, соқолингизни битталаб юлса бўларди-ю, ёшингизни ҳурмат қиламан-да.

— Э-э, манави-да, — деб айбни мерганга ағдарди директор.

— Имонингни ютма! — деди мерган. — Мен бошдаёқ Охундан заррача шубҳа қилган эмасман. Бўлгани, сенга дардимни ёргандим, холос. Сен дарров: «Бу, Охуннинг иши! Ушани маҳкам ушла!» дединг.

— Ўтган ишга саловат, — деди Маман, ўрнидан туриб. — Энди, оғайнилар, кетайлик. Мен ҳам уйимга барвақт етиб олай...

Ҳаммамиз ташқарига чиқдик. Одамлар ҳали кетишмаган экан. Тўда-тўда бўлиб олишиб, бугунги бош мавзуни муҳокама қилишарди. Қора «Волга» кетиб, қўтос бир ўзи қолибди. Маман қўтоснинг тўқим-терлигини ўнглаб, айилини тортиб, шай қилиб қўйди. Бу орада Пайиз билан Қорасоч келиб, бир четда шумшайиб туриб қолдилар. Уларни кўрган эл яна «гимирлаб» қолишди.

— Бало экансан, Пайиз! — деди бир йигит.

— Сен, бача, суюнавер энди. Биздан калтак ейишдан қутулдинг, — деди синфдоши Содиқ. — Эҳ, сенинг ўрнингда мен бўлиб қолсам-чи!

— Эш-шак! — деди Маман Пайизга, гижиниб. — Ўқиб одам бўлар деса, бунинг ҳунарини кўр... Мана, ушла бунини! — Маман унга қўтоснинг жиловини узатди. Пайиз кутилмаган муштдан хавфсираб, жиловга қўлини чўзди.

— Кел, мин, — деб Маман Қорасочни қўлтиқдан олиб, қўтосга мингиза бошлади.

— Кийим-кечагимни олсам бўларди... — деб иккиланди қиз.

— Кийим-кечагингни ортингдан бериб юборишади, — деди Маман. — Ҳой, Тўлубой ака, қизингизни қақир-қуқурларини танишлар орқали бериб юборинг.

— Бериб юбораман, бериб юбораман, — деди мерган. — Боравер, қизим.

— Жўна! — деди Маман Пайизга.

Пайиз қўтосни етаклаб, йўлга тушди.

— Қани, шу икки ёшга фотиҳа бериб қўяйлик, — деди мерган қўлини дуога кўтариб. — Илоҳо, қўша қаринглар, этагингиз болага, огилингиз молга тўлсин. Оллоҳу акбар.

— Оллоҳу акбар! — деди ҳамма, кимдир юракдан чиқариб, кимдир тил учида.

— Лалайган шўрпешона, — деди Маман мерганга қараб, — шу битта қизини ҳам эплай олмади.

— Унақа дема, Маман! — деди Мерган. — Сал ўйлаб гапир. Гуноҳ, фақат менинг қизимдами?

— Фунажин кўзини сузмаса, буқача ипини узмайди.

Ҳамма кулиб юборди. Айниқса, болаларга худо берди.

— Болалар эшитдингларми? — деб қичқирди Содиқ. — Фунажин кўзини сузмаса, буқача ипини узмас экан. Хоҳ-хоҳоҳо-о! Фунажин кўзини сузмаса...

Маман менга қўлини узатди:

— Хайр, Охун!

— Хайр! — дедим мен.

Маман нарироқ бориб, ортига қайрилди.

— Айтгандай, сенинг хатингни ўз қўлим билан почтага ташладим.

— Қанақа хат? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Пайиздан бериб юборган хатингни-да...

— Ҳа, энди эсимга тушди...

Маман «машҳур» келин-куёвлар ортидан йўлга тушди. Хат... Нималар деб ёздим экан? Жин урсин!

* * *

Тор ва узун дарё ёқалаб кетган иланг-биланг йўл. Йўлнинг икки томонида тоғлар ортимиздан эргашиб келмоқда. Чор тараф покиза, оппоқ қорга бурканган. Қор саҳнида бегубор январ куёшининг нурлари жилваланади.

Қалин қорда машинамиз аранг ўрмалайди. Борлиқдаги улуғвор оқликка боқиб, хаёл дарёсига чўмгандим. Шофёр Шарипнинг икки кўзи йўлда. Эсингиздами, мени биринчи марта овулга олиб келган бола.

Бир маҳал, кузовдаги болаларнинг қий-чуви эшитилиб қолди.

— Ана, архарлар! — деди Шарип.

Эллик чоғли архар қаршимиздан чопиб ўтди.

— Архарлар... — дедим мен ҳам, уларнинг ортидан завқ билан.

— Эҳ, ҳозир милтиқ бўлгандами! — деди Шарип.

Қорнинг қалинлигидан, архарлар қийналиб чопишарди. Кўп ўтмай, улар қирга ўрлашди.

Архарлардан кейин, кўпга қадар гап-сўзга келмадик. Бир маҳал Шарип:

— Огай, сиздан бир нарса сўрасам бўладими? — деб қолди.

— Нега бўлмасин?

— Шаҳарда, Бишкекда сизнинг севган қизингиз борми?

Мен жилмайиб, иккиланиб туриб:

— Бор, — дедим.

— Чиройлими?

— Чиройли.

— Ўта чиройлими?

— Ўта чиройли.

— Манави қизчалик борми? — деб, Шарип ойнага ёпиштирилган чиройли қизнинг фотопортретини кўрсатди.

Эътибор бермаган эканман, кабинетнинг ичи шунақанги суратлар билан тўла экан. Суратлар ҳар хил журналлардан қирқиб олинган бўлиб, қизлар турли миллатдан, бари ёш ва гўзал эди.

Мен кулиб:

— Йўқ, менинг қизим бундан чиройли, умуман, бу қизларингни баридан сулув, — дедим.

— Эҳ! — деди Шарип ушқуриб. — Сиз қандай бахтиёрсиз!

Хиёл ўтгач, у яна:

— Айтмоқчи, сиз манови қизни танийсизми? — деб, бояги суратни кўрсатди. — У Бишкекда яшайди.

— Бу қизними? — деб, гўё, эсламоқчи бўлдим. — Кўзимга иссиқ кўринади... Шошма-чи... Йўқ, танимас эканман.

— Мединститутда ўқийди. Аълочи. Фақат «бешга» ўқийди. Фаоллардан, ҳар хил тўғаракларга қатнашади. Бекорга журналга суратини босишмайди-да.

— Сен буни қаёқдан биласан? Журналдан ўқидингми?

— Йўқ. Журналда суратгина берилган. Қолганларини ўзи ёзиб туради.

— У қиз билан хат олишиб турасанми?

— Ҳа. У жуда яхши қиз.

— Қолганлари-чи? Улар билан ҳам хат ёзишиб турасанми?

— Ёзгандим. Аммо, улар жавоб қайтаришмади.

— Исми нима?

— Ойгул. Яхши исм-а? Институтни тугатгач, сизларнинг Помирингизга дўхтир бўлиб бораман, дейди. Мен эса, биз томонларни ҳавас қила кўрма, дейман.

— Нега?

— Бу ерга келиб нима қилади? Бу ернинг нимаси яхши? Шу тоғларми? Бишкекдек катта шаҳарда яшаса. Эҳ, яхшида сизларнинг шаҳарларингизда, оғай...

— Нимаси яхши?

— Бари нарса яхши. Масалан, у ерда ҳар куни кинога, театрга, танцага борасан. Яхши кийинасан, каравотда ухлайсан. Ҳа, у ёқда ҳаёт умуман бўлакча.

— Ўзинг, Бишкекда бўлганмисан?

— Йўқ.

— Нега бормайсан?

— Бораман. Биратўла кетаман. Ойгул ҳам кел деярти. Фақат, опам кўнмай турибди. Тепадан кабинетни тақирлатиб қолишди. Шарип машинани тўхтатиб, бошини чиқариб:

— Нима бўлди? — деб сўради.

Унгача рўпарамга олтинчи синфнинг бир ўқувчиси келиб:

— Оғай, мен шу ерда қоламан, — деди.

— Етиб келдингми?

Бола боши билан «ҳа» ишорасини қилди. Атрофга қарасам, бирорта уй кўринмайди.

— Уйинг қаерда? Бу ерда ҳеч нарса йўқ-ку?

— Буларники нариги жилгада, — деди Шарип. — Ҳув, анов икки кўтос ўтлаб юрган ерда. Кўрдингизми?

— Яхши қол, — дедим болага. — Эсингда бўлсин, ўн иккинчи январга — менинг келишимга тайёр бўлиб тургин.

— Ўн иккинчи куни шу ерга келиб, машинани кутиб тургин, тушундингми? — деди Шарип ҳам.

Бола маъқул ишорасини қилиб, қўтослар ўтлаб юрган томонга кетди. Мен унинг елкасидаги бўр билан ёзилган «жинни» деган ёзувни ўқиб, кулиб қўйдим.

Машина ўрнидан қўзғалди.

Илгариларганимиз сари, қор қалинлай берди. Бир қияликка келиб, машинамиз умуман юрмай қолди. Ҳаммамиз ерга тушиб, қум, тош қўлга нима илинса, шуни гилдираклар тагига ташлаб ўтириб, аранг дўнгликка чиқиб олдик-да, яна машинага ўтирдик. Ерга фақат Содиқ қолибди.

— Сен нега чиқмадинг? — сўрадим ундан.

— Мен уйимга келиб қолдим, оғай, — деди Содиқ боши билан ишора қилиб. Мен Содиқ ишора қилган томонга қараб, олисда, жилғанинг қўймасидаги уч ўтовни кўрдим. Ўтовнинг олдида, бойловдаги от ва бир неча қўй кўринди.

— Яхши, боравер, — дедим.

Кейин этигимнинг қорини қоқиб, кабинага кирдим.

— Оғай, бизникига бориб, чой ичиб кетинг, — деди Содиқ.

— Раҳмат. Бошқа сафар.

Биз жўнаб, Содиқ жойида қолди. Кузовдаги ўртоқлари билан қўл силкиб, хайрлашди-да, ўтовлар томон кетди. Кабина ойнасидан унинг қалин қорда машаққат билан кетишини кузатиб борардим. Кутилмаганда, ўтовларнинг биридан аёл киши чиқиб, болага қараб юрди. Аёл қорнинг қалинлигига қарамасдан, деярли, югуриб келарди.

— Содиқнинг онаси, — деди Шарип.

Мен ҳам шундай фикрда эдим. Биз йироқлашган сари, она-бола бир-бирига яқинлашарди. Бора-бора, уларнинг қораси кичрайиб, оппоқ, бийдай далада, иккита тўп бир-бирига қараб юмалаб келаётганга ўхшарди. Кўп ўтмай, даланинг ўртасида икки тўп бирлашиб, ягона тўпга айланди. Айни дамда, машина кескин бурилиб, ягона тўп ҳам кўздан ғойиб бўлди...

Қош қорайганда бир дўнгликка чиқдик. Пойимизда кенг водий ястаниб ётарди. Водийдаги дўнгликлар ва водийни ўраб турган тоғларнинг чўққиларигина кўзга кўринади. Осмонда унда-бунда юлдузлар милтиллаб, тоғ ортидан ойнанинг шуъласи мўралай бошлади.

Йўл бутунлай қорга сингиб, машина аранг жила бошлади.

— Бу қарғиш теккан водийга қор ҳамиша қалин тушади, — деди Шарип.

Ниҳоят, машинамиз қорга бутунлай тиқилиб қолди. Шарип қайта-қайта газ бериб, ҳеч нарса қила олмай, сўкинарди.

У кабинадан тушиб, машинани бир айланиб чиқиб:

— Оғай, машина бундан нари бора олмайди, — деди.

— Энди нима қиламиз?

— Яёв кетамиз. Чўпоннинг ўтовигача уч-тўрт километрча қолди.

Мен кабинадан тушиб, кузовнинг ортига ўтдим. Кузовда биргина Қўйчумон қолганди.

— Қўйчумон! Абдусаматов!

Қўйчумондан жавоб бўлмади.

Шарип моторни ўчириб, кузовга чиқди.

— Ҳой бола, тирикмисан?

— А-а, ҳа, — деган Қўйчумоннинг овози келди.

— Туш ерга, бу ёғига пиёда кетамиз.

Қўйчумон ерга тушди, Шарип кузовдан эски тўшак олиб, моторни ўраб-чирмади.

— Қандай, совқотмадингми? — сўрадим Қўйчумондан.

— Йўқ, оғай пичанга кўмилиб олдим.

Ой тоғдан кўтарилиб, унинг совуқ нурлари ўру-қирга бирдек тўшалганди. Шарип олдинда, йўлга тушдик.

Жимгина кетиб борардик, тўсатдан Қўйчумон:

— Қаранглар, бўри! — деб қолди.

Қарасак, нарироқда бир нарса кетаётибди.

— Бу бўри эмас, болакай, тулки, — деди Шарип.

Кейин тулкига қараб қичқириб, хуштак чалди. Тулки хийла ергача бепарво йўртиб боргач, тўхтаб, бизга қараб туриб қолди.

* * *

Биз етиб келган манзил катта дўнгликнинг тагида экан. Ой нурида тўдалашган қўй ва кўтослар ҳамда тўрт-беш ўтовнинг қораси кўринди. Мезбонлар ҳали ётишмаган экан, ўтовларнинг тундугидан¹ учқун сачраб, тутуни кўкка ўрлайди. Бизни вовуллашиб итлар қарши олди.

— Сизларники қайси? — деб сўрадим Қўйчумондан.

— Мана, бу четдагиси, — деб боладан бурун жавоб берди Шарип.

— Йўқ, — деди Қўйчумон. — Уйимиз манови ердайди. Энди йўқ-ку, — деб, доирасимон ўтов ўрнини кўрсатди.

Шу пайт четки ўтовдан паст бўйли киши чиқиб:

— Кимсизлар? — деди.

— Бизмиз, почча, — деди Шарип. Кейин менга тушунтира кетди. — Бу ферма мудирини туғишган опамнинг куёви.

— Э-э, бу Охун оғай-ку? — деди ферма мудирини овозимдан таниб. — Қандай шамол учурди?

— Таътилга чиқдик, — дедим, унинг иссиқ қўлини олиб. — Ўқувчиларни ота-оналарига топшириб юрибмиз.

— Шундай совуқда сизга нима? — деди у. — Болалар ўзлари ҳам эплашарди. Ия, бу сенми, Қўйчумон? Кеча сеникиларни Белга кўчириб келдим. Кўзилатиш бошланиб, одам етишмай қолди. Энди сен у ерга ета олмайсан, машина боролмайди, от-улов йўқ. Ҳечқиси йўқ, сен таътилни бизникида ўтказиб, қайтиб кетаверасан. Қани, уйга киришлар.

Мен этигимнинг қорини тозалаб, хиёл энгашиб ичкарига кирдим.

Уйда ўтгиз ёшлардаги истараси иссиқ, мўмингина аёл тўшак солиш билан овора.

— Ҳорманг, — дедим, енгил таъзим билан.

— Бор бўлинг, — деди аёл, билакузуклар тўла икки қўлини кўксига кўйиб, табассум билан. — Келинг. Тўрга ўтинг.

Мен оёғимга қарадим.

— Ҳечқиси йўқ, ўтаверинг, — деди у.

Мен тўрга ўтиб ўтирдим. Ёнимдан Шарип жой олди. У оёқларини узатиб, тахмонга йўланди. Кейин Қўйчумон кирди.

— Ҳорманг, — деди у, катталардек.

— Бор бўл, айланай, — деди аёл, унинг пешонасидан ўпиб. — Юқорига ўт.

— Қани, Омин! — деди мезбон қўлини очиб.

Ҳаммамиз фотиҳа қилдик.

— Хуш келибсизлар, — деди уй бекаси.

— Хушвақт бўлинг, — дедим мен.

¹ Т у н д у к — ўтов шифтидаги доирасимон туйнук.

Кейин аёл эшикка чиқиб кетди.

Мен уй ичига кўз югуртдим. Ўтовнинг ичи Помирдаги ҳамма ўтовлардагидек бир хил. Тўрда тахмон, қибла томонда усти каштали сочиқ билан ёпилган сандиқ, сандиқнинг устида коса, пиёлалар, транзистор, соат ва чироқ жойлашган. Эшикдан кираверишдаги кичкина тўсма ичида ўн чоғли кўзи, кўзиларнинг олдида бир тутам хашак.

— Хўш, мен айтган нарса нима бўлди? — деб сўради мезбон Шарипдан.

— Мен туман матбуот жамиятига бордим, ҳозирча биттасиям сотилмабди.

— Оғзингга шакар!

— Аммо, талабгор кўп экан, Қоракўлнинг раиси, Рангкўлдаги магазин мудури, Мурғобдаги чойхоначи... Бироқ, мутасаддилар, аввало, илғор чўпонларга, қаҳрамон оналарга, депутатларга сотамиз, ўшалардан ортсагина, бошқаларга сотилади, деяётган эмиш.

— Э, Худо, — деди ферма мудури қафтларини бир-бирига ишқаб. — Менга ҳам раҳмингиз келиб: Мени ҳам бир кўллаб юборсангиз... Огай, сиз гап нимадалигини сездингизми?

— Қайдам...

— Иш бундай, — деди Берди. — Туманимизга бешта «Урал» мотоцикли келган. Шуларнинг биттасини сотиб олмоқчиман. Лекин, ҳозир эшитганингиздек, бизга ўхшаганларга сотишмаяпти. Шунинг учун, мен бир ҳийла ўйлаб қўйдим.

Хўжалигимизда Ўсмон деган чўпон бор. Унинг хотини шу ойда ўнинчи боласига кўзи ёрийди, яъни қаҳрамон она бўлади. Мен шу хотиннинг номига олмоқчиман. Тушундингизми?

— Тушунарли...

Эшикдан тезак кўтариб кирган хотини:

— Сизни Қолиқ бува чақиряпти, — деди эрига.

— Бойвучча, Ўсмоннинг болаларига чой, қанд дегандай, у-бу нарсалар тайёрлаб қўй-чи, эртага бир хабар олиб келай, — деди Берди, хотинининг сўзларига эътибор бермай.

— Вой, ўлай, кечагина бориб келган эдингиз-ку, — деди хотини норози оҳангда.

— Борсам нима қилибди? — деди эри, кўполроқ қилиб. — Буям кўзоғриқдай нарса, хоҳлаган пайтда туғиб қўйиши мумкин. Тўғрими, огай?

Мен индамадим.

Ферма мудури ўрнидан туриб, эшикка йўналди.

* * *

Мен ташқарига чиққанимда, Куёшнинг заррин нурлари оппоқ қорда ғужғон ўйнади. Кўй-кўзилар маъраб, хотин-халаж бақириб-чақирган палла.

Уйнинг ёнида отни эгарлаётган Берди, йўл томонга қараб:

— Ҳо-ой, Кўйчумон! Қайт, орқангга! — деб қичқирди. — Қаранг, огай, анови бола уйига жўнаворди.

Кўйчумон қалин қордаги ёлғизоёқ йўлда оҳиста кетиб борарди.

— Буни қайсарлигини кўринглар! — деди қўйлар орасида кўзи эмизиб юрган бир аёл.

— Отасига тортган-да, — деди иккинчиси.

— Ҳо-о-ой, бола! — деб яна қичқирди Берди. — У Белга бугун ета олмайсан!

Бола қайтмади. Менинг эса бунга кўнглим чидамасди.

— Отингизни бериб турмайсизми, шу болани ота-онасига топшириб келайин, — дедим Бердига.

Ферма мудури менга ҳайрон қолиб тикилди.

— Жоним билан берар эдим-у, — деди у, ҳижолат аралаш. — Лекин, ҳалиги кўп болали аёлга боришим керак. Бошқа ишлар ҳам керагидан ортиқча, ўзингиз биласиз, ҳозир қўзилатиш мавсуми... Уловсиз эса, уйдан эшикка чиқиш ҳам қийин.

Мен бошқа ҳеч нарса демай, Қўйчумоннинг ортидан жўнадим.

Ҳамма ортимдан ҳайрат билан қараб қолди.

Уша куни ўқувчим иккимиз кечгача йўл юрдик. Тушгача ҳаво очиқ бўлиб, йўл азоби унча сезилмаганди. Туш оғиб, ҳориб-чарчаган пайтимизда, осмонни булут қоплаб, совуқ шамол эсиб, она сутимиз оғзимизга келди. Кечга яқин ўта қалин туман тушиб, йўлдан адашиб қолдик. Мени ваҳима боса бошлади. Лекин, буни ёш болага сездирмаслигим керак. Барака топгур Қўйчумон, ҳақиқий Помирнинг боласи экан. Қорни оч бўлса ҳам, сир бой бермайди. Мени босган ваҳима — қаҳратон қиш тунда, кимсасиз далада адашиб қолиб кетиш кўрқинчи унинг чеҳрасидан билинмасди. Аксинча, боланинг бу фазилати менга куч-қувват бахш этарди.

Гоҳ тепага чиқиб, гоҳ пастга тушиб, илгариламоқдамиз. Йўл бошловчи — Қўйчумон.

— Ҳой, бола, қаёққа кетаётганимизни биласанми, ўзи? — сўрадим, жаҳлим чиқиб.

— Менимча, тўғри кетаяпмиз, оғай, — деди Қўйчумон. Буни мени овутиш учун айтдим, ё, ўзини оқлаш учунми, билолмадим.

— Тўғри кетаётганимизни сен қаёқдан биласан, тўрт одим наридаги туя кўринмаса?

— Оғай, уй! — деб қичқирди Қўйчумон, менга жавоб бериш ўрнига.

Қарасам, ростдан ҳам, шундоқ, қаршимизда ўтов турибди. Суюнганимдан нафасим бўғзимга тикилди. Дарров уйнинг эшигини топиб, ичкарига мўраладим. Кўзимга йигирма чоғли кўзи ва усти ёпиқ икки бешик кўринди. Ҳеч кимса йўқ. Мен Қўйчумонга савол назари билан қарадим.

— Яна бошқа уй бўлиши керак, — деди Қўйчумон.

Икки ёғимизга аланглаб, нари юрдик.

— Ҳеч ким йўқ, — дедим мен.

Шу пайт туман ичидан:

— Кимсизлар? — деган аёл кишининг овози келди.

Қарасам, ён томонимизда олтмишларга бориб қолган, новча, ориқ аёл турибди. Аёл ғамгин кўринарди. У, негадир, чилвир судраб олган бўлиб, чилвирнинг иккинчи кўринмас эди.

— Мен ўқитувчиман, — дедим. — Бу бола менинг ўқувчим. Биз Белга кетаяпмиз.

— Белга бугун ета олмайсизлар, — деди аёл. — Юринглар.

Биз унга эргашдик.

— Бу ерда шу биттагина уй борми? — сўрадим аёлдан.

— Нега битта бўлар экан? Унта, — деди у. Аёл ҳамон чилвирни судраб борарди.

Кўп ўтмай, иккинчи уйга дуч келдик. Аёл ўтовнинг эшигини кўтариб, ичкарига мўралади. Мен ҳам унинг елкаси оша ичкарига қараб, тўрда ўтиришган уч-тўрт ёшлардаги икки қизчани кўрдим. Қизлар кўкракларигача тўшакка ўралиб олишган эди.

— Патма опа, опам қачон келади? — деб сўради биттаси, йиғламсираган овозда.

— Ҳозир келади, — деди-да, аёл эшикни ёпиб қўйди.

Яна нари юрдик. Галдаги уйда етти ёшлардаги қизча бешик тебратиб ўтирибди.

— Ухлагани йўқми? — деб сўради ундан ҳалиги аёл.

Қизча бошини чайқади. Патма опа эшикни ёпди.

— Бу қизларнинг ота-оналари қаерда?

— Қўй излаб юришибди. Бугун тунда қўйларимиз қўрадан чиқиб кетибди.

Навбатдаги ўтовни Патма опа тезда топа олмади. Нарини борди, бери келди. Тўхтаб, уёқ-бу ёққа қулоқ солиб кўрди. Бўлмагач, овоз берди:

— Берди! Ҳо, Берди!

Туман ичидан ёш боланинг:

— Ҳа-а! — деган уни эшитилди.

— Ўтиравер. Уйдан чиқмагин!

— Патма опа, печкага ўт ёқиб олайми? — деб сўради бола.

— Жўн ўтиргин! Ўтин йўқ, — деди опа.

Бола яна нимадир дегандай бўлди, лекин, аёл унга қулоқ солмади. Энди аёл кўлидаги арқонни турмаклаб, қисқарган сари, арқонга эргашиб кета бошлади. Гап нимада эканлигига фаҳми етган Қўйчумон, аёлнинг олдига тушиб, ипни «қувлаб», туманга сингиб кетди.

Арқон обдон узун бўлиб, охирига етгунимизча, икки юз метрдай йўл босдик. Иккинчи учи бир ўтовнинг эшигига боғлаб қўйилган экан. Аёл ўтовнинг эшигини кўтариб:

— Қани, кир! — деди менга.

Мен ичкари кирдим. Қўйчумон аллақачон печканинг олдидан жой олганди. Ўтов ичида уч бешик, бир нечта қўзилар ҳам бор экан.

— Тўрга ўт, — деди аёл менга. Кейин печкага қапишиб ўтирган Қўйчумонга: — Сен ҳам юқорига ўт. Э-э, ўт йўқ, печкага ёпишганинг билан! Кечадан бери ўт ёқилмаган. Ўтин тугаб қолди.

Аёл арқонни ерга ташлаб, печканинг эшигини очди. Печка ичида, бўлгани, бир тутам қуврай, қуврайнинг тагида газета парчаси бор экан. Аёл бизга бир қур қараб қўйди. Совуқдан юзларимиз кўкариб, лабларимиз гезариб кетганди.

Аёл бир ушқуриб, чўнтагидан гугурт олиб, печкадаги газетага ўт қўйди...

* * *

Мен итнинг вовиллашидан уйғониб кетдим. Ўтов ичи хийла илиб қолибди. Чироқ ёниб турибди. Қўйчумон ухлаб ётибди. Бешикдаги бувақлар ҳам уйқуда. Тундаги аёл эса кўринмайди. Тўсатдан пойгоҳда уюлиб ётган таниш арқон илондек эшилиб ташқарига «ўрмалай» бошлади.

Ўрнимдан туриб, ташқарига чиқдим. Қоронғи тушиб қолибди. (Демак, биз, деярли, бир сутка ухлабмиз.) Ҳамон қуюқ туман. Қор севалаб турибди.

Остонада бирпас тургач, ерда биланглаб бораётган арқонни қўлимга олиб унга эргашдим. Кўп ўтмай, арқон мени тундаги аёлни олдига олиб келди. Арқоннинг адоғи унинг белида экан. Аёлнинг кўлида узун машғала. Дўнгда туриб олиб, олисда кимгадир, машғала билан, ниманидир ишора қиларди...

Мана, одатда сурувнинг раҳнамоси — серканинг бўйнида бўладиган кўнғироқнинг нозик «жиринг-жиринги», қўйларнинг маъраганию

одамларнинг гангир-гунгир сўзлари, қулоққа чалиниб машғалалар оқими биз томон кела бошлади. Кўп ўтмай, аёл иккимиз қўйларнинг ўртасида қолдик. Машғалалар ёғдусида, кишиларнинг қораси кўриниб, гап-сўзлари ойдинлаша бошлади.

— Бизникига кириб, исиниб олинглар! — деди аёл уларга.

Ўзи уларнинг олдига тушиб, уйига қараб юрди. Унинг ортидан машғалалар эргашди. Ўтовга етишгач, ҳамма машғалаларини ерга ташлаб, ўзлари ичкарига ошиқди. Фақат икки-учта машғала қўйларнинг устида нари-бери бориб келарди.

Мен анчагача қор устида уйилиб ётган машғалаларга қараб туриб, совуқ егач, ичкарига кирдим.

Ўтовнинг ичи тирбанд. Ўтиргани жой йўқ, бўсағада туриб қолдим. Мени ҳеч ким сезмади ҳам. Ҳамма сукутда, бошлари ҳам. Кўринишлари аянчли, ҳориб-чарчаб силласи қуриган, совуқда қотишган. Олақуроқ жафокашлар: Қариси бор, ёши бор, эркаги бор, аёли бор... Кутилмаганда, уларнинг орасида эски танишларим — Пайиз, Қорасоч ва Маманни кўриб суюниб кетдим. Барчаси афтодаҳол. Жафокашларим...

— Вой, ўлмасам, меҳмон бўсағада туриб қолибди! — деди, печкадаги ўт билан овора бўлган Патма опа, мени пайқаб қолиб. — Қани, меҳмонга жой беринглар!

Ҳаммаси энди эътибор беришди.

— Охун! — деб хитоб қилди, менинг депутатим.

— Оғай, тўрга ўтинг, — дейишди Пайиз билан Қорасоч. Ўтирганлар йўл беришди. Мен депутатнинг ёнига бориб ўтирдим.

— Йўл бўлсин?! — деди Маман. — Нима қилиб юрибсан, бу ёқларда.

— Таътил бошланди, ўқувчиларни уйларига топшириб юрибман, — дедим, дунёдан беҳабар ухлаб ётган Кўйчумонни кўрсатиб.

— Ҳа-а, Абдусамат чолнинг ўгли бу, — деди депутат болани таниб.

— Муниг ота-онаси ҳозир Белда, — деди Пайиз. — Бу аҳволда Белга етиб бора олмайсизлар, оғай.

— Нега?

— Белгача бир довон бор. Ҳозир довондан ошмоқнинг иложи йўқ.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Маман. — Таътилни бизникида ўтказиб, кейин кетаверасизлар. Келганинг улуг иш бўлибди, Ойи! — Депутат Патма опага мурожаат қилди. — Қозонингни осиб юбор-чи?! — Отаси соқол-мўйлови оппоқ, дароз чол бўлиб, тасбеҳ ўгириб ўтирарди. — Бу йигит Бишкекдан келган ўқитувчи. Мен олиб келганман.

Отаси менга қараб, бошини аранг қимирлатиб қўйди.

Депутат белидаги катта пичоғини олиб, этигининг кўнжисидан қайроқ чиқариб, пичоқни қайрай бошлади. Ҳозиргина шалпайиб ўтирган Мамандан асар ҳам қолмаган эди.

— Хў-ўш, турмуш-тирикчилигинг қандай?! — сўради Маман.

— Раҳмат, ёмон эмас, — дедим, шунча одам туриб, фақат мен суҳбат мавзуи бўлаётганимдан андак ҳижолатда.

— Ҳеч ким хафа қилаётгани йўқми? Унақаси бўлса менга айтиб қўй, ўзим гаплашиб қўяман. Помирда мен билан ҳаммаси ҳисоблашади...

Шу чоғ меҳмонлар чиқиб кета бошлади.

— Ҳай, ҳай! Бу нимаси?! Мен қўй сўйгани турибман, оғиз тегиб кетинглар.

— Раҳмат, Маман, уйларимизга борайлик-чи, — деди биттаси. — Бола-чақалар қай аҳволда...

— Майли, лекин, гўшт пишганда чақиртираман, келинлар.
— Хўп, огай, яхши туш кўриб ётинг. Эрталаб бизникидан ҳам чой ичиб кетинг, — деди Пайиз.

— Яна, шундай кетаверманг, — куёвини қувватлади Қорасоч.

— Сизлар қасққа? — деди Маман уларга. — Ё, сизларнинг ҳам йиғлайдиган болаларингиз борми? Қолиб, дастёрлик қилиб туринглар. Қорасоч, сен янганга қарашиб юбор. Ҳой, тур энди, бешигингни ўмровлаб ўтира бермай! — деди у, боласини эмизаётган хотинига. — Пайиз, мен билан юр.

Икковлон чиқиб кетишди. Патма опа печкага қозон осиб, оловни кўтарди. Маманнинг хотини хамирга уннай бошлади. Қорасоч икки пақирни олиб ташқарига жўнади. Хонада, сўппайиб, мудраб ўтирган чолу мен қолдик.

Бир оздан сўнг, Қорасоч икки пақир қор олиб кириб, қозонни қорга тўлдирди.

* * *

Тун ярмида мени кимдир турткилаб, уйғота бошлади:

— Ҳой, тур, тур...

Кўзимни очсам, қаршимда Маман турибди.

— Ҳа, нима бўлди?

— Тис-ис-с! — деди у, бармоғини лабига босиб. — Секинроқ гапир, чол уйғониб кетмасин. Тур...

Мен ўрнимдан турдим. Уйдагиларнинг кўпчилиги уйқуда экан. Ўнг томонимда чол билан кампир. Чап томонимда — Қўйчумон. Унинг нариёғида Маманнинг хотини бешигини кучоқлаганича мудрарди.

— Нега уйғотдинг? — оҳиста сўрадим, ҳеч нарсага тушунмай.

— Ароқ ичамиз, — деди Маман.

— Топган вақтини қара-ю... — дедим-да, қайта ётмоқчи бўлсам, Маман кифтимдан ушлаб қолди.

— Кўй, ётма. Мен сени бир меҳмон қилайин деб турсам...

— Эртага ичармиз...

— Эртага бобой ичирмайди.

Ноилож, эгнимга чопонимни елвагай ташлаб, кўрпанинг устига ўтирдим.

— Қани, ҳалиги ароқни бер-чи, — деди хотинига.

Хотини турмоқчи бўлувди, боласи йиғлаб қолди.

— Ўзингиз ола қолинг, — деди эрига.

— Қаерга яширгансан?

— Жуннинг ичида.

Маман аста отаси билан онасининг устидан ҳатлаб ўтиб, қопдаги жуннинг ичидан бир шиша ароқ олиб келди.

— Кўпдан бери асраб юргандим, сенга насиб қилган экан, — деди жилмайиб.

У печканинг олдида дастурхон ёзиб, гўшт тўғради. Кейин иккита пиёлага лиммо-лим ароқ қуйди-да, биттасини менга узатди.

— Қани, омончилик учун!

— Бунча кўп қуймасанг?

— Қўявер. Қани олдик!

Иккаламиз бараварига кўтардик. Менинг нафасим қайтди. Маманни жин ҳам урмади.

— Иситмаси тушгани йўқми? — деб сўради хотинидан, гўшздан газак қилар экан.

— Тушмаяпти, — деди хотини.

— Иссиқроқ ўра, эрталабгача пасайиб қолар... Энди, сен ўтира тур, бача, мен бир қўйларимни кўздан кечириб келай.

У пойгоҳ томонда илиниб турган фонусни олиб, чиқиб кетди.

Оҳиста бешик тебратиб, нимуйқуда ўтирган аёлнинг олдида ёлғиз қолдим.

Бир пиёла ароқ мени тез сархуш қилиб қўйди. Кўнглим суҳбатдош кўмсаб қолди. Мамандан эса дарак йўқ. Кута-кута, кира бермагач, чала-чулпа кийиниб, ташқарига чиқдим. Чиқдим-у, санжоб бўлиб турган қўйларга мункиб кетдим. Қўйларнинг устида у ён-бу ёнга чайқалиб юрган фонус кўринди.

Мен қўйларни ёриб, уруниб-суруниб, Маманнинг ёнига бордим. Шу пайт Маман, ҳозиргина туғилган кўзичоқни топиб олиб, уни шилта-шалаббосидан тозалай бошлади. Мен унинг ёнида хийлагача инмадай турдим. Кейин:

— Ҳой, Маман, нега, шу қарғиш теккан Помирни ташлаб, бошқа ёққа кўчиб кетмайсизлар? — дедим.

Депутат ишдан тўхтаб, менга анграйиб қараб қолди.

— Помирни ташлаб? Нега энди, Помирни ташлаб?...

— Б-б... Бир яхшироқ, муқим яшайдиган уй-жой қуриб, экин-тикин экиб, бог-роғ қиладиган ерга бориб ўтроқламайсизларми?

Депутат илгари бунақа гапни сира эшитмаган бўлса керак, ҳамон менга анграйиб қараб турарди. Ниҳоят:

— Қизиқ гап бўлди-ю, нима, сенинг-ча, бизнинг турмушимиз ёмон эканми?

— Бунақа яшашнинг нимаси яхши? Йил ўн икки ой ўтовда...

— Нима, сенга ўтовдагиси ёқмайдами? Тавба-а... — Депутат кўзини эмиза бошлади. — Ўтовдан ҳазар қилган қирғизни биринчи марта кўришим?

— Мен ҳам... — дедим. Гўё, гапимни биров бўлиб қўядигандек, шошиб сўзлаганимдан, нафасим етмай қоларди. — Мен ҳам ўтовини мақтамаган бирорта қирғизни кўрганимча йўқ. Қирғиз ҳамиша ўтовини мақтайди, ўтови билан фахрланади. Ҳамиша. Асрлар давомида шундай. Бошқа халқлар уйларини ёғочдан, тошдан, мрамардан қуришади. Қирғизлар эса, алимсоқда ўтов деганни кашф этишган экан, шундан буён унга меҳр қўйиб, медресига тегмабди...

Маман: — Овсар, — деди, ҳазин жилмайиб.

— Айт-чи, — деб, давом этдим, — Сизларни бу ерларнинг нимаси ушлаб турибди?!

Маман кифтини учираб қўйди.

— Билмадим... Лекин, нега бу ерларни ташлаб кетишимиз керак эканлигини ўзим ҳам билмайман...

Бирпасдан кейин Маман кўзичоқни қўлтиқлаб ўрнидан турди. — Юр, энди уйга қирайлик.

Мен тарвузим қўлтиғимдан тушиб, унга эргашдим...

* * *

Биз, Қўйчумон иккаламиз, олдиндан башорат қилинганидек, Белга ета олмадик. Кейинги куни эрталаб, Маман бизни бир туяга мингаштириб, ортимизга қараб ҳайдади. Бироқ, туянинг кафолати Бердининг ўтовиде тугар эди. Маманнинг кўрсатмасига биноан, ферма мудирини бизга бошқа улов топиб бериб, туяни ортига қайтариши керак. Чунки, туя — Маманнинг овулидаги рўзгорининг ягона дастёри эди. Аксига олиб, ферма мудирини уйида йўқ экан, у — бугун ҳам, ҳўв ўша, кўп болали аёлнинг кўз ёришини пойлаб кетган экан.

Шундай қилиб, туяни Бердининг кўрасига ташлаб, нари ёғига яёв кетдик.

...Қишлоққа кун ботганда кириб келдик. Кўча-кўйда бирорта зор кўринмайди. Қўйчумонни ётоғига ташлаб, уйимга қараб кетдим.

Уйимда мени ажойиб бир янгилик кутиб турган экан: уйнинг эшиги очиқ, токчадаги чироқ ёниб турибди. Печкада олов гуриллаб, устида чой қайнамоқда. Уй ичи ёғ тушса ялагудек. Ашқол-дашқолларим батартиб — жой-жойида. Энг қизиғи — менинг ғариб жомадоним ёнида охори тўкилмаган яна битта жомадон пайдо бўлиб қолибди. Ҳайратдан лол бўлиб қолгандим. Бир зумда минг бир кўчага кириб чиқдим, барибир, янги жомадоннинг таъбирини топмадим. Кутилмаганда илмий мудирнинг кириб келиши, мени боши берк кўчадан олиб чиқди:

— Ҳайрон бўлиб турибсизми? — деди Мамит ака, кулимсираб.

— Нимасини айтасиз...

— Сизни йўқлаб Бишкекдан бир қиз келди.

— Ойша! — деб қичқириб юбордим. — Қаёққа кетди ўзи?

— Ҳозиргина магазин томонга кетаётувди.

Мен бошқа сўзга келмай, уйдан учиб чиқиб, магазинга қараб чопдим. Ўрда ўйналадиган майдонга етганимда, бировнинг қораси кўринди. Қарасам, Ойша экан. Кучоғи тўла қоғозга ўралган у-бу нарсалар. Ҳе йўқ-бе йўқ, белидан олиб кўтардим-да, чирпирак қилиб айлантира бошладим.

— Охун! — деб қичқирди Ойша, қувонч билан. — Тўхтаб тур, жинни, ҳаммасини сочиб юбординг!

Ростдан ҳам, кучоғидаги нарсалар ерда сочилиб ётарди.

— Ойдиним, — дедим, уни ерга қўйиб, манглайдан ўпиб, — Ойдиним!

Ойша ҳам мени бир ўпиб олди-да, ерда сочилиб ётган чой, қанд, печенье ва консерваларни тера кетди. Мен ҳам унга ёрдамлаша бошладим. Айни дамда мени фақат севинч ҳисси қамраб олган эди. Ойша бу ерга нега келди, энди бу ёғига иккаламиз нима қиламиз, бу ҳақда ўйлаш хаёлимга ҳам келмасди. Қалбимда фақат севинч ҳоким. Помирга келганимдан бери ёлғизлик, қалбимга яқин кимсага бўлган интизорлик мени эзиб келаётганини энди аниқ ҳис этдим.

— Уят иш бўлди-да, анов кишилар қараб туришибди, — деди Ойша.

Қарасам, магазиннинг ёруғ айвонида директор, магазинчи ва мерган учаласи бизни жимгина томоша қилиб туришарди.

Мен атай, уларга басма-басига Ойшани яна бир бор ўпиб қўйдим. **ОЙДИНИМ!..**

Жауме ФУСТЕР

Талваса*Роман**ИККИНЧИ ҚИСМ***ТУГУН ЧЎЗИЛАДИ**

1

Ахир Жулия сенинг опанг эди-ку. Сени мактабга кузатиб қўйганлари эсингдами, сен ўлгудай жиғибийрон бўлар эдинг, чунки гаплашиб ва кулишиб кетаётган дугоналари ордидан илашиб юришинга тўғри келарди, ўртоқларингнинг сени калака қилиб, “Қиз бола, қиз бола!” дейишларига чидай олмас эдинг. Ҳа, ҳа, Энрик, опанг бўларди. Сен бу фикрни миянгдан қувмоқчи бўласан, юрагингни тош қилиб кўрсатмоқчи бўласан. Аслида ҳам шундай эди-да. Сенинг ўрнингда бошқа биров ўзини сендай тута олармиди? Фақат юраги тошларгина ҳар нарсага қодир бўладилар. Ҳақиқатни билиш учун сен унинг жасади устидан бир эмас, бир неча бор ҳатлаб ўтишдан тоймаган бўлардинг. Шунинг учун кафтларингни тер босган эди. Эсингдами? Кафтларинг шундай терлаб кетган эдики...

- Шу ерда кутиб тур.
- Сен билан юриб бўлмайдимиз?
- Йўқ, сен фақат халақит берасан.
- Анча вақтгами?
- Тез қайтсам керак.
- Ўзингга эҳтиёт бўл...

Уфқ осмони қорая бошлади, бироқ чўмилиш жойида ҳали бир гала болалар юрарди ва денгизни қуёшнинг сўнгги нурлари ёритиб турар, чўмилишга ишқибоз аёллар ҳамон ўша ерда эди. Энрик Видал Бебелни ўпиб қўйди-да, машинага ўтирди. Унинг кафтлари терлаб кетганди.

...Сен қўрқоқлик қилган эдинг. Мана, неча кундирки, қўрқувдан ўзинга келолганинг йўқ. Гўё ич-ичингдан сени нимадир кемираяпти. Африкада ишлар бошқача эди. У ерда ҳам ишқал олдидан кафтларинг терларди, аммо унда сенга даҳшат солган ягона нарса — бу “лаб”даги бир неча кун эди. Кейин, Африкада сенинг душманларинг аллақандай шўрлик араблар бўларди, ҳозир эса ундай эмас. Ҳа, энди ишлар бошқача. Жулиянинг ўлимидан кейин ортингдан аллақандай қора кўлка изма-из таъқиб қилмоқда. Ўзидан совуқ уфуриб турган кўлка, шундан кафтларинг терлайди.

Давоми. Боши ўтган сонда.

Юнга либосидаги йигитча у томонга қиё боқмади ҳам.

– Мени кутишяпти, – деди Энрик, эшик олдида тўхтаб.

– Ортимдан юринг.

Улар бирга даҳлизга киришди, у ерда уларни оппоқ либосдаги оқсоч кутиб олди.

– Кираверинг, сеньор Видал, марҳамат.

Улар эшиклари кўп йўлакдан узоқ юришди, зинадан кўтарилишди ва ёғоч қопламали хонада пайдо бўлишди.

– Бир оз кутиб туринг.

Энрик оқсочнинг оёқчаларига қаради ва Румагозанинг уйни пардозлашгагина эмас, қизалоқ танлашга ҳам суяги йўқ деб ўйлади.

Котиб Марти бу сукунатни бузди:

– Салом, сеньор Видал.

– Э-ҳа, салом!..

– Ўтиринг-ўтиринг... Бирон нима ичасизми?

– Майли...

– Коньякми, жинми, арақми, вискими, коктейлми?

– Виски.

– Сода биланми ё муз биланми?

– Фақат муз билан.

Марти хонада чаққон ҳаракат қиларди. Шкафдай келадиган каттакон барни очди, бир шиша аъло вискидан, иккита қадаҳ, муз, қисқич ва сифон олди. Буларнинг барчасини столга қўйди, тумшайиб ўтириб, сигарета чекаётган Энриikka қарагани ҳам йўқ.

– Соғлигингиз учун.

Улар жимгина ичишди. Виски чиндан аъло эди.

– Хўш? – гап бошлади Марти дўстона оҳангда.

– Нима, “хўш”? – такрор сўради Энрик.

– Сиз аллақандай Рудергес ҳақида гаплашмоқчи эдингиз-ку...

– Ҳа, аммо сиз билан эмас. Румагоза қаерда?

– Сеньор Румагоза йўқ. Бугун тунда зудлик билан Мадридга учиб кетди. Ўзингиз биласиз, ишлар...

– Ахир менга қўнғироқ қилган ва сиз айтган...

– Ҳа, ҳа, тўғри. Аммо гаплашишни у менга топширди. Мен – унинг шахсий котибиман ва...

– Биладан, аммо менга фақат хўжайиннинг ўзи керак. У қачон қайтади?

– Эртага тушга яқин қайтса керак.

– Уни қаердан топиш мумкин – шу ердами ёки Барселонадами?

– Мен, тўғриси, айтолмайман...

– Менга қаранг, Марти, сизнинг кимлигингиз – унинг қаролимисиз, котибимисиз ёки фаришта қўриқчисимисиз, бунинг менга қизиги йўқ. Бу муҳим иш. Айтинг, Румагозани қаердан топса бўлади?

– Эртага соат ўн иккиларда у ҳужжатларни имзолаш учун ўз идорасида бўлади, – истар-истамас деди Марти.

– Бу идора қаерда экан?

– Бунисини билмадим...

– Менга манзилни беринг, уни ўзим топаман.

– Фабрика Оспиталетда¹ жойлашган. Мен сизга ёзиб бераман. – Котиб ён дафтарини, кумушранг шарикли ручкасини олди, ниманидир ёзди, варақни йиртиб олди ва тантанавор табассумини тиёлмаган Энриikka узатди. Видал бир қадаҳни отиб олди-да,

¹ Барселонадаги ишчилар мавзеси.

сигаретасини билтур кулдонга эзгилаб ўчирди ва эшик томон йўналди, бироқ эшикка етганда ўгирилиб, деди:

– Раҳмат. Марти... манзил ва виски учун.

Энди ишончинг комил: Румагоза қайсидир тарзда Рудергеснинг ўлимига дахлдор; у сендан кўрққан каби ўзини олиб қочмоқда. Сенинг ичинг эса бўм-бўш, бундан кўкрагинг ости оғрияпти ва баданинг пружинадай таранг. Сен уни яхши танийсан – шойи кўйлақдаги, қимматбаҳо портфелли манман нусха. Айнан мана шу Румагоза бўлади, сен буни аллақачон билгансан. Албатта у, бошқа ким ҳам бўларди? Ғазабдан у сени тилка-пора қилмоқчи, аммо сен бундай қилмайсан, шундоқ уйдан чиқасан-да, машинага ўтирасан, Бебелни оласан ва Барселонага қайтасан. Эртага у билан гаплашиб, ҳамма нарсани аниқлаганингда, ана бу бўшлиқнинг сени бутунлай эгаллаб олишига имкон бераман. Эртага...

– Мен сеньор Румагозани кўра оламанми?

– Уни ким сўраяпти?

– Видал, Энрик Видал.

– Бирпас кутиб туринг.

Котиба ички телефон тугмачасини босди ва кириб келган одамга қараб қўйди. Энрик Видал ошқора асабийлашди.

– Пилармисан? Бу ерда сеньор Энрик Видал сеньор Румагоза билан гаплашмоқчи.

–

– Йўқ. Аммо мен кутиб тура оламан.

– Йўқ, белгиланмаган. Кутиб тура оламан деяпти, – деди қиз аппаратга.

–

– Ҳа, ростданам кутиб туришингизга тўғри келади. Сеньор Румагоза мажлисда. Қани, мен билан юринг.

Қиз уни холлга олиб борди.

– Истасангиз, хат ёзиб беришингиз мумкин, мен унга бериб қўяман...

– Йўқ, мен шахсан гаплашишим керак.

...Сени одатда чақирилмаган меҳмонларни кузатиб қўйишадиган мана шу кўрага ўтқазиб қўядилар ва бу ерда нима қилишингни билмай чекасан ва журналларни варақлайсан, жипларни кўрганинг заҳоти бўшлиқ сени батамом чулғаб олади. Бу кўркув, Энрик.

Улар олдинма-кейин шовқинсиз келишарди, Видал уларни деразадан кўрди ва аввалига ҳатто нима бўлаётганини англай олмади. Бу ерда, фабрика ҳовлисида машиналар бесўнақай кўринарди, Каталония майдонида аниқ шундай кўриниши мумкин эди. Аммо кейин Энрик уни қидиришаётганини тушунди.

Сен шундай бўлишини билишинг керак эди. Бундай одамлар ҳар доим ўтакетган аблаҳларча иш тутадилар. Улар полицияга кўнгироқ қилганлар. Сен бамисоли қуёндай, дуч келган жойга тумшугини суқадиган қизиқувчан каламушдай қопқонга тушдинг. Сен буни олдиндан билишинг керак эди, Энрик; бойлар ҳар қандай ҳолатдан осонлик билан чиқиб кетадилар. Румагоза эса ҳозир ўз кабинетида ўтирганича, сени бошлаб тузоққа туширганидан қўларини ишқалаяпти.

Полициячилар жиплардан туша-туша фабрика ҳовлисини тўлдиришди – бир-бирига ўхшаш, бир хил либосда, барчалари саралаб олингандай. Атрофни қамраган қаттиқ сукунат ҳеч қандай яхшилиқдан дарак бермасди. Парда ортига яшириниб, Энрик либосдаги одамларнинг идорага олиб кирадиган зинадан кўтарилашаётганини кўриб турарди. Сўнгги вақтларда уни тарк этмаётган кўркув ва

толиқиш унинг тинкасини қуритганди. Энрик эшикни ланг очиб юборди – ҳеч ким йўқ. У шовқинсиз зинапоялардан чопиб кетди. Пастдан буйруқ овозлари эшитилди ва яна қандайдир таажжубланарли даражада таниш товуш қулоғига чалинди...

Аммо эслаб ўтиришга вақт йўқ эди: полиция ҳовлини қуршаб олганди. Машинагача етиб олиш учун ҳовлини кесиб ўтиш даркор эди; шундагина фабрика биносидан билдирмай чиқиб кетса бўларди. Ҳали кўчадаёқ идорани цех билан боғлаб турувчи ойнаванд йўлакка эътибор қилганди. Бу йўлакдан юриш хатарли, чунки пастдан ҳар дақиқада кўриб қолишлари мумкин эди-да.

Ўнг томонда қабулхона жойлашганди, у ерда котиба ўтирарди, шу жойдан бошлиқ хонасига ўтса бўларди. Чапда – ойнаванд эшикли тор-тор хоначалар бўлиб, улардан ёзув машиналарининг “чиқ-чиқ”лари ва турли овозлар эшитиларди. Йўлакнинг охирида дирекцияни цех билан уловчи йўлак кўринарди. Полициячиларнинг овозлари тобора яқинлашиб келарди. Энрик ҳеч нарсага қарамай олдинга отилди. Ерга силлиқ, кулранг кошин тўшалган бўлиб, унда сигарета қолдиқларидан жигарранг доғлар пайдо бўлганди. Кечки қуёш нури ойнаванд деворлардан тешиб кириб, унинг кўланкасини ғира-шира ёритар эди. Пастда, ҳовлида, полициячилар дам олар, чекар ва гаплашишарди. Юқорига ҳеч ким қарамасди.

Сана, Энрик, сана. Ўн, тўққиз, саккиз, етти, олти, беш, тўрт, уч, икки. Улар яқинлашиб келмоқда. Ана, овозлари эшитила бошлади. Сен эшикни туртасан. Мана шундай. Вақтни бой берма, нафас олишингга ҳам фурсат йўқ ҳозир. Зинадан пастга ўқдай учиб туш, ҳа, тезроқ, тезроқ. Хайрият-е! Дастгоҳлар тўхтатилган. Улкан цех худди кемалардай, бўлакларга бўлинган. Ҳув чуқурликда – омбор ва юк машиналари кўчага чиқиб кетадиган дарвоза. Фақат билдирмасдан лип этиб чиқиб олса бўлгани – шартта машина ичига кириб олади. Шаҳарда дим, губорли шабада эса бошлаганди. Бемалол эсарди. Имиллаш керак эмас, янада тезроқ чопиш керак. Ортингдан қувиб келишяпти, Энрик, борди-ю, қўлга тушсанг, тамом бўлганинг.

– Тўхта! Қаёққа кетаяпсан? – деди кўкрагида эмблемаси бўлган кўк коржомадаги паст бўйли бақувват эркак. Энрик шиддат билан унга ташланди, у эсини йиққунича бўлмай, ерда чўзилиб ётарди.

Шунда Энрикнинг йўлини бошқалар тўсди, улар эса анчагина эди. Энрикни қўлларидан тутиб олишди.

– Нима гап? – ишчилардан бири сўради.

– Полиция... – ҳансираб деди Видал, – ортимдан қувишяпти, ўлдиришмоқчи. Қўйиб юборинглар мени.

– Полиция дейсанми?

– Ҳа-да, йигитлар, анави лаънатилар полиция чақиринди!

Ишчилар говур-гувур қилишди ва Энрик Видал бир-икки тепки еди.

– Қўйиб юборинглар уни, у билан гаплашмоқчиман, – буйруқ берди бошлиқлардан бири.

Уни қўйиб юбордилар. Бошлиқ Энриқдан сўради:

– Сен кимсан ўзи?

– Бу ҳам ўшаларни биттаси-да!

– Полициячилардан!

– Исковучлик қилгани келган бу ерга, жосус, аблаҳ!

Уни яна дўппослай кетишди: бошига, орқасига, қорнига мушт туширишарди.

Шу заҳоти полициячилар бостириб келишди.

Ишчилар тўдаси яшин тезлигида тарқаб кетишди. Қаттиқ дўпосланган Энрик ерда ётарди. Бир кўзига қон қуйилди. Ўрнидан аввал зўр-базўр кўтарилди, кейин оёққа турди. Карнайдан овоз янгради:

– Фабрикани бўшатинглар! Уй-уйларингга тарқалинглар. Иш бошлангач, сизларни чақиривади.

Гарчи энди каталонча эмас, испанча гапиришаётган бўлса-да, у овозни таниди. Бу ярим соат олдин фабрика ҳовлисида эшитилган ҳалиги овоз эди; уни қаерда эшитганини Энрик сира эслай олмаётганди.

Энрикни полициячилардан ажратиб, ишчилар зич девор бўлиб туришарди. Энди бошлиқ ўз шериклари билан гаплашмоқда эди.

Ҳайратга ҳожат йўқ – сен юк машинасига отиласан-да, ўйлайсан: ҳа, энди уларни бошлайман. Аммо у сенга тегмайди, аксинча – сен мамнунсан. Талабалик ҳаёти тажрибаси қулоғингга: “сени қидиришмаяпти”, – дейди. Бир хил формадаги одамларга тўла жиплар шовқинсиз сенинг ортингдан келгани йўқ.

Ҳайқириқ янгради. Карнайдан қандайдир хабар тараларди, аммо энди битта ҳам сўзни англаб бўлмасди. Энрик Видал эшик томонга яширинди. Шу топ ғовур-ғувур овозларга полиция хуштаги қўшилди. Эшик ёпиқ эди. Энрик лўкидонни сурди, кўчага отилди ва ўша заҳоти иккита полициячини кўрди.

Қочиб қолишга уринасан. Қандай қилиб бўлмасин, қочиш керак. Сенинг дабдаланг чиқиб кетган, қонга белангансан. Ана, полициячилар сенга қарашаяпти, аста яқинлашиб келишмаяпти. Сени тутишса – бу тамом дегани, тезроқ бу ердан қорангни ўчир. Аммо қандай қилиб?

Энрик Видал полициячиларга қўл силтади ва улар дарҳол қўлларини тўппонча ғилофига қўйганча югуриб келишди.

– Нима гап?

– Мен Видалман, дирекциядан. Улар менга ташланишди, мен улар билан гаплашмоқчи эдим, улар бўлса устимга ташланишди... Тез у ёққа югуринг, мен бориб хабар қиламан...

Полициячилар иккиланиб, туриб қолишди. Бироқ Энрикнинг башанг кийими ва бунинг устига овозидаги дадиллик уларда ишонч пайдо қилди.

– Бўлинглар, тезроқ боринглар.

Полициячилар чопиб кетишди. Сен уларни чопиб кетишга мажбур қилдинг. Сен аблаҳларча иш тутдинг, аммо энди бунинг нима фарқи бор, асосийси, машинагача етиб олиш ва қорани ўчириш. Мана, ниҳоят улгурдинг. Моторнинг гувиллаши ҳатто сени бир оз тинчлантиради. Омбор эшиги ғижирлаб очилди ва у ердан коржомдаги ишчилар отилиб чиқди. Улар алланималар деб қичқиривади. Чопивади. Машина томон югуришади ва сен кўзғалишга улгурмайсан. Ишчилар машина эшиklarини очишади, ичкарига киришади. Сен бўлсанг, нимагадир уларни кутиб турасан ва шундагина жойингдан кўзгаласан.

Энрик Видал қаттиқ тезликда учиб борарди. Унинг ёнида боя бошқаларга раҳбарлик қилиб турган ишчи ўтирарди. У:

– Раҳмат, ўртоқ. Сиз бизнинг жонимизга ора кирдингиз. Энди ўнг томонда шоссе келади. Ортимиздан қувиб келишаётган бўлишлари керак, ҳар ҳолда... – деди.

– Сизлар қаёққа? – сўради Энрик, ўз йўловчиларига қарамасдан.

– Бизларни хоҳлаган жойингизда тушириб қолдиришингиз мумкин. Мана шу ер ҳам бўлаверади.

– Бўпти, кемага тушганнинг жони бир... Ўзи қаяққа бораяпсизлар?

– Мен шу яқин-атрофда тураман... Биз сиздан кечирим сўрашимиз керак. Мен сизни аввал дирекциядан бўлсангиз керак, деб ўйловдим, — чунки тикка бостириб келдингиз-да... Ишқилиб, йигитлар сизни қаттиқ...

– Ҳечқиси йўқ, кечирим сўрашларига ўрганмаганман. Ўзи нима гап? Эшитишимча, сизларни кўчага чиқариб ташламоқчи бўлганмиши?..

– Итваччалар!

– Сизлар Румагоза деган одамни билмайсизларми?

– У бизнинг бошқарувчимиз... Асосий бойларимиздан бири. Полицияни ўша чақирди. Сиз у билан танишмисиз?

– Ҳа, йўқ.

Шунда Энрикнинг миясига бир фикр келди.

– Мана шу ерда. Шу ерда тўхтатинг.

– Шошманглар, мен сизлар билан гаплашиб олмоқчиман... Сизнинг хўжайинингизда озгина ишим бор эди, сизлар менга ёрдам бериб юбора олмайсизларми?

Ҳаммалари машинадан тушишди. Уч ишчи хайрлашди — Энрик билан қўл олишиб, катталари эса, Перенинг елкасидан қоқиб қўйди. Улар каталонча ва испанча аралаш гапирардилар. Пере ўртоқларига қўл силкиб қўйди-да, яна Энриikka юзланиб:

– Бу сўз менга ёқмайди, — деди.

– Қайси сўз?

– Хўжайин. Бизда хўжайинлар йўқ.

– Майли, қандай хоҳласангиз, шундай атайверинг... Балки, кириб, бирор нарса ичармиз?

– Қаерга, уйгами?

– Йўқ, яхшиси анави қаҳвахонага.

Улар қаҳвахонага киришди. Пере хизмат қилувчилар билан саломлашди-да, иккита коньяк буюрди.

– Менга қара, Пере. — Энрик суҳбатдошига сигарета тутди. — Исмингиз Пере эди-а, шундайми? Меники эса — Видал, Энрик Видал. Румагозада бир ишим бор эди. Мураккаб иш... Балки, сиз ёрдам берарсиз менга?

– Билмадим, билмадим. — Пере ҳушёр тортди. Нима бўлганда ҳам Энрик Видал — еттиёт бегона. Тагин ифвогар бўлиб чиқса-чи?

– Мен ҳам, ўз навбатида, сизга ёрдам беришим мумкин.

– Нима ҳам дердим, кўрамиз.

– Сизга дурустроқ бир нарса дейишим қийин, мен ўзим ҳали тагига етганим йўқ, аммо, менимча, Румагоза бир ифлос ишга қўл урган.

– Бу сизни таажжубга солаяптими?

– Шошмай тулинг. Сизнинг раҳбариятдан биронта танишингиз борми?

– Ҳа, мен бу ерда анчадан бери ишлайман ва баъзи одамларни биламан.

– Рудергес ҳақида-чи? Ҳеч Андреу Рудергес деб эшитганмисиз?

– Рудергес дейсизми? Йўқ, эшитмаганман.

– У... ҳалигиндай, пастак бўйли, тепакал, кўзи жуда хира кўради, фаросати ҳам унчалик эмас.

– Йўқ, билмайман.

– Мен эса биларсиз деб ўйловдим...

– Хўш, бу Рудергесга нима бўлган?

– У менга Румагоза учун бир иш қилишимни топширди-да, бир чақа тўламасдан жуфтакни ростлаб қолди.

– Бунинг нимасига ҳайрон қоласиз? Бизнинг замонда бунақаси ҳар қадамда учрайди.

– Гап шундаки, бу топшириқ эди... яъни, унчалик жўн топшириқ эмасди-да...

– Ҳа, тушунарли. Хуфия ишлар денг?

– Нима десангиз, ихтиёрингиз. Асосийси, Румагоза бу ишга боши билан шўнғиб кетган.

– Сизга бир гап айтаман, Видал. Мени бундай ишлар қизиқтирмайди. Бизнинг муаммоларимиз беш қўлдай аён: фабрикани ёпмоқчилар, гўё у фойда келтирмаётганмиш. Ҳаммасини бўҳронга чиққан қилиб, бизларни эса кўчага чиқариб ташламоқчи. Румагоза қандайдир ифлос ишга қўл урган дедингизми? Нима қипти? Буни биз азалдан биламиз. Бугун йиғилишда магистратурада қандай ҳаракат қилганлиги муҳокама қилинди. Агар дирекция фикрлари эътироф этилгудек бўлса, бир неча кундан кейин ҳаммаси узил-кесил ойдинлашади, ҳаммамиз аросатда қоламиз, Румагозанинг қилмишлари билан кимнинг қанчалик иши бўларди? У хўжайин эмас, гарчи бош байчи бўлса-да, бор-йўғи бошқарувчи, холос. Унинг отаси хўжайин эди, бироқ уруш вақтида корхонани олиб қўйишганди, тўғрироғи, у ўғлига ўтмай қолганди. Ҳозир фабриканинг эгалари бир талай.

– Ахир бу ифлос ишларни фош этиш мумкин бўлганида...

– Сиз дунёга яқинда келганмисиз? Кўп йиллардан бери Румагоза бир экинзор ерга эгалик қилиб келади, у ер “Билли” деб аталади. Бу билан кимнинг қанчалик иши бор? Унда қизлар ҳам бор, қимор ҳам бор, гиёҳ ҳам бор... Кўнгли нимани тусаса, ҳаммасидан бор, ҳатто ортиғи билан бор. Аммо биз Румагозанинг мулк эгаси эканини ҳеч ҳам исботлай олмаймиз. Исботлаганда ҳам бу билан ёрдам бериб бўларканми? Қамоққа тушганинг қолади, холос. Шунинг учун бизларнинг кўчада қолишимиз...

– “Билли”да дедингизми?

– Ҳа. Аммо, тўғриси, унинг қаердалигини билмайман: бундай маишатларни чўнтагимиз кўтармайди. Уни у ердан топаман деб овора бўлмай қўя қолинг. Румагоза фақат пул олишни билади, ифлос ишни эса унинг учун бошқалар қилади...

Мана, олдингда ўша баланд бўйли, кўк коржомодаги бақувват одам ўтирибди ва аста коньякдан тортаяпти. Аммо унинг муаммолари сенга таъсир қилгани йўқ, ишчилар оилалари билан чўнтагида бир чақасиз кўчада қоладилар — хўш, нима қипти? Сени фақат бу ишхонанинг номи ва Румагозанинг жиноят дунёси билан эҳтимол тутилган алоқасигина қизиқтиради. Сен жуда шошилаяпсан. Магистратуранинг қарори, Пере ва дўстларининг қисмати, борди-ю, бўҳрон юз берса, ҳаммаси сен учун бир тийин...

– Майли, Пере. Мен борай. Ҳаммаси учун раҳмат, омад ёр бўлсин.

– Сизга раҳмат. Агар сиз бўлмаганингизда, Худо билсин, қаерларда тунаган бўлардик.

Энрик коньякнинг пулини тўлади, коржомали кишининг қўлидан сиқиб қўйди ва қаҳвахонадан чиқди.

...узрли сабаб деб биладилар, улар ҳеч қанақа товон пули олмайдилар. Сизлар гаплашиб ўтирганларингда, кўчаларда фонуслар ёна бошлаганди. Сен атрофга қарайсан: ҳаммаёқ ифлос, уйлар баланд ва қамоқхонадай мунгли. Тротуарлардаги болалар қий-чуви гашингни келтиради. Одамлар чақмоқдай костюмингга қарайдилар. Юзингдаги

кўқарган жойлар лўқиллаб оғрийди, аммо сен барибир хафа эмассан: қандай одамлар билан иш тутаётганинг энди сенга аён. Сен машинага ўтирасан, чекасан, ҳатто ниманидир ҳуштакда хиргойи қиласан. Ишчилар коржомасидаги Пере оғир одамлар билан автобус бекатига йўл олади. Хаёлан тасаввур қиласан: хотининг, болаларинг, ғарибона жиҳозланган хонадонинг... Бўпти, булар ҳақида ўйлама. Дам олгани уйга бориш керак.

Энрик Видал душда ювинди ва соқолини олди. Ўнг қоши ёрилган, бўйнида эса катта кўқарган жойи қонталаш эди.

– Бебель! – чақирди Энрик.

– Нима?

– Бизда спирт бормиди?

– Спирт? Нимага?

– Кўқарган жойларимга суртгани.

Қиз ваннахонага кириб келди.

– Қани, кўрай-чи... Ўҳ-ҳў! Нима бўлди?

– Ҳеч нарса. Дарахтга урилиб кетдим.

– Дарахтга ёмон урилибсан. Бу нима... ҳалиги, ким эди... Румагоза-ми? Ўшанинг ишими?

– Йўқ. Фабрикада бир тўполонга араллашиб қолдим. Ишчилар яширин йиғилиш қилаётган экан, бир вақт полициячилар келиб қолди ва бошлаб таъзиримни едим.

– Яширин йиғилиш?

– Ҳа-да, шунақаси ҳам бўлиб туради.

– Сен бирор нарса аниқлай олдингми?

– Оз-моз. Румагозанинг ўзи билан гаплаша олмадим, аммо бир касаба уюшмаси арбоби бўҳронни баҳона қилиб, Румагоза фабрикани ёпмоқчи бўлаётганини сўзлаб берди.

– Бунинг сенинг сафарингга қандай дахли бор ва...

– Ҳеч қанақа. Аммо бир нарсани билдим: бу нусха бир тунги клуб ё қовоқхона эгаси экан, у ерда ҳаммаси бор экан – қизлар ҳам, қимор ҳам, гиёҳвандлик ҳам.

– Гиёҳвандлик?.. Демак...

– Румагоза қўлимга тушди. Тезда кийина оласанми?

– Нимайди?

– Бориб бир оз рақс тушамиз.

Мен апил-тапил қора костюм-шимим, галстук, кўк кўйлагимни кийдим.. Сал-пал шаффоф кўйлақдаги Бебель ёнида мен дадажонисининг ақчаларини бир оз созуришга қарор қилган эрка ўғилга ўхшардим. Ҳаммага айнан шундай бўлиб кўриниши керак. Гарчи ҳамон лўқиллаб турса-да, кўқарган жойлар деярли сезилмасди. Улар сенга Пере ва ўртоқларининг ҳозир...

– Ўстасанг, боришдан олдин овқатланиб олайлик...

– Йўқ, қорним тўқ.

Гўё нам тунги ҳаво фонуслар ва машина фараларини бир-бир ўчирганча шаҳарнинг қизиган юзини юваётгандек, у аста совиб борарди.

...магистратура не қарорга келаркин дея кечки овқатларини кавшаётгандир. Сен бу одамларни унутганинг йўқ, аммо уларнинг қисмати сенга бефарқ. Асосийси – Румагозани тоза сувга чиқариш, Рудергеснинг ўлимида унинг қандай роль ўйнаганини аниқлаш ва ниҳоят, сенга тегишли бўлган барча пулни олиш. Пулни оласан-у, эҳтимол, Пере ва ўртоқларини унутиб юборасан. Балки, Жулияни ҳам унутарсан. Жулияни унутиш, ҳарҳолда, Румагозадан ундиришга муваффақ бўладиганинг пулга боғлиқ.

“Билли” клуби Пласа-Реалда жойлашган ва ялтироқ лавҳали, кираверишда эшик оғаси бўлган ва ҳавоси совутилган бообрў ишхона экан. Энрик Видал машинани Рамблда қолдирди-да, ичкарига кирди.

Мэтр Видал билан Бебелни рақс майдончаси ёнидаги устида икки-уч жуфтлик эринибгина рақс тушаётган тахта саҳнга олиб борди. Энрик вино буюрди ва бекор ўтирмай, рақс тушаётганларни томоша қила бошлади. Шу топ бурчакда варанглаётган оркестр бир қанча усулсиз товушлар чиқариб, жимиб қолди ва инглиз ансамблининг чиқиши ҳақида эълон қилинди. Зал тўридан унча катта бўлмаган саҳнага — сочлари узун-узун, ажибу гариб либосли, электраппаратли машшоқлар кўтарилди, сўнг тайёргарликлар бошланди: созларни тўғрилашга ва сирли овозлар чиқаришга тушиб кетишди. Бирдан тахта саҳн устида мусиқа янгради, ўша заҳоти ресторан залини садога тўлдирди. Унинг оҳангига монанд чироқ лип-лип қиларди ва Энрик бир жойда ўтиролмастани ҳис этди. Бироқ бу ерга рақс тушгани келмаганман-ку, дея ўзини босди. Бебелни ансамбль кўйларига андармон қилиб қўйди-да, Энрик ўрнидан турди ва пештахта томон йўл олди.

— Битта коньяк.

Унинг ёнидаги калта юбкадаги бир неча қиз келиб ўтириб олиши ва мусиқа оҳангига мос тебранганча мижозларга оёқчаларини намоёйиш қила бошлади.

— Олов топиладими сизда, барно йигит?

Энрик Видал ўгирилиб қаради. Рўпарасида кўзларига сурма тортган момикдай оппоқ қиз унга қараб турарди. Киноюлдузи каби ҳаракат билан у сигаретасини чақмоққа тутди ва сийнасидаги нимчаси гўё тасодифан очилиб кетди.

— Меҳмон қиласанми?

— Нима ичасан?

— Ўзинг-чи?

— Коньяк.

— Йўқ, бу жуда ўткир. Виски яхшироқ.

— Бу эса жуда қиммат.

— Хасислик қилмасанг-чи! Ё мен сенга ёқмадимми?

— Анислигидан бўлсинми?

— Йўқ, менга ёмон таъсир қилади.

— Унда сув ичиб қўя қол.

— Вой заҳар-ей!

— Бу ер жуда зерикарли экан, қизалоқ! Хўп, ичдинг, кейин-чи?

— Рақс тушиш мумкин.

— Мен рақс тушолмайман. Ҳалиги, бирор қизиқроқ нарса йўқми?

— Нима экан у — қизиқроқ?

— Менда мўмайгина пул бор, бахтимни синаб кўрмоқчиман.

Сизларда ўйин-пўйин деган нарсалар борми?

— Ўйиндан кўпи бор эканми?

— Бўпти, айланторма. Қимор қаердалигини кўрсатсанг, сен вискили бўласан.

— Ҳозир, кутиб тур.

Қиз кетди. Гажак сочли бармен йигит Энриikka муғомбирона кўз қисиб қўйди, у эса унга жавобан тилини кўрсатди. Мусиқа жим бўлди. Инглиз ансамбли дам оларди. Кўп ўтмай оппоқ қиз қайтиб келди.

— Ана, виски ишлаб келдим.

— Хўш, топдингми?

— Ҳа. Шошма, ҳозир Роман, — у ёрдамчисига ишора қилди, — сени олиб боради.

Ёрдамчи пайдо бўлганида мусиқа яна дунёни бошига кўтара бошлаганди. Ярим яланғоч қора танли қизлар сахнада билтанглар эдилар. Ҳаво димиқиб бормоқда эди.

– Ҳозир, бир дақиқа.

Энрик Видал коньяк ва вискининг пулини тўлади, Бебелнинг столи олдига борди, унга яна бир оз кутиб туришни буюрди ва мэтрнинг олдига қайтиб келди.

– Мана, мен келдим.

Улар столлар оралаб яширин эшиги бўлган зал тўрига ўтишди, эшик олдида юзи ғамгин кўринувчи қандайдир ўсмир сигарета чекиб турарди. Ёрдамчи унга бир нима деди ва ўсмир эшикни очди. Эшикдан гиламлар тўшалган узун йўлак кўринди, йўлак охирида айланма зина кўзга ташланарди. Улар юқорига кўтарилишди.

– У шу ерда, – деди ёрдамчи.

Эшикда яна бир нусха қоровуллик қиларди.

– Бу ерда сиз қидирган ҳамма нарсангизни топасиз.

Энрик унга 100 песетлик қоғоз пулни узатди ва у шу заҳоти қорасини ўчирди. Хона паға-паға тамаки тутунига тўлиб кетганди, паррақлар бўлишига қарамай у ер жуда иссиқ эди. Энрик Видал яшил бўзли столларни кўздан кечирди, уларда бир нечта одам қарта ўйнардди. У сигарета тутатди ва эшикдан чап томонда жойлашган касса олдига борди. Минг песетга юзи чечакдан бужмайиб кетган кассир унга бир ҳовуч тош берди.

Асабийлашаяпсан, Энрик. Энди сен айни қопқондасан. Сен эшик олдидаги йигитчадан кўрқаяпсан. Агар у ишсиз саланглаб юрганингни пайқаса борми, нақ ковушингни тўғрилаб қўяди. Африкада сен бундай жойларда бўлиб туришингга тўғри келарди, аммо улар бундай ҳашамдор эмасди. Пулсиз ҳам эди. Тошлар ўшандай югураверади. Сен битта-битта дадил одимлаб, эски қиморбоздай қимор столи олдига яқинлашасан...

Энрик Видал тошларни яшил бўз устига қўйди. Пул тиккан киши гилдиракни айлантириб юборди ва фил суяги соққачасини иргитди. Стол атрофида еттига одам ўтирарди – бештаси эркак, иккитаси аёл; барчаларининг юзи жиддий, ҳаяжонли. Энрикнинг рақами тушди.

...бу стол сенга дурустгина чойчақа ундириб беради. Сен узлуксиз икки соат ўйнадинг, чурқ этиб оғиз очмадинг ва энди нима қилиш кераклиги ҳақида ўйладинг. Сенинг омадинг келди. Аммо тамаки тутуни, овозлар ва сакровчи мрамор соққалардан асабларинг бўларича бўлганди...

Яна унинг рақами. Тошлар уюми икки баравар ошди. Энрик уларнинг барчасини олиб қолди. У бахтини синаб кўрмоқчи эди.

...худди безгак туггандай дағ-дағ титрарди. Шу боис, бошинг тарс ёрилгудай бўлаётганини сезганингда, барча тошларни тўплайсан-да, уларни сенга ижирганиб қараб турган...

– Бугун омадингиз келди.

– Ҳа, ёмон эмас. Ўйнаб, бир чақа ҳам ютолмаган пайтларим бўлган.

– ... Олти, етти, саккиз. Саккиз минг песет.

– Хўжайинингиз қаерда сизларнинг?

– Кечирасиз, ким?

– Яъни, бу ерга ким мутасаддилик қилади?

– Ҳов ана, қора кўйлакли.

...чўтир кассирга узатасан. Шунда сен яна Жулияни эслайсан ва бу оқшомда нималар содир бўлган бўлса, ҳаммасини, Пере билан бўлган суҳбатни ҳам эслайсан. Ёрилган қошинг яна лўқиллайди.

Сен қора кўйлақнинг олдига борасан ва кўрқиб кетасан.

– Нима?

– Ҳалиги, ўзингиз биласиз-ку... Гиёҳ...

– Гиёҳ, оғайни, ўтлоқзорда ўсади. Бу ер тунги клуб, оғилхона эмас...

Қора кўйлақлик бу кишининг шубҳали қарашида нимадир бундай дерди: сен янглишмадинг, сен тўғри йўлдасан. Фақат бир нарса ноаниқ эди: гиёҳдан татиб кўриши тайин бўлган анойи муртад роли яхши ўйналдими? Бу нуханинг сенга ишонгани ростми? Сен бошингни эгиб четланасан, бироқ тескари туриб ҳам қаттиқ тикилган, эҳтиёткор нигоҳни ҳис этасан. Бирдан ўгирилсан-да, яна яқинлашасан.

– Жауме Румагоза уни қаердан топишни билишингни айтди...

...дейсан сен. Бироқ қора кўйлақли нусха ҳайрон бўлгандек елка қисади.

– Ким?

– Румагоза, хўжайин.

– Оғайни, мен ҳеч қанақа Румагозани билмайман, аммо сизга бир маслаҳат беришим мумкин: бўлар-бўлмас нарсаларни баҳона қилиб, одамлар орасига суқилаверманг, бу ерда сизга ўхшаган мишиқилар билан пачакилашиб юришининг ҳеч қандай қизиғи йўқ.

Қора кўйлақли нусха орқасига ўгирилди ва сендан ҳафсаласи пир бўлган кўринади.

Бебель қандайдир бир сочи ўсиқ хушрўй йигит билан рақс тушарди. Энрик Видал қизнинг сумкачаси ётган столга ўтирди ва официантни чақирди.

– Нима истайсиз?

– Коньяк.

Вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамай зал одамга лик тўла эди. Қандайдир қориндор барзангига йўл бўшатиб, ресторан қизлари чийиллар эди; барзанги эса отиб олишга улгурган ва энди саҳнда овози борича ўшқирарди. Кўшни столда эса атрофдаги шовқин-сурон ва ур-сурларга заррача парво қилмай, бир йигит ва қиз ўпишарди. Мусиқа тинди. Бебель кўзи билан Энрикни қидириб топди-да, кўлини силкитди ва йигити билан хайрлашиб, стулга чўкди.

– Хўш, омадинг чопгандир охири?

– Ўйинда – ҳа. Энди икки ҳафта еганимиз олдинда, емаганимиз кейинда. Бироқ қолган ишларда – бир қадам тинч туриш йўқ. Румагозанинг исмини айтдим дегунча ҳамма кар ва кўр бўлиб олади.

– Энди нима қилиш ниятидасан?

– Уйга қайтамиз. Кеч бўлди.

Официант келганида улар энди турмоқчи бўлишувди.

– Сеньор?

– Ҳа?

– Илтимос, мен билан юринг. Сиз билан маъмур гаплашмоқчи.

Энрик Видал Бебелга им қоқиб кўйди ва официант ортидан кетди. Залнинг тўридаги эшик ёнида қора кўйлақли нусха кесакига суяниб турарди.

– Сизга... Назаримда... анавидан керакмиди?

– Ҳа.

– Сизни Румагоза юбордими?

– Ҳа. Унда тўртинчи яшинқайтаргичда. Верфнинг қаршисида. У ерда қизил пикап туради. Ундан истаган нарсангни оласиз.

– Яхши.

Улар ресторандан чиқишди; Энрик Видал такси тўхтатди ва қизга деди:

– Ўзинг кетишинга тўғри келади, болакай. Менинг ишим чиқиб қолди.

Таксичига пансион манзилини бериб, Энрик соатига қаради; роппа-роса уч эди.

Мана энди сен чинакам чарчоқ ва бўшлиқни ҳис этдинг. Машина айланиб кетди — маҳкам бўл. Худди сен бўйин мушакларингни чўзгандек, улар қақшаб оғрирди, асаблар таранг. Ҳазилакам нарсами, тўрт кунгина бурун сен опангнинг жасадини топгандинг, сенга эса абадиётдек туюлмоқда. Вақт секин ўтарди, энди у бутунлай тўхтаб қолган ва қора тирқиш бўлиб кўринмоқда ва тирқишдан кўнгилни айнитувчи газ ҳиди тарқалмоқда. У ёқда — деразалар зич қилиб беркилган, ерда эса, Жулиянинг гижимланган тунги кўйлагига ўлик танаси. Сен хитой маҳалласидан одимлаб бормоқдасан ва сен уларни ҳам, фабрикадаги ишчиларни, бошқа оламдаги одамларни ҳам унутишингни ўйлаяпсан... Йўқ, бошқа оламдан эмас. У сенга таниш, уларнинг дунёси таниш, у ерда ҳамма нарса одатдагидай ва жўн, сариқ чақа учун дуч келганга ўзини таклиф этадиган мана бу аёллардай жўн, қаҳвахоналардаги қизғиш чироқдай оддий, чор атрофингда ҳозир сен кўриб турган ҳамма нарса қанчалик оддий ва жўн. Бироқ сен бу фикрлардан кераксиз қақир-қуқурлардан қочгандай қочишга уринаётирсан. Шунчаки чарчоқлик айбдор. Мана, неча кундири, сен дам олиш нималигини билмайсан, юрасан, ялинасан, қаншарингдан калтак ейсан, ҳаммаси асосий айбдорни, қўли машинани юргизиб юборган одамни топиш учун, холос. Сен ўйламай олга одимлаётирсан, фақат дам-бадам соатинга қараб қўясан. Чорак, ярим, чорактакам... Маишатпарастлар аста-аста тарқаладилар, кўчалар деярли хувиллаб қолган. Мана, бандаргоҳ ҳам келди.

Энрик Видал узоқданоқ божхона биноси олдида турган қизил пикапни пайқади. Олдида ҳеч зоғ йўқ. У яқин борди, хавотир билан атрофга разм солди.

Ичкарининг чироғи ўчирилган, ҳайдовчи кўринмасди. Бироқ эшик бирдан қия очилди ва Энрик иккиланиб ўтирмай, эшикни ўзига тортиди.

Сен машина ичига ўзингни урасан. “Пикап” қўзғалади. Рулда спорт курткази кийган қирқ ёшлардаги қовоғи солиқ давангидай одам ўтирарди; унинг ҳеч кимга ишонмаслиги кўриниб турарди.

Машина Кан Тунис шоссесига бурилади, асфальтда шиналарнинг шувиллаши эшитилиб турарди. Фаралар нури зулматни ёриб боради, фильмлардагидай ён томондан тунги кўчалардан физиллаб ўтиб бораёпман. Энрик Видал ўриндиққа букчайиб олган, ҳайдовчига қарамасдан Мосен-Коста ва Льюбер боғлари ёнидан югуриб ўтаётганини кузатиб борарди. Тунда ағавалар¹, тошлар ва кактуслар худди сеҳрли рақсда айланаётгандек ажиб шакллар ҳосил қилган.

“Пикап” тўхтади. Хўппасемиз Энрикка ўтирилди. Унинг овози кескин эди. У испанча гапирарди.

— Тушинг, етиб келдик.

Бандаргоҳ узра фонуслар ёғдусини тўсиб, алвастидек қизғиш бургут осилиб турарди. Энрикнинг кафтлари терлади. У эшикни очди-да, машинадан отилиб чиқди. Ҳайдовчи фараларни ўчирди ва у ҳам чиқди.

— Сизни ким юборди? — сўради хўппасемиз, қандай қилиб бўлмасин ўз саволига жавоб олишга қасд қилган оҳангда.

— Кечирасиз, қандай қилиб?

— Бошни қотирма, ошна. Мен сўраяпман, сени ким юборди?

— Маъмурга тушунтириб айтдим-ку, Румагоза, деб.

— У билан қачон гаплашдинг?

¹ Тропик зийнат дарахти.

- Кеча.
- Қаерда?
- Унинг уйида, Калельяда.

Хўппасемиз афтидан шубҳаланаётганди. Эҳтимол, у бундай жавобни кутмаганди. Энрик эса фақат бир нарсани ўйларди, ҳайдовчининг башарасига бошлаб туширсаю жуфтакни ростлаб қолса. Бу яна бир тузоқ эканини у энди англаб турарди.

- Сен хўжайинни қаердан биласан, укажоним?
- Мен у билан ишлаганман.
- Э-ҳа, шунақами?

Хўппасемизнинг овозида иккиланиш сезиларди. Сирасини айтганда, у ишонмади. Энрик Видал кучли қўллар курткази ёқасидан қаттиқ ушлаб олганини ҳис қилиб турарди. Халоскорлик имконияти тобора камайиб борарди.

– Ахир... нима гап? Румагоза мени “Билли”га юборди, у ерда гиёҳдан топса бўлади деб. Менда пул бор, тўлайман...

Энриқнинг жавоби қаттиқ зарбага учради:

– Учир, лаънати тирранча, гўштингни бурда-бурда қиламан.

Энриқнинг боши бир томонга оғиб тушди. Ёноғи зарбадан лов этди. У тисланмоқчи бўлганди, бироқ йўғон бармоқлар пўлат қисқичдек куртказини чангаллади. Яна зарба, бу гал мушт пўконига тушди.

– Қани, гапир... Сен айғоқчисан-а? Нима керак сенга?

Сени биринчи марта ураётганлари йўқ, Энрик. Бу қандай бўлишини биласан: қорнингга бир нима узилгандек бўлади, нафасинг ичингга тушади, кўзингга ёш қалқиб чиқади. Бир лаҳзага қоронғи кўча Африкадаги қиморхонага айланади. Қаттиқ оғриқдан букилгандек эгилиб олиш ва кутилмаганда рақибнинг иягига пастдан мушт йўллаш учун мана шу сониялар кифоя. Унинг тишлари...

Дўппослаётган киши кутилмаган тасодифдан орқага сапчиб кетди. Афтидан, бундай усул унга таниш эди, чунки у чап беришга улгурганди. Аммо Энрик ўз зарбасига сўнгги кунларда тўпланган бутун газабини жойлаганди. Хўппасемиз ағдарилмади-ю, аммо куртказини кўйиб юборди. Шу аснода кўкраги остига зарба келиб тушди.

... қандай гичирлаб кетганини эшитдингми? Энди кўкрагига сол. Хўппасемиз чайқалиб кетди ва ортга тисланди, сен ундан устун келганингни ҳис этдинг, муштумларингни тугдинг-да, унга бостириб бординг. Аммо хўппа семиз дарров ўзига келди ва ҳужумни кута бошлади.

Энрик Видал ўнг қўли билан икки марта зарба берди ва ўша заҳоти жавоб зарбаси олди.

Хўппасемиз ёмон урарди, унинг муштумлари икки пўлат болгага ўхшарди. Зарбалардан бири ёрилган қошига келиб тегди ва Энрик яна юзидан қон оқаётганини ҳис этди. Шунда синалган бир усул унинг ёдига тушди: рақибининг қорнидан пастга тиззаси билан зарба берди. Хўппа семиз чап беролмади ва Энрик яна икки марта зарба туширди: тишига ва қорнига, кейин хўппа семизни айлантирди-да, аввал бир қулоғига, кейин иккинчисига мушт солди. Натижалардан баҳра олиб ўтирадиган вақт эмасди; Энрик “пикап”га отилди, эшикни катта очди, калитни бураб, моторни юргизди. Аввалига у орқасидан қувишаётгандай машинани учириб ҳайдади, кейин аста-секин ўзига келгач, қандайдир фаввора олдида тўхтади ва юзидаги қонларни ювди. Муздек сувдан қушдай енгил тортди.

Кейин яна машинага ўтирди ва бор гапни билиш учун қаҳвахонага бормоқчи бўлди, бироқ бугунча етарли деб ўйлаб, фикридан қайтди.

Фургонни Пласа-дель-Театрода қолдириб, Энрик ўз машинасини қолдирган тўхташ жойи томонга яёв юриб кетди.

Хўш, Энрик, энди тинчгина ухлашинг мумкин: сен Румагозанинг қаҳвахона билан хуфия ишларга қўл ургани борасида рад этиб бўлмас исботларни олдинг. Бебелни ё сеньора Нурияни уйғотиб юбормасликка ҳаракат қилиб, сен шовқинсиз ечинар экансан, эртага у билан юзма-юз учрашмасанг бўлмаслигини ўйлаётирсан. Буни аллақачон қилиш керак. Аммо эҳтиёт бўл, сенга осон бўлмайди. Юзингга бир қарагин-а: сўнгги вақтларда у нимага айланиб қолган? Ундан ҳам бешбаттардир, балки? Аммо энди сени тўхтатиб бўлмайди. Энди ухла, Энрик; аммо бир ташвишли фикр сенга сира тинчлик бермайди, чироқни ўчиришингга, сигарета топиб, чекишингга мажбур қилади, бу вақтда Бебель ширин ухлаб ётган бўлади. Сен балконни очасан ва бу хира ташвишни сўзлар либосига буркашга ҳаракат қилиб, тоза ҳавога чиқасан. Ўзи нима гап? Қандай қилиб бўлмасин, жавоб топиш керак. Кўча жимжит; тош йўл шабнамдан намиққан, ҳаракатсиз автомобиллар томларида – кумушранг қиров. Қаттиқ чарчагансан, Энрик... Баданинг зилдай, худди бировникидай. Пастда, подъезднинг олдигинасида сен ташвишли бедорликни эртанги кун билан боғлайдиган ягона нарсани кўрасан; энди ўйлаганларинг ниҳоят амалга ошади, ҳаммаси равшан. Эртага эртароқ турасан, муздек сувда ювинасан, уйқули карахтликини итқитасан – илон пўст ташлагандай, соқолингни оласан, биринчи учраган емакхонада тамадди қиласан ва яна сенинг машаққатли меҳнатинг бошланади. Сен машина олган жойингга борасан...

Ҳа, ҳақиқатан ҳам у автомобиль олганига имзо чеккан. Кўк коржомодаги механик. Кутиб туринг, мен ҳозир тилхатни келтираман дейди ва механикнинг исми шарифини билиб оласан. Кейин телефон маълумотномасини оласан-да, у ердан унинг манзилени топасан.

Таъмир устахонаси Бордетада жойлашганди. Машинага ёнилги қуяр экан, Энрик Видал бошқарувчи билан гаплашган эди:

– У таътилда, ой охиригача келмайди, – деган жавобни олди.

– Унинг қаерда дам олаётганини биларсиз?

– Бўлмаса-чи. Биз яқинда хат олдик. У ҳозир оиласи билан соҳил бўйидаги дам олиш уйида.

Яна йўлга тушасан, Энрик. Сен иссиқ ёзни ва таътилдаги тўс-тўполонни ва ўзингнинг нодонларча хатонгни лаънатлайсан. Камида уч кун бой берилди. Гарчи бутун машинани титкилаб чиқсанг ҳам ўзингда ҳеч вақони тополмадинг. Пировард-оқибатда денгиз соҳилидаги кемпингда, жазирама офтоб остида тердан жиққа ҳўл кўйлақда, қуёшда тобланган, фақат чўмилиш кийимида айланиб юрган механикка ҳавас билан қараганча сен барча ҳақиқатни билиб оласан.

Механик дарҳол ҳушёр тортди. Энрикнинг сирли равишда пайдо бўлиши уни жунбишга келтирди.

– Сиз полицияданмисиз?

– Йўқ. Аммо сиз яширин жой қаердалигини менга батафсил тушунтириб беришингиз керак...

– Айтдим-ку сизга, бу яхшиликка олиб бормайди деб... буни қаранг-а... худди шу бугунги кунда... Сеньор Мартинес менга катта пулни олиб кетаётганини – шундан кўрқаётганини айтган эди...

– Ўша сеньор Мартинеснинг кўриниши қанақа?

– Ўзи кичкина, боши тақир, кўзойнақда. Ғоят ширинсўз одам. Дурустгина тўлади.

– Менга ҳаммасини бир бошдан сўзлаб беринг-чи.

– Бир кун сеньор Мартинес устахонага келди. У бизнинг мижоз, мен бир гал унинг машинасини тузатиб берганман. Ана шунақа, у янги автомобиль сотиб олганини ва унинг менда бир илтимоси борлигини айтди. Сеньор Мартинес ҳар ойда тушум пулларини олгани кетарди, шунда газетада округда қандайдир қароқчилар тўдаси пайдо бўлгани, банкдаги одамларни таъқиб қилаётгани ва кейин уларни ўлдираётгани ҳақида ёзиб қолди. Ана шунда у ҳар эҳтимолга қарши машинада яхшигина яширин жой қилиб бера олмайсизми, деб сўраб қолди. Мен рози бўлдим. Шунда сеньор Мартинес менга машинани олишимни буюрди ва қачон тайёр бўлишини айтишим учун ўзининг телефон рақамини қолдирди. Мен буюрилганидай ҳаммасини бажо қилдим. У машинага келганида, махфий жойни синаб кўриш учун ўзи билан бир портфел тўла қийилган қоғоз олиб келганди. Мен, қойил, наҳотки шунча пулни олиб кетса, деб ўйладим. Махфий жой яхши чиқди, сеньор Мартинес ҳақимни тўлади-да, кетди. Бор гап шу. Нима, бирон ишқал жойи бор эканми? Агар сиз полициядан бўлсангиз, менинг ишим арзимаган, мен ҳеч нарсани билмайман, нимани буюришган бўлса, шуни қилдим, холос...

Сен ҳақиқатнинг фақат бир қисминигина била олдинг, Энрик. Янада асослироқ исботлар керак; болалигингда сенга бошқотирмалар ёқиши эсингдами? Ҳозир сен худди ўшандагидай ҳиссиётдасан. Суврат деярли тайёр, аммо бу сувратни ниҳоясига етказиши ва ҳамма нарсани жой-жойига қўйиши мумкин бўлган бир кичиккина бўлак етишмаяпти, холос. Барселонага қайтиб боришинг керак.

Тушлик вақтида Бебель Энрикнинг бахтиёрларча жонланганини пайқайди. Тунда балконда туриб, тамаки устига тамаки чекиб қаттиқ ўйлаган нарсасини топгандек эди. Қиз анчагача савол беришга ботинолмаганди.

– Хўш, бирон янгилик борми?

– Деярли бор. Аммо ҳозирча мен шу пайтгача била олганим билан қандай боғлиқлигини тушунмаяпман...

Бебель эҳтиёткорона сукут сақлади. У музқаймоқ ялар ва гапининг тугатишини кутгандек, йигитга қараб турарди.

Ҳисоб-китоб қилиш учун Энрик официантни чақирганида, қиз охири чидаёлмади:

– Нимани тушунмаяпсан?

– Механик машинада тангалар учун хуфия жой ясаганди. Ҳарҳолда, у шундай деганди ва бу айни ҳақиқат.

– Яъни, қандай хуфия жой?

– Қандай бўларди: тангалар учун-да.

“Des fric, tel quel” ибораси қизга Бельгияда у ўқиган детектив романларни эслатди, у иқтисодийни ўрганишга ҳаракат қилганди, охири уни ташлаб кетган ва иштиёқли ва мутлақо маъносиз саёҳатга жўнаворганди. Бебелнинг нигоҳида Энрик нимаси биландир саргузашт новеллалардаги қаҳрамон каби эди. Французча шева унга жуда мос. Ошнасининг ишларини қиз жиддий деб қарамасди. Албатта, булар барчаси бўлган воқеалар эди, аммо кўпроқ ё тушида, ёки ўнгида кўрган эртақнамо ёзги саргузаштларга ўхшарди.

– Қанақа тангалар учун? – яна сўради Бебель, лабларида ёқимли жаранлаган, унга ёқиб қолган сўзни такрорлар экан.

– Билмадим.

Ортиқ ҳеч нарса тўғрисида гаплашишмади. Энрик Видал пештахталарни томоша қилдириш учун қизни Каталония майдонига олиб борди, ўзи эса телеграфга кетди.

Начора, Энрик, сенда бошқа йўл йўқ. Оқибати ёмон тугаши мумкин, шунинг учун ҳам автомат ёнида турган ва Периснинг жавобини кутганча вужудинг енгил қақшаётганини ҳис этдинг, гўё кимдир орқанга пичоқнинг совуқ тиғи билан пармалаётгандай; винтертурлик аблаҳнинг овози сени ҳушингга келтиради. У ҳеч нарсдан шубҳа қилмаслиги керак. Ва...

– Перисмисан?

– Ҳа, менман.

– Мен Видалман, Энрик Видал, Барселонадан. Рудергеснинг топшириғи билан сенга кўнғироқ қилаяпман.

– Эй, Видал! Ишлар қалай? Қандай етиб бординг?

– Яхши. Ҳаммаси жойида. Менга қара, Рудергес тилхатларни юборган-юбормаганини сўрашимни тайинлаганди.

– Яна қанақа тилхат?

– Қўйилган пулни тасдиқлайдиган.

– Аммо биз бундай келишмагандик...

– Ана, холос, энди бўлса унга исбот керак бўлиб қолибди.

– Бу хавфли.

– Яхши, ҳеч бўлмаса менга жорий ҳисоб рақамларини айт.

– Рудергес ўзи қаерда?

– Мадридга кетди, ўзинг биласан, ишлар...

– Ҳа-а! Қаламинг борми?

– Ҳа, айтавер.

– Ёз: А. 3585186... Ёздингми?

– Мана, такрорлайман: А. 3585186... Тўғрими?

– Ҳа. Менга қара, Видал, тилхатнинг ўзини нима қилиш керак? Юборайми?

– Ҳозирча тура турсин. Рудергес қайтганда, ўзи кўнғироқ қилар.

...сен Перис ҳеч нарса бўлмагандек ютиб юборадиган воқеани тўқийсан. Мулоқотлар масканидан сен бутунлай бошқа одам бўлиб чиқдинг, ҳатто қадам олишларинг ҳам дадилроқ эди. Сен ўзингнинг топқирлигиндан мамнун эдинг. Тезроқ ҳаммасини Бебелга ҳикоя қилиб берсайди. Энди бошқотирма суврати тўла тузилганди. Қиз сени дўкон пештахтаси ёнида кутиб турибди ва мана, сизлар бир-бирингизни кучоқлаб кўчадан кетиб бормоқдасизлар.

– Ҳўш, қалай?

– Ҳаммаси жойида. Булар ростданам пуллар экан. Перис (уни танийсанми?) оғзидан гуллаб кўйди. Мен билан боришни истайсанми?

– Қаёққа?

– Румагозанинг фабрикасига. Энди уни деворга қисганим бўлсин. Аммо аввал яна бир исбот топиш керак.

Оспиталет маҳалласи кўчаларида ушбу оқшом соатларида одатдан ташқари сукунат ҳукм суларди: шамол чанг бургутларини ҳайдар, худди оғилхона ҳовлисидагидай ҳавони оғир бадбўй ҳид тўлдирган. Машиналар камдан-кам кўриниб қоларди, бироқ йўлкаларда болалар гавжум бўларди; ён-атрофдан дам-бадам жинси шим ва гулдор кўйлак кийган эркаклар ўтар, барчалари цемент ёпишган целлофан сумка кўтариб олган бўларди. Иш куни тугаган ва кўчалар тинч нафас оларди.

– Мана, келдик, — деди Энрик Видал, фабрика дарвозаси олдида машинасига тормоз бериб. — Мени шу ерда кутиб тур, мен тезда қайтаман. Бирон шубҳали нарса пайқасанг, менга икки марта сигнал бер, уқдингми?

Уни ҳам ўйинга қўшишганидан гоёта мамнун бўлган Бебель жиддий тусда бош ирғаб жавоб қилди. Энрик Видал машинадан чиқди,

кўчага кўз югуртирди ва темир панжара томон йўл олди: маъмурий бино, ҳовли, ойнаванд ўтиш йўлаги ва цехдан иборат фабрика мутлақо бўм-бўшга ўхшаб кўринарди.

Энрик Видал эҳтиёткорлик билан атрофга қаради: ҳамма нарса осойишта эди — ишчилар шаҳарчасидаги одатдаги ёз оқшоми. Юк машиналар кириб-чиқадиган дарвоза берк эди. Панжарадан ошиб ўтишдан бошқа йўл қолмагани. Агар тез ҳаракат қилинса, ҳеч ким уни пайқамайди. Худди сувга сакрашдан олдин бўлганидек, Энрик кўкрагини тўлдириб нафас олди ва панжарага тирмашганча нариги томонга ўтиб олди. Сўнг эгилиб ҳовлидан югуриб ўтди. Маъмурий бинога ўтиладиган тўртбурчак хира ойнаванд эшик қулф эди. Энрик биринчи қават деразаларини кўздан кечириб бошлади ва бутунлай умидини узганида тўсатдан бир дераза қия очиқ эканини кўриб қолди. У сакраб борди-да, деразани ичкарига итарди. Кейин оёқ учида туриб, дераза раҳидан тутди, сакраб деразадан ошиб ўтди ва қандайдир хонада пайдо бўлди.

Бу ердан нима топишинг мумкинлигини ҳали ўзинг билмасдинг, аммо ички туйғу шундай дерди: сен бекорга келмадинг. Фабрикада маблағларни ташмалаш билан шуғулланар эдилар, маблағнинг оқиб кетиши (сен бу сўзларни эса сақлаб қолгансан), аммо ҳали исботлар керак. Ҳисоб-китоб дафтарларидан бошқа уларни қаердан қидирилади? Дам-бадам қалтираганча тартиб билан терилган столлар оралиғига шунинг учун яширинасан. У ерда тунги қоровул навбатчилик қилаётган бўлса-чи? Бироқ жиноий далилларсиз полицияга бориб ҳам бўлмасди. Биринчи бўлиб ўзинг ўтирасан. Румагоза эса ҳаддан ташқари катта шахс, уни тутишнинг ўзи бўлмайди. Бообруў шахснинг аниқ кўрсатмалари олдида судда сенинг арзимас фикрларинг қандай садо беришини тасаввур қилавер. Шу боис қандайдир далиллар топиш зарур эди. Энди қартага юз минг песет эмас, балки сенинг ҳаётинг тикилган.

Йирик-йирик текис ҳарфли шиша лавҳани кўриб, Энрик эшикни итарди ва ҳисобхонада пайдо бўлди. Ёнида залворли кўҳна сейф савлат тўкиб турар эди, бу сейф очиш қийин бўлганлар сирасидан эди. Унинг ортида уч стол: бири — катта, икки телефонли ва кўплаб галадони бор, яна иккита ундан кичикроқлари ҳам бор эди, устида ҳисоб машинкалари турарди. Энрик ўйлаб ўтирмасдан катта стол томон йўл олди ва галадонни очишга ҳаракат қилди. Бу унча қийин кечмади: қулфни пичоқча билан бураса, кифоя. Биринчи галадонда турли идора лаш-лушлари ётарди: қаламлар, линейкалар, қисқичлар, иш дафтарлар, шунингдек, яримлаган сигарета пачкаси. Иккинчисида Энрик фирма номи бўлган иш қоғозларидаги бир тўда ёрлиқлар. Учинчисида майда тангаларга мўлжалланган очиқ темир қутича бор эди. Ва ниҳоят охириги тўртинчисида иккита қалин ҳисоб-китоб дафтари. Энрик уларни очди. Ҳисобчилик ишида у ҳеч нарсани англолмади, шундай бўлса-да, кирим ва чиқим маълумотларини ён дафтарига ёзиб олди. Бундан ташқари, галадонда янгигина чеклар ва бир қанча тўлдирилмаган чек дафтарчалари бор эди. Бир оз ўйланиб туриб, Энрик керакли нарсани топганига ва энди бу ердан тезроқ кетиши лозимлигини англади. Аммо бундан олдин у иккинчи галадондан ташриф қоғозини олди ва уни чўнтагига солди.

Мовий осмон қизғиш тусга кирган кундузги жазирама шаштидан қайтганди. Энрик ўқдай учиб ҳовлидан чопиб ўтди ва панжарадан сакради. Уни ҳеч ким пайқамади. Бебель энди безовталана бошлаганди.

— Хўш? — сўради у Энрикни кўриши билан.

– Тезроқ, тезроқ кетиш керак.

У машинани ўт олдирди ва аста фабрикадан узоқлашди. Қўча кимсасиз, болалар ғойиб бўлганди, бироқ уйларнинг деразаларидан ҳам уларнинг жарангдор овозлари қулоққа чалинарди. Энриқнинг лабларида мамнунлик табассуми ўйнади.

– Ҳаммаси зўр, қизалоқ, ҳаммаси қойил бўлди.

Шаҳарга қайтиб келгач, дарҳол машинани пуллик тўхташ жойида қолдириши лозим: олдинда яна иккита муҳим иш турарди, уларни охирига етказибгина бугунги кунни омадли деб ҳисобласа бўларди. Барибир ҳам сен бу нухани боши берк кўчага ҳайдаб кира оласан, буни қандай бажариш кераклигини биласан. Кун оғир кечадиганга ўхшайди, аммо яна меҳнат қилишга тўғри келади. Сен ташриф қоғозини оласан, уни айлантириб қарайсан, жилмаясан...

– Қулоғим сизда, – симнинг нариги учидан аёл овози келди.

– Сеньор Бальени чақириб бера оласизми?

– Албатта. Ким сўраяпти дей?

– Энриқ Видал, у мени билади, аммо мен фабрика билан боғлиқ иш юзасидан кўнғироқ қилаяпман, бу ғоят муҳим.

...ҳамма нарсадан хабар топгандан кейин Бальенинг башараси қандай тус олишини тасаввур қилинг-а.

– Алло...

Овоз Энриқка таниш туюлди ва бир лаҳза ўйланиб қолди. Бироқ у дарҳол ўзига келди-да, сўради:

– Сеньор Бальеми?

– Ҳа, эшитаман.

– Видал гапираяпти, Энриқ Видал. Биринчи марта эшитаяпсизми?

Фабрикадаги ишлар ҳақида менга баъзи нарсалар маълум, бундан ташқари, мен Рудергес билан боғлиқман. Мен яқинда у ерда ғоят қизиқ ҳужжатларни кўрдим ва сизларнинг ҳисоб-китоб дафтарларингизга кўз ташладим, энди сиз ва хўжайин билан мендан қарздор бўлган юз минг песет ҳақида гаплашмоқчиман.

“Сен Балье бўйин товлайди, бунинг унга ҳеч қандай алоқаси йўқдай қилиб кўрсатади деб кутган эдинг, аммо сен хато қилдинг”.

Бир оз жим туриб, Балье сўради:

– Мен билан қачон учрашмоқчисиз?

– Балки, бугун кечқурундир.

– Йўқ, бугун сира иложим йўқ. Мен аввал сеньор Румагоза билан гаплашиб олишим керак. Келинг, эртага шу пайтда гаплашайлик.

– Қаерда?

– Фабрика ҳисобхонасида.

– Менга қара, Балье, мен сизга ёмонлик қилмайман, бироқ сиз эртага келмасангиз, мен полицияга бораман, сизни нима қилишни улар ҳал этишсин.

– Ташвишланманг, Видал. Эртага ҳаммасини бир ёқлик қиламиз.

У сени лақиллатди. Сен унинг шеф билан боғланишига имкон берасан-да, кейин улашларини сўрайсан. Сени абадиятда бўлиб туюлувчи ўтгиз дақиқа кутиб туришингга мажбур қилишади. Сен сигарета устига сигарета чекасан ва охири...

– Вилла Льебеж. Қулоғимиз сизда.

– Сеньор Румагозани чақириб бера оласизми?

– Ким сўраяпти уни?

– Энриқ Видал.

– Билмадим, жойидамикан. Бир оз кутиб туринг.

– Хўп бўлади.

...сенга Румагозанинг котиби берган рақам бўйича Калельяга қўнғироқ қиласан. Ўн дақиқадан кейин гўшакда баланд таниш овоз янгради:

– Видалмисиз? Нима гап? Бальега нега қўнғироқ қилдингиз?

– Румагозамисиз? Жуда соз... Ниҳоят...

– Бўпти, бўпти, етар. Айтинг, сизга нималар маълум?

– Ҳамма нарса. Балки, хабарингиз бордир, яқинда швейцария банкларидан бирида сизнинг номингизга А. 3585186 рақамли ҳисоб очилган эди, шундайми?

– Шундай, демак...

– Мен ҳаммасини биламан, Румагоза. Сиз мендан юз минг песет қарздорсиз – ёки Андреу Рудергес менга ёзиб берган чек ҳақида унутиб юбордингизми?

– Яхши, яхши. Балье сиз билан эртага фабрикада суҳбатлашмоқчи эканини айтди. Мен ҳам келаман ва ишларни бир ёқлик қилишга уриниб кўрамиз. Эртагача сабр қилинг.

– Демак, эртага мен сизни кўриш шарафига муяссар бўлар эканман-да? Нима ҳам дердим, зўр. Аммо унутмангки, мен ҳозиргина Бальега айтдим: борди-ю, эртага сиз келишилган вақтда фабрикага келмасангиз ва пулни келтирмасангиз, мен полиция комиссари билан гаплашишга мажбур бўламан... сиз буни хоҳламасангиз керак, шундай эмасми?

Энрик Видал шаҳарнинг тунги ҳавосидан ютоқиб нафас олди. У бирдан очиққанини ҳис этди ва анчадан бери туз тотмаганини эслади. Лунжини осилтириб, Бебель қаҳвахонадаги столда ўтирарди.

– Салом, қизалоқ.

– Менга қара, Энрик тоқатим тоқ бўлди. Мени ташлаб кетасан-да, худо билсин, қаерларда югуриб юрасан. Жонимга тегиб кетди.

– Бўпти, қизалоқ, жаҳлинг чиқмасин. Биласанми, нимани ўйладим?

– Хўш, тагин қаёққа йўл солмоқчисан?

– Тамом, ишлар тугади. Бугунча етарли. Кел, овқатланамиз.

– Худога шукр, менинг ҳам гоҳо қорним очишини эслаб қолар экансан.

– Бўпти, бугун биз базми жамшид қиламиз. Балиқ егани борамиз. “Барселонет”га.

– Қаерга?

– Бандаргоҳга. Миллий каталонча таом, ўзинг кўрасан.

– Ия, лотереяда ютдингми?

– Шундоқ деса ҳам бўлаверади, қизалоқ.

Энрик Видалнинг хаёли юз минг песетда эди.

2

Сен чиройли ҳаётни ўлгудай яхши кўрасан. Энрик, буни отанг айтган эди. У яна айтгандики, сен омадли бўлиб дунёга келгансан: мактаб, таълим, майда-чуйда харажатлар учун пуллар... Отанг ўз ёшлиги, қийин замонлар, уруш, концлагерлар, қашшоқлик ҳақида гапирарди. Сенинг ўзинг на озиқ-овқат карточкалари, на қора нон, на ғарибона ҳаётни деярли билмайсан. Аммо отанг бу ҳақда тез-тез эсларди – сен ундан пул сўраганингда ва у мактабга пул тўлаганида, дарсликлар сотиб олганида эсларди. Гарчи ҳозир сен унинг сўзларини унутиб юборишни афзал билсанг-да, чол сенга яна кўп нарсалар ҳақида гапирганди. Балиқ жудаям мазали, озгина саримсоқ пиёз кўшилган... Сен мамнун табассумингни яширишга ҳаракат қиласан.

Айнан мазали кечлик туфайли, шинамгина ресторан туфайли, худди вино миясига уриб, сенга қараб хандон ташлаб кулаётган мана бу қизалоқ туфайли сен отанг ҳақида ўйлашни хоҳламаяпсан, уни эслашни истамайпсан. Булар бари унга ёқмасди, Энрик, у...

Видал минг песетлик қоғоз пулни идишга ташлади-да, Бебелдан сўради:

– Қалай, зўрми?

– Нимасини айтасан. Бундай балиқни биринчи марта ейишим. Бу таом нима деб аталади?

– Сарсуэла. Сарсуэла нималигини биласанми?

...сен қилаётган ишни мақтамаган бўларди. Кейин, Энрик, Жулияни унутма. Ҳа, ҳа, Жулияни, фақат отангни эмас. Бу эслов бошқа фикрларни ўлдиради, саримсоқ пиёз таъмини ўлдиради, юзингдан мамнун табассумни ўчиради, сени гаранг қилади. Сен уни ҳалигача топишгани йўқ ёки топсалар ҳам, газеталарда эълон қилишмаган, деб ўйлайсан. Коржомодаги машинангга ўтириб олган ҳалиги одамлар ҳам аллақачон унут бўлиб кетган сўзларни гапирган ва хотираларни уйғотиб юборган эдилар. Эртага Румагоза билан учрашган вақтингда булар барчаси ҳақида – на ишчилар, на Жулия, на отанг ҳақида ўйламаслик учун ўзингни қўлга олишинга тўғри келади. Ўзингни босишинг сенга гоят қимматга тушиши мумкин.

– Ана холос, демак, биз мусиқавий таом еган эканмиз-а! – деди Бебель Энрикнинг сарсуэла ҳақидаги ҳикоясини тинглаб. Қайтимни олиб, официант қайтиб келди. Ликобчада бир нечта тангани қолдириб, Энрик Видал қайтимни олди, официант бир эмас, бир неча бор раҳмат айтди, ниҳоят, улар туришди.

– Қани, кетдик. Кетар жафосига бирон жойда қиттак-қиттак отамиз, бугун биз шунга лойиқ иш қилдик-ку, шундай эмасми?

– Ихтиёринг...

– Нима, қаршимисан?

– Нега қарши бўлай? Фақат пулни бекорга совуришингни истамайман... Ахир анави иш учун сенга пул тўлашгани йўқ-ку.

Шундай дея қиз унга маънодор қараб қўйди. Энрик унга жавобан жилмайди.

– Бундан қўрқмаса бўлади. Агар омадим чопса, эртага дурустгина пул ишлайман.

– Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди, деб айтмоқчимисан?

– Дурустгина пул ишлайман дедим.

Қиз ҳам ҳамма нарсани билади ва эслайди. Мана шу сени тез ишлашга ундайди.

Эртага сен Бебельга Румагоза билан учрашувинг ҳақида тўлиб-тошиб ҳикоя қиласан, ўзингга ҳавасинг келади ва қиз ҳайратга тушади, барча қийинчиликлар учун бу яна бир мукофотдек, суюнасан. Сенга томошабинлар, олқишлар, ҳаяжонли нигоҳлар керак. Аммо олдинда – узоқ азобли шубҳаларга тўлиқ дақиқалар турибди. Отаси, Жулия, кўк коржомали одамлар, уларнинг содда сўзлари сира миясидан кетмайди. Улар сенга тинчлик бермайдилар ва эрталаб, ёқимли ўтган тундан кейин керишиб, сен газетани очиб қарайсан ва ўзингни ҳамма нарса тубсиз жарга қулаб тушгандек ҳис этасан: “Фалон кўчадаги фалон рақамли уйда бахтсиз ҳодиса юз берди. Газ плитаси носозлиги сабабли ёш аёл ҳаётдан кўз юмди. Нохуш ҳиддан ташвишланган кўшчилар полиция чақирди. Хонадон эшигини бузиб киришди ва ошхонада қизнинг жонсиз танасини топишди. Гuvoҳлар жасадни танишди. Бахтсиз ҳодиса сабаблари ҳозирча номаълум”.

Гүё варақлар қўлига ёпишиб қолгандек, Энрик Видал аста газетани бир четга қўйди. Уни кузатиб турган сеньора Нурия ҳайрон бўлиб, нима гаплигини сўради.

– Ҳеч гап йўқ, нимаиди? – кескин оҳангда деди Энрик, овози қандай чиқаётганини пайқамай. Сеньора Нурия кўнгли оғриб, ошхона томон кетди. Бебель ҳали турмаган эди.

– Уни топишибди.

– Кимни?

– Жулияни. Газетада хабар босилибди.

– Нима деб ёзишибди?

– Фақат топишганини ёзишибди. Буни бахтсиз ҳодиса дейишибди. Аммо сабаби қидирилмоқда экан.

– Бу бир нарсани ўзгартирадимми?

– Ҳамма нарсани ўзгартиради, наҳотки тушунмайсиз!

Гарчи ўз хавотирлари ҳақида гапирмаган бўлса-да, Румагоза хабардан ўз мақсадларида фойдаланишидан Энрик кўрқар эди. Иккита гумони бор эди: ёки Рудергес ва Жулиянинг ўлимида Румагозанинг қўли бор, бу унга қандай таъсир қилишини билиб бўлмайди, ёки бу иккала ўлимга унинг ҳеч қандай даҳли йўқдир, унда Энрик барча таянч нуқталарни йўқотади ва пулдан умидини узади. Иложи борица тезроқ ҳаракат қилиш керак.

– Жуда афсусдаман, қизалоқ, аммо бормасак бўлмайди. Пулинг борми?

– Йўқ.

Энрик чўнтагидан бир нечта юзталиқ қоғоз пул чиқарди ва уларни қизга тутқазди, куртқасини кийди ва Бебелга хайр дегандек бош ирғаб қўйди-да, чиқиб кетди. Сеньора Нурия ишхонада ивирсирди: унга яхши, тушунтириш беришдан қутулади.

Қуёш чарақлаб турган тонг кўчага чиққан Энрик қаёққа ва нима учун бораётганини англай олмади. Адл бино ана-мана кулаб тушиши, бир уюм ахлатга айланиши ҳақидаги фикр унга азоб берарди. Қўл қовуштириб ўтириш ва мағлубиятни кутиш мумкин эмас-ку. У қаҳвахонага кирди, стулга чўкди, сут ва нон билан қаҳва буюрди. Ўн тўрт ёшлардаги официант бола патнис билан қайтиб келганида, Энрик ундан газета сўради ва нонни совиб қолган қаҳвага бўқтирди, кўзларини газетадаги хабардан олмаган ҳолда бир соатдан ортиқ ўтирди. У ўқимаётганди – ўйларди. Сўнг қандайдир қарорга келгандек даст ўрнидан турди-да, ҳисоб-китоб қилди. Ё қаҳва мазалик эканми, ё миясига яхши фикр келиб қолдими, нима бўлганда ҳам Энрикнинг чеҳрасига табассум югурди. У таътил олган ва офтоб чарақлаган кунда ишга бориши керак бўлмаган оддий хизматчига ўхшарди. Аммо унинг кўзлари муз каби совуқ боқарди.

Энрик машинага ўтирди. Чўнтагидан ён дафтарчасини олди, қандайдир манзилни топди. Дафтарчани қайта чўнтагига соларкан, энди у ошкора жилмаярди.

Энрик, ёшлигингда, университетга киргунингча шахматга қизиққанинг эсингдами? Бўлмаса-чи, эсингда, рақибинг ютқазмоқда бўлган ўшандаги туйғу айни пайтда вужудингни қамраб олган эмасми? Ўшанда сўнгги юришни қилиб, севинч билан: “Шоҳ ва мот”, дер эдинг. Ҳозирча сен ютганинг йўқ, аммо тезда Румагоза қўлингга келиб тушади. Шунинг учун ҳозир моторни юргизаяпсан, оҳиста кетиб бораяпсан, аммо дадилсан, чет эл русумли автомашиналар ва ишга шошаётган кичик машиналар оқимиға қўшилиб кетаяпсан, қизил чироқда кўчани кесиб ўтаётган қандайдир беғам одамга сигнал бераяпсан – хуллас, сен ҳар доимгидан ҳам хотиржамсан. Ҳамма нарса сенинг фойданга ҳал бўлмоқда, ёки тўғрироғи, сен...

Бир нечта одам ҳали ҳам цехда айланиб юрар эди — бирлари ўчиб қолган машинага мой суртар, бошқалари супурар эди. Босмахона бўёгининг ўткир ҳиди димоққа урарди.

— Мени зап вақтида топдинг-да. Эрталаблари бу ерда деярли бўлмайман.

Шундай дея ҳайрат билан боққанча у Энриikka қўлини узатди.

— Буни қаранглар-а, Энрик Видал қадам ранжида қилибди! Хўш, қандай янгиликлар келтирдинг?

...эски мактабдош ўртоғинг, кейин Африкада бирга хизмат қилган Жуан Палоуни топасан, ҳаммаси сенинг фойданга ҳал бўлади.

Жуан Палоу уни таҳририятга олиб борди. Куёш нури туширилган дарпарда орасидан ўтиб, тартибсиз ҳолда хонани тўлдирган столлар узра тарам-тарам бўлиб ёйилганди. Таҳририят тамаки тутуни ва эзғиланган сигарета қолдиқларининг чидаб бўлмас ҳидига тўла эди. Улар столда ўтирганча суҳбатлашар эдилар, худди талабалар аудиторияси ёки ҳарбий казармасида бўлгандек, суҳбат енгил кечарди. Энрик Видал ҳамон ишдан гап очишга журъат қилмас, Жуан эса дўстлари уни бутунлай ташлаб кетишганини ва бирор нарса керак бўлгандагина кўриниб қолишларидан гина қиларди. Охири Жуан журналистлар ҳаётидан бир латифа айтиб берди ва Энрик шундан фойдаланиб, ўз ҳикоясини бошлади.

Сен осонлик билан гапирдинг. Сен ҳатто Жуанни кўпроқ ҳайратга тушар деб ўйлагандинг — тагин айнан иш юзасидан! У гапларингни диққат билан тинглади. Йўқ, сен барча қарталарни бирданига очмадинг. Ҳатто бу ишларда ўзингнинг ҳам қўлинг борлиги тўғрисида лом-мим демадинг. Ҳикоянгни тугатиб бўлганингдан кейин энди ҳамма нарса ҳақиқатдан ҳам бутунлай бошқача тус олиб кетди. Борди-ю, ҳозир Палоу ўрнидан турса, елкангдан қоқиб қўйган ва: китоб учун зўр сюжет, муваффақият нақд, деса, ажабланмаслик керак. Аммо Жуан сукут сақлар, гўё давом этавер дегандек, сендан кўзини узмай қараб турарди. Кейин сигаретани олди, сенга манзират қилди, ўзи ҳам битта сигаретани олди-да, тутатди. Сен...

— Румагоза дедингми?

— Ҳа, Жауме Румагоза.

— “Металуржик Каталани, С.А.” данми?

— Ҳа.

— Кўзингга қара, Энрик, эҳтиёт бўл, бунга тишинг ўтмаса керагов.

...бошқача ҳолатни кутган эдинг. Сен Жуанга жанжалли воқеа тафсилотларини айтиш учун келгандинг, кейин у бу ҳақда мақола эълон қилиши ва сени ўт ичидан олиб чиқиши керак эди.

— Нега?

— Жуда катта шахс. Уни ҳамма беш қўлдай билади. Сен бўлсанг унинг жон жойига оёқ босибсан. Сенинг ўрнингда бўлганимда мен тилимни тиярдим-да, бундан кўра қулайроқ пайтни пойлардим.

— Ахир...

— Менга қара, Энрик, Румагоза ҳаддан ташқари кўп соҳаларда иш юритади. У аллақандай металлургия трестининг раиси. У тўқимачилик жиҳозларини олиб кириш ва олиб чиқишга мудирлик қилади. Агар бу корхонани ёпиб туришга у қарор қилган бўлса, бу, балки, бекорга эмасдир. Сенинг ҳаракатларинг бирор нарсага халақит қилиши мумкин эмас, деб ўйлайман. Наҳотки бир-бирига мос келмайдиган қандайдир рақамлар ёрдамида Румагозани фарқ этишга кўзинг етса? Шунчаки, ҳисобчи кўрқитиб юборган бўлиши мумкин деб ўйладингми? Маблагни олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги мана бу

миш-мишларга ҳам унчалик ишониб бўлмайди. Қаттиқ янглишаётган бўлмагин тагин, Энрик.

Сен ўртоғингнинг чимирилаётган чехрасига қарайсан-да, яна ҳикоя қила бошлайсан.

Бу ерга, тамаки ҳиди анқиган бу хонага нима учун келганингни ўзинг билмайсан, сен ўзингга бўлган бор ишончингни йўқотдинг. Бироқ энди Жуаннинг аввалги совуқ ва бефарқ боқувчи нигоҳи ўзгаради. Ажабланмаса бўлади: ўлим ҳаммада кучли таассурот қолдиради, ҳатто кўпни кўрган журналистда ҳам. Сен Жулия ва Рудергеснинг ўлими ҳақида ҳикоя қилдинг. Бор-йўқ гап шу. Сукут беш, ўн, йигирма сония давом этади. Стол чеккасидаги унутилган сигаретадан заиф тутун кўтариларди.

Энрик Видал пешонасидаги терни артди. Икки марта чуқур тутун тортди, кўзи билан кулдонни қидирди. Кулдон ўша ерда, столда, қоғозлар остида ётарди. Сигарета қолдиғи ўчирилди. Жуан Палоу сўз айтишга журъат қилмаётгандек Энриikka жим қараб турарди.

— Ана шунақа, — деди Энрик Видал. — Энди сен ҳаммасини биласан. Демак, бу менинг тишим ўтмаганими?

— Сен ҳаётингни қиморга тикаяпсан. Кўзингга қара, сени ҳам асфаласофилингга жўнатиб юборишмасин.

— Буни тушунаман. Аммо мени аввал ким асфаласофилингга жўнатади — Румагоза ва унинг одамларими ёки полициями, ҳали маълум эмас.

— Сен бунга аминмисан?

— Нимага?

— Румагозанинг қотилликларда қўли борлигига?

— Ҳа. Бугун кечқурун ҳаммаси исботланиши керак.

Энрик Видал ўртоғи билан яна якдил бўлиб олганини тушунди. Энди уларни ўқиш билан ҳам, армиядаги хизмат билан ҳам боғлиқ бўлмаган нимадир бирлаштириб турарди. Шунинг учун ҳам Энрик:

— Жулия ҳақида гапирилган ҳалиги мақола ҳақида сен нима биласан?— деб сўради.

Жуан ҳайрон бўлиб унга қараб қўйди ва ҳаммасини тушунтиришга тўғри келди.

— Нима деса бўлади. Мен бундай ишлар билан шуғулланмайман.

— Тафсилотни аниқлаштира бўладими?

— Ҳа. Бир дақиқа сабр қил.

Жуан гўшакни олди, рақамларни терди-да, деди:

— Жордимисан? Салом, бу Палоу. Менга қара, менга ёрдам бера оласанми... Кеча “Ҳодисалар” да газдан захарланиб ўлган бир қиз ҳақида мақола босилган эди. Сен яна у ҳақда бошқа маълумотларни ҳам била оласанми? Ҳа, раҳмат. Йўқ, қизикроқ ҳеч нарса йўқ. Бирон нарса бўлиб қолса, сенга кўнғироқ қиламан.

— ...

— Яхши. Бўпти, эртагача.

Палоу Энриikka ўтирилди. Унинг нигоҳида ҳамон шубҳа бор эди.

— Йўқ, ҳеч нарса йўқ. Газетадагининг ўзи. Афтидан, полиция яхшилаб кўриб чиқмаган... Шошма, борди-ю...

Кутилмаганда Палоунинг миясига ажойиб фикр келди. Иккалангиз чиқиб кетасиз, Жуаннинг “Журналист” лавҳачали машинасига ўтирасиз ва тўғри полицияга йўл оласиз. У ерда Палоу сени ўз ҳамкасби қилиб кўрсатиш ниятида, барибир сен кўрқасан, Энрик. Сал қоқилдингми — ҳаммаси тамом. Сен сигарета устига сигарета чекасан, аммо кафтларинг терлаб кетган, сен ўзингни Жуандек очиқ-сочиқ ва

бемалол тутолмайсан. Сен атрофга таажжуб билан қарайсан ва шу пайтгача фақат орқаваротдан – намойишда қатнашгани учун полицияга тушган факультетдош ўртоқларингдан ўтган туйғуларни ҳис этасан. Палоу эса ҳеч нарса бўлмагандек ҳали бири билан гап сотади, ҳали иккинчиси билан ҳазиллашади, ҳали яна бирига сигарета тутади, қаҳ-қаҳ уриб кулади. Агар зийракроқ бўлганинда, Жуан ҳам асабийлашаётганини тушунган бўлардинг. Унинг табассуми жиддий ва ўзини ғайриоддий тутади. Сенинг ўртоғинг эса “Шошмай тур, мен ҳозир” дея гойиб бўлганда, танҳоликка бардош беролмайсан. Бўм-бўш қаҳвахонадаги бир қадах коньяк сенинг ҳушингни жойига келтиради.

– Хотиржам бўл, уларга ҳеч нарса маълум эмас.

Энрик коньякни бир кўтаришда ютди; жигарранг суюқлик томоғини куйдириб ўтди ва меъдадаги муз бўлагини эритиб, аъзойи баданга иссиқ тўлқин бўлиб ёйилди.

– Улар нимани аниқлай олишибди?

– Жулия қақида – ҳеч нарса. Ҳозир улар дўстлари ёки қариндош-уруғларини қидиришапти. Сенинг борлигингни билишади, аммо сени сафарда деб ўйлашапти. Ҳамма нарсани бахтсиз ҳодисага чиқаришган. Энди фақат расмиятчиликлар қолган, холос. Рудергес билан алоқани аниқлашга муваффақ бўла олишмаган бўлса керак. Борди-ю, сенинг опангинг... ҳалиги... у билан дўстлашгани аниқлангудек бўлса, унда... Унда улар идорага боришади ва шунда галвалар бошланади. Сени қидиришга тушишади.

– Мен бир нарсани тушунмайман.

– Нимани?

– Жулияни ўлдириш нега керак бўлиб қолганийкин?

– У сени ҳам, Рудергесни ҳам биладиган ягона одам эди. Жулия йўқ бўлса – ўрага сичқон тушди, гулдур-гуп. У ёқда эса ўғирланган чек учун сени қамоққа тиқишади – ҳаммаси жойига тушади.

– Опаннинг Рудергес билан муносабатларини аниқлаш учун қанча вақт керак бўлади деб ўйлайсан?

– Камида икки кун. Полиция ўлиб-тирилиб ҳаракат қилмайди. Ахир бу жиноят эмас-да. Ўз жонига қасд қилганлар ҳозир кўп. Хўш, сен нима қилмоқчисан?

– Румагоза билан гаплашмоқчиман. Кўрай-чи, у ким экан. Агар у мен Рудергеснинг идорасида кўрган ўша олифта нусха бўлса, унинг кўшиғи айтиб бўлинган, у қочиб қутулолмайди. Балки, шунда менга пулни тўлашади, ёки бўлмаса уни ўлдирадилар-да, қотилликни менга ағдаришади. Аммо мен қорамни ўчиришга уриниб кўраман. Полиция...

– Бундай қилма, Румагозага тишинг ўтмайди. Яхшиси, у билан келишишга уриниб кўр. Сен, албатта, кўп нарса биласан, аммо сенга ҳам осон тутиб бўлмайди. Румагоза ўз ишларини ошкора қилишни ҳечам истамаса керак ва сени ғарқ қилиш йўлини албатта ўйлаб топади.

– Ёки бутунлай йўқ қилади.

– Ҳа. Сен жонингни таваккалга қўяяпсан.

– Наҳотки у шунақа мўътабар зот бўлса?

– Сен ўйлагандан ҳам мўътабарроқ.

– Оддий саноатчи...

– Сен шунақа деб биласан. Румагозанинг катта алоқалари бор, у хатарли одам... ёки фойдали, бу қайси тарафдан қарашга боғлиқ.

– Унда нега ундан кўрқиш керак? Ўзинг айтаяпсан-ку, полицияга бориш керак эмас деб, барибир ҳаммасини менга тўнкашар экан-да. Нима қилиш керак?

– Полициядан ташқари яна матбуот ҳам бор. Румагоза битта ёки иккита газетани шахсан назорат қилади... Ҳолбуки, бу қандай қилинишини ўзинг биласан: юқоридан кўрсатма бўлса бўлди, ҳамма нарсанинг изини ўчириш мумкин.

– Бу билан нима демоқчисан? Сизлар ёки бошқа бир газета менинг маълумотларимни чоп этишдан бош тортадими?

– Бўлиши мумкин. Аммо Румагозанинг ўзидек кучли душманлари ҳам бор...

– Улар ҳам саноатчиларми?

– Йўқ, азизим, йўқ. Баландроқ. Румагозанинг қилмишлари ҳақида билиб қолишлари ҳаманоқ унга яхши бўлмайди. У бундай бўлишига асло йўл қўйиши мумкин эмас. Шунинг учун сенда ҳали имкониятлар йўқ эмас.

– Унинг фабрикасидаги ишчилар-чи? Улар ишни магистратурага оширишган. Бирдан қасаба уюшмаси орқали...

– Худо билади. Ҳаммаси анча юқорида ҳал қилинади. Уларга аллақандай бахтсиз ҳодиса нима бўлибди? Жанжални ҳар доим бости-бости қилса, кўзни юмиш учун бировни айбласа бўлади... У ёққа суқилишингни маслаҳат бермайман... аммо бир қанча номни беришим мумкин... Румагоза билан суҳбатда ўшаларнинг номини тилга олиб ўт ва ҳаммаси жойида бўлади. Фақат эҳтиёт бўл. Модомики унинг виждонида икки қотиллик бор эканми... Бунинг нима билан тугашини ўзинг биласан.

Бироқ, мана, вино ҳовури тарқалди, ёнингда Жуан йўқ, сен танҳо қолгансан. Энди сенга ҳар бир жойда, ҳар бир машинада душман яширингандек бўлиб кўринади. Палоу сенга гоҳо газеталарда учратиш мумкин бўлган номлардан бир қанчасини берди-да, иши борлигини айтиб, кетди-ворди. Дўстингнинг маслаҳатлари сени бир оз тинчлантирди, аммо кўрқув ҳамон ўтиб кетгани йўқ. Қовоқхонадаги ҳалиги хўппа семизни ва бошқа маразлар — Румагозанинг одамлари эсингдами? Бундайларга бир оғиз айтилса, бас, улар ҳеч нарсани ўйлаб-нетиб ўтирмай қоринга пичоқ тортиб юборишади ёки бошингга шундай туширишадики, қайтиб турмайсан. Рудергесдай тугатиб қўя қолишади. Модомики, жасад бор экан, демак, “ижрочи” ҳам бор. Аммо ким? Ёлланма қотилми? Сиртига сув юқтирмайдиган Румагоза каби нусхами? Ўлдириш нега керак бўлиб қолди? Рудергес қачонлардан бери шундай ишлар билан шуғулланиб келарди, ҳаммаси силлиқ кетаётганди. Балки у оғзидан гуллаб қўйгандир? Ёки бировлар ишига тумшуғини тикқандир? Худди ҳозиргидек, сенга ўхшаб. Уни ўлдиришди, сени ҳам шундай қилиш қўлларидан келмайдими?

Сен Палоу билан гаплашган қаҳвахона Фунтанель кўчасидан сал нарида жойлашганди. Оёқларингнинг ўзи шу ерга олиб келди сени, Энрик.

Энрик Видал пештахталарни томоша қилаётган киши бўлиб, идора ёнидан ўтиб кетди. Атроф одамга тўла — иш куни ҳозиргина тугаган. Энрик кетаман деб турганида, бирдан сирена овози янгради!

Сенинг жон-понинг қолмади. Сал бўлмаса оёғингни қўлингга олиб қочмоқчи эдинг, аммо ўз вақтида ҳушингни тўпладинг. Уй олдида ҳалойиқ тўпланди. Оппоқ халатдаги икки санитар замбил кўтариб йўлақдан чиқиб кетганида, кимдир замбилда жасад борлигини айтди. Сен Рудергеснинг туфлисини таниб қолдинг ва...

– Нима гап?

– Бахтсиз ҳодисага ўхшайди.

– Қаёқда бахтсиз ҳодиса! Иккинчи қаватдаги бўш хонадондан ўлик топишибди... Айтишларича, бечоранинг энсасидан отишганмиш.

– Эҳ, Худойим-ей, нималар бўлаяпти ўзи!

...ҳаммаси барбод бўлганини тушундинг. Энди суд тергови кетади, ўшанда эса Жулиянинг ўзини ўзи ўлдирмаганлиги аниқланади ва биринчи бўлиб сендан гумон қилишади. Рудергесни топишди ва энди сени гаррата¹ билан ўлдиришлари учун барча асослар бор. Ҳатто ҳозирданоқ бўйнинг атрофидан муздек темир ҳалқа қисиб келаётгандек бўлмоқдасан, бошинга эса қора қалпоқ кийдиришади. Баданинг жимирлаб кетаяпти.

Энрик Видал шаҳар кезарди. Пансионга қайтиб боришга ва Бебель билан гаплашишга кўнгли бўлмаётганди. Ундан кўра боши оққан томонга кетавергани маъқул. Қайсидир қаҳвахонада тамадди қилиб олди, икки қадаҳ коньяк ичди ва ўзи хоҳламаган ҳолда соат уч яримда тагин Фунтанель кўчасида пайдо бўлди.

Ана сен Рудергеснинг телефондаги суҳбатини тинглаган қаҳвахона, ана қоронғи зинапоя, энди ҳувиллаб ётибди, тош йўлдаги қийшиқ плиталар ва оломон, олдинга ва орқага тинимсиз қатнаб турувчи одамларнинг ўша оломони. Машиналарнинг қулоқни батанга келтирувчи шовқини. Оёқларинг ортиқ сенга бўйсунмаяпти, Энрик. Рудергеснинг жигарранг туфлиси, қора тагчармли, чойшаб тагидан сурбетларча мўралаб турибди. Боши айланади... Сен қайтиб келдинг. Қотил ҳар доим жиноят қилган жойига қайтиб келади, деб аллақерда ўқигани бор эди. Бекор гап, уйдирма. Кейин, ахир сен уни ўлдирмагансан-ку. Гарчи буни ҳали исботлаш керак бўлса-да. Шарт, исботлаш шарт, Энрик. Бир нима қилиш керак, карахтлиқни сидириб ташламоқ, ёмон уйқудан уйғонмоқ керак. Рудергеснинг телефондаги суҳбатини тинглаганинг қаҳвахона, энди ҳувиллаб ётган қоп-қоронғи зина, тош йўлдаги қийшиқ плиталар ва оломон, олдинга ва орқага қатнаб турувчи одамларнинг ўша оломони... Тўхта, Энрик, бас. Сен Рудергесни ўлдирмагансан. Сен кириб келганингда, идора бўм-бўш эди ва ерда мана шу тепакал, кўзи хира одам, Жулиянинг ўйнаши ётарди. Ўлиб ётган Жулиянинг жасади ҳам. Бу иккаласи анчадан бери сени эрмак қилиб келаяпти... Сен уларнинг кулгуларини эшитаяпсан... Сен Рудергеснинг телефондаги суҳбатини тинглаганинг қаҳвахона, энди ҳувиллаб ётган қоп-қоронғи зина, тош йўлдаги қийшиқ плиталар ва оломон, олдинга ва орқага юриб турган оломон... Шунда тўсатдан миянг ишлаб қолди. Қайт, Энрик, қайт. Бор... Йўқ-йўқ, у ёққа эмас. Қоп-қоронғи зина... зина, зина... бўлмаса-чи!

– Хайрли кеч.

Дарбон хотин ўз хонасида журнални берилиб ўқиб ўтирарди. Қайнатилган карам шўрва ҳиди анқирди, столдан овқат юқи ликобчаларга қараганда, хотин ҳозиргина овқатланган эди. Деворда радио шанғилларди.

– Хайрли кеч. Ким керак сизга?

– Мен журналистман ва сиздан....

– Э-ҳа! Бугун эрталаб бу ерга ўртоқларингиз келиб кетган эди. Йўқ, нималар бўлаяпти ўзи! Улар, сиз тўғрингизда газетада ёзамиз дейишди, буни қаранг, қанақа бемаънилиқ! Бунақа ишларга мени

¹ Г а р р а т а – ўрта асрларда Испания ва Португалияда бўғиб, қийнаб ўлдириш усулларидан бири.

аралаштиришларини истамайман. Вой тавба, шундай тинч жойда, ҳеч ким ҳеч қачон... Хўш, мен нима дея оламан? Урушгача бундай воқеалар тез-тез бўлиб турарди. Мен унда шу ерда ишлардим ва эсимда, бир куни телеграфда... Аммо...

– Кечирасиз, сеньора. Кимни ўлдиришган экан?

– Унинг исмини билмайман. У бу идорани олти ой муқаддам олганди. Мебель олиб келишди, чунки хонани мебелсиз беришарди. Илгари у бир нотариусга, ювошгина бир одамга қарарди, аюнтамьентонинг маслаҳатчисига. Аммо кейин у ўлди, фарзандларининг эса идора билан ишлари ҳам бўлгани йўқ, шунда сеньор Уртадо, вакил, айтдики, газетага эълон берганмиш ва яқинда хонани кўргани келишар эмиш. Ўшанда мана шу синьор келганди. Кўриниши шунақанги ёқимли одамки, нимасини айтасиз! Эҳ Худойим, ёруғ дунёда нима ишлар бўлмас экан!..

– Унинг исмини биласизми?

– Йўқ, у менга исмини сира айтмаганди. Идоранинг нима деб аталишини ҳам билмайман. Ана, почта қутисида ёзиб қўйилган бўлса керак.

– Мебелни қачон олиб кетишди?

– Идораданми?

– Ҳа-да, менга у ер бўм-бўш, ҳувиллаб ётибди, деб айтишганди.

– Албатта, албатта! Бир куни мана шу сеньор, тўрт мучаси соппа-соғ (кимнинг хаёлига келибди дейсиз!) келди-да, идора кўчаяпти, мебелга келишади, деб айтди.

– Қачон?

– Шошманг, ўйлаб олай... Демак, бугун чоршанба... Ҳа-я, саккиз кун аввал. Нимага эслаб қолганимни айтайми: ўша куни қаватимизда яшовчи бир қиз турмушга чиққанди ва мебелга келишганида, мен жойимда бўлмаган эдим. Ҳа-ҳа, роса саккиз кун аввал.

– Кейин сиз уни бошқа кўрмадингизми?

– Кимни?

– Ҳалигини-да, идорани олган одамни.

– Йўқ-йўқ... Мана, менда унга келган хатлар ҳам ётибди. У хатларни келиб олишади, деганди, аммо нимагадир ҳеч ким келмаяпти... Бўлмаса-чи, шундай ёмон ўлим билан ўлиб кетди...

– Сиз бирон... жиддийроқ нарсани сезмадингизми? Бу сеньорни ҳеч ким сўрамадими? Тепада ҳеч қандай шовқин-сурон ҳам қулоғингизга чалинмадими? Ўқ товушими, дейлик.

– Оҳ, сизни қаранг-у, сеньор! Ҳеч қанақа ўқ отилгани йўқ. Эртасига кўчиб кетгандан кейин бир бола келди, қандайдир ҳисоб олиб келди. Ҳа, яна қанақадир сеньора келди, чеҳраси очиққина, тепада ҳеч ким борми, деб сўради. Мен, йўқ, ҳамма кетган, дедим. У мен киришим керак, деб туриб олди, мен ҳам йўқ деб туриб олдим, бўлди. Аммо барибир у юқорига чиқиб келди.

– Кўриниши қанақа эди ўша сеньоранинг?

– Эсимда қолибдим. Малласоч, бу аниқ, қолгани эса ёдимда йўқ. Бу ердан қанча одам ўтмайди дейсиз?

– Шундай қилиб, у тепага чиқиб кетди, денг?

– Ҳа. Унга айтдим, ёпиқ дедим, у бўлса қулоқ ҳам солмади. Қандайдир учрашув бор, деб тиқилинч қилаверди.

– Ўша хотин тезда қайтиб чиқдимми?

– Эсимда йўқ, мен кўрмадим. Ҳарҳолда, дарров қайтган, ахир у ерда ҳеч ким йўқ эди-да.

Румагоза билан дуч келишга ҳали эрта. Вақтни ўтказиш ва бемалол ўйлаб олиш учун кинога кирасан. Бироқ қоронгида фақат ўнг чакканг оғрийди, қақшаб оғрийди, на аспириин, на бошқа халдорилар ёрдам беради. Охири кетиш учун машинага ўтирганинда, оғриқ кучая бошлайди, чидаб бўлмас даражага етади.

Соат етти ярим эди, у машинасини “Металуржинка Каталона, С.А.” фабрикаси девори ёнида қолдирганида, Энрик Видалнинг соати йигирмата кам саккизни кўрсатиб турарди. Ҳовли дарвозасини кимдир очиқ қолдирганди, бу фақат бир нарсани, “улар”ни билдирарди – Энрик учун бу сўз кўп нарсани аңлатарди – улар келишган. Дарвоза ланг очиқ ва идорада чироқ ёниқ эди. Қоронғи туша бошлади. Энрик Видал ҳовлини кесиб ўтди. У кираверишда ҳеч бўлмаса битта, Румагозанинг машинасини кўраман, деб ўйлаганди, бироқ ҳеч қанақа машина йўқ эди.

Идорага олиб чиқадиган эшик ҳам очиқ экан. Зилдай оёқларини судраб босганча Энрик зинадан тепага кўтарилди. Ботаётган сариқ қуёшдан, йўлдаги чироқлардан ва автомобилдаги зерикарли юришдан унинг боши баттар оғримоқда эди.

Қабулхона бўм-бўш эди. У ерда кимдир бор-йўқлигини билмоқчи бўлгандек қаттиқ йўталиб кўйди. Аммо ҳеч ким жавоб қилмади. Энрик дирекцияга олиб борадиган йўлакдан юриб келди. Ҳисобхонада чироқ ёниб турарди.

Сен аллақачон орқага қайтишинг керак эди, Энрик. Аммо бундай қилмадинг: ўз улушингни олмоқчи ва шундан кейин жуфтакни ростламоқчи, Жулия учун қасос олмоқчи бўлгандинг... Нима бўлганда ҳам энди кеч эди. Сен ҳис қилган биринчи нарса – бу аллақандай ҳид бўлди. Шу заҳоти хотиранг ишлаб кетди: лейтенантнинг оғоҳлантирувчи хуштаги, “ўт оч” буйруғи, затворлар шиқирлаши – Африкадаги отишма.

Бу ерда яқинда отишма бўлганди.

Йўлакда ўқдори ҳиди кезиб юрарди. Ҳисобхона эшиги ланг очиқ, ичкарида чироқ ёниб турарди. Ичкарига киришдан олдин Энрик Видал иккиланиб, одимларини секинлатди.

Орқага йўл йўқ. Энди йўқ... Столда, ҳалиги сен тинтиган катта стол устида қандайдир қора нарса ётарди. Афтидан, хонадаги ҳамма нур шунга тўғриланган, у дарҳол диққатни ўзига тортарди. Ичкарига киришинг билан сен ҳаммасини тушунасан.

Тўппонча оғзидан ҳали тутун чиқиб турар, атиги бир неча дақиқа олдин отишган эди.

Сен қуёнга, Энрик, тузоқдан қутулиб чиқишга беҳуда чиранаётган бадбахт ночор қуёнга ўхшайсан. Мана, бир ҳафтадирки, ҳаёстинг бир нарса атрофида айлангани-айланган; қон кўлмагида ётган ўлик тана. Томоғинг яна кўрқув ва нафратдан бўғила бошлайди. Сен бамисоли жувозга қўшилган эшакдай, Энрик, айланганинг-айланган.

Ўнгда, ходимлар столлари оралигида ерда қандайдир шаклсиз қоп ётарди, унинг нима эканини дарров аңлаёлмайсан. Унинг эгнида қора костюм ва башанг шойи йўлак, ёнида қимматбаҳо чарм портфель худди одам каби ўлаётган дамда у билан ажралишдан кўрққандай.

Маъносиз айланиб юришлар. Бу кимгадир қўл келар эди, аммо кимга?

Энрик Видал мурда устига эгилди.

Эркакнинг бўйнида четлари кўкарган ёриқ жароҳат кўринарди. Ундан ҳали совимаган қон сизар эди. Юзи эса оқариб бўлганди.

Шу пайтгача ўзингнинг тусмолларингга шубҳа қилмасдинг, ўзингнинг зийраклигингдан ғурурланардинг. Аммо сенинг барча тусмолларинг мана шу пойдеворга таянарди. Энди эса пойдевор қулаб тушди. Чунки қотилнинг ўзи қурбон бўлиши мумкин эмас.

У бу шитирлашни дафъатан эшитмади: кимдир хонага яшириниб олган эди, шимининг почалари бир-бирига ишқаланарди. Одимлари эшитилмасди. Энрик ўгирилди, аммо кеч бўлганди.

Акс ҳолда бўм-бўш фабрикада учрашувни сенга ким тайинлаган бўларди, сен бу ерга чақирган одамни ўлик ҳолда қаерда топган бўлардинг?

Аввалига у ортида кимдир ҳаяжонли нафас олаётганини эшитди. Ўзини билдирмасликка уринган одамгина аста нафас олади. Шу топ Энрикнинг устига лосьон, тамаки ва тер ҳиди анқиб турган қандайдир оғир нарса келиб тушди. Шу заҳоти хонада оқ нур чарақлаб кетди ва деворлар, столлар, ердаги мурда ғойиб бўлди.

Қоронғиликка ағдарилиб тушишдан олдин сен бу устамонларча зарба туширган одам сени шунчаки чўчитиб юбормоқчи бўлмаганини англадинг.

У сени ўлдирмоқчи эди. Ўлдиради ҳам.

Давоми бор

*Русчадан
Назира ЖЎРАЕВА
таржимаси*



Вадим МУРАТХАНОВ

Биз кетамиз, сурат қолади

САЛҚИН

Ёз. Иссиқ элитар. Дармон ҳам ёрти.
Зўрға узалади пиёлага қўл.
Қайдадир, зангори тоғлар ортида
Салқин бор, салқинки, керагидан мўл.

Оппоқ кўзичоқдай ирғишлар салқин,
маърар. Ариқ ёзиб олар барини.
Ёзнинг қулоғига чулдираб талқин —
қилиб берар сўнгра товушларини.

СЎЗ

Хона мувозанат, сукутга чўмган.
Парда орасидан нур тушар унга.
Токча. Китобларда унлар жамулжам,
ҳар битта товушнинг ўз нарсаи бор.

Мен ўйлаб топган сўз тополмайди жой,
бир акс-садо у — уйқусираган,
хонамда тентийди у ёндан-бу ён.

Ишдан чўтка олиб келаман бир кун,
мих билан ранда ҳам топгум ахтариб:
уй қуриб беришим керак сўзга мен.

*Русчадан
ФАХРИЁР
таржималари*

Истеъдодли шоир Вадим МУРАТХАНОВ 1974 йили Фрунзе (Ҳозирги Бишкек) шаҳрида туғилган. 1996 йили Тошкент Давлат университетининг хорижий филология факультетини тугатган. 2002 йили «Звезда Востока» журналининг шеърийат бўлими мудири бўлган, 2006 йилдан эса Москвада чоп этиладиган «Новая Юность» журналининг шеърийат бўлими мудири, «Интерпоэзия» (АҚШ) журнали масъул котиби. Шеърлари «Новый мир», «Дружба народов», «Октябрь», «Знамя», «Озод этилган Улисс», «Литературный Азербайджан», «Вавилон», «Литературная Азия», «Ark», «Анор/Гранат» сингари ўнлаб журнал ва баёзларда нашр этилган. «До сумерек» («Қоронғи тушгунча»), «Непослушная музыка» («Итоатсиз мусиқа»), «Портреты» («Портретлар»), «Ветвящееся лето» («Шохлаётган ёз») сингари шеърий тўпламлар муаллифи.

* * *

Кўҳна уй ва қаровсиз боғим...
Ранги, ҳиди қалбимга яқин.
Кимдир қурган, унинг чирогин
ёқиб кетган бир замон тагин.

Лекин кўнглим тўсину печка —
бари-барин вақтдан тарошлаб
олгандай туюлар кичкина,
ҳали гўдак чоғимдан бошлаб.

* * *

Тулука устига баравар сачраб
ётган томчилардан олис ёқларда
негадир сен мenden борасан ажраб,
ўртамизга тушади парда.
Ёмғирни сен билан келар тинглагим,
қарийб биргамиз, демак, малагим.

* * *

Тўкиб бўлди дарахтлар хазон.
Ҳар ким тепа қаватга қарар:
— Мавлуд яқин — арчанинг маржон
чироқлари милтиллаб турар.

Хона совуқ, сукутга ботган.
Пишлоғини майдалар экан,
тинмай қарар тақвим соатга
тоқати тоқ бўлган уйбека.
Қадаҳларни қайта бошидан
санар, лекин кўнгли тўлмайди.
Қоп-қора дераза ташида
эса қордан дарак бўлмайди.

* * *

Хоналарни ёритмаса ҳам
кун нури, чироқни ёқмаймиз.
Ҳар нарсани кун нури бекам
қайтариб беради. Боқмаймиз.

Сен дафтару чироғу устал —
барига қайтасан бирйўла.
Болалар ҳам атрофда балки
ўйнаб юрар қўллари тўла.

Бундан ташқари, Вадим бадий таржима билан ҳам шуғулланади, бир қанча ўзбек шоирларининг шеърлари унинг таржимасида рус тилида босилиб чиққан. Айни пайтда Россия Федерациясининг Москва вилоятида яшаб ижод қилади. Вадимнинг шеърларини «ҳолатлар поэзияси» деб аташ мумкин. У — кайфият ва соғинч мусаввири. Бир шеърида ўзига тинчлик бермаётган Сўзга уй қуриб бергиси келади. Ушбу мажоз ортидан образли фикрлашдан кўра юрт соғинчи тинч қўймаётган юракнинг талпинишлари, орзиқишлари юз кўрсата бошлайди ва аста-секин сатрларга кўчади.

Қиш кечаси. Яримлайди тун.
Катта уйга — бир термометр,
ташқарида музлайди беун,
совуқларнинг узилмас кети.

* * *

Қиш, изғирин юрар улоқиб.
Тинглайин деб сувнинг шовурин,
бурайман краннинг қулогин
баданга хуш ёқар ҳовури.

Бу роҳатни сув менга раво
кўради, пасаймас суръати.
Унга инсон тилида жавоб
беришга етмайди журъатим.

ЗАМИН

(Эркин таржима)

Совуқнинг ҳам ўз ҳикмати бор,
ҳар нарсага шакл солади
қиш кечаси. Қўзёшлар, излар
тунга бориб тўнғиб қолади.

Кўлмаклар тўн ямоғи каби
олақуроқ бўлиб музлайди.
Кундуз чеккан ғамларинг сабил
қолар тунда — паноҳ излайди.

ШАХМАТ

Шийпонча ёп-ёруғ ва қуруқ.
Пиёдалар расо, қорамтир.
Тикилар усталга мисли ўқ
истеҳзоли нигоҳлар бир-бир.
Шахмат тахта ёриқларига
Томир отар сипоҳлар шошмай.
Болакай зерикар баридан,
Ҳали кун туш маҳалдан ошмай.

* * *

Ёзги чилла қумрининг нола —
хонишига шўнғир. Яхши-да.
Янги маъно юклайди бола
бобомерос гилам нақшига.

Ёзнинг тафти, дардимни олиб,
то тонггача жилма нарига,
тушларимни қўриқла, қолиб
ёстиғимнинг ғижимларида.

ГАМЛЕТ

Воқеалар суздир. Тергамоқ
истаги йўқ заррача, ёху!
Ҳушим бор на қилич сермамоқ
ва на жомга солмоққа оғу.

Оқсоч денгиз қутурмас бирдан.
Иштибоҳлар кўнгилга келмас:
тўрт кўз тугал қайтар сафардан
ҳеч кимсанинг қони тўкилмас.

Уйга қайтиб келамиз бир кун.
Ҳадемайин Эльсинорада
эски гуноҳ, қайғулар учун
ёш тўкамиз дилни поралаб.

* * *

Оғриб бўлар оғриқлар бари,
титроқлар ҳам адоқлаб қолар.
Ўзга зотнинг юз чизиқлари
мени бир кун ёдинга солар.

Тушларинга мўралаб кириб,
бўлажакман сенга ҳамнафас.
Ҳазонни ел кетса учуриб,
у баҳорда қайтажакдир, бас!

СУРАТ

N.га

Арқонни тортсанг бас, хўрсиниб бир зум,
эшик ичкарига бошлайди сени.
Бола лабидаги синиқ табассум,
кел, мени кутиб ол, гапга сол мени.
Тортинчоқ, журъати йўқ бир мендаин
бандага сабр ва вазминлик ёрми?
Сен кирган тушларни сув билан тайин
ювиб ташламоқнинг имкони борми?

Биз кетармиз, сурат қолади охир,
ранглари ўнғиган, бамисли қамоқ.
(Кимгадир хурмонинг яланғоч шохи
сўнги мевасини асрайди ҳамон.

Девор ортидаги кўздай ўйилган
туйнуклар хаёлни тубанбанд этар.)
Альбомга ёт хешлар билан қўйилган
суратинг уларга қоришиб кетар.

Набираларимни инжитмас асло
зулматдан балқиган пари жамоли.

На тубсиз кўзларни, на урён хурмо
шоҳини кўрмоққа бўлмайди ҳоли.

Кимдир бизни эслар суратга боқиб,
биз унинг ёдида бир-биримизни
туш кўрамиз ёниб, соғиниб, ёқиб.
Тор ҳовли очади бор сиримизни.

* * *

Ёвуқ эди у менга асли,
қайдан келди бу қўққис жазо:
мен қидирдим уни тонгласи,
тополмадим валекин асло?

Кириб олганмикан танимга,
бўлмаса, у гизланди қаён?
Ичимга сифса ҳам — ғаним-да —
кўнглимга сифмайди бу хаёл.

Зарра хафа эмасман бундан,
сир бой бермай юракни эзар.
У мен билан овқат ер, тунда
туриб бирга шеърлар ҳам ёзар.



Ушбу шеърлар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини улуғлаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан ғурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».



Улуғбекнинг астрономия мактаби

...1337 йилда Туркиянинг Бурса шаҳрида таваллуд топган Қозизода Румий таниқли қомусий олим ва файласуф Шамсиддин ал-Фанорийдан дастлабки сабоқларни ўрганди. Охир-оқибат, бу устоз араб ва форс мударрислари дарс берувчи Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг машҳур мадрасаларида астрономия ва риёзиётни чуқур ўрганиш учун Қозизодага Туркияни ҳуфиёна тарк этишда ёрдам беради. Румий Самарқанд мадрасасида фалакиёт ва риёзиёт фанларининг нуфузли уламоларидан бирига айланди ва Улуғбекка ҳам устозлик қилди. Қозизода ўзи билан бирга ал-Фанорий томонидан тузилган фанлар мажмуасини ҳам олиб келган эди. У бу асарни Улуғбекка ўргатади. Бироқ Қозизода Улуғбекда астрономия фанига бўлган ноёб қобилиятни сезиб, уни кўпроқ ушбу фанни чуқур ўрганишга йўналтиради. Улуғбек Қозизодадан кўп илм ўрганди ва уни устоз деб билди.

Улуғбек ўша даврнинг энг машҳур риёзиётчиси ва астрономи Фиёсиддин ал-Кошийни ҳам ўз маслаҳатчиси, устози деб ҳисоблаган. Ҳиротда Фиёсиддин ал-Коший астрономияга қизиққан Улуғбекнинг укаси Искандар Султонга таҳсил берарди. Улуғбек уни 1417 йилда Самарқандга, ёнига чақиртириб олади. Ал-Коший расадхона лойиҳаси ташаббускорларидан бўлди ва юлдузлар жадвалини тузишда фаол иштирок этди.

Маърифатли инсонлар маслаҳати билан Улуғбек Самарқандда илм-фанни ривожлантириш, жумладан, фалсафа, риёзиёт ва фалакиёт илмлари билан шуғулланиш ниятида катта мадраса қурдиришга қарор қилди. Ҳали бисёр бўлган Темурбек салтанати ҳазинаси қолдиқларидан бугунги кунгача Регистон майдонида қад кўтариб турган ва ўз номи билан аталувчи улкан мадрасани барпо қилди. Бу мадраса VIII асрда Боғдодда ал-Мансур халифалиги даврида бошланган ислом расадхоналари ва мактаблари фаолиятида юз йиллар давомида тўпланган тажрибаларнинг давомчиси сифатида танилди. Дастлабки ҳаракатлар юнон математиклари ва файласуфларининг асарларини араб тилига ўгириш билан бошланган бўлса-да, сўнгра форс ва ҳинд олимлари ўртасидаги муносабатлар билан янада бойиб борди. Юнон астрономи Клод Птоломейнинг икки асари, эрамининг 130-йилларида яратилган, «Алмажест» ва «Сайёралар гипотезаси» асарлари Аристотел фалсафаси билан яқиндан таниш бўлган мусулмон мутафаккирлари эътиборини тортди. Улар худди христиан ва яҳудийлар сингари диний бўлинишликка эмас, балким Птоломей томонидан ишлаб чиқилган геосентрик тизимни қўллаб-қувватладилар: Ер Худо томонидан Одам ато учун яратилиб, ўз ўқи атрофида айланувчи кўзгалмас борлиқдир, қуёш ва ой бошқа

Ўтган йили Париж шаҳридаги нуфузли “Арматан” нашриётида Евро-Осиёни ўрганиш жамияти ташаббуси билан “Асрларни ёритган юлдузлар” номли китоб чоп этилди. Мазкур китобдан франциялик темуршунос олим, темурийлар даврини ўрганиш Франция уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси «Шуҳрат» медали соҳиби Люсьен Кереннинг «Улуғбек ва Самарқанд астрономия мактаби» номли мақоласи ҳам ўрин олган.

Ушбу мақола «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Жанонбек Санақулов ва Баҳромжон Аълоевлар таржимасида жузъий қисқартиришлар билан эълон қилинди. Бундан миннатдор бўлган муаллиф газета Бош муҳаррири номига мактуб йўллади.

Мазкур мақолани ҳамда жаноб Кереннинг мактуби ва газета муҳаррирининг унга жавоб хатини эълон қилар эканмиз, ўқувчилар эътиборини тортади ва улар қалбини яна бир қарра улуғ алломамиз ижодидан ифтихор ва гурур туйғуларига тўлдиради, деб ўйлаймиз.

сайёралар сингари мукамал доира шаклида Ер атрофида айланади. Бу тизимни ҳаракатга келтирувчи қонун-қоидаларни ўрганиш учун мусулмон астрономлар юнон астрономлари ҳулосаси ва ўзларининг шахсий кузатишлари орасидаги кўплаб қарама-қаршиликларни бартараф қилиш борасида ҳисоб-китоб ва кузатишларни кўпайтирдилар.

Дарҳақиқат, VIII асрдан XIV асргача бўлган мусулмон оламида шакланган кўплаб иқтидорли математик ва астрономлар замонавий даврдан олдин бўлмаган. Улар ҳинд олимлари билан ҳамкорликда юнон астрономлари хатоларини тўғрилаб, асл математик моделлар яратиб, ўз меҳнатлари натижаларини баён қилганлар. Улар диний ибодатга боғлиқ жамият саволларига ҳам жавоб беришлари лозим эди: муқаддас шаҳар жойлашуви, ибодат вақтлари, ҳижрий йил ҳисобидаги ойнинг кўриниш санасини аниқлаш ва ҳоказолар. Шундай қилиб, улар расадхоналар қуришга киришдилар, кўплаб математик ҳисоб-китобларни туздилар, нуқтанинг текисликдаги ва фазодаги ҳолатини ҳисоблаб, самовий жинслар ҳаракатларини ўлчаш ва аниқлаш учун кўплаб турдаги асбобларни ихтиро қилдилар. Бу ишларнинг нусхалари асосан араб ва форс тилида тузилган бўлиб, шаҳардан шаҳарга, расадхонадан расадхонага алмашилиб турарди.

Регистон майдонидаги мадрасанинг қурилиш ишлари 1417 йилдан 1420 йилгача давом этди. Бироқ “темурий” услубидаги ажойиб ёдгорликлардан бири бўлган бу мадрасанинг меъмори исмини ҳеч ким билмайди: деворлар, миноралар ва нақшлар араб услубидаги геометрик шакллардан ташкил топган. Кўк ранг, сирли, такрорланувчи безаклар кўп ишлатилган.

1420 йилда қурилиш ишлари тугатилиб, Қозизода дастлабки сабоқни Улугбек иштирокида бошлаб берди. Янги мадраса ўз даврининг энг машҳурига айланди ва ал-Коший ҳам у ерда математика асослари тўғрисидаги билимлари билан талабаларга таълим бера бошлади. У бу ҳақда 1427 йилда тугатган “Мифтоҳ ул-ҳисоб” «Арифметика қалити» асарида қайд этган бўлиб, асар Улугбекка бағишланган ва қуйидаги кириш сўзлари билан бошланган: «Мен бу асарни энг буюк, энг одил, энг оқил ва энг машҳур олим Султон Улугбек Кўрагоний кутубхонаси учун яратдим».

Ўқув дастури кутубхонадаги энг машҳур мусулмон астроном ва математикларининг асарларига асосланарди. Бу асарлар Улугбекнинг муруввати туфайли унинг хазинаси эвазига қўлга киритилганди. У ўзининг ёш ҳамкасби Али Қушчини астрономияга оид хитой қўлланмалари ва тақвимларини топиб келиш учун ҳаттоки Хитойга ҳам жўнатади.

Улугбек ал-Коший, Қозизода ва бошқа ҳамкасблари маслаҳатига таяниб, улар ният қилган ансамбл — улкан астрономик расадхонанинг қурилиш лойиҳасини ишлаб чиқишга буйруқ беради. Астрономия гуруҳи талабалари мадраса таҳсилни тамомлаб, ўзларининг келажакдаги вазифаларини белгилаб олишган бир пайтда, шаҳарнинг шимоли-шарқидан бир неча чақирим нарида жойлашган Кўҳак тепалигида 1420 йилда расадхона қурилиши бошланади. Лашкарбошилиқ ва ҳукумат ишларидан бўш вақтларида Улугбекнинг ўзи ҳам ўлчов ва ҳисоб-китобларда иштирок этади.

Улугбек Самарқандда дарвешлар учун улкан гумбазли хонақоҳ қурдирди, хонақоҳ ҳаммоми рангли тошлар билан безатилган бўлиб, аҳоли уни шаҳарнинг энг муҳташам иморати деб ҳисобларди. Жумладан, у катта қарвонсаройларга ўхшаш дид билан ясалган ёғоч ўймакорли масжид ҳам қурдирди. Катта боғ ўртасида 40 устунли сарой бунёд эттириб, сарой ёнида ўзининг миниатюра тўпламларини сақлаш учун Хитойдан келтирилган чинни кошинлар билан безатилган ажойиб хона ҳам қурдирган. Темурбекнинг хоки жойлашган Темурийлар мақбарасини қурдиришни давом эттирди. «Гўри Амир» мақбарасига 1425 йилда Мўғлистондан олиб келинган улкан қора нефрит тошини ўрнатди ҳамда Тож Маҳал сингари муҳташам хонани чиройли мармар панжара билан безатди. Шоҳизинда мақбараси кириш эшигини бунёд эттирди. Бухорода янги мадрасалар бино қилдирди.

Унинг қобилияти жуда ҳайратланарли эди, чунки Улугбек нафақат математик ва астроном, балки китобсевар, шоир ва улкан тарихчи бўлиб, расадхона ва мадрасадаги таълим жараёнида ва илмий изланишларда ўзи фаол қатнашиб, ўз

соҳасининг устасига айланган эди. У янги мунажжим ва ўқитувчиларни ишга қабул қилиб, баъзан талабалар билан камтарона ва очик мулоқотда бўлишдан завқланарди. Шунинг натижаси ўлароқ, Улугбек математика соҳасида жуда қобилиятли ва зеҳли бўлган ёш Али Қушчи, — “лочин овчиси” билан танишиб, дўст тутинди. Ёш талаба унинг кўмаги сабабли, кейинчалик таниқли устоз ва Улугбек асарларининг давомчисига айланди.

Ўз соҳасининг билимдони бўлган Гиёсиддин ал-Коший қурилиш ишларини бошқариш ва расадхона хизматини йўлга қўйиш жавобгарлигини ўз зиммасига олди. 1429 йилда тугалланган бу расадхона бутун Осиёни ҳайратга солганди. Афсуски, расадхонанинг қурилиши диний эътиқодга нисбатан ўзининг ҳур, мустақил фикрига эга бўлган Улугбек тўғрисида руҳонийлар томонидан номақбул фикрлар, миш-мишлар тарқатиш, олимни бузгунчиликда айблашга асос ҳам бўлди. Улугбекни Шоҳруҳ даврида Ҳиротдан қувилган бидъатчи Қосим Анвар билан яхши муносабатда бўлганликда ҳам айбладилар. Бу каби воқеалар орадан 30 йил ўтгач, расадхона мавқеининг бутунлай пасайишига ва кўплаб мунажжимларнинг бу ерни тарқ эта бошлашига сабаб бўлди. Улугбекнинг фожиавий ўлимидан 50 йил ўтиб, 1499 йилда расадхона батамом бузиб ташланди.

Бугунги кунда расадхонанинг ички ва ташқи кўриниши хусусида жуда оз маълумотларга эгамиз. Ўша даврда яшаган олим Абдураззоқ Самарқандий расадхонани ўз кўзи билан кўрган бўлиб, уни қуйидагича тасвирлайди: «Бино деворлари ўзгармас юлдузлар, 1/60 сонияли, сониялар, дақиқалар ва осмон гимбази даражалари билан безатилган. Яна денгизлар, саҳролар, тоғлар, Ер иқлими минтақалари ифодаланган дунё жуғрофий хариталари ҳам бор эди. Буларнинг ҳаммаси номутаносиб геометрик шакллар ва ажойиб суратлар билан ифодаланган».

Мирзо Бобур ўз хотираларида шундай ёзади: “Яна бир улкан иморат астрономик жадваллар тузишга мўлжалланиб, Кўҳак тепалигида уч қават қилиб қурилган расадхонадир».

1908 йили рус археологи Виаткин Кўҳак тепалигида расадхона қолдиқларини топишга муяссар бўлди: диаметри 46 — 50 метрли доира шаклидаги иморатга тааллуқли безаклар, гишталар, тош парчалари, шунингдек, шимол-жануб меридиани бўйлаб йўналтирилган чуқурлиги 11 метр бўлган ерости қисмига олиб кириш жойи топилди. Тадқиқотлар давомида археологлар деворларнинг асосини ва яна бир қанча қолдиқларни топдилар.

Самарқандий ва Бобур қолдирган қисқа кўрсатмалар ва хароба қолдиқлари туфайли ўзбек, рус ва бошқа давлат археологлари ўша давр архитектура қурилишини ҳисобга олиб, Мароға, Дамашқ ва Бағдод каби дунёнинг машҳур расадхоналари қурилиш архитектурасига таянган ҳолда Улугбек расадхонаси лойиҳасини тикладилар. Бино доира шаклида бўлиб, баландлиги 30,42 метрни ташкил қилади, тахминан 15 метрли тепаликни қўшиб ҳисобласак, расадхона ер сатҳидан қарийб 45 метр баландликда бўлган. Ясси мармарли асосга қурилган уч қаватли бинонинг ҳар бир қавати ташқарига қараган 32 та арқдан иборат эди. Деворларнинг ташқи томони сирли кошинли ранглар, айниқса, кўк ранг, араб ҳарфлари ва гул шакллари билан безатилган эди. Бино тўғри меридиан бўйлаб жойлаштирилган 21,6 метр радиусли секстант арки билан тенг икки қисмга ажратилган.

Топилган девор қолдиқлари бинонинг пастки қисмида расадхонанинг турли хизматлари учун мўлжалланган хоналар бўлганлигини тасдиқлайди. У ерда турли жиҳозлар ва асбоб-ускуналар сақланадиган хоналар, устахоналар, асбоб-ускуна ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари сақланадиган хоналар, кутубхона, мажлис хонаси, хариталар жойлаштирилган хона ва яна ёзувлар ҳамда дарс жараёнидаги суратлар учун мўлжалланган хона мавжуд бўлган. Самарқандий томонидан жойи аниқ кўрсатилмай эътироф этилган деворий суратлар билан безатилган хоналарнинг бўлганлигини аниқлаш қийин. Эҳтимол, расадхона ходимлари ва зиёратчилар учун ошхона, озиқ-овқат дўкони ва сув сақлаш мосламалари ҳам бўлгандир.

Улугбек расадхонасида тунги осмонни ўрганиш мақсадида бир неча кузатувчилар учун мўлжалланган майдонча, шунингдек, гномонли катта қуёш соати ҳам мавжуд бўлган; секстантнинг тепа қисми қуёш йўналишида меридиан билан кесишадиган пайтда нурлар ўтказувчи тўғриланадиган суйра ойнали том билан ёпилган эди. Қуёш нури қоронғуликда жойлашган секстантнинг ерости

ёйсимон қисмида доғ ҳосил қилар, кузатувчилардан бири секстантнинг ёйсимон шакли устига ёзилган даражаларни кузатиб борарди. Шу улкан асбоб билан Улугбек бир йилни 365 кун, 6 соат, 10 дақиқа, 8 сонияга тенглигини аниқлади, ҳозирги замон астрономлари эса 365 кун, 6 соат, 9 дақиқа, 9,6 сония эканлигини тасдиқлашди. 0,32" даражали арзимас хато билан Улугбек эклиптика оғмалигини ҳозирги замон астрономлари ҳисоб-китоби бўйича 23°30'45" даража эмас, балки 23°30'17" даража деб берган эди.

Секстантдан ташқари, фақат кўз орқали ўрганилган сайёралар ва юлдузлар кузатуви турли хил таниш асбоблар билан амалга оширилган: устурлоблар, армияр шари, балистислар, трисветрлар, шаниллар ҳамда соат ва ҳоказолар.

Зиж (Юлдузлар жадвали) қачон ёзила бошланганлиги маълум эмас, эҳтимол, 1420-йилларда бўлиши мумкин. Тошкентда топилган форсий қўлёзмага асосан 1444 йилда яқунланганлиги эътироф этилади. Лекин Улугбек умрининг сўнгги дамларига ҳам унга ўзгартиришлар киритган бўлса ажаб эмас. Бу жадвал Улугбек йиққан мунажжимлар гуруҳининг заҳматли меҳнати маҳсулидир. Унинг ўзи ҳам асарни бил шаклида жамлашда иштирок этди. Одатга кўра, расадхона мунажжимлари томонидан тузилган зиж ўз сулоласи ёки ҳукмдор номи билан аталиб, Зижи Кўрагоний деб номланган. Юлдузлар жадвалининг Францияда босилиб чиққан нусхаси форс тилидан (Седийё) таржима қилинган бўлиб, Улугбекнинг ўзи ёзган 6 саҳифали кириш сўзи билан қўшиб ҳисоблаганда, 200 саҳифани ташкил қилади.

Юлдузлар жадвалини тузиш жараёнида 1430 йили ал-Кошийнинг, 1436 йили Қозизода Румийнинг ўлими олимлар учун катта йўқотиш бўлди. Улугбек Зижнинг кириш қисмида уларга чуқур ҳурмат изҳор қилиб, асарнинг яқунланишида ёш Али Қушчининг хизматлари юксак бўлганлигини таъкидлайди.

Улугбекнинг икки ўғли бўлиб, уларга болалигиданоқ турлича муносабатда бўлинганлиги маълум. Ота кичик ўғли Абдулазизни эркалаб ўзига жуда яқин тутди, тўнгич ўғли Абдулатифни эса Хуросондаги бувиси Гавҳаршодбегим ёнига жўнатди. Шу йўсинда, Абдулазизга кўпроқ ён босиб, уни ортиқча эътибор билан Самарқандга чақиртириб, халқ олдида валиаҳд деб эълон қилди.

1447 йил 2 март куни қисқа бетобликдан сўнг Шохруҳ Мирзо вафот этди. Улугбек бундан қаттиқ қайғуга тушиб, ҳокимиятни куч билан эгаллашга уринаётган хиянларидан бирига қарши Хуросонга қўшин тортишга мажбур бўлди. Абдулатифнинг ёрдами туфайли, 1448 йили Тарбобдаги жангда хиянини мағлубиятга учради. Қонуний ҳокимиятни қўлга киритган Улугбек Самарқандга, кенжа ўғли ёнига қайтиб келди.

Отаси туфайли узоқ йиллар пойтахтдан йироқда бўлган Абдулатиф ўзини камситилган деб ҳисоблайди ва унда отасига нисбатан чуқур хусумат пайдо бўлади. У бебурдликка берилиб кетган ва шаҳарда ўз билганича яшовчи ҳамда ҳукмдорга бўйсунмай қўйган аскарлар орасидан ўз тарафдорларини топишга муваффақ бўлди. Баъзи диндор ҳамтовоқларига таянган Абдулатиф ўз атрофига отасини тахтдан ағдаришга шайланган ҳамда ҳукмдорга қарши кайфиятда бўлган жангчилардан етарлича йиғиб олишга муяссар бўлганлиги ҳам аниқ. Иккала қўшин ўртасидаги жанг Самарқанд яқинидаги Дамашқ қишлоғида бўлиб ўтди. Улугбек жангда мағлубиятга учради, Абдулатиф отасини асир олди ва уни ўлдириш тўғрисида фармон берди... Бу фожиа 1449 йил 27 октябрда ҳукмдорнинг 55 ёшлик вақтида содир бўлди. Улугбек Гўри Амир мақбарасига, бобосининг ёнига дафн қилинди. Қабртош устидаги ёзув Улугбекнинг шаҳид бўлганлиги ва Абдулатиф падаркуш эканлигини тасдиқлайди.

Бу фожианинг асл сабаби ва моҳияти тўғрисида ҳозиргача бош қотиришади. Улугбекнинг тўнгич ўғли билан келиша олмаганлигининг боиси нимада эди? Биринчи тасдиқ Темурбек ҳукмронлигининг сўнгида пайдо бўлиб, Али Яздий “Зафарнома” (1425) китобида бу воқеанинг астрология билан боғлиқлигини кўрсатади. Расмий астрологлар томонидан ўрганилган ва унинг ўзи ҳам текшириб чиққан Улугбекнинг тақдир тўғрисидаги башоратда (гороскоп) кўрсатилишича, унинг туғилган куни Аждарнинг дум қисмида жойлашган Шер буржида бўлиб, бу ҳалокатдан нишонга эди. Абдураззоқ Самарқандий ўзининг 1471 йилда ёзган йилномасида бу воқеани куйидагича тўлдирди: унинг фикрича, Улугбек ва ўғли ўртасидаги адоват уларнинг тақдирдан келиб чиқади. Олим Улугбекнинг

тақдир юлдузи Аждар дум қисмида бўлиб, бахтсизлик ва мусибатни ифодаласа, Абдулатифники Аждарнинг бош қисмида бўлиб, куч ва ғалабадан дарак беришлигини таъкидлаганди.

Улуғбек учун Юлдузлар жадвалининг тўртинчи бобини ташкил қилган астрология алоҳида бир фан ҳисобланарди. У ўзи қайта ҳисоблаб чиққан бу башорат жадвали (гороскоп) га ишонар эди. Ўғлининг ўзига қарши исъён кўтариши мумкинлиги боис, уни ўзидан узоқда сақладилар ва бу Абдулатифнинг валиаҳдлик ҳуқуқидан маҳрум бўлишига олиб келди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бахтиқаро Улуғбек ўғлининг нафратини қўзғаб, ўз тақдирининг шундай яқун топишига, эҳтимол, ўзи сабабчи бўлгандир.

Люсьен КЕРЕН:

“ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭЗГУ ФАЗИЛАТЛАРИ МЕНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН...”

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси Бош муҳарририга

Ҳурматли Бош муҳаррир, азиз ўзбек биродарим!

Сиз раҳбарлик қилаётган газетанинг 2009 йил 10 июл сониди Мирзо Улуғбекка бағишланган «Улуғбекнинг Самарқанд астрономия мактаби» номли мақоламни босиб чиқарганингиздан бениҳоя бахтиёрман. Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги маданий ва илмий алоқаларни ривожлантиришга ўз ҳиссамни қўшиш мен учун катта қувонч ва шарафдир. Шу боис, мақоламни нуфузли газетангиз саҳифаларида босиб борасидаги ташаббусингиз учун сиздан ҳамда мақоланинг таржимаси устида ишлаган таржимонлардан миннатдорман. Ушбу мақоланинг француз ва ўзбек тилларида эълон қилиниши астрономия йили доирасида ўтказилаётган тadbирлар қаторида алоҳида аҳамият касб этади.

Бундан 48 йил аввал, 1961 йили мен Ўзбекистонга илк бор сафар қилиб, Самарқандни ўзим учун катта завқ ва ҳайрат билан кашф этган эдим. Менга ушбу мафтункор шаҳар тўғрисида илк бор Париждаги афғон дипломати, келиб чиқиши ўзбекистонлик бўлган дўстим Ислон Бек Худоёрхон сўзлаб берган эди.

Мен мамлакатингизга ЮНЕСКО ташкилотининг кўриқ ерларни ўрганиш масалалари билан шугулланувчи кўмитаси миссияси доирасида совет даврида ишлаб чиқилган «Кўриқ саҳро»да сугориш ишларини йўлга қўйиш бўйича лойиҳа»нинг амалга оширилишини кўриб чиқиб, тегишли хулоса тайёрлаш учун юборилган эдим. Ачинарлиси шундаки, мазкур лойиҳа Орол денгизининг фожиаги қуришига олиб келган сабаблардан бири бўлди.

Шу биринчи ташрифим чоғидаёқ мен ўзбекистонликларнинг самимий ва кўнгли очиқ инсонлар эканлиги, меҳмондўст ва бағрикенглигидан ҳайратга тушиб, халқингизнинг бу фазилатларига юқори баҳо берган эдим. Яна бир нарсани таъкидламоқчиманки, ўзбек халқи совет цензураси ҳукм сурган даврда ҳам буюк давлат арбоби, ажойиб саркарда, соҳибқирон Амир Темурни нунутмаган эди. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан кейин, мамлакатингизда уч маротаба бўлдим ва ҳар гал ўзбекистонликларнинг менга кўрсатган чуқур ҳурмат-эҳтиромини сезиб турдим.

Ўзбекистонга қилган сафарларим чоғида мустақилликдан кейин Президент Ислон Каримовнинг очиқ ва оқилона сиёсати туфайли ўзбек халқи жаҳон санъати, маданияти ва илми ривожига катта ҳисса қўшган Амир Темур ҳамда темурийларнинг бой тарихий, маданий ва илмий меросини ўрганиш, бу бебаҳо хазина тўғрисида баралла гапириш имкониятига эга бўлганлигига гувоҳ бўлдим. Президент Ислон Каримовнинг бу борадаги қарорлари, амалга оширган ибратли ишлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Зеро, халқ ўз ўтмишини билиши, улуғ аждодлари билан фахрланиши лозим.

Темурийлар даври тарихи, жумладан, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган изланишлар ва тадқиқотлар ўтказишга қўшган ҳиссамдан фахрланаман. Бу мавзуда мен иккита китоб, кўплаб мақолалар ёздим, бир қатор конференциялар ўтказдим. Ўзбек-француз маданий алоқаларини

ривожлантириш мақсадида 1988 йилдан эътиборан Фредерик Брессан хоним билан Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш жамиятини туздик. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов менинг бу камтарона меҳнатимни муносиб баҳолаб, 1996 йили ЮНЕСКО бош қароргоҳида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш доирасида менга Ўзбекистоннинг юксак мукофоти — «Шухрат» медалини топширди.

Муҳаррир дўстим. Ёшим тўқсонга яқинлашиб қолди. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон билан боғлиқ унутилмас хотиралар билан яшаб, ижод қилиб келмоқдаман. 1993 йили Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси даъвати билан Парижга келганингизни, ЮНЕСКО Бош қароргоҳидаги маърузангизни, мустақил Ўзбекистоннинг илқ қадамлари тўғрисидаги ҳаяжонли суҳбатларингизни яхши эслайман. Ўшанда сиз менга ўзбек дўшиси ва халқ усталари тайёрлаган санъат асари даражасидаги пичоқни совға қилган эдингиз. Дўшпини бошимга кийдим, пичоқни эса қадимий француз одатига кўра, рамзий равишда бир франкка сотиб олдим. Бу совғаларни ҳали-ҳануз сақлаб келаман. Менинг Амир Темур ҳақидаги асарларимдан парчаларни эълон қилганингиздан бошлаб эса, газетангизга алоҳида меҳрим тушган.

Менга берилган ушбу ажойиб имкониятдан фойдаланиб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ўқувчиларини, мен учун қадрдон бўлган ўзбекистонликларни қўшалоқ байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ва унинг пойтахти Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик байрами билан самимий кутлайман. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва фаровонлик тилаб, ушбу мактуб орқали ўз эзгу ниятларимни йўллайман.

Ўрнатли Бош муҳаррир ва азиз дўстим, сизга бўлган ҳурмат-эътиборимни қабул этгайсиз.

*Люсьен КЕРЕН,
Темурийлар даври тарихи ва
санъатини ўрганиш
жамияти раиси*

* * *

*Париж, Франция
Темурийлар даври тарихи ва санъатини
ўрганиш жамияти раиси Л. КЕРЕНга*

Муҳтарам Люсьен КЕРЕН жаноблари!

Ассалому алайкум!

Менга йўллаган мактубингиздан бениҳоя хурсанд бўлдим. Мактуб газетамизда эълон қилинди.

1992 йили АҚШнинг Индиана университетида Шарқ мумтоз адабиётининг зукко билимдонларидан бири Юрий Брегел домла билан учрашганимда, у кишининг Огаҳий ижодига доир фавқуллода муҳим тадқиқотларини кўриб, ўзимиздан чиққан буюк алломаларни хорижлик олимлар биздан кўра чуқурроқ билишларидан ҳайратга тушган эдим. Орадан кўп ўтмай, Мадисон университетида франциялик тадқиқотчи Кэртин Пужол хоним менга сиз тўғрисида гапириб қолди. Ўшандаёқ ўз ватандошлари журъат эта олмай турган ўта масъулиятли мавзуга қўл урган Сиздек фидойи олим билан учрашишни ният қилган эдим. Орадан бир йил ўтгач, Парижда Сиз билан учрашишга муяссар бўлдим. Суҳбатларимиз чоғи Амир Темур ва темурийлар даврининг зукко билимдони эканлигингиздан ифтихор қилдим.

Таассуфки, биз, юртимизда туриб ҳам, узоқ йиллар давомида ўз тарихимизни ўргана олмадик, улуг аждодларимиз қолдирган илмий, маънавий меросдан бебаҳра яшадик. Собиқ тузум мафкураси бунга йўл бермади. Бу мафкура бизни Амир Темурдек буюк саркарда ва давлат арбобига, темурийзодалар маърифатига,

имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Қафқол аш-Шоший, Бурҳониддин Марғиноний, Нажмиддин Кубро, Шайх ҳованд Таҳур каби алломаларга асло яқинлаштирмади. Бундай улуг зотларнинг мероси хорижий давлатларда Сиз каби фидойи олимлар томонидан қунт билан ўрганилаётган, илмий анжуманлар ўтказилаётган, асарлар ёзилаётган бир пайтда биз коммунист доҳийларнинг китобларини ўқиш билан банд бўлдик. Буни қарангки, биз мактаб дарсликлари орқали Европа тарихини, рус-япон уруши тафсилотларини, Дмитрий Долгорукий даврида қандай ислохотлар амалга оширилганини ёки князь Олег пайтида ким кимга қанча ўлпон тўлаганини қайта-қайта ўқиб ўрганибмиз-у, дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган ўзимизнинг донишманд боболаримизни ўқимабмиз. Бу кемтикни тўлдиришда АҚШ ва Европа олимларининг, жумладан, сизнинг журъатингиз бизга жуда ҳам қўл келганлигини яна бир бор такрорласам, ортиқча бўлмас. Тарихни сохталаштириш ва унга беписанд назар билан қараш шу даражага етиб борган эдики, Президентимиз Ислам Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларида пойтахт Тошкентнинг қоқ марказида жойлашган хиёбонда Соҳибқирон Амир Темурга ҳайкал ўрнатиш тўғрисидаги қарорга имзо чекканларида, дунёқараши собиқ тузум мафқураси таъсирида шаклланган кўпгина маҳаллий сиёсатдонлар, айрим олимлар ҳам ён-агрофларига сирли ажабланиш билан қарашган эди.

Париж сафари давомида оламаро машҳур Луврни, Гимей музейини, Версал саройини томоша қилишдан бир олам таассурот олдим. Версал саройида ўсмирлик йилларим бир эмас, бир неча марта ўқиб, гойибона меҳр қўйган, кечалари тушимга кириб чиқадиган афсонавий қаҳрамоним — Жанна д, Арк билан юзма-юз келдим. Унинг фавқулодда таъсирчан, сирли-маҳобатли суратига узоқ тикилиб қолдим. Орлеан жанги голибаси менинг ўсмирлик тасаввуримда айни шундай гавдаланган эди. Луврда мени ҳайратга солган нарса — фотиҳ Наполеон даврида бу ерга Мисрдан олиб келинган қадимий осори-атиқаларнинг сақланиши бўлди. Музейда улар қадимий Миср маданиятининг нодир намуналари, неча минг йиллик тарихнинг тилсиз ғувоҳлари сифатида эъзозланаётгани, эҳтиётланаётгани мени чинакамига ҳайратга солди. Музей ходимларининг ҳикоя қилишларича, Наполеон бу ёдгорликларни Францияга олиб келишда ўз аскарларидан улардан бирортасига заррача бўлсин шикаст етказмасликни, бирортаси кимнингдир шахсий мулкига айланиб кетмаслигини талаб қилган экан. Собиқ совет тузуми дарсликларида жоҳил, газаби чексиз босқинчи ва талончи деб таърифланган Наполеоннинг ўзга бир халқ тарихи ва маданиятига нисбатан бундай эҳтиромимен учун қутилмаган бир ҳол эди. Бундан шу қадар таъсирландимки, Версал саройига қайта бориб, «Наполеоннинг тахтга ўтириши» деб номланган улкан полотнони яна бир бор томоша қилдим, шаҳарга қайтгач, унинг хотирасига қурилган пантеонга бориб, фотиҳ билан гойибона суҳбат қурдим.

Жаноб Керен, бу гапларни сизга батафсил ёзаётганимнинг сабаби, қизилармиячи саркарда Фрунзе ўтган асрнинг йигирманчи йилида Бухорони тўплардан аёвсиз равишда ўққа тутгани, не-не ёдгорликларни вайрон қилгани сизга яхши маълум. Яна бир нарсдан хабарингиз бўлиши керакки, ўша йиллари халқимизнинг сон-саноксиз бойликлари, тилла ва кумуш буюмлар, тақинчоқлар, Амир Темур ва теурийлар даврига бевосита тааллуқли бўлган ноёб осори-атиқалар, уйларда сақланаётган буюмлар вагонларга юкланиб, пешма-пеш шўролар салтанатининг бош шаҳарларига олиб кетилган. Уларнинг аксарияти шахсий коллекцияларга тарқатиб юборилган, сотилган, ўзлаштирилган, ҳада қилинган. Бу ҳақда ўйлаганимда кўнгил ҳануз гаш бўлади.

Сафарим чоғи суҳбатдошларим менинг оддий бир ахборотимдан кўп таъсирланишди. Мен уларга Ўзбекистонда Бальзак, Мопассан, Жюл Верн, Эмиль Золя, Проспер Мериме ва бошқа кўплаб франциялик адибларнинг китоблари кириб бормаган хонадонни топиш қийин дедим. Бу гапда асло муболага йўқ. Бу муаллифларнинг асарлари ўзбек тилида жуда кўп марта чоп этилган ва бугун ҳам севиб ўқилади. Бизнинг жаҳон адабиёти тўғрисидаги тассавурларимиз айни шу асарлар таъсирида ҳам шаклланган.

1994 йили газетамизда сизнинг “Амир Темур салтанати” тарихий романингизнинг бир неча бобини Баҳодир Эрматов таржимасида эълон қилдик.

Амир Темурга бағишланган саҳна асарингиз Самарқанд театрида намоиш этилди. 1999 йили эса “Амир Темур салтанати” китоб ҳолида ўзбекистонлик ўқувчилар қўлига бориб етди.

Айтмоқчиманки, Ўзбекистонда Сизни яхши билишади ва ҳурмат қилишади. Газетамизда Улугбекнинг Самарқанддаги обсерваторияси ҳақидаги мақолангиз ва менга ёзган мактубингиз эълон қилинганида, жуда кўп мухлисларингиз, тарихчи олимлар, шоир ва адиблар, турли касб эгалари бизга қўнғироқ қилиб, Сизга самимий миннатдорчиликларини билдиришди. Уларнинг қутловлари ва эзгу истаklarини қабул қилгайсиз.

Яна бир гапни алоҳида таъкидламоқчиман. Газетамизда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан алоқалари жуда яхши йўлга қўйилган. Ўзбекистонга келган биринчи элчи Жан Пол Везиан билан дўст-қадрдон бўлиб қолган эдик. Бир гал жаноб элчини таҳририятга таклиф этганимизда, у “Тарих ҳеч қачон ўзгармайди, воқеа-ҳодисалар қандай содир бўлган ёки содир этилган бўлса, шундайлигича қолади, фақат уларга нисбатан муносабат гоҳо-гоҳо ўзгариб туриши мумкин”, деган эди. Бугун собиқ иттифоқ ҳудудидаги айрим давлатларда баъзи бир “тадқиқотчи”ларнинг яқин-ўтмиш тарихини ўз манфаатлари йўналишига мослаштириб талқин этишга уринишаётганига дуч келганимда, жаноб элчининг шу муҳим гапи ёдимга тушади.

Муҳтарам устоз!

Сизни шундай деб аташга ижозат бергайсиз. Зеро, биз — ўзбекистонлик мухлисларингиз Сиздан кўп нарса ўргандик, ёзган асарларингиздан баҳраманд бўлдик, бунинг учун бениҳоя миннатдоримиз. Сиз билан яна бир бор учрашишга, суҳбатларимизни давом эттиришга умид боғлаб,

Эҳтиром билан :

*Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”
газетаси Бош муҳаррири*



Огаҳий таваллудининг 200 йиллигига

Нафосат гулшани

Хар бир байти, ҳар бир мисраси билан бизга яқинлашиб келаверадиган Огаҳий таваллудига 200 йил тўлди. У туркий халқлар адабиётида ижодий меросининг кўлами, фалсафий дунёқараши, ижтимоий сўроқларга берган дадил жавоби билан Алишер Навоийдан кейинги йирик сиймолардан бири ҳисобланади. Муҳаммад Ризо Мироб Эрнийезбек ўғли Огаҳий йигирмага яқин таржималар, беш бадий-тарихий асар, ўз кўли билан тартиб берган икки шеърӣ тўпلامдан иборат ўлмас мерос қолдирди. У «Таъвизул-ошиқин» дебوحасида «фақирнинг ўз мусаннафотидин» дея қуйидагиларни зикр қилган эди: «Риёзуд-давла»ким, Оллоқулихон воқотиға муштамилдур, «Зубдатут-таврорих»ким, Раҳимқулихон воқотиға муштамилдур ва «Жомиул-воқиот»ким, Муҳаммад Аминхон воқотиға муштамилдур ва «Гулшани давлат» ким, Сайид Муҳаммадхон марҳумининг воқотиға муштамилдур, «Иқболи Ферузӣ» ким, Муҳаммад Раҳимхон дома иқболанинг муборак воқотиға муштамилдур ва девони туркийким «Таъвизул ошиқин»га мавсумдур. Қасоиди ва рубоъиёти ва маснавиёти ва газалиёти форсий».

XIX аср Хоразм адабиёти Бухоро, Қўқон адабий марказларидан ҳам оригинал, ҳам таржима асарларга бойлиги билан ажралиб туради. Адабиётшунос Субутой Долимов хонликдаги таржима санъати ҳақида ёзади: «...таржимонлик маҳорати ўша давр шоирларининг кундалик вазифалари бўлиб қолди». Олим бунинг сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатади: биринчидан, хонлар бошқа халқларнинг устига ҳужум қилиш билан икки халқ (ўзбек ва тожик, ўзбек ва эрон, ўзбек ва ҳинд) орасидаги дўстликни бузишга ҳаракат қилсалар, шоир таржимонлар эса бошқа халқ ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилиб, икки халқ орасидаги дўстликни тиклашга ва мустаҳкамлашга интидилар; иккинчидан, таржимонлар кўшни халқларнинг етук ёзувчилари асарларини таржима қилиш билан ўзбек халқини инсонийлик, маърифатпарварлик, дўстлик ғоялари билан тарбиялаш ва ўзбек китобхонларини шундай асарлар билан баҳраманд қилишни кўзда тутганлар; учинчидан, ички ва ташқи низоларнинг қулига айланаётган хонларни адолат ва халқпарварликка чақирганлар.

Хоразм таржима мактабида Огаҳий мислсиз ўринга эга. Ҳеч бир миллатда ўз асарларидан ташқари бунчалар кўп ва ноёб таржималарни амалга оширган даҳо бўлмаса керак. Унинг таржималарисиз нафақат ўзбек адабиёти, балки туркий адабиёт ва «тоза бир ҳаво»га, «акс-садо»га муҳтож дунё адабиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Огаҳий «Таъвизул-ошиқин» дебوحасида «Фақирнинг турки тили бирла таржима қилгон китоблари» дея ўз таржималарини санайди: «Равзатус сафо»нинг иккинчи дафтарида Чоҳориёри изом воқеаси ва учинчи дафтари. Ва «Нодирнома» ва «Зафарнома» ва «Зубдатул-ҳикоят» ва «Мифтахуд-толибин» ва «Ахлоқул муҳсиний» ва Восифий («Бадое-ул вақое» назарда тутилган. — *Ш.Н*) ва «Насиҳатномаи Кайковус» ва «Саламону Ибсолу Жомий» ва «Равзатус сафои Носирӣ»нинг бир дафтари. Ва «Далоилул ҳайрат шарҳи»ким, рум туркисидин чигатой тилига ўтқарилди ва «Тазкирайи Муқимхоний» ва «Табақоти Акбаршоҳий» ва «Ҳафт пайкари Низомий» ва «Ҳашт биҳишти Хисравий» ва «Юсуф Зулайхойи Жомий», «Шоҳу гадои Ҳилолий»ким, манзум бўлди».

Бу 19 асар жаҳон халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни кенгайтирди. Таржималар Огаҳийнинг моҳир таржимон эканлигини тўла исботлайди.

Саъдий Шерозий (1184–1292)нинг «Гулистон» асари дастлаб 1390–1391 йилларда Сайфи Саройи томонидан таржима қилинган эди. Огаҳий таржимани 1862–1863 йилларда амалга оширди. У асар хусусида ёзади: «Эмди бу китобни ўқиғувчи суҳандонлар билсунларким, мусанниф... нодир ҳикоятлар, музҳик латифалар, муфарриҳ ашъорлар ва ўтган подшоҳлардин воқеъ ўлгон гариб сиёрат донолардин бир неча сўзни ижмол ва ихтисор тариқаси била бу китобга дарж этиб, «Гулистон» от қўюб, сегиз боб била беҳишт янглиғ зийнат берубдур». Таржима жараёнида Огаҳий асардаги ўринсиз келтирилган шеърлардан воз кечди ва «муносиб, мувофиқ ерларда» ўз шеърларини «рақам қилди». Саъдийни «беҳуда ва бемаъни сўзни демак ва беманфаат емаклик-хирадманд ва донишманд кимсаларнинг иши эрмасдур» дея камситувчиларга жавобан ёзадики: «Панд ва насиҳатнинг талх ва аччиғ дорусин зарофат ва латофат шаҳди била оғушта қилмишдурурман, токим қабул давлатидин маъюс ва маҳрум ва ноумид бўлиб қолмағай». Бу иқрорлар асарнинг тақрор ўзбек тилига ўгирилишига сабабдир. Огаҳийдан сўнг ҳам асар икки бор тилимизга ўгирилган, зотан ҳар икки таржимада ҳам Огаҳий таржима мактабига таяниб иш кўрилган.

Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий (1141–1203) закоси билан яратилган «Ҳафт пайкар» асари Огаҳий насрида қайтадан, туркона либосда дунё юзини кўрди. Феруз буйруғи ва илтимоси билан таржимага қўл урган Огаҳий «Панж ганж»нинг тўртинчи достони-«Баҳром шоҳнинг ҳологи воқеоти қиссаси»ни таржима қилиш асносида Навоий оламини кашф эта борди. Низомий тилида мақсадсиз айтилган ҳикоятлар Навоий тилида мақсадга элтувчи йўл бўла олгани Шарқда мана шу таржима сабаб чуқурроқ англанди. Шу билан бирга ҳамсанавислик йўлига ойдинлик киритилди.

Абдурахмон Жомийнинг (1414–1492) «Юсуф ва Зулайҳо»сини 1868–1869 йилларда таржимон туркий назм тили билан сўзлатди. «Юсуф ва Зулайҳо» Шарқ адабиётидаги сайёр сюжетлардан биридир. Юсуф тўғрисидаги ривоятлар «Таврот»да, «Куръон»да учрайди. Диний афсона тарзида дунёга келган бу ривоятлар «Шоҳнома» (Фирдавсий, X аср)да, «Қиссаи Юсуф» (Али, XI аср)да, «Қисасул анбиё» (Рабгузий, XIV)да бадиий ифодасини топган. Жомий достони шу мавзудаги форсий, туркий адабиётлар ичида бадиий жиҳатидан энг мукаммалдир. Огаҳий таржимаси бизга бу адабиётларни қиёслаш, умумтуркий адабиёт илдизларини топиш, форсий ва туркий адабиёт ўртасидаги жараёнларни текшириш имконини берди. Таржимон Жомийни «устозимнинг устози» деб билди, «Баҳористон», «Саломону Ибсол» таржимасида ҳам юксак дид ва муҳаббат билан иш кўрди.

Форс адабиётининг етук вакиллари билан бири бўлган Бадриддин Ҳилолий (вафоти 1523) қаламига мансуб «Шоҳ ва Гадо» асари 1868–1869 йилларда шеърӣ йўлда таржима қилинди. Жаҳон халқлари ёзма ва оғзаки адабиётида гадо кийимида юрт кезувчи шоҳлар, уйқудан шоҳ кийимида уйғонувчи гадолар, қутилмаганда пайдо бўлиб, ҳукмдорга насиҳат ёки танбеҳ бергач, яна кўздан гойиб бўлувчи дарвешлар образи бот-бот учрайди. Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонидаги Искандар ва гадо ўртасида суҳбат ҳам шу мазмундаги афсона ва ривоятлардан озиқланган. Огаҳий таржимаси сабаб бу образлар ўзбек адабиётига муқим ўрнашиб олди, Хоразм халқ достонларига, эртақларига, халқ тилида кўчиб юрган афсоналарига безак бўлди. Аслида 28 бобдан иборат бўлган асар Огаҳий томонидан асосий мазмунни «хира қилмайдиган» ҳолда 30 бобга етказилди («Бу қисса таржимасининг боиси», «Бу каломи хужаста фаржом хати тавфиқининг шукргузорлиғиким...» боблари киритилган). Огаҳий таржима тили билан ўз даври шоҳларини адолатга қақиришни, шоҳлик ва фуқароликни бир бутун кўришни хоҳлади. Шунинг баробарида замондош ва кейинги авлод ижодкорларига фалсафий мушоҳада учун мавзу ҳам берди.

Кайковус бинни Искандар бинни Қобус Вушимгирнинг дунё тилларига таржима қилинган «Қобуснома» асарини биринчи бўлиб Огаҳий форс тилидан ўзбек тилига ўгирди.

Али Кошифийнинг 40 бобдан иборат «Ахлоқи Муҳсиний», Муҳаммад Вориснинг «Зубдатул ҳикоят», Имомиддин Фиждувонийнинг «Мифтоҳут толибин», Муҳаммад Бақонинг «Тазкираи Муҳимхоний», Ҳисравийнинг «Ҳашт биҳишт» ва «Далоилул ҳайрат» (рум туркиси-усмонли туркчасидан), Мирхондининг «Равзатус сафо» (2–3-жилд) асарларини тўлиқ таржима қилди.

«Қобуснома», «Ахлоқи муҳсиний», «Зубдатул ҳикоят», «Мифтоҳут толибин» каби шарқ педагогикаси ва дидактикасига оид асарларни ўзбек тилига таржима қилиш билан Огаҳий халқ маърифий даражаси кўтарилишига катта ҳисса қўшди. Туркий дунё маорифи асрлар давомида бу китобларни дарслик сифатида мутолаа қилди.

Муҳаммад Носирнинг «Тарихи Нодирий», Низомиддин Аҳмад бинни Муҳаммад Муқим Ҳиротийнинг «Табақоти Акбаршоҳий» асарлари таржималари шуни кўрсатадики, Огаҳий бадиий-тарихий асарларни яратиш, Ўрта Осиё халқлари ўтмишини форс-тожик тилидан ўзбек тилига ўгириш билан чекланмай, қўшни халқлар тарихини ҳам ўзбек тилига таржима қилди.

Бу асарлар ўқилганда таржима эканлиги сезилмайди, халқона соддалиги уларни янада ўқишли қилади, назмий тилда амалга оширилган таржималар ўзбек назми талабларига тўла мос келади. Таржималарда асардаги миллийлик, асарнинг ўзига хослиги, вазни, шакли сақланганини кўриш мумкин. Бундай таржимани амалга ошириш учун таржимон санъаткор даражасига етган бўлиши керак. Бу ҳусусда унинг ўзи «Шоҳ ва гадо» ибтидосида ёзади:

Нуханинг вазни бирла маснавий эт,
Борча байтини баҳри маънавий эт.

Инсонийлик, ижодкорлик, олимлик уфқларини бадиий кашф этган Огаҳий юксак шахсияти, халқнинг орзу-армонларини қуйлаган газаллари, тарихни ифода этиш орқали келажакка умид ва комил ишонч уйғотувчи бадиий-тарихий асарлари Билан оддий халқнинг хокисор юрагига кириб борди ва унда муқим ўрнашиб қолди.

Эй, кўнгул, гар хуррам ўлмоқ истасанг, бўл хоксор
Ким, кўкармак мумкин эрмас ерга тушмай донадин.

Шаҳноза НАЗАРХОНОВА,
ЎЗМУ талабаси



Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини иттифоб-йўлватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аждодларимизнинг маънавий жасратини улуғлаш, уларнинг илм ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида таълиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий ғадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақилликимизга нисбатан тўғри ва сарфатли йўлларини шакллантириш».

Жавоҳарлаъл Неру таваллудининг 120 йиллигига

Ўзбек халқининг содиқ дўсти

Ўтган асрнинг машҳур давлат ва сиёсий арбоби Ж.Неру 1889 йилнинг 14 ноябрида Ҳиндистондаги Оллоҳобод шаҳрида дунёга келди. Унинг сермазмун ҳаёти истиқлолга эришган янги Ҳиндистонни юксалтиришга бағишланди. Жавоҳарлаъл Неру Бал Гангадҳар Тилак, Мохандас Кармчанд Ганди сингари Ҳиндистон халқ-озодлик ҳаракатининг раҳбарларидан бири эди. Унинг фаолияти миллий мустақилликка эришиш учун ҳал қилувчи курашлар кетаётган, ҳинд мустақил давлатининг ташкил топиши ва ривожланишидаги мураккаб давр, яъни Ҳиндистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига асос солинаётган пайт билан узвий боғлиқдир.

Ж.Нерунинг отаси Мўтилаъл Неру Ҳиндистоннинг таниқли ва нуфузли ҳуқуқшуносларидан бири бўлган. У мамлакатдаги энг йирик сиёсий партия — Ҳиндистон Миллий Конгресси (ҲМК) ишида фаол қатнашади. Жавоҳарлаъл 16 ёшида отасининг талаби ва қистови билан билимини такомиллаштириш мақсадида Англияга боради ва Харроу, Кембриж ўқув юртларида таълим олади. 1910 йилда Неру Кембриж университетини фахрий диплом билан битиради. Ватанига қайтган Неру ўз устози, Ҳиндистон халқ-озодлик ҳаракатининг раҳбари Махатма Гандининг яқин сафдоши сифатида мамлакат сиёсий майдонида иштирок қила бошлайди. 1916 йилда Неру Кашмир брахманининг қизи Камолага уйланади. 1921 йили инглиз мустамлака маъмурияти Жавоҳарлаъл Неруни отаси Мўтилаъл Неру билан бирга ҳибсга олади. Ж.Неру бир неча бор қамоққа ҳукм қилинганди, у 10 йил маҳбуслик жабрини тортди. 1923 йилда қамоқдан чиққандан сўнг Ҳиндистон Миллий Конгрессининг бош котиби этиб сайланди. 1927 йилда у Брюссель (Бельгия) шаҳридаги мазлум халқлар антиимпериалистик конгресси ишида қатнашиб, Европа, Осиё ва Африка халқлари миллий-озодлик, инқилобий ҳаракатларининг раҳбарлари билан учрашди. 1929 йилда Ж.Неру Ҳиндистон Миллий Конгресси раислигига сайланди.

1936 йилда Ж.Неру оғир жудоликка учрайди. Узоқ вақтдан бери бедаво дардга чалинган умр йўлдоши Камола Швейцарияда вафот этади. Самолётда Рим орқали ўз ватанига қайтаётган Неруни Италия фашизмнинг асосчиларидан бири Муссолини ўз хузурига таклиф этади. Аммо Жавоҳарлаъл Гитлрнинг бу яқин шериги билан учрашувни рад этади. Бу фашизмни кескин равишда қоралаган сиёсий арбобнинг жавоби эди. Ўша вақтларда Нерудан “энг ёмон кўрган одамим ким?” — деб сўрашганда, “Гитлер”, деб айтган. Неру ўша вақтдаёқ халқаро майдонда тинчлик, адолат, демократия ва тараққиёт гоялари учун изчил ва довурак курашчи, фашизм ва милитаризмни кескин қораловчи сифатида танилган эди. 1938 йилда у Франко режимига қарши курашаётган Испанияга ҳамда япон истилочиларига қарши жанг қилаётган Хитойга бориб, фашизм ва милитаризмни ошқора қоралайди.

1939 йилда Ҳиндистон Англия томонидан Иккинчи жаҳон уруши гирдобига тортилди. ҲМК Англия томонида бўлса-да, Ж.Неру, М.Ганди ва уларнинг сафдошлари мамлакат мустақиллиги учун курашни давом эттирдилар.

Шундай вазиятда ҲМКнинг кўзга кўринган арбобларидан Субхас Чандра Бос бошқача йўл тутади. У Германиянинг иттифоқчиси Япониянинг ҳарбий кучига таяниб, Ҳиндистонни инглиз мустамлакачиларидан халос қилмоқчи бўлади.

Неру С.Ч.Боснинг бу хомхаёл режасини ёқламайди. 1941 йил январида Бос яширинча Ҳиндистонни тарк этиб, аввал Германияга, сўнг Бирмага бориб, япон қўшинлари билан мулоқотга киришади. Япон ҳарбийлари 1942 йилда Шарқи-Жанубий Осиёдаги бир қатор мамлакатлар, жумладан, Бирма, Таиланд, Вьетнам, Сингапур, Индонезияни босиб олгандилар. Бос шу мамлакатларда яшаётган 50 минг ҳиндларни тўплаб, “Ҳинд миллий армияси”ни тузади ва инглиз-америка қўшинларига қарши жанг олиб боради. Аммо муваффақиятсизликка учрайди. 1945 йилнинг августда Бос япон самолётида Вьетнамнинг Сайгон шаҳридан Токиога учади. Йўлда Тайбей (Тайвань)даги аэропортда тўхтаб ўтган самолёт номаълум сабабларга кўра ҳалокатга учрайди. Оғир ярадор бўлган Бос Япония касалхонасида вафот этади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг инглиз мустамлакачилари Ҳиндистонда барпо этган тузум омманинг кураши тазйиқи остида инқирозга юз тутганлиги аён бўлди. Ўзларини Ҳиндистондан улоқтириб ташланишидан ташвишга тушган инглиз маъмурияти давлатни бошқаришни ҳиндларга топширди. 1947 йил 15 августда Ҳиндистон истиқлолни кўлга киритди. Ўша куни Жавоҳарлаъл Неру Деҳлидаги тарихий Қизил Қалъада Ҳиндистоннинг оқ, яшил ва зарғалдоқ рангли миллий байроғини тантанали равишда кўтарди.

Ҳиндистоннинг озод бўлиши бу мамлакатнинг энг сўнгги вице-қироли Маунтбэттен ҳукмронлиги вақтида содир бўлди. Маунтбэттен Англия мустамлака империясининг гуллаган давридаги қироличаси Викториянинг эвараси эди. Айнан шу қиролича 1876 йилда тантанали равишда Ҳиндистоннинг ҳукмдори деб эълон қилинганди. Орадан 70 йил ўтгач, унинг эвараси “Британия империяси тожининг марвариди” бўлмиш Ҳиндистонни батамом ҳиндлар ихтиёрига ўтишида иштирок этди.

Истиқлолга эришган мамлакат олдида янги Ҳиндистонни барпо этишдек оғир ва мураккаб вазифа қўндаланг турарди. Буюк мутафаккир Неру мамлакатнинг келажак тараққиёти хусусида ўйлар экан, турли-туман ижтимоий қарашлар, ғоялар ва назарияларни ўрганди. Ғарб “сиёсатчилари” Неруга Ҳиндистон аграр мамлакат, унинг иқтисоди азалдан қишлоқ хўжалигига мослашган, шунинг учун у фақат қишлоқ хўжалик секторига эътибор бериши керак, саноат маҳсулотларини эса ғарб давлатларидан харид қилиши мумкин деб “маслаҳат” бердилар. Аммо Неру бундай “таклиф” ва “тавсиялар”ни қабул қилмади. Узоқни ўйлаб иш тутадиган Неру сиёсий мустақилликни иқтисодий мустақилликни мустақамлаш билан биргаликда олиб бориш зарурлигини тушунарди. Шу шароитда мамлакат чет давлатларга қарам бўлиб қолмаслиги зарурлигини у яхши биларди. Пировардида, янги Ҳиндистонни барпо этишда Неру ҳинд халқининг менталитети, яъни унинг ўтмиш тарихи, миллий анъаналари, урф-одатлари, турмуш тарзи, кўпмиллатлилиги ва турли динларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб, ўз номи билан аталган “Неру курси”ни ҳаётга татбиқ қилди.

Неру бош бўлган ҳукумат куч-ғайрат ва катта қатъият билан иқтисодий қолоқлик ва диний низолар натижасида бутун Ҳиндистонни қамраб олган даҳшатли хунрезликни бартараф этди. Мамлакатдаги 500 дан зиёд катта-кичик хонликларни бирлаштирди. 1950 йил январидан Ҳиндистон Республикасининг конституцияси кучга кирди. 1951-1952 йилларда дастлабки парламент сайловлари бўлиб ўтди.

1950 йилда Неру раислигида мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида бешйилликлар режалари комиссияси тузилди. Мамлакатда 11 та бешйиллик режалари амалга оширилди. Умуман, иқтисодий ўсиш суръати борасида Ҳиндистон дунёда энг юқори поғоналардан бирини эгаллади.

Бугунги кунда Ҳиндистон гуруч, бугдой, чой, сут, шакар етиштиришда, ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлашда, мотоцикл, тамаки маҳсулотлари, кинофильмлар ишлаб чиқаришда дунёда биринчи ўринни, аҳоли сони, олимлар сони, цемент ишлаб чиқариш, текстиль саноати машиналарини ишлаб чиқариш, бугдой, гуруч, мева, сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда иккинчи ўринда турибди. Ҳиндистон АҚШдан кейин дунёда энг кўп дори-дармон ишлаб чиқарадиган заводларга эга. У автомобил экспорт қиладиган энг йирик давлатлардан бири ҳисобланади. Ҳиндистон компаниялари дунёнинг энг йирик сармоя киргизувчи компаниялари қаторида туради.

АҚШдаги энг кўп чет эллик талабаларни ҳиндистонликлар ташкил қилади. Ҳиндистон дунёдаги энг узун темир йўлига эга. У дунёдаги учинчи энг йирик сармоя базасига эга. Ҳиндистон олий билимгоҳларини ҳар йили 3 миллионга яқин мутахассислар битириб чиқади. Шулардан ярим миллиони муҳандис ва ахборот технологиялари мутахассисларидир. Ҳиндистон АҚШ ва Япония қаторида суперкомпьютерни ихтиро қилган. Ҳиндистонлик ахборот технологиялари мутахассислари 175 давлатда ишлайдилар.

Айни пайтда бу мамлакатда ҳали ўз ечимини топмаган мураккаб муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, аҳолининг бир қисми ҳамон қашшоқ. Ишсизлик, уй-жой танқислиги, оилада туғилишни режалаштириш, диний жамоалар ўртасидаги келишмовчиликлар каби муаммоларни ҳал этиш мамлакат олдида кўндаланг бўлиб турибди.

Ички сиёсий масалаларни ҳал этишга Неру жуда катта ҳисса қўшди, айниқса, унинг халқаро муносабатлар соҳасидаги хизматлари беқийсдир. Биринчи ҳукумат бошлиғи ва ташқи ишлар вазири сифатида у Ҳиндистон ташқи сиёсатининг асосий тамойилларини ишлаб чиқди, қўшилмаслик асосларини шакллантириш ва ҳаётга татбиқ этишда шахсан иштирок этди.

Қўшилмаслик сиёсати ва ҳаракатининг муҳим тамойиллари — бу суверенитет, чегараларнинг даҳсизлиги, давлатлар ҳудудларининг бутунлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш, давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва, албатта, ҳарбий уюшмаларга қўшилмасликдан иборат.

Неру турли минтақаларда рўй берган ҳарбий можароларни даф этишда фаол қатнашди. Жумладан, Жазоир, Корея (50-йилларнинг бошлари), Вьетнам, Лаос, Кампучия (1954 йил), Миср (1956 йил) ва бошқа бир қатор мамлакатлардаги қуролли тўқнашувларни бартараф этишда Неру Ҳиндистон раҳбари сифатида ўз ҳиссасини қўшди. Неру ва у бошлиқ ҳукумат давлатлар ўртасидаги урушларга чек қўйишда тинч, дипломатик усуллар, чунончи, ўзаро учрашувлар, музокаралар, воситачилик, келишиш, яраштириш, арбитраж йўлларида кенг фойдаланди.

Неру йирик давлат ва сиёсий арбоб, истеъдодли тарихчи, публицист, файласуф, иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олим сифатида бутун дунёда танилган эди.

Британия мустамлакачиларининг ўзига тобе бўлган халқлар устидан ҳукмронлик қилишини Неру адолатсизлик ва шафқатсизлик деб қоралади. Ҳиндистоннинг озодлик учун олиб борган курашини эса табиий ҳаракат деб ҳисоблади. Унинг “Таржимаи ҳолим”, “Ҳиндистоннинг кашф этилиши”, “Дунё тарихига бир назар”, “Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати” асарларидан ўзбек китобхони ҳам баҳраманд бўлди. Неру бу китобларни асосан қамоқхоналарда ётган чоғларида ёзган эди. Мазкур китобларда муаллиф ўтмишнинг маданий меросидан энг яхши томонларини ўзига қабул қилиб олиш ва унинг ёрдамида янги, дунёвий, демократик давлат барпо этиш ҳақида фикр-мулоҳазалар юритади. Нерунинг фақат танланган асарларининг ўзи тўққизта салмоқли жилдан иборат.

Неру ўзининг ҳам ижодий, ҳам амалий фаолиятида Ҳиндистоннинг қўшни ва дўст мамлакатлари халқларининг тарихи, жумладан, араблар ва афгонлар, Эрон, Хитой, Рим ва Юнонистон, Россия ва, табиийки, Ҳиндистон тарихи ҳақида сўз юритади. Шунингдек, у Ўзбекистон билан кўпқиррали муносабатларга алоҳида эътибор қаратади.

У “Ҳиндистонни кашф этилиши” асарида “буюк истилочи Темурнинг номи тилларда дoston бўлди”, “Темур вафотидан сўнг унинг ворислари кўпроқ ҳарбий ишларга эмас, балки санъатга ҳомийлик қилишга мойил эканликларини кўрсатдилар ва Ўрта Осиёда темурийлар даври бошланди”, — деб ёзади. Неру Ўзбекистон халқининг илмий ва маданий меросига юқори баҳо беради. Машҳур ўзбек алломалари Ал-Хоразмий, Абу Али Ибн Сино, Ал-Беруний, З.М.Бобур ва бошқа олимларнинг буюк хизматларини тақдирлайди. У буюк қомусчи олим Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон” асарини илмий ва тарихий аҳамиятини юксак баҳолайди, бу асарни ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. “Беруний, — дейди Неру, — юнон фалсафасини мутолаа қилмоқ учун санскрит тилини ўрганади. Беруний ҳинд ва юнон фалсафасини бир-бирига солиштириб, уларда мавжуд бўлган умумийликни кўриб ҳайратда қолди. Берунийнинг китоби далилий

маълумотларни қамраб олиш билан бирга, у уруш, талон-тарож, оммавий қиргин бўлишига қарамай, фан аҳллари ўз ишларини давом эттирганини кўрсатиб беради”.

Неру яна бир ватандошимиз Бобур ва унинг набираси Акбарни таърифлар экан: “Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тadbиркор одам бўлган, у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди. Унинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ бўлиб, кўп яхши фазилатларга эга бўлган”.

1955 йил июнида Ж.Неру қизи Индира Ганди билан Ўзбекистонга келди. Меҳмондўст ўзбек халқи очиққўнгиллик, бағрикенглик билан Ҳиндистон раҳбарларини олқишладилар. Неру ва И.Ганди ўлкамиздаги бир қатор маданий муассасаларга ташриф буюришди, республикамизнинг иқтисодиёт, илм-фан ва маданий соҳалардаги ютуқларидан хабардор бўлишди.

Ж.Неру ва И.Ганди қадимий ва навқирон Самарқандга ҳам боришади. Улар Самарқанд меъмorchилигининг ажойиб намуналарини томоша қиладилар, ундаги тарихий обидалар — мақбара, масжидлар, Гўри Амир, Улугбек расадхонасини зиёрат қиладилар. Неру шаҳардаги меъмorchилик ёдгорликларидан бирини таъмирлаётган устага: “Шундай ёдгорликларни ҳозирда ҳам бажара оладиган мутахассислар борми?” — деб савол беради. Уста аввалига жавоб беришга шошиб қолади, сўнг у Неруни табассум билан қараб турган юзига кўзи тушиб, таржимонга: “Бизда бундан мураккаб ишларни бажарадиган моҳир усталар ҳозир ҳам мавжуд. Уларнинг касбидан замонавий биноларни бадий жиҳатдан безашда кенг фойдаланишяпти”, — деб жавоб беради. Неру жавобдан қониққанлигини юз ишораси билан тасдиқлайди.

Неру қаерда бўлмасин, халқ уни хурсандлик билан сидқидилдан кутиб олди. Бундай меҳмондўстлик энг аввало ўзбек халқининг Неруга ва у раҳбар бўлган ҳинд халқига кўрсатилган ҳурмат ва эҳтироми белгиси эди. Неру мамлакатимизга қилган сафаридан батамом мамнун эди. У ватанига қайтар экан, ўз миннатдорчилигини изҳор қилди: “Мен ўйлайманки, — деди у, — бу ердан бир вақтда ҳам бадавлатроқ, ҳам камбағалроқ бўлиб қайтаяпман, бунинг сабаби бизни самимий кутиб олганингиз борасида олий даражадаги таассуротлар билан бойидим. Мен бу заминда юрагимнинг бир бўлагини ташлаб кетаётганим боис ўзимни камбағалроқ ҳис қиляпман...”

Мамлакатимизга бўлган қучли иштиёқ 1961 йили Ж.Неру ва И.Гандини яна Ўзбекистонга йўллади. Иккала сафар ҳам ниҳоятда самарали бўлиб, унинг натижасида ўзбек ва ҳинд халқларининг дўстлиги янада чуқур илдиз отди. Неру умрининг охиригача ўзбек халқининг содиқ дўсти бўлиб қолди.

Неру софдил, хушфезъл, камсуқум, аммо жуда ишчан, талабчан ва довюрак инсон эди. У шерьят, адабиёт ва санъатнинг чинакам ихлосманди бўлган. Неру билан учрашган кишиларда у чуқур таассурот қолдирарди. Неруда ҳинд халқининг донолиги, меҳнатқашлиги, оққўнгиллиги мужассамлашганди. XX асрда Ҳиндистонда Махатма Гандини истисно қилганда, ҳеч ким ҳинд халқининг ҳаётига мазкур “Ҳиндистон бриллианти” (Жавоҳарлаълнинг маъноси “Қизил гавҳар”) каби таъсир кўрсатолмаган.

Неру чуқур қомусий билим соҳиби, кенг фалсафий мушоҳада кишиси, мутафаккир ва шоир ҳисобланади. У сиёсат билан шугулланмаган тақдирда ҳам ўз илмий тадқиқотлари билан диққат ва эътиборга сазовор бўларди. Шарқ ва Ғарб маданиятини ўзида теран мужассамлаштирган буюк инсон Неру Европа, Осиё, Африка тарихига бир хилда ёндашди, уларни бир-биридан паст ёки юқори қўймади, кишилиқ тарихини барча инсоният учун баравар ва умумий деб ҳисоблаб, Ғарб билан Шарқни яқинликка даъват этди.

Инсоният тараққиёти ғояларига батамом содиқ қолган Жавоҳарлаъл Неру 1964 йилнинг 27 майида оламдан ўтди.

Неру XX асрнинг буюк даҳоларидан бири бўлиб, ҳозирги замон тарихида ўчмас из қолдирди.

*Темур ҒИЁСОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор*

Т.Шульц, М.Вольф

Майкл Жексон, тантанавор ва фожиали умр

*Майкл Жексон XX аср поп муסיқа санъатининг
юлдузи эди*

* * *

Хеч қачон қариб-чиришни хоҳламаган Майкл Жексон энди йўқ. Лос-Анжелес (АҚШ)даги тиббий ёрдам марказларидан бирида 25 июн куни кундуз соат ўн икки яримларда кўққисдан телефон жиринглаб, гўшакдан бир кишининг ҳаяжонли овози эшитилди:

“Менга “тез ёрдам” машинаси керак, зудлик билан. Бир жентльменга “тез ёрдам” зарур, у нафас олмаяпти. Сунъий нафас олдиришга ҳаракат қиляймиз”.

“Неча ёшда экан?”

“Эллик ёшда, сер”.

“Нафас олмаяпти дейсизми, ҳуши жойидами?”

“Нафас олмаяпти, сер. Ҳуши ҳам жойида эмас”.

“У ҳозир қаерда?”

“Каравотда ётибди. Ёнида шифокор бор, лекин бемор умуман гапиролмаяпти. Юрагини уқалаб ҳам кўрдик, фойдаси бўлмади”.

“Тез ёрдам” машинаси Майкл Жексоннинг Holmby Hillsдаги уйига етиб келгунча орадан атиги уч дақиқадан сал кўпроқ вақт ўтди. Беморни жонлантиришга уриниб кўришди. Натижа бўлавермагач, уни шифохонага олиб кетишди. Ўлими расман қайд этилган вақт: 14.26.

Орадан бир соат ўтгач, мархумнинг уйи ҳамда поп юлдузи бандаликни бажо келтирган клиника олдида одамлар тўп-тўп бўлиб йиғила бошлашди. Улар қўлларида гуллар ва плакатлар кўтариб олишган, азадорларнинг кўпчилиги ҳали ўттизга ҳам бормаган ёшлар эди. Баъзилари ашула айтар ва рақс тушарди. Университет талабалар корпорацияси аъзолари эса балконда туриб, “юлдуз”-нинг “Bad”, “Beat It”, “Black and White”, “Off the wall” ва албатта “Billie Jean” кўшиқларини ижро этишарди.

Унинг ўлими ҳақидаги илк хабарлар интернет орқали тарқатилди, матбуот хабарлари эса узук-юлуқ эди. Лос-Анжелесдаги Университет шифохонаси узра телевизион марказларнинг вертолётлари парвоз қилар, бинога кираверишда эса ичкаридан жой эгаллаш учун қизгин кураш кетарди. Телеканалларнинг махсус кўрсатувлари эртаси куни ҳам узлуксиз намоиш этилди. Бундай томошага дунёнинг бошқа ҳеч бир жойи-да Лос-Анжелесдагичалик тараддуд кўрилмаган бўлса керак, негаки бу шаҳарда папараццилар ва шов-шувли янгилеклар кетидан зир югурадиган “овчилар” истаганча топилади.

Майкл Жексон қандай яшаган бўлса, шундай ўлди: саҳна ортида, жамоат жойида, ҳаёсизларча маломатларнинг узлуксиз таъқиб остида бу дунёдан кўз юмди. Ҳўш, Майкл Жексондан нима мерос қолди?

1977 йилда Элвис Пресли оламдан ўтганида ёшларга қора танлилар рокн-роллини инъом этиб, уларнинг қалбида мешчанларга қарши норозилик ҳиссини уйғотиб улгурган эди. 1980 йили Жон Леннонни отиб ўлдиришди. Ўша беадаб интеллектуал санъаткор ўз васиятида поп ҳам камер муסיқа санъати

эканлиги ва унинг дунёни ўзгартира олишига жаҳон жамоатчилигини ишонтирган эди. Курт Кобейн 1994 йилда милтиқ милини оғзига тираб, ўз жонига қасд қилди. Мухлислари уни жаҳон ёшларининг муҳиби сифатида эъзозлаган эдилар.

Майкл Жексон-чи? У бут ҳам, санам ҳам эмас, бор-йўғи битта одам эди. Унинг ўз сайёраси бўлиб, у ерда бир ўзи танҳо яшарди, у ўз ҳаётининг бунёдкори, ўз эртагининг ижодкори эди, бу эртақ ичида ҳақиқий Майкл Жексоннинг ўз ҳаёти учун ҳеч қандай имконият йўқ эди, бу шундай эртақ эдики, уни ҳеч ким назорат қилмас ва ўзига етганча бебошвоқ эди.

Ўтган ҳафтанинг жума кuni Майкл Жексоннинг мухлислари Берлинда, “Madame Tussauds”даги унинг сурати ёнида расмга тушиб, таъзия изҳор қилдилар, унинг Лас-Вегасдаги ҳайкали олдида йиғлаб-сиқтадилар, ҳатто Пекинда улар уч дақиқа сукут сақлаб, унинг хотирасини ёдга олдилар...

Хўш, Майкл Жексондан нима қолди? Шу нарса эътиборга молиқки, мардонавор бошланган лойиҳа амалга ошмай қолиб кетди. Майкл Жексон ўз қиёфасига, ўзига хос тери рангига ва ҳоказоларга эришишни орзу қиларди. Булар замонавий лойиҳа, оммавий орзу ниятлар бўлиб, улар замирида ўз-ўзини топиш, ўз тимсолига эришиш ётарди. Албатта, ўша даврда, ўтган асрнинг саксонинчи йилларида булар баландпарвоз, дабдабали гаплар эди.

Унинг майл-иштиёқлари ўз бошига бало бўлди. У бутунлай бошқа одам бўлмоқчи эди. Унинг юзи аввалига оқ, сўнг сунъийлаштирилиб, бадбашара тус олди, ҳатто юзининг гўштлири уваланиб, наридан-бери ямалган аянчли башарага айланди-қолди. Майкл Жексондай йигит энди умуман инсон зотига ўхшамай қолганди.

Ёқимтойгина қора танли ўсмир бола, ноёб истеъдоди билан аввал поп мусиқа қиролига айланди. Бироқ чўққига етиб улгурмай, пастга қулади. Ҳалокат анча йилларгача чўзилди, бу даврда уни кўришнинг ўзи бир азоб эди, ваҳолонки, унинг ўзи ҳам ўша йилларда дўзах азобини бошдан кечирган бўлса, ажаб эмас.

У аслида “юлдуз” бўлиб туғилганди. Уни саҳнага ўргата бошлаганларида муштдеккина болакай эди. Оддийлик нималигини у ҳеч қачон билмаган.

Айтишларича, отаси кўпинча шу кичкинтой ўғилчасини қизиган печка устига ўтқазиб қўяр экан, тез рақс тушиши учун шундай қиларкан. Касби кранчи бўлган отаси Йозеф Жексон кечқурунлари болалари билан мусиқа машқ қиларди. Ўзига қолса-ку, жон-жон деб мусиқачи бўларди, бироқ бунинг учун унда чинакам истеъдод етишмасди. Лекин фарзандларида бундай қобилият борлигини у биларди. Машқ пайтида унинг бир қўлида ҳар дам камар бўларди, хатога йўл қўйганда ўлини аямай саваларди. Болаларини деворга тикка тургазиб қўйиб урган пайтлари ҳам бўларди.

Орадан бир оз вақт ўтиб, 1969 йилнинг декабрида Майкл Жексон болалар ўртасида биринчи поп мусиқа “юлдуз”ига айланади. Унинг номи оммавий ахборот воситаларида шов-шувли воқеа сифатида тилга олинади.

Майкл кўшиқни шунақанги завқ, илҳом билан, ўзига шу қадар ишонч билан ижро этгандики, бу иш унча-мунча катталарнинг ҳам қўлидан келмас эди.

Шундан сўнг орадан бир-икки ой вақт ўтиб, Жексонларнинг яна учта машҳур хит қўшиқлари дунёга келди. Гуруҳнинг етакчисига айланган ашулачи Майкл кутилмаганда интеграцион фигурага айланганди, бу билан у 80-йиллар ўрталарида қора танли болаларнинг оқ танли ёшлар телевидениесида чиқишларига асос солган эди.

1979 йилдаги дастлабки пардозлик жарроҳлигидан сўнг, унинг бурни асл белгиларини йўқота бошлади. Саксонинчи йилларда эса бадани бутунлай оқариб кетади. Жексон бунга пигмент касаллигини сабаб қилиб кўрсатади. У ўзининг келиб чиқишини ҳеч қачон бировга очиқ гапирмаган. Ўзи оқ танли ҳам, қора танли ҳам бўлишни истамаган. Балки шу нарса унинг бир қадар ўзини эркин ҳис этишини таъминлагандир. Унинг зомбиларга ўхшаб юриши одамлар ўртасида гап-сўз бўлишдан қочишга уриниш ҳам эди. Охир-оқибат Майкл Жексоннинг қиёфаси шу даражага бориб етдики, бошқа ҳеч ким унга ўхшаган бўлишни ҳаёлига ҳам келтирмай қўйди.

Майкл Жексон бир умр ўз оиласидан ҳам халос бўлишни орзу қилиб ўтди. Лекин бунга муваффақ бўлолмаганди. “Thriller” қўшиғи билан бутун дунёга машхур бўлган чоғида ҳам у оиласидаги жанжаллар ва фишқ-фасодлар куршо-вида яшарди. Биргина синглиси Жаннадан ташқари деярли барча ака-ука, опа-сингиллари унинг обрўсига путур етказиш билан овора эдилар. У ҳатто отаси-нинг менежмент фирмасини ҳам ташлаб кетди.

Аслида Жексон қартайган болалар юлдузи эди. Продюсер Квинс Жонс билан танишгач, бу пайтда Жексон йигирма ёшда эди, эски усулдаги “қора танли” муסיқанинг поёнига етказилишига замин яратган – “Off the Wall” диск-пластинкаси билан суперюлдуз даражасига етди. Диск-пластинка АҚШ-нинг ўзида етти миллион нусхада сотилди.

Шундай қилиб, Майкл Жексон поп мусиқаси қиролига айланди. Элвис Пресли ўз даврида “қора танли” мусиқани оқ танлилар учун қуйлаган бўлса, Жексон “оқ” ва “қора” танли мусиқани омихта қилиб, замонавий поп мусиқасини ихтиро этди.

Поп мусиқаси ҳамиша тана эврилиши санъати ҳам бўлиб келган. Жексон бу борада ҳам саксонинчи йилларнинг ўрталаридаёқ юксак натижаларга эришди. Ўзи учун доимо янги роллар қидириб юрадиган Мадоннадан фарқли ўлароқ, Майкл Жексон ўз тана эврилишлари устида ҳам тинмай изланар эди. Уни юза, сирт қизиқтирмас, у ҳамиша поп мусиқа маданиятига оид янги нарсалар ўйлаб топарди. Умрининг сўнгги йилларида унинг ташқи кўриниши шундай бир аҳволга тушиб қолган эдики, унда мавжуд барча ирқ ва жинс вакилларининг қурама қиёфаси мужжасам эди гўё. Бошқалар учун яхши ва ёмон тушлар бор бўлса, бу нарсалар Майкл Жексон учун айни воқелик эди. У бизнинг барча рўёларимиз марказида яшарди, улар атрофида рақсга тушарди, бироқ воқеликни уларга қарши қўя олмас эди. Мана шундай вазиятларда буюк санъат, лекин шу билан бирга бахтсизлик, зўр мусибат ҳам юзага келиши тайин.

Одамлар кўз ўнгида Жексон бора-бора қора танли поп-мусиқа юлдузидан аста-секин ўзга сайёрадан келган иккижинсли афсонавий мавжудотга айланди. Унинг хаёлий оламига оид сўнгги йилларда олинган суратларда ўзгача, янги бир инсон тасвирланган. Чехраси тобора лагифлашиб, аёлсифат кўриниш олган, буришган бурнидан бир жуфт тешикча қолганди, холос.

Майкл Жексон атайлаб рокн-ролл қироли Элвис Преслининг қизи Лиза Марияга уйланади. Бу билан у номигагина бўлса-да, мархумнинг издошига айланиб, ҳатто ундан ўзиб кетишни ҳам мўлжаллагандир, эҳтимол. Унинг Лиза билан турмуши икки йилга ҳам бормади. Бутунлай тушқунликка берилган кирол энди галати, қизиқ табиатли одамга айланганди.

1988 йилда Жексон Лос-Анжелесдан 125 миль шимоли-ғарбда жойлашган Санта-Барбара туманидан 17 миллион долларга минг гектарлик катта ранчо(ферма) сотиб олади ва уни афсонавий қаҳрамон Питер Паннынг хаёлий ороли номи билан “Neverland” деб атайди. Жексон у ерга ўз хайвонот боғини жойлаштиради, бутун майдонни болалар чархпалаги ва бошқа турли хил ўйин ашёлари билан жиҳозлаб, уни шахсий сайргоҳга айлантиради ва болаларни у ерга мунтазам равишда таклиф қила бошлайди. Ранчони қайта қуриш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари учун 35 миллион доллар сарфлайди. Корхона йилига беш миллионни “югиб” борарди. Бу ердаги роботсимон аттракцион кўгирчоқлар, унингча, “ҳақиқий одамлар”дан ҳам кўра қадрлироқ эди, чунки улар Жексоннинг этагига ёпишмас, ундан дастхат ҳам сўрашмасди! Ўша йилларда унинг ётоқхонасида бирга тунайдиган иштонча кийдирилган, Баблис исмли шимпанзе Жексоннинг энг яқин дўстига айланган эди.

Жексон энди дабададан иборат бўлиб қолган ҳаётидаги бўшлиқни тўлдиришга уринарди. Топаётганидан уч баравар кўп сарф-харажатлар қилар, нуқул нарса харид қилган-қилганди, лекин, барибир, ҳалиги бўшлиқ тўлай демасди. Унга тасалли берган биргина нарса – унинг болаларга бўлган муҳаббати эди, аммо бу ҳақиқий, чин муҳаббат эмас, балки уни ҳам бахтиёр, ҳам бадбахт қилган руҳий касаллик эди.

1993 йилнинг 17 августида Лос-Анжелес полиция департаменти Жексонни баччабозликда айблаб, унга қарши тергов ҳаракатларини бошлайди. Жексон онт ичиб, ўзининг бегуноҳлигини исботлашга уринади. Унинг адвокатлари

айбловчи томон билан келишиб, 15 миллион доллар пора эвазига ишни бости-бости қилишга эришадилар. Айбланувчига қарши иш қўзғатилмаган бўлса ҳам, барибир унинг обрўсига путур етганди. Жексон энди ўз режасидаги дунё бўйлаб турнедан воз кечишга мажбур эди, чунки унинг ҳомийси Пепси шартномани бекор қилган, шунингдек, Диснейлэнд ҳам у билан ҳамкорликка нуқта қўйганди.

Жексон иккинчи марта, бу гал пардозлик жарроҳи билан бирга ишлайдиган тиббий ҳамширага уланади. 1997 йил 13 февралда оилада биринчи, 1998 йилнинг апрелида эса иккинчи фарзанд туғилади. 1999 йилга келиб, Жексон иккинчи турмуш ўртоғи билан ҳам хайрлашади. 2002 йилда у учинчи марта ота бўлади. Жексоннинг аҳволи тобора ёмонлашиб борарди. Одамлар энди ундан юз ўтирганди, у эса тушунтириш беришга, ўз гуноҳсизлигини исботлашга ҳаракат қиларди. Жексоннинг розилиги билан британиялик журналист Мартин Башир саккиз ой мобайнида унинг шахсий ҳаёти билан яқиндан танишади.

Суратга олинган фильм Жексоннинг жонига ора кирмади, балки акс натижа берди. Чунки илгарилари муқаддас саналган “суперюлдуз” энди жамоатчилик кўз ўнгида баччавозга айланади. Ўша йилнинг ноябрида Жексон яна шундай айб билан ҳибсга олинади. 2005 йилнинг феврал ойида бошланган суд жараёни 1600 нафар журналист, 20 телемарказ ва 300 нафар маҳаллий мухбирлар томонидан мунтазам ёритиб борилди. 140 нафар гувоҳ иштирокида олиб борилган, тўрт ойга чўзилган суд жараёни, ниҳоят, якунланиб, 13 июн куни Майкл Жексон озодликка чиқади.

Бу — галаба билан бирга, офат эди.

Эртақ чиндан тамом бўлган эди.

Унинг албомлари ортиқ бестселлер бўлмай қўйганди.

Ўшанда Жексон банкдан 270 миллион доллар, молия идорасидан эса 150 миллион доллар миқдориди қарздор бўлиб чиқди. “Neverland”га ҳам мажбурий кимошди савдоси хавф солиб турарди, чунки Жексон 24.5 миллион долларлик кредитни тўлолмаётганди. Шунда Лос-Анжелесдаги аллақайси инвестицион компания кредитни сотиб олиб, Жексон билан янги фирма тузди.

Йил бошида Жексон яна саҳнага қайтажagini маълум қилади.

Янги тузилган режага мувофиқ, 2009 йилнинг июли ва 2010 йилнинг феврари ўртасида Жексон Лондонда жами 50 та концерт бериши лозим эди. Дастлабки ўнта концерт учун чипталар атиги бир неча соат ичида сотиб бўлинади. Концертлар учун жами 750 минг дона чипта сотилиши зарур эди. Шу тариқа, у Лондонда юз миллионлаб доллар маблағ ишлаб олиши, бу билан эса ўзининг мавжуд молиявий муаммоларини ҳал этиши лозим бўларди. Иш агар шу зайлда ривожланиб кетадиган бўлса, турнени келгуси йилларда ҳам давом эттириш учун имконият туғилиши мумкин эди. Умуман олганда, уч йилга мўлжалланган ушбу қўламли режа салкам ярим миллиард доллар миқдориди даромад келтириши кўзда тутилаётган эди.

Майкл Жексон 13 июлда Лондонга учиб бориб, у ерда саҳнада яна ўз санъатининг намоиши иштиёқи билан яшарди. Япониядан, Дубайдан, Бельгиядан, дунёнинг турли бурчакларидан келган барча мухлислари уни Лондонда яна бир бор саҳнада кўриш орзусида эдилар. Лекин афсуски, концерт ҳам, дийдорлашиш ҳам насиб этмаган экан.

Дўстлари, танишлари ва мухлисларининг гувоҳлик беришларича, у умрининг сўнгги кунларида бирданига вазнини йўқотиб, ниҳоятда озиб, чўпдай бўлиб қолган экан.

Жума куни АҚШ президенти Барак Обама ҳам баёнот эълон қилди. Унда Майкл Жексоннинг буюк санъаткор эканлиги, шу билан бирга, ҳаётининг айрим саҳифалари қайгули ва фожиали кечганлиги таъкидланди.

«*DER SPIEGEL*» ҳафтаномасининг
29.06.09 сонидан олинди.

Олмон тилидан
Мирзаали АКБАРОВ
таржимаси

Шеърӣ таржима мезони

Таржимашуносликда шеър таржимачилиги ҳақида икки хил фикр мавжуд. Биринчи гуруҳ тарафдорлари, шеърни таржима қилса бўлади, деб айтадилар; иккинчи гуруҳ тарафдорлари эса тамоман зид фикрни, яъни шеърни таржима қилиб бўлмайди, дейдилар. Бу хусусда дунё адабиётининг кўплаб дурдоналарини рус халқининг маънавий мулкига айлантирган машҳур рус шоири ва таржимони Самуил Маршак бундай ёзди: “Мен сиртдан қараганда, бир-бирига зид, лекин моҳиятан тўғри икки фикрни ўртага ташламоқчиман. 1. Шеърни таржима қилиш мумкин эмас. 2. Ҳар сафар бунга истисно сифатида қаралиши лозим.”¹

С.Маршакнинг фикрларидан шундай хулоса чиқариш мумкин, яъни таржимон ҳар доим ҳам аслиятнинг муқобили бўларлик шеърӣ таржима яратишга қодир эмас. Бунинг учун таржимонга тилни билишдан ташқари ижодий руҳий ҳолат, шеърӣ кайфият, ботиний гўзал ҳис-туйғу, ўта нозик дид, таржима қилинаётган халқнинг урф-одатлари, удумлари, табиати, менталитети, дунёқарashi ва, албатта, Оллоҳ томонидан берилган истегдод зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, машҳур таржимоннинг иккинчи фикри диққатга сазовордир. Ҳа, шеърни таржима қилиб бўлмайди, лекин ҳар сафар бу жараёнга *истисно* сифатида қаралиши керак. Ана шу “истисно”ни биз асарни бошқа тилда *қайтадан яратилиши* (таъкидлар бизники – Б.Ҳ.) деб тушунамиз. Натижада, қайта яратиш(тиклаш) санъати вужудга келади. Илмий муомалада у таржима деб аталаверади. Қайта яратиш санъати деганда, назм таржимасининг пухта кечган эволюциясини, ритмий аниқлик, мусиқавий-интонацион(оҳанг монандлигини), лисоний тафовутларни, вазн ва қофия муаммоларини, индивидуал услуб ва миллий ўзига хосликнинг берилишини, шакл ва мазмуннинг яхлитликда, диалектик боғлиқликда намоён бўлишини, уларнинг диалектик тарзда бир-бири билан узвий алоқасини назарда тутамиз.

Бевосита таржиманинг муҳим масалаларидан яна бири аслият тилидаги бадиий компонентларни, топилдиқларни таржима қилинаётган тилда қайта яратишдир. Ҳар бир халқнинг урф-одати, турмуш тарзи, анъаналари, маданияти, маънавияти, иқлим ва географик жойлашувидан келиб чиқиб, унинг қарашлари, муқояса қилиши ва ўхшатишлари ҳам турлича бўлади. Мана шу “турличалик” ҳар сафар ҳам таржимон олдига мураккаб муаммоларни қўяди, ундан масалага ижодий ёндашишни, матнга бўлган муносабатда ҳушёрликни талаб этади. Масалан, буюк шотланд шоири Роберт Бёрнснинг “*John Anderson*” деган шеъри бор. Шеър шоирнинг болаликдаги дўстига бағишлаган. Шоир дўстининг сочини таърифлар экан, ранги қоралигини “зоғ”га ўхшатади: “*Your locks were like the raven*” деб. *Raven* – зоғ(қора қарға). Шотланд ўқувчиси учун сочининг қоралигини зоғ(қора қарға)га қиёслаш табиий ҳол, чунки шоир туғилган юрт шимолий ўлка бўлиб, йилнинг деярли ҳамма фаслида кишилар эмин-эркин учиб юрган зоғларни учратадилар, уларни беозор жонивор сифатида яхши кўрадилар. Аммо таржима қилинаётган тилда бундай ўхшатиш жоиз эмас, айниқса, ўзбек тилида. Бундай ҳолларда таржимон ўз миллий адабиётидаги анъаналарга суяниб, таржима асарини ўқийдиган китобхоннинг қабул қилиш имкониятини, дидини, менталитетини назарда тутмоғи, аслият мазмунига мос тушадиган сўз орқали ифода этмоғи шарт. Бу соҳада айрим таржимонларнинг тажрибаларини кузатиш жуда мароқли.

Юқоридаги “*John Anderson*” шеъри аслиятдан бир банд:

¹ Самуил Маршак. Поэзия перевода. «Литературная газета», 31 мая 1962 г.

John Anderson my jo, John,
When we were first acquent,
Your locks were like the raven,
Your bonie brow was brent.

Мазмуни: “Қадрдоним, менинг дўстгинам Жон Андерсон, биринчи бор сен билан кўришганимизда, сочларинг зоғ(қарға) рангига ўхшар(яъни қоп-қора эди, ёш эдинг), барқ уриб дўнг пешонангни безаб турарди...” Инглиз тилида агар соч қарғага ўхшатилса, инглиз ўқувчиси фақат қарға(зоғ)нинг ўзини эмас, балки унинг *рангини* тушунади. Қани, бу ўхшатишни бошқа тилларга ағдарилганда, таржимонлар қандай йўлдан боришди экан, кузатайликчи. Аслиятдаги мисрани тўла банди билан унинг рус, қозоқ тилларидаги ва бевосита ўзбек тилига таржималарини қийслаб кўрамиз.

Машхур рус таржимони Самуил Маршак, бандни рус тилига бундай ўгиради:

Джон Андерсон, мой старый друг,
Подумайка, давноль,
Густой, крутой твой локон
Был черен, точно смоль.

Рус таржимони, инглиз тилида “қарға”га қийсланган сочни “мум”(сақич)га ўхшатмоқда. Қарға билан мум эса мутлақо бошқа-бошқа нарсалар эканлиги аён.

Энди қозоқ таржимони Қувондиқ Шанғитбоевнинг бу хусусдаги тажрибасига мурожаат қиламиз. Қувондиқ Шанғитбоевнинг қозоқ тилига амалга оширган таржимаси қуйидагича:

Джон Андерсон, Джон досым,
Мынауна жол босын,
Самай шашын тоғилген
Қара еді ғой комірден.

Қозоқ таржимони учун С.Маршакнинг русча таржимаси аслият бўлиб хизмат қилганлигини таъкидлаш жоиз. Жон Андерсоннинг (русчадаги) “мум”(сақич)дай сочи қозоқчада энди “кўмирдан ҳам қора”га айланган.

“Your locks were like the raven,
Your bonie brow was brent” –

мисрасини С. Маршак:

“Густой, крутой твой локон,
Был черен, точно смоль, –

Яъни, қуюқ тўлқинли сочларинг худди сақичдай қора эди, деб ўгирган бўлса, қозоқ таржимони Қ. Шанғитбаев:

“Самай шашын тоғилген
Қара еді ғой комірден.” –

деб қозоқчалаштиради ва буни биз аслият тилига муқобил ўхшатиш, таржима қилинаётган тиллардаги қайта яратиш деб айта оламиз, чунки уларда аслиятдаги асосий мазмун аниқ акс этган.

Шу ўринда эъгирозимиз ҳам йўқ эмас, негаки, аслият тилидаги “*Your bonie brow was brent*” мисрасида жо бўлган, “Дўнг пешонанг безалганди, қора сочинг дўнг пешонангда барқ урарди” деган мазмун ҳар иккала – рус ва қозоқ тилларидаги таржималарда қайта акс этмай, тушириб қолдирилган. Ваҳоланки, худди мана шу мисра шоир табиатини, унинг шеърляти ўзига хослигини кўрсатарди, шоир айни дўстининг “дўнг пешона” эканлигини, уни безаб турган қора сочларининг гўзаллигини таъкидламоқчи эди.

Таржимадан тушиб қолган ўша мисрани аслият тилидан биз бевосита ўзбек тилига ўгиришга уриниб кўрдик:

Жон Андерсон, қадрдон дўстим,
Бизлар илк бор танишган онда,
Тундай қаро куюқ сочларинг
Барқ урарди дўнг пешонангда.

Қизиқ манзара юзага келди: Жон Андерсоннинг қора сочи — инглиз тилида — зог(қарга)га, рус тилида — “мум”га, қозоқ тилида “қўмир”га, ўзбек тилида — “тун”га қиёс қилинади. Зог-мум — қўмир — тун... Ўзбекчада “тун” деб беришга мажбурмиз, чунки сочи биз на қаргага, на мумга, на қўмирга, яъни уларнинг ранглирига ўхшата оламиз. Тўрт тилда ҳам, сочга ўхшатиш учун кўз кўрса бўладиган предметлар олинган, лекин ҳаммасида ҳам ўқувчи кўз олдида предмет эмас, балки унинг *ранги* келади: инглиз ўқувчиси — қаргани, рус ўқувчиси — сақич(мум)ни, қозоқ ўқувчиси — қўмирни, ўзбек ўқувчиси — туннинг ўзини тушунмайди.

Русларда эса “смола” — “сақич” ёки “мум” қадимдан бебаҳо қурилиш хом-ашёси сифатида юксак қадрланган ва соч рангини, фақат соч эмас, умуман рангнинг қоралигининг мумга қиёсланиши руслар учун одатий ҳол ҳисобланади.

Қозоқларда эса қўмирга инсонни совуқдан асровчи беҳисоб энергия манбаи деб қаралади. Ҳар қадамда ҳаётий эҳтиёжга айланган бойлик, ижобий тимсол сифатида қадрланади. Уни ҳатто олтинга тенглаштириб “қора олтин” деб атайдилар.

Ўзбек халқида, мумтоз адабиётимизда анъанага биноан соч рангининг қоралиги тунга қиёсланади. “Зог” ўзбекларда совуқ, булутли кунларни олиб келувчи парранда ёки ёвузлик рамзини англаувчи жонзод сифатида тушунилади. Зог — салбий тимсол. Тун эса кун бўйи толиққан вужудларга ором берувчи бебаҳо дамлар ва шунинг билан бирга табиатдаги барча ёмонликларни ўзининг сиёҳ пардаси билан яшириб турувчи ҳамда ошиқларнинг сирли лаҳзаларини ёт кўзлардан асрагувчи хилқат маъносидан англашилади. Ундан ташқари, туннинг қоралиги ниҳоятда майин, жозибалидир.

Роберт Бёрнснинг “*John Anderson*” шеъри таржимаси мисолида гарчи соч рангини турли тилларда *зоф — мум — қўмир — тун...* деб олинган бўлса ҳам, таржимонларнинг ўз ишларига ижодий изланишлар билан ёндашганлари кўриниб турибди. Ушбу аслиятга муқобил — эквивалент таржималарда умум адабий-эстетик жараён кечганлигининг гувоҳи бўламиз. Демак, таржимада эквивалентлик, яъни таржиманинг фақат шаклий томондангина муносиб бўлиши етарли эмас, балки асарнинг тағматнидаги маънодорлик, мақсад ҳам ўз ифодасини топган бўлиши талаб этилади.

Ўзбек таржимашунос олимлари Ғайбулла Саломов ва Нажмиддин Комиловлар шеърий таржимага юқори баҳо бериб, жумладан, шундай ёзишган эди: “Бадий таржиманинг бошқа турларига қараганда шеърий таржима таъбир жоиз бўлса “*кўпроқ*” санъатдир. Шеърий таржима бадий таржиманинг *олий нави* (таъкидлар бизники — Б.Ҳ.) деса бўлади”. Атоқли олимларимиз шеърий таржимага бежиз бундай юқори баҳо бермаганлар, чунки шеърий таржима жараёни бизнинг назаримизда, худди туғуруқ жараёнига ўхшайди, негаки бу ҳолда аёл дарду тўлғоқлар чекиб, ўз вужудидан Оллоҳнинг қудрати ила табиатнинг олий маҳсули бўлган инсонни дунёга келтирса, шоир-таржимон ҳам, умуман олганда, ижодкор, бундан кам бўлмаган дарду тўлғоқлар билан фарзанддек азиз бўлган ижод, таржима маҳсулини дунёга келтиради. Мана шундай машаққатлар билан халқ мулкига айланадиган таржима асарлар, олимларимиз эътироф этган “*кўпроқ санъат*” билан барпо этилади.

Баъзан таржимонлар “дарддан” осон қутулиш йўлини қидирадилар ва ўз таржималарида ўринли, айрим ҳолларда ўринсиз тушириб қолдиришларга, ўзгартиришлар киритишга жазм этадилар. Таржимада бунга иложининг борича йўл қўймаслик керак. Фикримизни далили сифатида Роберт Бёрнснинг “*Green grow the rushes*” (“Дарё узра зумрад қамиш...”) шеъри ва “*John Barleycorn*” (“Жон Арпа Дони”) балладаси таржимасидаги сукут ва ўзгартиришларни мисол тариқасида кўриб чиқамиз:

For you sae douce, ye sneer at this;
Ye're nought but senseless asses, o;
The wisest man the warl' e'er saw,
He dearly lov'd the lasses, o.

Бу банднинг маъноси куйидагича: “Сиз ўзингизча устимдан куласиз, /Сиз ҳеч ким эмассиз, фақат ҳиссиз эшаксиз. /Ахир дунёнинг энг оқил кишиси ҳам/ Санамларни жондан севган-ку”. Аммо банднинг мазмуни унинг рус, ўзбек ва қозоқ тилларидаги таржималарида биров ўзгарган ва бу таржимада ғализликни юзага келтирган. Таржималарни кўриб чиқамиз.

Русчаси (Самуил Маршак таржимаси):

Пускай я буду осужден
Судьей в ослиной коже,
Но старый, мудрый Соломон
Любил девочнок тоже!

Ўзбекчаси (Муҳаммад Али таржимаси):

Эшак мия еган қози
Қилмай кўйсин менга карам:
Қизларжонни, гапнинг рости,
Суйган ахир Сулаймон ҳам.

Қозоқчаси (Қувондиқ Шанғитбоев таржимаси):

Есек сот алжып сілейген
Кулата берсін куз-жарды.
Хезреті кері Сулеймен
Суйіпті о да кыздарды.

Шоир “*wisest man*” сўзларини – чинакам одам, оқил одам, чин инсон, одамларнинг одами маъноларида ишлатмоқда. Самуил Маршак таржимасида эса, аслиятда йўқ Сулаймон (пайгамбар) номи келтирилади. Натижада, ўзбек ва қозоқ таржимонлари ҳам “Сулаймон” номини тилга оладилар. Бу эса баҳсли масаладир. Чунки, Сулаймон деганда, ўқувчи, юқорида таъкидлаганимиздек, чин одам маъносини тушунмайди, балки даставвал “Довуд алайҳиссаломнинг ўғли, 13 ёшида тахтга ўтирган, етук билимли, жамики инсу жинс, ҳайвонлар ва паррандалар оламига подшоҳик қилган, қушлар тилини тушунган... Қуръонда тилга олинган пайгамбарлардан бири” сифатида билади. Агар рус таржимони Сулаймон пайгамбарни узлатда юргувчи зоҳиду тақводор сифатида олиб, ҳаттоки шундай зот ҳам аёлларни яхши кўрган-ку, демоқчи бўлса, бу ҳам ҳақиқатдан йироқ: Сулаймон пайгамбар узлатнишин бўлган эмас. Энг муҳими, Роберт Бёрнс ўз шеърида асло Сулаймон (Соломон) пайгамбарни назарда тутмаган эди!

Юқорида келтирилган мисоллар, Самуил Маршакнинг “Ҳар сафар бу (бадий таржима назарда тутилмоқда – Б.Ҳ.) истисно сифатида қаралиши лозим” деган фикрини исботлаб турибди. Демак, бевосита таржима – мукамал таржиманинг асл мезони бўлиб қолаверди.

Бегойим ХОЛБЕКОВА,
Андижон Давлат тиллар педагогика
институтининг англиз адабиёти тарихи,
таржима назарияси кафедраси катта
ўқитувчиси

Мактублар – қалб кўзгуси

Дунёга машҳур немис ёзувчиси И.В.Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” асари бежиз бошдан-оёқ мактуб жанри асосига қурилмаган. Худди шунингдек, австриялик адиб Стефан Цвейгнинг “Бир аёл мактуби” қиссаси ва Франц Кафканинг “Отамга хат” эссеси маълум бадиий мақсад, бадиий шакл имкониятларига кўра айнан мактуб асосига қурилган. Гап шундаки, ижодкор эпик тур жанрларида мактуб жанридан фойдаланар экан, бунда “хат жанри орқали мурожаат қилишда муаллифнинг руҳий кечинмаларини чин қалбдан зўр куч билан изҳор қилиш имконияти туғилади”. Шунинг учун ҳам баъзан ёзувчи эпик асарлар композициясини мактуб асосига қурса, баъзида эса асар таркибида қаҳрамонларнинг бир-бирига ёзишма мактубларини асарга илова қилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, хат шакли чет эл ва гарбий Европа адабиётида алоҳида адабий жанр сифатида кенг тарқалган.

Рус адабиётшуноси Лидия Гинзбург “Борис Пастернак хатлари” деб номланган эссесига мактуб жанрининг аҳамияти ҳақида шундай эътироф этади: “Инсониятнинг мулоқот воситаларидан бири бўлган хат (мактуб) турфа маънога эга. Унда ахборотни жамлаш имконияти мавжуд, мулоҳазани баён этиш, эмоция, қизиқишларни ифода қилиши мумкин.

...Ёзувчи хатлари ҳам айнан шу вазифаларни бажаради, улар ўзларининг адабий туҳфаларини эпистоляр шаклда ифодалаган. (Масалан – Де Севинье хонимнинг мактуби) Ёзувчи хатлари ҳар доим ҳам адабиёт бўла олмайди. Бироқ бундай ҳолатда ёзувчилик муаммолари билан ҳам боғлиқ жиҳатлари мавжуд бўлади”. Ва олим ушбу эссесига Борис Пастернакнинг Марина Цветаева билан (Рильке – учинчи иштирокчи) 1926 йиллардаги ёзишма хатларни уч томонлама мактуб-роман, ҳақиқий адабиёт даража-

сига кўтарилган санъат асари, деб баҳолайди.

Энг қизиги шундаки, учинчи учбурчак Рилькени иккита иштирокчи, Марина Цветаева билан Борис Пастернак ҳар қанча учрашишни исташмасин ҳаётда таассуфки, бир-бирининг дийдорини кўриш истаги амалга ошмай қолган.

Тўғри, немис шоири Райнер Мария Рильке XX аср бошларида, аниқроғи, 1902 йилларда Россияга илк марта ташриф буюрганида Борис Пастернакнинг отаси Леонид Осипович Пастернак билан учрашади, улар поездда оилавий Петербургга саёҳат қилишади. Ушанда Борис Пастернак 5-6 яшар бола эди. Машҳур немис шоири билан бўлажак буюк рус шоирининг илк ва сўнгги учрашуви шу тариқа яқунланади. Рильке эллиқ ёшга кирганида, Швейцарияда оғир касаллик туфайли азоб чекиб, санаторияда даволанаётган пайтида, унинг юбилей муносабати билан Россиядан Б.Пастернак ва М.Цветаевадан табрик мактуби олади. Шу тариқа уларнинг учбурчак хат ёзишма романи бошланиб кетади. Улар бир-бирига ёзган мактубларида асосан, Россия ҳақида, адабиёт ҳақида, ижодий жараён, шеърят хусусида, оиласи, муҳаббат ва дўстлик, моддий аҳвол ва яна жуда кўп нарсалар ҳақида мулоқот қилишади. Рус адабиётида уч йирик шоир учликнинг мактублари йиғилиб, китоб шаклига келтирилган¹.

Мактублар хронологик тартибда жойлаштирилган бўлиб, биринчи хат Леонид Осипович Пастернак (Борис Пастернакнинг отаси)нинг Мария Рилькега 1925 йил 8 июлда, Берлиндан (ўша пайтда Борис Пастернакнинг отонаси Берлин шаҳрида яшаган) жўнатилган. Хат рус тилида ёзилган. Хат Райнер Мария Рилькенинг 50 ёши муно-

¹ Райнер Мария Рильке. Борис Пастернак. Марина Цветаева. Письма 1926 года. Москва: Книга. 1990. – 256 С.

сабати билан битилган табрик сўзлари ва ўзини эслатиш билан бошланади. Л.О.Пастернак шоирнинг Россияга ташриф буюрганида ёзувчи Алексей Толстой билан учрашгани, Ясная Поляна-нинг гўзал гўшалари, улар ўртасида кечган “Игорь солномаси” ҳақидаги суҳбатлар, Швейцария вагонидagi тасо-дифий ва сўнгги учрашув лаҳзаларини эсга солади. Бундан ташқари хат ёзувчи Л.О. Пастернак орқаворатдан етиб келган шоирнинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитиб, хотини билан роса йиглаганликларини ҳам ёзади. Бу ёлгон хабар рус халқининг қадим иримларига кўра, Рильке жуда узоқ умр кўришига башорат, дея яхшиликка йўйилади.

Мактубда унинг ижодини фарзандлари меҳр билан севиб ўқиши, айниқса, катта ўғли Борис Рильке шеърятини ниҳоятда юқори баҳолаши ай-тилади. Л.О.Пастернак ўғлини Райнер-нинг “Россиядаги издоши”, “ёш шоир” деб атайди. Л.О.Пастернакнинг Рилькега ёзган мактуби Борис Пастернак, Марина Цветаева ўртасидаги машхур мактубчилик тарихини бош-лаб берди, десак хато бўлмайди. Хуллас, Л.О.Пастернакнинг Рилькега ёзган мактубларида илиқлик ва мусаффо самимият уфуриб турибди.

Борис Пастернакнинг Рилькега ёзилган илк мактубини отаси Л.О.Пастернак Берлиндан ўзи жўнатади. Борис Пастернак Рилькедан Марина Цветаеванинг Франциядаги манзилини бериб, унга хат ёзишини, китобларидан жўна-тишини ўгиниб сўрайди.

Чунки Пастернак Маринани, унинг нималарни кўпроқ севиши ва ёқтиришини ҳаммадан кўра яхшироқ билган. У дўстини хурсанд қилиш, унинг немис адабиётига, хусусан Рильке шеърятига бўлган кучли муҳаббатини қадрлагани учун шоирнинг унга мактуб ёзишини истаган, улар ўртасидаги дўстона алоқалар ўрнатиш-ни мақсад қилиб кўган. Маринани Рильке билан таништирув Пастернак-нинг дўстига аталган катта тухфаси эди.

Шу тариқа Рильке ва Марина Цветаева ўртасидаги илк хат 1926 йил 3 майда немис шоири томонидан ёзи-лади.

Марина Цветаеванинг мактублари услубини олима Л.Гинзбург романтизм йиғиндиси, деб атайди. Олиманинг бундай аташида жон бор, албатта, чунки Марина Цветаеванинг шеърятини

каби бадиий публицистикаси, бади-алари, шунингдек, мактубларида ро-мантик жозиба, кўтаринки кайфият, ҳиссий таъсирчан лирик тил бўртиб кўринади.

Шоиранинг 1926 йил 9 майда, Сен Жиль-сюр-Ви шахридан Рилькега ёзган мактуби мана шундай бошлана-ди: “Райнер Мария Рильке! Сизга шундай мурожаат қилсам бўладими? Зеро, сиз – шеър даҳосисиз, ваҳоланки, исмингизнинг ўзи – шеър каби жаранглайди. Райнер Мария – бу қан-дайдир черковча – болаларча – ри-царларча жаранглайди. Сизнинг ис-мингиз замон билан қофиядош бўла олмайди, – у – ўтмишдан ёки кел-ажакдан – йироқ. Истардимки, Сиз-нинг исмингизни, Сиз ўзингиз тан-ласангиз”.

Ушбу мактубдан яққол кўриниб турибдики, Марина Цветаева ўзининг ижодкорлик қобилияти, шоирона ни-гоҳи билан шунчаки оддий мактуб ёзмайди, ҳақиқий маънода бадиий ижод қилади. Мактуб гарчанд соф пуб-лицистика жанри ҳисобланса-да, юқорида Маринанинг мактублари бу жанрни адабиёт даражасига олиб чиқ-қанлигини кўрсатади. У мактубларда шоирона бадиий тафаккур олами, ўзи-нинг болаларча соф романтик нигоҳи, лирик кечинмали сатрлари билан хат олувчини ҳам, бугунги китобхонни ҳам, ўзига ром этади.

Борис Пастернакнинг М.Цветаева-га йўллаган мактублари, асосан, ижод, шоиранинг поэзияси ва ўзи ҳақида. Бу мактубларда Пастернак руҳиятининг мураккаб, нозик қирралари очилади, у Марина Цветаева шеърятининг чин шайдоси бўлибгина қолмай, яқин, юрагидаги жамики дардларини, ти-рикчилик деб аталган оғир машаққат-ли ҳаёт тарзини, адабиёт деб аталган масъулиятли санъат юкининг муам-моларини баҳам кўрувчи дўст қиёфа-сида намоён бўлади. Марина ва Борис ўртасидаги дўстлик шунчаки оддий биродарликдан кўра катта – тоғдек улғувор. Пастернак жуда кўплаб хат-ларида ёзишчи, у Маринани жуда қаттиқ севади. Унинг Москвадан, 1926 йил, 20 апрелда ёзган мактубидан пар-ча: “Мен айна дақиқада сенга бўлган кучли эҳтирослар оламидаман, ёқим-сиз гапларни эшитмайман, ўзимнинг тумандек, тушуниксиз оламимдан. Бу – дунёдаги биринчи, ҳаммасидан –

олий муҳаббат. Мен сени шундай севдимки, таърифлашга тил ожиз. Анча олдин ва ҳатто ҳозирга қадар ҳаётимда фақат шундай севишни ҳаёл қилардим”. Таъбир жоиз бўлса, Марина ва Борис Пастернак ўртасидаги муносабат дўстликнинг юксак намунаси, чинакам маънодаги руҳий яқинлик натижасида пайдо бўлган сирдошлик, ҳамдардлик, ҳамкорликдир.

М.Цветаеванинг қизи Ариадна Эфрон 1955 йил, 20 августда Борис Пастернакка ёзган мактубида шундай дейди: “Онам ён дафтар саҳифаларида ва қоралама дафтарларида сен ҳақингда жуда кўп ёзган. Сенга хат ёзишимдан мақсад, сен билмаган кўп нарсалар ҳақида айтишдир. У бутун умр сени жуда узоқ севди! Фақат дадамни ва сени дили огримасдан қаттиқ севди”.

Марина Цветаева ва Борис Пастернак бир-бирларини руҳан қаттиқ севиб қолишса-да, ҳаётда улар ҳеч қачон бир бор учрашишга ҳам улгурмаган. Уларни юракларининг туб-тубидаги кўзга кўринмас мустақкам ришта боғлаб турган.

Марина Цветаева Борис Пастернакка ёзган мактубларида уни кўпинча руҳан қўллаб-қувватлаб туради, ҳаёт қийинчиликларини бартараф этишда, энг муҳими унинг руҳиятидаги ёлғизлик касалини енгишда некбин кайфият улашади.

Улар янги дostonларини – М.Цветаева “Каламушлар ови” дostonини, Пастернак “Лейтенат Шмидт” дostonининг биринчи қисмини бир-бирига почта орқали жўнатадилар. Шу тариқа улар ўртасида адабий мулоқот ва баҳслар, ички мунозаралар бошланиб кетади. Жумладан, Б.Пастернакнинг кўпчилик мактубларида “Каламушлар ови”, “Паймона поэмаси” ҳақидаги мулоҳазалари, таассуротлар баёни билан танишиш мумкин. У бир хатида шундай ёзади: “Тиҳоновга “Каламушлар ови” жуда ёқди. Сўнгра мен унга «Паймона» дostonини бердим. У Ахматовадан кейин бу илк жиддий ва юқори пардали поэзия, деди”. Кўринадики, Б.Пастернак чет мамлакатларда муҳожир бўлиб умр кечираётган дўсти Маринанинг ижодини рус дўстлари орасида тарғиб этади, уларнинг фикрларини мактуб орқали шоирага билдириб туради.

Мария Рильке ўз мактубларида кўпинча ўзи учун мўъжиза ва эртак бўлиб қолган Россия ҳақида ёзади. Ҳатто шоир оиласи билан Россияга кўчиб келиб шу ерда яшашни ҳам режалаштиради. Аммо кутилмаганда, унинг режалари ўзгариб, Европага йўл олади. Рильке учун Россия – тушларидаги ва эртаклардаги мўъжизавий мамлакат эди.

Дунёнинг учта нуқтасида умр кечираётган учта шоирни жуда катта дўстлик ва муҳаббат, шеърятга, ижодга ташналик, руҳиятидаги шоирона эҳтирос ришталари боғлаб туради. Марина Цветаева немис ва француз тилларини аъло даражада билар эди. Ҳатто унинг мактубдаги Б.Пастернак йўллаган анкета саволларига жавобидан кўришиб турибдики, у она тили - рус тилида қай даражада фикрлаб шеър ёзган бўлса, немис ва француз тилларида ҳам болалигидан бемалол ишчи ёзган. Унинг сеvimли мамлақати қадимий Эллада ва Германия, сеvimли адиблари Гейне, Гёте, Гёльдерлин бўлган. Рус замонавий шоирларидан Борис Пастернак ижодини юқори баҳолаган. Замонавий ёзувчилардан Рильке, Р.Роллан ва Пастернакни севиб ўқишини ёзади. Унинг севган нарсалари мусиқа, табиат, шеърят ва ёлғизлик.

Юқорида айтилганидек, Марина Цветаева немис адабиётини жуда севиб ўқийди, назаримизда, унинг мактубларига хос лирик, романтик услуб И.В.Гётенинг таъсирида юзага келгандек. Шубҳасиз, Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” романига хос услуб Марина Цветаева ижодида, хусусан, Рильке ва Пастернакка ёзган мактубларида бор бўй басти билан кўришиб бериб турибди.

Рус адабиётшунослигида “уч овозли мактуб роман” “Учбурчак мактубчилик” деб ном олган ёзишмаларда Мария Рильке, Марина Цветаева, Борис Пастернакнинг ўзига хос бадиий-эстетик олами, дунёқарashi, бадиий тафаккури ёрқин англашилади. Улар адабиёт, ҳаёт, жамият, инсоният, хусусан, шеърят ҳақида ўзларининг аниқ хулосалари ва фалсафий фикрига эга. Шу жиҳатдан қаралганда, ёзувчи мактубларини синчковлик билан ўрганиш ижодкорнинг поэтик оламини кашф этиш, унинг ижодхонасига тeранроқ назар ташлашга имконият яратишини сезиш мумкин.

Мария Рильке 1926 йил Париж нашриётида чоп этилган ўзининг илк француз тилида битилган “Боғлар” шеърий тўпламини Маринага дастхати ва унга атаб ёзилган французча шеър билан почта орқали Мюзодан жўнатади. М.Цветаева Рилькега жавоб хати ёзади. Унда Гётенинг машхур “бегона тилда зўр асар яратиш мумкин эмас” деган иборасини инкор этади. Марина шоир одам учун она тили йўқ, деб ҳисоблайди. Шоир француз тилида ҳам ижод этиши мумкин, аммо бу билан у француз шоири бўлиб қолмайди, деб ҳисоблайди. Унинг фикрларидан аёнки, Марина учун шеърият жуда кенг уммон, у миллат, макон ва замон чегараларидан ҳам катта. У Рилькенинг ўзга бир тил, яъни француз тилида битган шеърларини юқори баҳолаб, “Райнер, ҳар бир мисрада сенинг овозингни, ҳиссиётингни туймоқдаман, қисқаси ҳар бир шеърий қаторинг мўйловдор Райнер бўлиб жаранглайди, сен — даҳосан, ҳар бир сўзингда, ҳар бир бўғинингда”.

Рильке француз тилида чоп этилган шеърий китобидан сўнг вафот этади. Бу машғум хабар айниқса, Маринанинг руҳиятига қаттиқ таъсир этади. У Рилькенинг қариндош-уруғларига таъзия билдириб, немис тилида узундан-узун хат ёзади.

Демак, мактуб жанри Марина Цветаева ижодида муҳим ўрин тутган. Шу тариқа Рильке образи Цветаева ижодига кириб келди, унинг вафотига бағишлаб “Сенинг ўлимнинг” очеркини ёзган бўлса, вақт ўтиб, 1930 йиллар бошида “Шоир ва замон”, “Виждонга йўғрилган санъат”, “Ҳозирги Россия эпоси ва лирикаси” эсселарини яратади.

Рильке ижодидаги янгилик, яъни француз тилидаги тўплам Маринанинг ижодий фаолиятида ҳам кескин бурилиш ясайди. У энди рус шоирларининг шеърларини француз тилига таржима қилади, ўзининг “Яша” поэмаси, “Флорентия кечалари” лирик наصري, ҳасби ҳол йўналишида яратилган “Отам ва унинг музейи” ҳикояларини рус тилидан француз тилига ўгиради. Ҳатто Цветаева баъзи бир асарларини тўғридан-тўғри француз тилида ёзади: чунончи, “Амазонкага хат”, “Шарлоттенбург”, “Мундир”, “Лавр гулчамбари” каби автобиографик миниатюра-ҳикоялар. 1970 йилда бу асар-

лар А.С.Эфрон (М.Цветаеванинг қизи) томонидан рус тилига таржима қилиниб, “Звезда” журналида эълон қилинади. Булардан ташқари, М.Цветаева Пушкин ва Лермонтов шеърларидан намуналарни рус тилидан француз тилига таржима қилади. У Рильке шеъриятдан рус тилига бадиий таржималар қилади. Марина Рильке прозасини рус тилига ўгиришни орзу қилади, аммо унинг бу нияти амалга ошмай қолади.

Райнер Мария Рильке, Марина Цветаева, Борис Пастернак ўртасидаги, “учбурчак мактуб”, роман сатрлари ижодий жараён, ижодий таъсирланиш, ҳамкорлик, муайян бадиий асарларнинг яратилиш лаҳзалари, ижодкор шахснинг руҳий ҳолати, ижодий иқлим тўлқинларидан хабардор этиб турибди.

Болалигимда энди кўз очиб, биқирлаб оқаётган тиниқ, ўнлаб кичкина, митти булоқчаларни завқ билан томоша қилишни яхши кўрардим. Назаримда, учта шоир ўртасидаги мактуб ёзишмалар, ижод булоқчаларига ўхшайди. Шубҳасиз, шоирларнинг ёзишма мактублари уларнинг ижодий булоқча кўзларини катта қилиб очиб юборди. Мактублардаги руҳий-маънавий таъсир натижасида ўнлаб эмас, эҳтимол, юзлаб булоқчаларнинг кўзи очилди. Рильке Марина Цветаевага бағишлаб, ўлими олдидан машхур “Элегия”сини яратди. Мактублар шоирларнинг очилмаган адабий қирраларини очиб берди. Энг муҳими, мактубларда шоирнинг икки хил қиёфаси адабий ва инсоний портрети гавдаланади. Биз уни нафақат ижодкор сифатида балки оддий одамларга ўхшаган мураккаб қалб қийноғи, изтироблар, турмуш икир-чикирлари гирдобидан тўлғанаётган инсон сифатида кўрамиз.

Маълумотларга қараганда, Марина Цветаева Борис Пастернакка юзга яқин хат ёзган, улардан атиги 3 та хатнинг асл нусхаси, 18 хатнинг кўчирма нусхалари сақланиб қолган. Кўпчилик хатлар Марина Цветаеванинг кундалик дафтаридаги қораламалар туфайли қайтадан тикланган. У ўзининг фожиали ўлимидан олдин таржима ишлари билан 1941 йил СССР халқлари адабиёти таҳририятига келганида, муҳаррир А.П.Рябинга Рилькенинг Маринага йўллаган 7 та хати, дастхат қўйган

китоблари ва расмлари, Борис Пастернакнинг 11 та хатини ишониб топширади. А.П.Рябин вақти-соати келиб Марина Цветаева омонат қолдирган мактубларни Пастернак авлодларига топширади.

Шоира васият қилиб кетганидек, учта буюк шоир ўртасидаги хат ёзишмалари — эпистоляр адабиётнинг ёрқин намуналари роппа-росса эллик йилдан кейин дунё юзини кўрди. Бир пайтлари Марина Цветаева ўз ижоди ҳақида “Яна юз йилдан кейин одамлар менинг китобларимни гўёки, узоқ йиллар сақланган бебаҳо шаробга узундан-узун навбатда турганидек, асарларимни сотиб олиши ва ўқиб, уларни қадрлашига ишонаман”, деган эди. Шоиранинг ўз ижодига берган бу ҳақли баҳосини мактубларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

1952 йил 29 ноябрда Анна Ахматова касалхонада даволанаётган Борис Пастернакка ёзган мактубини шундай яқунлайди: “Сиз — эписторляр услубининг моҳир устасисиз — мен ҳеч кимга, ҳеч қачон хат ёзмаганман, шунинг учун мени айбга буюрманг. Сизнинг Анна Ахматовангиз”. Кўринадик, Анна Ахматова Б.Пастернакни эпистоляр адабиётнинг моҳир устаси деб атар экан, у бунда шоирнинг М.Цветаева, унинг ўғай синглиси О.Фрейденберг, Рильке ва бошқа яқинларига ёзган мактубларини кўзда тутганлиги шубҳасиз. Улар шунчаки оддий хат эмас, санъат даражасига кўтарилган бадиият намуналаридир. Ҳақиқатан ҳам Борис Пастернак архивида жуда

кўплаб ижодкор шахсларга жўнатилган мактублари мавжуд. Жумладан, М.Цветаева ва Рилькедан ташқари, унинг М.Горький, Н.Тихонов, В.Шаламов, О.М.Фрейденберг манзилига ёзилган мактублар.

Борис Пастернак мактублари орасида Марина Цветаева ва Ольга Фрейденбергга йўлланган хатлар муҳаббат, севги мавзуси билан алоқадор. Пастернак Марина ижодини ўзидан анча устун қўйган, “Мен ҳеч қачон сендек бўла олмайман”, — қабилидаги дил сўзлари унинг мактубларида учрайди. Ёки М.Цветаева Пастернакка жўнатиб суратида у бу аёл қалбидаги эркакларга хос шиддат ва жасоратни кўради. Шу боис мактубларидан бирида “Мен сенинг суратингдаги қиёфанда мислсиз улугворликни кўрмоқдаман” — деб ёзади. О.Фрейденберг илмий ҳаётда кўзга кўринган истеъдодли зиёли бўлгани учун ҳам Пастернак уни ўзига энг муносиб “интеллектуал партнер” сифатида танлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Европанинг таниқли шоирлари Райнер Мария Рильке, Борис Пастернак, Марина Цветаеваларнинг “учбурчак мактуб романи” бугунги кунда ҳам ўзининг қадр-қимматини йўқотмади, аксинча, уларнинг ҳақиқий баҳосини белгилаш онлари эндигина етиб келди, десак янглишмаймиз. Қолаверса, уларнинг бошқа шоирлар ва адибларга, яқин кишиларига ёзган мактублари нафақат, рус мемуар адабиётининг, балки жаҳон мемуар адабиётининг гултожи бўлиб қолишига аминмиз.

*Мархабо Қўчқорова,
Алишер Навоий номидаги
тил ва адабиёт институти
илмий ходими*

Минг-минг кўзли Туркистон булоғи

Ўзбек жамиятидаги миллий тушунчанинг ўсишида ўз ижодкорларимиз асарлари қаторида жаҳон тилларидан қилинган таржималарнинг ҳам катта аҳамияти бор. Шунингдек, адабиётимиз намуналарининг бошқа тилларга ўгирилиши ҳам жуда муҳимдир. Чунки бадийий пишиқ асарлар халқ турмушини, руҳини акс эттириши баробарида миллатимизни ва давлатимизни бошқа ўлкаларда танитади.

Менимча, сўнгги ўн етти йил ичида адабиётимиз намуналари энг кўп таржима қилинган, нашр этилган ўлка қардош Туркиядир. Қуйидаги ишлар адабий алоқаларимизнинг ўсиб бораётганини кўрсатади: А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Ойбекнинг «Навойи» О. Ёқубовнинг «Улугбек ҳазинаси», «Кўҳна дунё», «Адолат манзили», П. Қодировнинг «Бобур», «Авлодлар довоғи», Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар», Х. Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб», Н. Қобулнинг «Унутилган соҳиллар» каби романлари (1993–2000 й., Аҳсан Ботур таржималари), Э. Воҳидовнинг «Танланган шеърлар» тўплами (1991, Байрам Ўроқ тарж.) Н. Боқийнинг «Анвар Пошонинг васияти» (2007, Чигатой Кўчэр тарж.) асари турк тилида босилди. Турк олимларидан Хусайн Ўзбойнинг «Чўлпоннинг шеърлари» (1993), Юсуф Овчининг «Фитрат ва асарлари» (1997), Шуайб Қорақошнинг «Ўзбек адиби Миркарим Осим» (2002) китоблари ҳам ўзига хос қимматли тадқиқотлардир. Биз тайёрлаган «Замонавий ўзбек шеърляти» (1995) ва энг қадимги даврдан бугунгача яратилган ўзбек адабиёти ҳақида маълумот берадиган, икки юздан ортиқ ижодкоримиз ва асарларини танитадиган уч жилдлик «Ўзбек адабиёти» (32 жилдлик «Туркия ташқарисидаги туркий адабиётлар»нинг 14,15,16 жилдлари, Анқара, 2000) ҳам адабиётимизни Туркияда ўрганилишида манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз бу ўринда шеърлари турк матбуотида, бир неча тўпламларда босилган, ўзи ҳам Туркиядаги бир неча халқаро анжуманлар ва шеърлят байрамларида қатнашган шоирларимиздан бири Азим Суюн ижоди қардош ўлкада қандай ўрганилаётгани хусусида фикр юритмоқчимиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ХХ аср ўзбек адабиётининг Туркияда ўрганилиши борасида мустақилликдан кейингина дадил одимлар отилди. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларигача бу мавзуга оид тўрт-беш илмий китобда, вақтли матбуотда онда-сонда фикрлар билдирилган ҳолос. Замонавий ўзбек шеърлятига оид фақат битта – Ирфон Насраттин ўғлининг «Ҳозирги замон ўзбек шеърляти антологияси» (Анқара, 1988, Шакур Турон тарж.) нашр этилган эди. Унда элликта ўзбек шоири ижодидан намуналар берилган. Азим Суюннинг шеърлари ҳам илк бор ана шу тўпламда босилган. Шоирнинг «Тутқун», «Ҳар ўзбекнинг ҳовлисида» деган шеърлари китобда ўзбекча ва сўзма-сўз таржимада берилган (212–214-б.). Бу турк ўқувчиси учун ўзбек шеърининг ўзига хос оҳангини, шаклини яхшироқ ҳис этиш имконини яратган, албатта. «Тутқун» шеърда («хорижда» дея изоҳ берилган, яъни, тутқуннинг хорижлик эканига ишора; бу билан муаллиф мустамакада яшаётган ўзи ва миллатининг ҳолатини моҳирона ифодалай олган) шоир эрксиз инсоннинг букилмас иродасини кўрсатишга интилган: ёвлари тутқунни таҳқирлаб, онанг ўлди, дейдилар, у йиғламайди; ёринг ўлди, дейдилар, у кўз ёши тўкмайди; ватанингдан айрилдинг, дейилганда – кўз ёшига қўшилиб тутқуннинг жони ҳам чиқиб кетади. Ватан ҳақидаги содда, ўзбекча битилган шеърнинг мазмуни шу.

«Ҳар ўзбекнинг ҳовлисида» шеъри ҳам миллат ва ватан ҳақида:

Ҳар ўзбекнинг ҳовлисида
Ариқ оқар шилдираб.
Айвонларин теграсида
Бола юрар гилдираб.
Ҳар ўзбекнинг ҳовлисини
Келин тонгда супураб,
Қозонидан палов исин
Еллар олиб, гупураб...

Азим Суюн шеърларида ватан мавзуси алоҳида йўналишда ривожланиб, ўсиб борди. Баъзи шоирларда ватан фақат жонсиз сўз, қуруқ сифат тарзида қўлланилади. А. Суюн эса тарих билгисига эга, ўз элини суйгани каби унинг тарихини ҳам севадиган, буни ижоди билан кўрсата олган шоирларимиздан. У ватанни фақат бугунги Ўзбекистон дебгина эмас, балки унинг бой ва қаҳрамон, буюк ўтмиши билан, Туркистон ва Турон билан боғлиқ деб талқин қилади. Унинг 90-йилларда битган «Туркистон булоғи», «Туронюрт», «Аҳмад Яссавий мақбараси қошида», «Бу ватанда», «Кўлтегин», «Қурбонлар» каби шеърларида бу қутлуғ мавзу риторик тарзда эмас, балки А. Суюннинг ўзига хос оддий, халқона содда тили ва тушунтириш усулида ифодаланган. Масалан, шоирнинг «Туркистон булоғи» шеъри 1990 йилда ёзилган («Сайланма», 1997 й., 133-б.), ундаги

Бу ерда бир зумрад булоқ бор эди,
Атрофи дарахтзор, майсазор эди...
Ўзбегу қозоққа у азиз эди,
Ул тожик, ул уйғур, ул қирғиз эди,
Туркман, қорақалпоқ қандоқ суярди,
Ёрини суйгандек шундоқ суярди,
Туркистон булоғи дердилар уни.
Ғаюрлар офатдай келдилар бир кун,
Муқаддас булоқни кўмдилар бир кун...

каби сатрларда, бизнингча, Туркистон мавзуси юксак руҳ ва тушунча ҳамда ўзига ярашиқли санъат билан ифодаланган. Шоирнинг мустамлакага айланган Туркистонни кўзи кўмилиб қолган булоқ тарзида гавдалантириши ўқувчида чуқур таассурот қолдиради. Шунданми, Оврупо ва Туркияда Туркистон мавзусида кўплаб китоблар нашр эттирган машҳур олим Боймирза Ҳайит 1990 йил Истанбулда ўтказилган II Халқаро Туркистон қурултойида сўзлаган маърузасида бу шеърни ҳам алоҳида тилга олган. Олим шундай дейди: «Туркистонни парчаладилар. 1925 йилдан эътиборан Туркистон деган сўзни айтмак ҳам бир жинойят шаклида кўрсатилмакда эди... Мустамлака бўлишимизнинг асосий сабабларидан бири аждоқларимиз тарафидан Туркистон бирлигини қурмаслик бўлган эди... Оллоҳга шукрки, бугунги Туркистонимизнинг ҳар бурчагида Туркистон исмини мудофаа этган мақолалар (масалан, севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг «Туркистон-муборак» мавзули мақоласи), шоирларимизнинг бир неча шеърлари (масалан, Қосимхон Бегманнинг «О, Туркистон», Ҳалима Худойбердининг «Туркистон онаси», Азим Суюннинг «Туркистон булоғи» каби шеърлари) нашр этилди» (Б. Ҳайит, «Бу ватан меники ҳамдир», Тошкент, 1992, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 32–33-б.). Ҳақиқатан ҳам, мустақилликдан олдинги йилларда илғор ижодкорларимиз тарафидан Туркистон мавзусининг кўтарилиши бежиз эмасди. Зотан, бу мавзу 1915 йилларданок миллий Туркистон матбуотида алоҳида йўналишга айлангани, Фитрат, Ҳамза, Чўлпон, Элбекларнинг шеърларида Туркистон руҳи ўлароқ жонлангани, ўша 20-йиллардаги «Туркистон» газетасининг номи бугунги «Туркистон» газетаси сифатида яна умрини яшай бошлагани каби шоирларимиз ижодида ҳам қайтадан жонланиши табиийдир. Азим Суюнга «Туркистон булоғи»ни ёздирган илҳом ҳам худди ана шу ҳаётий, тарихий ҳақиқат нурининг ёдусидир. Туркистон минг-минг кўзли бир маънавий булоқ, унинг жонбахш миллий сувлари Туркистон севгиси жўшдирган ҳар бир кўнгилда, ҳар бир шеърда қайнаб-яшайверади ва яшагусидир. Бу шеърнинг ўзига хослиги ҳам ана шундадир.

1992 йил май ойида гўзал Бурса шаҳрида Туркия Ёзувчилар уюшмаси ва раиси Меҳмет Тўғон ташаббуси билан ўтказилган халқаро шеърят байрамида ўнларча туркий давлатлар вакиллари қаторида Ўзбекистондан Э. Воҳидов, Р. Парфи, А. Суюн, Х. Даврон каби шоирларимиз қатнашишди. Халқимизнинг бу тўрт атоқли шоири ўзбек шеърятининг ўзига хос устунликларини бу тантаналарда муваффақият билан кўрсатишди. Севимли шоиримиз Эркин Воҳидовга тўрт мукофотдан бири — Юнус Эмра мукофоти берилди; шоирларимиз шеърларидан намуналар туркча газета ва журналларда босилди. Жумладан, Азим Суюннинг таржимаи ҳоли ва «Туронюрт», «Истиғфор» шеърлари Туркие Язарлар Бирлиги газетасида («Туркие култур ве санат бултени, 1992 й. май, 26-сон, 9-10 б.), «Турк дунёси шеър гулдастаси» тўпламида нашр этилди. Шоир «Туронюрт» сарлавҳали шеърида туркий халқларнинг тарихий фожиаларини қаламга олади:

Менга айтинг, чегара нима?
 Мустабидлар топган ўйиндир.
 Сузиб борар уфқда кема,
 Бутундир, Туронюрт бутундир.
 Ота мозий қаърига тортар,
 Ким ўзбек, ким қозоқ ё хундир,
 Юрагимга бир тош зил ботар,
 Бутундир, Туронюрт бутундир...

деркан, худди ўтган аср бошларида Зиё Кўкалп айтганидек, бўлинган ва парчаланган туркий халқларнинг тарихий ватани саналган Турон юртида тинч яшаш эски орзуси, бир ғояси («сузиб борар уфқда кема») эканлигини таъкидларкан, бугунда мустақил туркий давлатлар сони кўпайганига, шу орзунинг бир қисми ушалганига ишора қилиб, шундай дейди:

Тарвақайлаб ўсган шох-шабба,
 Бир дарахтга айланган кундир,
 Кўтаргум мен офтобранг бода,
 Бутундир, Туронюрт бутундир.

Азим Суюннинг бу каби шеърларининг асоси миллат ва ватан тақдирига, тарихига ва келажигига оид катта ҳақиқатларга, буюк дардларга, улкан умидларга боғланади, уларга суянади.

XX асрдаги 21 ўзбек шоири ижодидан намуналар жамланган «Замонавий ўзбек шоирлари антологияси» (Чағдаш ўзбек шаирлери антолўжўси. Ҳазирлайан Т. Қаҳҳор, Ҳ. Ўзбай. Анқара 1995) ҳам Азим Суюнни турк ўқувчисига янада яхшироқ танилишига улуш қўшди. Бу тўпламга битилган «Энг катта қафасдаги қуш» сарлавҳали (1992 йилда ёзилган) сўзбошимизда, жумладан, шундай дейилган: «...Чўлпон ва Фитратларнинг эрксевар товуши ўчирилгач, уларнинг миллий ғоялари неча ўн йиллаб жимликка чўккандай туюлганди, бироқ кейинги йигирма йил давомида у руҳ жонлана-жонлана бир оқим ҳолига келди. Бу оқимни Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Муҳаммад Али, Омон Матжон, Хуршид Даврон, Азим Суюн каби шоирлар яратди» (12 бет). Шоирнинг бу тўпламда босилган «Кўк тукли, кўк ёлли катта арлони бўри ҳақида баллада», «Туронюрт», «Қуёш ботар пайти», «Нима истарам», «Истиғфор», «Бугун гулгун...» (199-211- б.) каби шеърларида ҳам ватанпарварлик, миллатсеварлик, адолатпарварлик ва эркпарварлик руҳи барқ уриб туради. «Нима истарам» шеъридаги фикрлар ва туйғулар ўзига ярашиқли бир содда тилда ифодаланган:

Мен нима истарам? Имон истарам,
 Тоғ осмонидек пок осмон истарам.
 Катта йўл четида хор бўлди чечак,
 Уни суюб ўпгич даврон истарам.
 ...Озод Ватан мақсуд, эрк, тенглик мақсуд,
 Қалбим туб-тубидан исён истарам.
 Шайтону мустабид ўчоғи битта,
 О тангрим, мен уни вайрон истарам.

Бу шеър ҚИБАТЕК (Қибрис, Болқонлар, Авроосиё ёзувчиларининг Халқаро Адабиёт жамғармаси)нинг тил, адабиёт ва таржима журнали «Турналар»да (2000 й., 6-7-сон, 12-б.) ҳам ўзбекча босилди.

Туркияда ўзбек адабиётининг танитилишида турк тилшунос олими Эртугрул Йаманнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Отатурк номидаги Маданият, Тил ва Тарих Юксак Куруми нашри «Турк тили» журналининг 1996 йилги 531-тўплами (“Турк дили”, дерги, сайи 551, Март, 1966, Анқара.) Туркия ташқарисидаги туркий адабиётларнинг замонавий шеърятига бағишланди. Унда ўзбек шеърятига ҳам салмоқли ўрин ажратилган (905-979 б.). Уни тайёрлаган Э. Йаман 1920-1990 йиллар орасида яратилган шеърятимизга мансуб йигирма саккиз шоирни туркларга таништириш баробарида бу йиллардаги ижодий жараён ҳақида ҳам қисқача маълумот беради. Жумладан, Азим Суюннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам фикр юритади, «Туронюрт» шеърини намуна сифатида келтиради унинг ўзбек шеърятига ўзига хос ўрни борлигини таъкидлайди.

Азим Суюн шеърлари турк газета-журналларида, турли антология ва тўпламлардагина эмас, балки дарслик китобларида ҳам босилаётгани севиначандир, албатта. Масалан, таржимон ва тилшунос олим Ридван Ўзтуркнинг 2005 йил Қўнёда нашр этилган «Ўзбек туркчеси эл китаби» (Эл китоби-русчадаги настольная китоби англамида) ўзбек тилини ўрганувчи турк талабаларга мўлжалланган. Унда муаллиф Ф. Абдурахмонов, М. Миртожиев ва бошқа ўзбек тилшунос олимларининг китобларига суянганидек, Чўлпон, Ойбек, О. Ёқубов, П. Қодиров, Э. Воҳидов, А. Суюн каби ижодкорларимиз асарларидан ҳам унумли фойдаланган. Китоб муқовасида эса Азим Суюннинг туркий халқларнинг тарихий бирлиги ва қондошлигини куйловчи шеъри ўзбек тилида, кирилл ва туркча ёзувларда берилган:

Биз кичик элмиз дер қорақалпоқ дўст,
Ёқут, кўмиқ, тотор: «Биз ҳам...» дедилар,
Кўшилди қорачой, олтойу ҳакас...
Ва лекин бир тилда сўзлар эдилар.

Бу шоирнинг «Бир даврада» сарлавҳали шеъридир. Бизнингча, ватан ва миллат мавзусидаги, Туркистон халқларининг, туркий элларнинг бирлиги ва барқарорлиги акс этган ҳар бир шеърни ҳам бир Туркистон булоғи дейиш мумкин.

*Тоҳир ҚАҲҲОР,
ЎДЖТУ доценти*

“Узлатнишин ёзувчилардан эмасман”

Александр Кабаковни адабиётдаги “сўллик” кайфияти ва Интернетдаги ёзувчилар безовта қилади

КИТОБЛАР ДАРОМАД КЕЛТИРМАЙДИ

– **А**лександр Абрамович, сиз қайта қуриш даврида ҳозир кўплаб мамлакатларга таржима қилинган “Қайтмаган” номли қиссангиз билан машҳур бўлдингиз... Бу машҳурлик ёзувчилик қисматингизга қанчалик таъсир кўрсатди?

– Сирасини айтганда, бу яхши воқеа бўлди. Муҳими, бу менинг кўпроқ ёзишимга туртки берди. Менингча, муваффақият ёзувчига унинг яхшироқ ишлаши учун зарурдир.

– **Баъзан шундай бўладики, жиддий муваффақият муаллифни элга танитади ва уни мухлислар ўша асарини айтиб эслайдилар...**

– Ҳа, менда шундай бўлди. Ва бу мени гашимни келтирарди. Ўзингиз ўйланг – кетма-кет романларинг чиқиб турса-ю, сени эса мудом битта асар муаллифи сифатида тан олишса... Хуллас, мен “Ҳали кеч эмас” ва, хусусан, “Москва эртаклари” асарларим билан вазиятни ўзгартиришга муваффақ бўлдим. Зеро улар алоҳида-алоҳида муваффақият қозониб, ўқувчиларнинг “Қайтмаган” дан кам бўлмаган диққат-эътиборини жалб этди. Фақат бошқа тилларга камроқ таржима қилинди, чунки дунёда Россияга қизиқиш кескин сусайди.

– **Сизни турли ҳайъатларга, анжуманларга мунтазам чақириб туришади. Бу жонингизга тегиб кетмайдими, ижодингизга халал бермайдими?**

– Бу касбим фаолиятининг бир қисмини ташкил қилади. Модомики, кимдир адабиёт билан шуғулланар экан, у бу касбга дахлдор бўлган юмушларни ҳам қилиши керак. Албатта, узлатнишин ёзувчилар ҳам бор, лекин мен уларга тааллуқли эмасман. Айтмоқчиманки, ёзувчи фақат ёзиши эмас, у адабий жараёнларда ҳам иштирок этиши зарур.

– **Китоб бугунги кунда даромад келтирадими?**

– Бир маҳаллар даромад келтирган. Бу даврлар китоб савдоси ва унинг нашрида шўровий тартиб устувор бўлиб, цензура йўқолган даврлар эди. Бу 80-йилларнинг боши, 90-йилларнинг охирига тўғри келади. Кейин кўп вақт китоб ҳеч бир фойда келтирмади. Ёзувчилик фақат кўнгил ишига айланди. Ўзингиз ўйланг, ёзувчи йил давомида салмоқли бир роман ёзади, шу заҳмати эвазига минг долларгина олади. Гапимга ишонинг, бу ўта адолатсизлик. Бахтимга, менинг бошқа касбим бор. Журналистман, муҳаррирлик қиламан.

– **Беш жилдлигингиз-чи?**

– Беш жилдлим яхши сотилапти, лекин у янги китобчалик даромад келтирмайди. Бу эски асарларимнинг қайта нашри-да.

– **Мана, сизнинг “Қочоқ” номли янги романингиз энг яхши насрий асар йўналиши бўйича “Йилнинг китоби” мукофотини олди. Бу сизнинг иқтисодий ёнингизга қанчалик таъсир қилади? Сизнингча, бу галабангиз ҳисобланадими?**

– “Йилнинг китоби” – бу жиддий эътироф, чинакам ноширларнинг мукофоти бу. Менинг ушбу мукофотга иккинчи марта сазовор бўлишим, биринчи бор 2005 йилда “Москва эртаклари”га олган эдим, мамнун қилади... Бироқ иқтисодийимга ҳеч қанақа таъсири йўқ – мукофот пулсиз. Аммо мавқе бу.

ИНТЕРНЕТ МАЛАКАСИЗЛИКНИ РАҒБАТЛАНТИРАДИ

— Уч йил аввал сиз Интернет адабиётни ўлдирди, дея таъкидлаган эдингиз...

— Биласизми, мен ҳали ҳам ўша тушунчадаман. Хусусан, Интернет ўлдирмайдими, албатта. Интернет мен учун аввало бир восита, кечаётган воқеаларни кузатиб боришим учун ахборот манбаидир... Бироқ интернет-ҳаётни акс эттирувчи тизимли адабиёт ҳам мавжуд. У ҳали ҳақиқий адабиётни ўлдиршига улгурмади, лекин пировард-натижада шунга олиб келади. Тармоқ адабиётида текшириб, назардан ўтказувчи бўгин йўқ. Агар кимдир асари қоғозда нашр этилишини хоҳласа, уни муҳаррир ва ношир назаридан ўтказиши зарур бўлади, танқидчилар ундан кейин фикр-мулоҳазаларини билдирадилар... Бир сўз билан айтганда, саралаш жараёни кечеди, ҳеч қандай бадиий қимматга эга бўлмаган асарлар бу жараёнда рад этилади. Интернетда эса бу жараён йўқ, истаган одам истаган нарчасини ёзиши мумкин, иккита тугмачани босса бўлди — бу асар чекланмаган адабда эълон этилади ҳам. Тармоқ адабиётидан қоғоз адабиётига фақат унга жиддий путур етказувчи, ўқувчи дидини тамомила бузувчи асарлар ўтиб боради.

— Бироқ ҳеч қандай қўшимча рекламага муҳтож бўлмаган муаллифлар ҳам Интернетга кириб, Жонли журналда ўзларининг бўлимларини очаётганлигининг шохиди бўлмоқдамиз-ку...

— Улар ижоди Интернетда шакланмаган. Ва уларни адиб сифатида обрўли танқидчилар эътироф этишган. Бундай ижодкорлар Жонли журналда ўз бўлимларини очишни хоҳлаб қолган эканлар — бу уларнинг раъйи, шу тарзда уларга ўқувчилар учун сонсиз-саноксиз учрашувлар имкони яратилади. Шахсан менинг учун “жонли” учрашувлар кифоя, бундай учрашувларда тез-тез бўлиб тураман.

— У ҳолда ёш муаллифлар, айтайлик, вилоятларда яшайдиган бошловчи ижодкорлар ўзларини қандоқ танитади? Интернетда уларнинг асарлари эълон қилиниши мумкин, лекин уларнинг битта-яримтаси мабода “қалин” журналда асари босилиб қолгудек бўлса, кимлар ўқиши мумкин, ушбу нашрларнинг адади кам, ахир...

— Бу ўринда мен фикрингизга қўшилолмайман. Ҳозир ҳам, худди аввалги пайтлардагидек, “қалин” журналда чиқиш жиддий ҳодиса саналади. Бу муаллифни керакли одамлар — танқидчилар, ноширлар пайқаб олишади. Албатта, бугунги кунда журналлар миллионлаб нусхада чоп этилаётгани йўқ, бироқ бундоқ катта аудитория бошловчи ижодкорга керак ҳам эмас. Интернет эса айнан малакасизликни рағбатлантиради, у асосан графоманларнинг, яъни ёзувчиларнинг қочиб борадиган паноҳидир. Агар бошловчи ёзувчига тез шўхрат қозониш лозим бўлса, у бу хоҳишига Интернет орқали эришиши мумкин, зеро у ўз асарига ўн минглаб турфа мазмундаги тақризларни олади. Аслида эса, бундан ҳақиқий ижодкор учун не наф? Агар уни худди шунақа муваффақият қизиқтираётган бўлса, бунинг ҳеч қандай муаммоси йўқ. Бироқ ёш муаллифнинг даъвоси бундан каттароғига бўлса, у ҳолда у ўз матнини “Новый мир”, “Знамя”, “Октябрь” журналларига йўллаши керак. Ёшларга ёзувчи бўлиб шаклланишлари учун илгаригига қараганда имкониятлар кўпроқ. Масалан, “Дебют” мукофоти таъсис этилган, унга ўтган йили 50 мингдан ортиқ кўлёзма келиб тушди. Бундай ҳол совет даврида ҳам содир бўлмаган, улардан 49 мингтаси фақат гоёвий мазмунига кўра савияси паст деб топилди. Липкада ёш ёзувчилар семинари ўтказилиб турибди, ҳамма нарса муҳайё! Барчаси худди Шўролар давридагидек, гоёвий-сиёсий бўёқлардан мустасно, холос.

СЎЛ ҚАДАМ

— Сиз қачондир, мени ҳокимият билан уларнинг ғанимларидан бошқа ҳеч нарса мурасага келтиролмайди, дегандингиз.

— Мен унинг яқинлари билан танишганимдан кейин бу иборани чўздим: “Мени ҳокимият билан уларнинг ғанимларидан бошқа ҳеч нарса мурасага келтиролмайди ва унга нисбатан унинг тарафдорларидан бўлак ҳеч нарса нафратимни қўзғай олмайди”. Унинг душманлари билан мен баҳсга киришишим мумкин, унинг тарафдорлари билан эса энг кенг майдонда ҳам бирга бўлолмайман...

– **Наҳотки ҳамма нарса шунақа нурсиз, нажотсиз бўлса?**

– Йўқ, албатта, ҳаммаси эмас. КПСС Бош котиби ёш ижодкорларни қабул қилганда улар орасида БАМ ёки комсомол қурилишларини улғувчиларни, сиёсатга хилоф ёзаётган ёш ёзувчиларнинг ҳам иштирок этишини тасаввур қилиш қийин. Путин билан учрашувда эса, масалан, тақиқланган Миллий-большевиктик партиянинг фаол аъзоси Захар Прилепин қатнашди. Ҳа, у Кремлга таклиф этилди! Ва шу нарса кўнгилда бирмунча умид туғдирадиги – нафақат таклиф этилди, у борди ҳам. Бу ҳол у томоннинг ҳам, бу томоннинг ҳам ўз хатти-ҳаракатлари борасида ғоят масъул эканликларидан дарак беради. Бинобарин, “олтмишинчи йилдагилар” ҳам ҳокимият билан муроса қилишга уринишган. Бироқ у нурай бошлаганда қарсак чалишиб, уни жарга итаришган.

– **Балки, у ҳокимият нўноқ ва ноқобилроқ бўлгандир?**

– Ҳозиргидан қобилроқ ҳокимият, менимча, Россияда бўлмаган. Сиз тўғри топдингиз. Айнан қобилроқ.

– **Бироқ сизни ҳам ҳокимият жалб этиб туради, шекилли...**

– Ҳа, жалб этади. Қандайдир расмий ёзувчилар гуруҳига киритиб туради, бунинг учун раҳмат, албатта. Бизда ҳозир ёзувчилар дунёсида ҳокимиятга интилувчилар ёки кўр-кўрона тарзда унга қарши турувчилар бор. Менинг унисига ҳам, бунисига ҳам алоқам йўқ. Мени цензуранинг йўқлиги ва юқоридан кўрсатмалар тушмаслиги тамомила қониқтиради.

Цензуранинг ва кўрсатмаларнинг йўқлиги ғарбпарастларга эмас, юртпарастларга катта зарба бўлгандек таассурот туғдиради. Зеро, юртни куйловчиларнинг негадир уни ўчиб қолгандек...

– Юртпарастлар ва либерал-ғарбпарастлар ўзларининг иқтидори даражасида совет ҳокимиятига қарши позицияда турдилар, айтиш мумкин, айни чоғда совет ҳокимияти ҳам уларга қаршилиқ кўрсатди, юртни куйловчилар сафида йирик ижодкорлар, айтишим мумкин, кўп эди. Сира ҳам кам эмасди. Жумладан, Василий Белов... Энди бир қаранг, нималар содир бўлмоқда! Бу ёзувчилар кексайишди, Худо ато этган иқтидорни деярли йўқотиб бўлишди. Бироқ бир нима дейиш қийин, бу кексаликданми ёки кўнгилларидаги қаҳр-адоват учун Худонинг кўрсатганими...

– **Бироқ юртпарастлар орасида ёшлар ҳам йўқ эмас...**

– Йўқ, улар тамомила ундайлар эмас. Бу янги бир йўналиш ва мени кўп безовта қилади. Бироқ унинг мавжудлигини, албатта, тан олиш керак. Улар жуда таланти бўлиб, юртни куйлашга чоғланганлар эмас, сўл йўналишдаги адиблардир. Ва бу гуруҳга юқорида номи зикр этилган Захар Прилепиндан тортиб, Букер мукофотининг сўнгги совриндори Михаил Елизаровгача ва истеъдодлари билан эндигина танила бошлаган барча ёш ёзувчилар кирди. Адабиётдаги либерал қанотга бақамти турганлар энди юртни куйловчилар эмас, ана шу янги сўллардир. Уларнинг туриш-турмуши мутлақо Европа кўринишида. Улар ўзларини миллий-большевиклар деб атайдилар, ҳақиқатда эса улар сўллардир. “Миллий” кўшимчаси эса Лимоновнинг виждонига ҳавола. Жумладан, узоқни кўрувчи ва ақлли танқидчилар ҳамда юртни куйловчилар йўналишининг назарийчилари бу янги сўлларни ўз вақтида пайқашиб, аввало ўз гуруҳига тортишга уринмоқдалар.

– **Шартмикин шу? Ахир уларнинг айримлари ҳали ёзишни уддалай олмайдиларку... Либерал-ёзувчилар бу йўналишга қандай чорани қарши қўйишлари мумкин?**

– Ҳозирча ҳеч қандай. Либерал танқидчилар янги сўлларни юртни куйловчилардан кўра ҳар қанча мақтаб-олқишласин, ўша либерал – ҳолис танқидчилар орасида ҳам, 30-йиллар ибораси билан айтганда, “сўл оғиш” кўзга ташланмоқда. Қандайдир сўл марш – сўл қадам... Аммоки истеъдодли, диққат-эътиборга молик ёш насрнавислар бор. Фақат уларнинг улғайиб, ғоявий сароблардан ҳалос бўлишларини кутиш керак, ҳолос.

“Литературная газета”нинг
2009 йил 38-сонидан олинди.

Русчадан
Мирнўлат МИРЗО
таржимаси

Станислав ГОВОРУХИН

Қалбсиз авлод

ҚАШШОҚ ҚАЛБЛИ ОДАМЛАР

Биз кейинги вақтда ўқиш жараёнини ахборот олиш дея тушуна бошладик. Бироқ бу тўғри эмас! Ахборотни Интернетдан ёки ўқув қўлланмаларидан олиш мумкин. Китоблар эса бизга руҳий озуқа беради, туйғуларимизни тарбиялайди. Флобер ўзининг буюк романини бежиз “Туйғулар тарбияси” деб номламаган. Болалигида мутолаага кўнгил қўймаган, уни одатга айлантирмаган, усиз яшай олмайдиган одам, бир сўз билан айтганда, ҳаётини китобсиз кечирадиган одам мақсадсиз одамдир. Бу – менинг теран хулосам. Чунки ундай одамнинг руҳан шаклланиши улуғ мураббийлар саналмиш ёзувчиларсиз кечади. “Ўзимдаги барча яхши хислатлар учун китобдан қарздорман”, – деган эди Горький. Унинг айнан шу сўзларини мен ҳам такрорлайман. Бунинг устига, бугунги кунда савияси паст китобларни ўқиш расм бўлди. Агар сен Мураками ёки ўртамиёна адиб Коэльо, ёки Сорокин, Акунин, Робс-ки, Минаевларни ва бошқа қуруқ сафсатага мойил асарларни ўқимаган бўлсанг, давраларда мум тишлаб ўтиришинга тўғри келади. Албатта, адабиёт фақат юксак туйғуларни эмас, ҳаётдаги қусур-нуқсонларни ҳам ёритиши керак. Хусусан, Патрик Зюскинд ўз диққат-эътиборини

ҳаётдаги қусурли нуқталарга, қора кўланкаларга йўналтиради. Шунга қарамасдан, унинг “Парфюмер” романи ўқилиши лозим бўлган асарлар қаторидан жой олган, зеро у ўқувчига янги бир руҳий дунё бахш этади.

ТУРГЕНЕВСИЗ ЯШАБ БЎЛАДИМИ?

Мен кўлида Тургенев романини кўтариб юрган қизни ҳеч қачон кўрмаганман, балки кўрмасман ҳам. Ҳолбуки, бу энг севимли машғулот эмасми! Яқиндагина мен Иван Сергеевичнинг барча роман ва қиссаларини ўқиб чиқдим, кейинги пайтда асосан қайта ўқиш билан машғулман. Уларни мутолаа қилмаслик кимларгадир балки фожиа туюлмас, зеро, уларнинг наздида Тургенев нима бўлибди! Дунёда ёзувчи дегани озми!.. Бироқ Чеховни, Тургеневни, Жюль Верни билмайдиган авлод шафқатсиз, ҳаёсиз, фақат ҳисоб-китоб билан яшайдиган авлод бўлиб улғаяди. Ҳалоллик ва олижаноблик улар учун заррача қимматга эга бўлмайди.

Йўқ, мен барча ёш авлод устидан ҳукм чиқариш ниятидан йироқман. Биринчидан, фақат ёшлар эмас, улардан ёшроқлар ҳам ўқимайди. Иккинчидан, ёшлар орасида ҳам йигирма фоизчаси борки, улар менинг тенг-тўшларимга қараганда кўпроқ тарбия олган, маърифатлироқ ҳам ақллироқдирлар. Бироқ, афсус-надоматлар бўлсинки, Россия бўйлаб пода

сингари кезиб юрган ёшларни кўриб кўрмасликка олиш мумкин эмас, зеро, уларнинг кўнгилларида на бир хою ҳавас, на бир интилиш-мақсад бор.

Шуниси аниқки, турмушнинг оғир юкини елкасига олганлар бугунги кунда ҳам китобни, айниқса, яхши китобларни қўлларида кўйганлари йўқ. Зотан, айнан маърифатли, руҳан тарбия кўрган одамлар қашшоқлик домига тушдилар. Улар янги дунё

муҳида ҳаётнинг шафқатсиз қонунларига мослаша олмаганликлари туфайли ҳеч вақосиз қолиб, қашшоқлашдилар. Агар биз ҳозирдан бошлаб фарзандларимизни мутолаага кўниктирмасак, оила даврасида кўриш мумкин бўладиган фильмларни суратга олишга киришмасак, унда, эски нақлда айтилганидек, одам одамга дўст-биродар эмас, бўри бўлиб улғаяди.

*“Аргументы и факты”
ҳафтаномазининг
2009 йил 39-сонидан
олинди*



Миллат шажараси

Наим Гаипов. Научно-духовные мысли Центральной Азии: некоторые направления и вклад в мировую цивилизацию. Ташкент, “Узбекистан”, 2009.

Невараларим мактабга киришидан олдин, уларни албатта, Туркистонга олиб бориб Яссавий ҳазратни, Самарқанд ва Шаҳризабзга етаклаб, Амир Темур боболарининг мақбараларини зиёрат қилдираман. Янги авлод онгли ҳаётини катта боболарини танишдан бошлашади. Ўғлимнинг таклифи билан невараларимга оиламиз шажарасини ёзиб бердим. Уларга отам Саттор бободан нариги аждодларини танитол-мадим. Чунки ундан нарисини ўзим ҳам билмайман.

Совет ҳукумати шунақа эди. Авлодларга аждодларни танитмаслик тадориғини кўрарди. Иложи бўлса, отасини ўлдириб, боласининг бошини силаб, ўз мафқурасига содиқ қилиб тарбия берар, пролетар, ялангоёқ-лигидан ифтихор руҳида камол топтирарди. Бизнинг авлод ана шу руҳдаги мафқурада вояга етган.

Ҳайриятки, XX асрнинг охириги чорагида истиқлол бўйи кўрсатиб, барча авлодлар, миллат ва жонажон Ўзбекистонни таназулдан, йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қолди.

Ушбу хотираларни қоғозга туширишимга халқимизнинг номдор зиёлиси, файласуф олим, давлат ва жамоат арбоби Наим Ғойибовнинг “Научно-духовные мысли Центральной Азии: некоторые направления и вклад в мировую цивилизацию” (“Марказий Осиёдаги илмий-маърифий тафаккур: баъзи йўналишлар ва жаҳон тамаддунига қўшилган ҳиссалар”) деган китоби сабаб бўлди. Мен-ку, ўзимни зиёли санаган бир одам, кейинги авлодларимга ёлчитиб сулоламиз тарихини ёритиб беролмадим. Наим ака эса, найинки бир оила, балки бутун бошли, миллат шажарасини яратиб, бутун дунё афкор оmmasига кўз-кўз қилибди. Ўзбек халқининг

жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини содда, равон, айни пайтда салмоқли мантиқ билан баён қилиб берибди.

Асар хосиятли етти рақамига асосланган бўлиб, қомусий олим жаҳон ёшларига донишмандликдан иборат етти мактуб йўллайди. Мана шу мактубларда ўзбек халқи қандай халқ, унинг ўтмиш тарихи қанақа, бу миллат фарзандлари бўлмиш олимлар дунё тамаддунига қандай кашфиётлар олиб кирганлар, ушбу кашфиётлар инсониятни нечоғлик илгарилатиб юборган, деган саволларга лўнда жавоблар қайтарилади.

Муаллиф қадимий илдизларнинг Ватан заминига чуқур кетганини асосларкан, муаллиф илк диний-маърифий, ҳаётий китобимиз “Авесто” тарихини улуғ аждодимиз Зардушт яратган муқаддас китобдаги Эзгу Ният, Эзгу Сўз, Эзгу Амал ақидаси ҳақида кенг, ишонарли тушунча беради. Кейинчалик бизнинг маънавиятимизга айланган ислом маданияти шаклланиб, камол топишига ҳам “Авесто” ғоялари маълум даражада ҳисса қўшгани, ҳали-ҳамон халқимиз оташпарастилик удумларини унутмаганига эътибор бериб, олис тарих билан бугунги мустақиллик даврини чамбарчас боғлайди.

Учинчи мактуб “Математикадан кибернетикага” деб аталиб, бу бобда улуғ аждодимиз Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий кашф этган ўнлик саноқ тизимини жаҳон илм-фанида буюк кашфиёт бўлиб, оддий математикадан алжабр, ундан кечаги кибернетикаю ЭҲМдан тортиб, бугунги компьютер-интернетгача олтин калит — асос бўлганлигини мазмунли баён этади. Тасаввур қилинг: гугурт чўпларини математик ҳисоб билан минггача санадингиз, ундан кейин яна

шунчага ошириб ҳисоб-китоб қилмоқчи бўлсангиз, калаванинг учини йўқотиб қўясиз. Хоразмий бобомиз, арабча 1 рақама ёнига сифр-ҳалқа қўйиб, 10 деб ўқидим, сўнг шундай қилганда катта саноқ-ҳисобларни кўшиш-айириш, кўпайтириш, бўлиш осон ва ихчамлашади, дейдилар. Мана, сизга содда, аммо буюк кашфиёт...

Тўртинчи мактуб “Шарқ Аристотели ва унинг фалсафаси ҳақида” деб аталиб, унда жаҳонда ўз даврининг Аристотелдан кейинги “Иккинчи муаллими” саналган буюк аждодимиз Абу Наср ал-Форобий ҳаёти, илму ижоди, буюк кашфиётлари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинади. Форобий қомусий олим. У чуқур кириб бормаган соҳа йўқ. Бироқ “Муаллими ас-соний”нинг тарихдаги хизмати мантиқ фанини илмларнинг онаси даражасига кўтарганида ҳамда буюк файласуф сифатида “Фозил шаҳар ва унинг одамлари” ҳақида инсоният учун ибрат-намуна, ҳаёлий адолатли давлат “қургани”дадир

Бешинчи мактуб “Давлат фалсафаси ва амалиёти ҳақида” деб аталади. Унда дунёга машҳур юртдошимиз Абу Али ибн Синонинг жаҳоншумул асарлари таҳлил қилинади. Буюк “Тиб қонунлари” нинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ўқувчига содда тилда тушунтирилади.

...Биз, ўзбеклар, жаҳон тамаддунини икки Уйғониш даври билан белгилаймиз. Буларнинг биринчиси ардоқли аждодларимиз Хоразмий, Беруний, Форобий, Ясавий, Ибн Синолар даври – IX–XII асрлар, илм-фанимиз, кашфиётчи аждодларимиз бутун жаҳонни нурлантирган давр. Иккинчиси буюк Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари асос солган Темурийлар даври – XIV–XV асрлар. Бу даврда жаҳон харитаси ҳозирги 27 мустақил давлатни ўзида бирлаш-тирган марказлашган қудратли мамлакат иродасига кўра тузилган, ижтимоий-сиёсий тизими ҳам шунга мувофиқ шаклланган. Наим Ғойибовнинг олтинчи мактуби Амир Темур даврига бағишланади. Унда ўз Ватани – қадим Мовароуннаҳрни босқинчилардан тозалаган, чингизий Тўхтамишни тор-мор қилиб бепоён Россияни, турк султони Йилдирим

Боязидни енгиш билан бутун Европани зулм ва истибоддан озод қилган халоскор сифатида жаҳон давлатлари тамаддуни ривожига беқийс ҳисса қўшган бобокалонимизнинг дунё тарихида тугган ўрни зукко олим томонидан холис ёритиб берилади.

Донишманд олим еттинчи мактубида Улугбек яратган Самарқанд астрономия мактабининг аҳамияти ҳақида баҳс юритади. Унда осмон жисмларини ўрганишда ўзбек олимларининг ҳиссаси ҳақида гап боради. Маълумки, Фарғоний, Беруний, Хоразмий каби алломаларимиз астрономия фанини чуқур ўрганиб, ўзлари ясаган устурлоблар воситасида осмон жисмлари ҳаракатини кузатиб, расадхоналар очиб, чуқур илмий изланишлар олиб борганлар. Лекин бу соҳани халқаро илмий-амалий мактаб даражасига Амир Темурнинг набираси Мирзо Улугбек кўтарган. Самарқандда расадхона очиб, бу илмий марказда мунтазам кузатишлар олиб борган буюк аллома 1018 осмон жисмлари ҳаракатини ўрганиб, фан оламида машҳур бўлган “Зижи Кўрагоний” юлдузлар жадвалини тузган.

Наим Ғойибов ёшларга мактублари устида катта масъулият билан ишлади. Устози Иброҳим Мўминов каби ўзбек халқи маънавий салоҳиятини жаҳон афкор оммасига етказишда жасорат кўрсатди.

Муаллиф камина билан суҳбатларида китобига қахрамонларини сиғдиролмаётганидан “шикоят” қиларди. Халқимизнинг улуғ сиймолари, алломалари шунчалар беҳисобки, уларнинг қай бирини китобга киритишга ақлингиз ожизлик қилади. Биргина Алишер Навоийнинг ўзи бир дунё. Ўзбек шеърятини дунё миқёсига кўтарган буюк бобомиз ижодига ўнлаб китоб бағишласак ҳам кам, – дер эди у эҳтирос билан.

Жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган буюк олимларимиз меҳнатини меҳр билан улуғлаган аллома Наим Ғойибовнинг мазкур сўнгги китоби халқимизни бугунги кунда янада юксак янги марраларни эгаллаши учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

Маҳмуд САТТОВОВ
филология фанлари номзоди

Чингиз АБДУЛЛАЕВ

Борса келмасдан қайтганлар

Роман

XII

Вертолёт қайтиб келиб, ундаги йўловчилар полковникни ва уни ўғирлаган кишиларни кўришганини айтгишгач, Нурулла америкалик ҳомийларининг техника тафаккури яратган мўъжизаларнинг афзаллиги беқийёслигига яна бир бор иқрор бўлди. Кейин шошилиш тарзда одамларига ҳозирлик кўришни буюрди. “Шўровийлар” гуруҳининг Иш-кашим ёнидан ўтиб, собиқ асирни шимолий чегара орқали олиб кетишни мўлжаллаётганига шубҳа қолмагани. Нурулла ҳам шу йўналишдан бориб, уларнинг режасини чиппакка чиқаришга жазм этди.

Беннет Корнерга қочқин офицерни тутишда қатнашишни таклиф қилар экан, ўзини қанақа хатарга қўяётганини яхши биларди. Агар полковник қочиб кетиб, станцияга ҳужум қилганлар топилмаса, бутун айбни унинг бўйнига ортишади, омади келиб қолса, ишдан қувилиб қутулади. Мосс уни мамнуният билан сотиб, барча хатолар учун товон тўлашга мажбур этиши турган гап.

Шунинг учун ҳам қочоқ зобитни қандай қилиб бўлса ҳам тирик, фақат тирик қўлга олиш зур. Бунинг устига, Беннетнинг англашича, асосий вазифалари фақат полковникни тутиш билан чекланмайди. Кўриниб турибдики, Лэнглининг Москвада ўз ахборот манбаи бор. Айнан шу манба русларнинг Афғонистон шимолида йирик операция тайёрлаётгани ҳақида хабар берган. Бироқ бу тоғларда русларни айнан нима қизиқтираётганини, уларнинг нима қилмоқчи эканини энди ўзлари аниқлашлари шарт. Бунинг битта йўли бор, бу ҳам бўлса Нурулланинг тўдасидан қочиб қолган, афтидан, чегара кўшинларига мутлақо алоқаси бўлмаган полковникни қўлга олишдир. Мабодо, у чиндан ҳам чегара кўшинларида хизмат қилса-да, шу даражадаги муҳим маълумотлардан хабардорки, уни озод қилиш учун руслар “фидоий”ларнинг бутун бир гуруҳини жўнатишга мажбур бўлган. Ўша кимсанинг қай даража қимматбаҳо эканини аниқлашга уринган сари Беннетнинг кўнгли баттар ғаш тортарди. Ўзининг ўша асир билан танишишни қандай рад этганини эслар, ўша қилмишининг оқибати ҳаммасидан кўпроқ хавотирга соларди.

Корнер эса, аксинча, ҳаммаси кўнгилдагидек бораяпти, деб ҳисобларди. Қочоқлар гуруҳининг жойини жуда тез аниқлашди. Уларни топиш ва бирортасини бўлса-да, тутиб келиш эса Нурулла ва унинг одамларининг муаммоси. Ушанда Корнер Марказга шахсан ўзи русларнинг ушбу ҳудуддаги янги ўйинини фош этиб, мураккаб масалани ечгани ҳақида ахборот бериши мумкин.

Охири. Боши ўтган сонларда

Бунинг учун эса Нурулла полковникни ёки ҳамроҳларидан бирини, албатта, қўлга олиши керак. Бунинг учун Корнер ушбу ҳудудда бир ой бўлса ҳам, ўтиришга тайёр эди. Унинг назарида станцияга қилинган қутилмаган ҳужум ва руслар тўдасининг Афғонистон тоғларида пайдо бўлиши ўртасида мантиқий боғлиқлик бор эди. Модомики, руслар номаълум полковникни қутқариш учун бу томонга гуруҳ ташлаган экан, МРБнинг станциясини вайрон қилиш ниятида иккинчи гуруҳни йўллашлари ҳам мумкин-ку. Аммо, мантиқлар занжирининг заиф жойи шунда эдики, русларнинг станцияни ишдан чиқаришга оид аҳмоқона қилигининг сабабини тополмаётганди. Бу саволга жавоб топмасдан туриб, масалани узил-кесил ҳал бўлди дейиш ҳам мумкин эмасди.

Аюб ҳовлиқиб чопиб келганда, улар Нурулланинг чодирда тушлик қилишаётганди.

– Ишқашимдан чопар келди. Алимуротнинг одамлари юкни олишга тайёргарлик кўришяпти экан.

– Қанақасига? – бўқирди Нурулла, – бу бизнинг юкимиз-ку.

– Унинг одамлари шаҳарда туришпти, – Аюб гуноҳқорона елка қисди, – биз улгурмаслигимиз мумкин.

– Унга ким хабар берипти? – Нурулла жойидан отилиб туриб, чодир ичиди югуриқлади. – Қаёқдан билақолипти у?

Иккала америкалик ҳеч нарсани тушунмай, унга тикилиб турарди.

– Нима бўпти ўзи? – сўради ниҳоят Беннет.

– Нима бўпти? – қичқирди Нурулла, – сизлар келгунча бу ерда бунақа ишлар бўлмаганди. Улар менинг юкларимни тортиб олишмоқчи.

– Яна қора дорими? – Корнер жиркангандай афтини буриштирди, – кўраяпсизми, Беннет, қанақа ифлос махлуқлар билан ишляпмиз.

– Қанақа юк? – сўради Беннет.

– Менинг юким, – чинқирди Нурулла, – мен пулини тўлаб кўйганман.

– Алимуротнинг унга нима алоқаси бор?

– У менинг юкни қаердан олишимни билиб, одамларини мендан олдин жўнатипти. Аюб, ҳамма одамларимизни йиғиб, тезда Ишқашимга етиб бор. Машиналарни қўлга олишга улгурасизлар.

– Қанақа ҳамма одамларни? – ўзини тутаолмасдан гапга аралашди Корнер, – биз одамларингиз полковникни тутиб келиш учун тоққа боради, деб келишгандик, шекилли.

– Йўқ, – Нурулла жазавага тушди, – менинг барча одамим Ишқашимга жўнайди.

– Нима бало, ақлдан оздингизми? – сўради қаҳр билан Корнер.

– Шу юкингдан қанча фойда қолади? – дарҳол суриштирди маҳаллий шароитни яхши биладиган Беннет.

– Уч машина юк бор. Бу ўн миллион доллар, дегани. Сизнинг полковнигингиз шунча турадимми? – жаҳл билан сўради Нурулла.

– Йўқ, турмайди, – Беннет гапни тижорат томонга буриши билан Нурулла дарров тинчланди. Манфаат унинг учун ҳамма нарсдан баланд турарди.

– Сенга тегадигани қанча?

– Миллион доллар.

– Ҳа, катта пул экан, – маъқуллади Беннет, – нега Алимурот бу юкни тортиб олмоқчи? У қаёқдан билган?

– Сен мендан сўраяпсанми? – яна асабийлашди Нурулла, – сизлар билан учувчиларингиздан бошқа бегона одам бу ерга қадам босмайди.

– Полковник-чи?

– Унинг ҳеч нарсадан хабари йўқ, – қўл силтади Нурулла, – унинг нима дахли бор?

– Унда Алимуротга юкинг ҳақидаги хабарни ким етказган?

– Билмайман, – Нурулла бирданига америкаликнинг ҳақ эканини тушуниб қолди. Унинг рақиби ҳар қанақа шароитда юк ҳақида билиши мумкин эмасди, аммо, билиб қопти. Энди ундан олдинроқ отни қамчилаш керак, лекин ундан ҳам бурун ярамас Алимуротга юк ҳақида ким хабар берганини аниқлаш зарур.

– Аюб, – деди Нурулла ваҳшат билан, – охирги пайтларда бизнинг одамлардан қайси бири Ишкашимга борганди?

– Навбат билан уч киши борган – Кейус, Хисров, Ҳожикарим.

– Хўш, – Нурулла бирдан хотиржам тортди. Корнер унинг лаҳзалик ўчиб-ёнишини қизиқиш билан кузатарди. Беннет эса Нурулланинг бирданига ловиллаб кетишига кўниккан, шунинг учун пинагини бузмай ўтирарди.

– Аюб, ҳамма одамларни йиғ, – деди Нурулла бироз ўйланиб, – кейин “Шўровийлар”ни топиш учун тоққа жўнашимизни эълон қил. Яна Алимурот тортиб олмоқчи бўлган машиналарга оддий кум ортилганини ҳам айт. Ҳамма уни қандай алдаганимизни билсин.

– Тушундим.

– Кўраимиз, шундан сўнг ким қароргоҳдан биринчи бўлиб чиқишга уринаркан. Биринчи бўлиб, тушундингми, Аюб? Сотқиннинг калласини менга олиб келасан. Уқдинг?

– Полковникни тутишга бормаймизми? – сўради калтафаҳм Аюб.

– Айтганимни қил, – бўкирди Нурулла. Аюб чодирдан чопиб чиқиб кетди.

– Сизларга қанча одам керак? – суриштирди тўсатдан тинчланган Нурулла паст овозда.

– Ҳаммаси керак, – деди кескин қилиб Беннет, – акс ҳолда эплай олмаймиз.

– Тушунаман. Унда юкни тўхтатиб туришга тўғри келади.

– Ҳожати йўқ. Одамларни бизнинг вертолётда юборамиз. Улар машиналарни Ишкашимга бормаслик тўғрисида огоҳлантиради. Энг осон йўли шу, – таклиф қилди Беннет.

– Сиз ҳукумат хизматидаги вертолётдан контрабандачиларни огоҳлантиришда фойдаланмоқчимисиз? – тутақиб кетди Корнер, – Мистер Беннет, сизнинг-ча, биз жуда ҳам чалғиб кетмадикмикин?

– Сизга полковник керакми, йўқми? – сўради Беннет. – Бошқа бирор таклифингиз бўлса айтинг, мен қўшилайин.

Корнер зарда билан пишқирди-ю, жим қолди.

– Яхши, – бош қимирлатди Нурулла, – вертолётингизни беринг. Агар машиналарни тўхтатиб қололсак, ўша зобитни тутишга ўзим бораман. Қасам ичиб айтаманки, у ҳеч қасқа қочиб кутула олмайди.

– Мен ҳозир топшириқ бераман, – Беннет чодирдан чиқди. Корнер чодирда Нурулла билан ёлғиз қолиб, сукутга чўмди. Унга иш жараёнида мана шунақа усуллардан фойдаланиш ҳақида ўйлашнинг ўзи ҳам ёқимсиз эди. Америкача демократия руҳида тарбиялангани боис, ҳатто ўзи хизмат қиладиган даргоҳда ҳам қабиҳ усулларнинг қўлланишини ҳазм қилолмасди.

Беннет ўн беш дақиқадан сўнг қайтди.

– Вертолёт тайёр, – деди Нуруллага, у эса бош ирғаб, одамларига шахсан кўрсатма бериш учун ташқарига йўл олди.

– Сиз нима, деб ўйлайсиз, жонидан кечган русларнинг гуруҳини тўхтатиш қўлимиздан келадими, йўқми? – сўради Корнер.

– Айтолмайман. Лекин, улар ҳеч қаяққа кетолмайди. Фақат, Иш-кашим орқали шимол томонга юришлари мумкин. Ўша ерда қўлга оламиз.

– Учувчиларимизни бунақа ярамас ишларда биринчи ва охирги марта фойдаланишимиз бўлса керак, деб умид қиламан, – бошини сараклади Корнер, – мен ҳаммасини тушунаман, аммо, бунақасини ҳеч ҳам кутмагандим. Бу тоғларнинг ўз қонун-қоидаси бор, шекилли.

– Мистер Корнер бу ерда ҳар бир шаҳарнинг ўз қонун-қоидаси бор. Ҳатто, сиз яхши биласизки, ҳар бир мамлакат ўзининг таомилига эга. Агар Нурулланинг бизга ёрдам беришини истасак, биз ҳам унга ёрдам беришимиз керак.

– Алимурот деганлари ким бўлди яна?

– Худди шундай талончи, аммо сал кичикроқ. Кўпдан бери бизнинг ошнаимизни ямламай ютишга ҳаракат қилаяпти-ю, қўлидан келмаяпти.

– Одами кўпми?

– Биздаги маълумотга кўра, икки баравар кам.

– Юк ҳақида қаяқдан билган бўлиши мумкин?

– Кимдир хабар берган бўлса керак, иккала тўданинг ҳам бу тоғларда ўз хуфиялари бор.

– Алимурот бизнинг Нуруллани қўллаб-қувватлашимизни биладими?

– Билади, шунинг учун ҳам жуда норози бўлиб юради.

Бирдан Корнер ўрнидан туриб чодир бўйлаб юра бошлади. Кейин тўхтаб, тўсатдан савол берди:

– Бу ерга келганда, ҳар сафар келгуси ташрифингиз ҳақида огоҳлантирасизми?

– Албатта, – деди Беннет, кейин даъфатан тушуниб қолди, – сиз демокчисизки...

– Худди шундай, Мосс, Блант ва Беннетдан ташқари сизнинг сафарингиз ҳақида Нурулланинг одамлари ҳам билган. Биз буларни одам ўрнида кўрмасликка ўрганганмиз, шунинг учун мантиқий мушоҳадамиз ногўгри йўлдан кетган.

Корнернинг гапиратиб, ўзини учинчи шахс сифатида тилга олгани Беннетнинг назаридан яширин қолмади. Бу, албатта, станцияни вайрон қилишда айбашларидан анча яхшироқ эди.

– Мен фикрингизни тушуна бошладим, – сапчиб тушди Беннет, – сиз Нурулланинг тўдасида Алимуротнинг одами бор, деб ўйлаяпсизми?

– Ўйлашимча, шундай. Машиналар билан бўлган воқеа шунда хулоса чиқаришга ундайди, – Корнер чодир бўйлаб одимлар экан, овоз чиқариб фикрлай бошлади, – тахминимча, тўдада инглиз тилини биладиган, ҳеч бўлмаса тушунадиган кимдир бор. У сизнинг учувчига тўданинг янги қароргоҳини харитага белгилаб қўйиш ҳақида берган топшириқингизни эшитган. Тушунаяпсизми, бу нима дегани? Шунда у қўшни тўдага сизнинг бўлажак сафарингиз ҳақида хабар беради. Менимча, ўша тўда чегарага Нуруллага нисбатан яқинроқ жойлашган. Тўғрими?

– Шунақага ўхшайди, Беннет Корнерга ҳайрат билан тикилди. У биринчи марта Лэнглининг бунақа жойларга ношудларни жўнатмаслигига тан берди. Корнер чиндан ажойиб таҳлилчи эди.

– Демак, ўша бегона кимса Нурулланинг душманларига келгуси сафарингиз қачон бўлажagini етказган. Шунақа бўлиши мумкинлигига ишонасизми?

Беннет бошини қимирлатиб тасдиқлашга мажбур бўлди.

– Фанимлар тўдаси бу ишга узоқ тайёргарлик кўришган. Улар америкаликларни ўйиндан чиқариб, – давом этди Корнер, – Нуруллани яққалаб қўймоқчи бўлишган. Аслида энг кераги ҳам шу эди.

– У ҳолда русларга нима керак? – ўзини тутаолмади Беннет.

– Мана шу савол мени ҳам қийнапти. Шунинг учун полковник оламдаги ҳамма нарсадан бебаҳо туюляпти. Нурулланинг топадиган жами пули унинг олдида сариқ чақага арзимади. Аммо, аввал биз Нурулланинг тўдасида чиндан ҳам фанимларининг хуфияси борлигини исботлашимиз керак.

– Ким инглиз тилини билишини аниқласак, ҳаммаси аён бўлади-кўяди. Унақалар бу ерда икки ёки уч киши бўлиши мумкин.

Ниҳоят, Нурулла чодирга қайтди. Кайфияти одатдагидан кўра чоғроқ эди.

– Агар машиналарни тўхтатиб қолишса, бу нодонларнинг бурни-ни ерга ишқаган бўламиз, – деди у хуррамлик билан, – ахмоқ бўлиб Ишкашимда кутиб ўтиришаверсин.

– Нурулла, – мурожаат қилди Беннет, – қароргоҳингда инглиз тилини биладиган кишилар борми?

– Менга қаранг, мистер Беннет, – кулимсиради Нурулла – форс ва пуштун тилида одамларининг кўпчилигидан яхшироқ гапирасиз. Сизга тилмочнинг нима кераги бор?

– Тилмоч керак эмас, – сабр билан тушунтирди Беннет, – мен тўдан-гизда айнан ким инглиз тилини билишини аниқлашим керак. Кимдир бизнинг гапимизни пойлаб турган ва эшитган деган шубҳам бор.

– Сен ҳақиқий дўстсан, – деди бирдан нимадир эсига тушган Нурулла меҳри товланиб, – зўр таржимоним бор, исми Хисров. Илгари Қобулда хизмат қилган, тилни ҳам ўшанда ўрганган.

– Исмини ким дедингиз? – ўзини тутаолмади Корнер.

– Хисров... – ниҳоят меҳмонлар айтаётган барча гапларнинг маъноси Нуруллага етиб борди.

– Аюб, – унинг ўқиригидан кўшни чодирлар ҳам зириллаб кетди. Қотмадан келган бир йигит чопиб келди.

– Аюб одамларни тўплайпти, – деди у.

– Менга Хисровни чақир, – бесабрлик билан бақирди Нурулла, – тезроқ, зудлик билан топ.

– Сиз сотқин ўша нусха, деб ўйлайсизми? – сўради Беннет Корнердан.

– Ҳозирча аниқ эмас. Аммо, бир нарсага эътибор беринг, шаҳарга борган уч кишининг бири биз шубҳаланаётган кимса экани, айнан унинг инглиз тилини билиши галати туюлмаяптими? Сўранг-чи, Нурулла рақибдан бирданига ва бутунлай кутулишни истайдими, йўқми?

– Албатта, хоҳлайман, – қичқириб юборди инглиз тилини озмоз тушунадиган Нурулла.

– Ўшандай бўлса, биз вертолётни албатта берамиз. Лекин, энг аввал, станциямизга ҳақиқатдан ҳам Алимуротнинг одамлари ҳужум қилганини исботлаш керак. Шунда сенинг рақибингга ҳеч қанақа шафқат бўлмаслигига, ваъда бераман.

Ниҳоят Аюб чопиб келди.

– Хисров ҳеч қаерда йўқ, – кўнгилсиз хабар келтирди у.

– Изланглар, – газабланди Нурулла, – фақат, қочиб кетипти, деган гапни айтма менга.

Аюб чодирдан отилиб чиқиб кетди.

– Биз машиналарингни тўхтатиб қолишга ёрдам берсак, сен полковникни тутишни ваъда қилгандинг, – эслатди Беннет.

– Эсимда, – тасдиқлади Нурулла, – бу менинг сўзим, ҳеч ким мени бебурдликда айблаган эмас. Бутун тўда полковникнинг изидан тушади. Агар керак бўлса, уни сиз учун қуруқ қўл билан тутамиз.

Кўчада бақир-чақир кўтарилиб, бир неча ўқ овози эшитилди.

– Бу ердан чегарагача қанча бор? – сўради Корнер.

– Бу қайси чегара эканига боғлиқ, – деди Нурулла, – бизнинг турган жойимиздан Покистон чегарасигача юз чақиримлар бор.

– Алимурот қўнган жойдан-чи?

– Ўттиз-ўттиз беш чақирим чиқади. У бирор кори ҳол бўлса қўшни мамлакатга ўтиб кетишга ўнғай бўлиши учун доимо чегарага яқинроқ жойни танлайди.

– Сен кейинчалик юкларингни қандай жўнатасан?

– Ҳар кимнинг ўз сири бор, – Нурулла гапни айлантирди, – сизники – сизники, меники – меники.

– Москвадаги одамларнинг бизга ёрдам бермасмикин? – сўради Беннет.

– Йўқ, – деди Нурулла қатъий қилиб, – Душанбе ва Москвадагилар пул эвазига ҳар қандай юкни ўтказиб беришади. Аммо, жосуслик қилишмайди. Бунинг учун у ерда отиб ташлашади. Гиёҳванд моддани ўтказиб берганига ҳам бир неча йил беришади. Шунинг учун улар ҳеч қачон сизларга ёрдам беришга рози бўлмайди.

Ташқарида яна қаттиқ-қаттиқ овозлар эшитилиб, чодирга Аюб кириб келди.

– Топшириқ бажарилди, – деди у мамнуният билан, – мана сотқиннинг калласи.

У очиқ қолган кўзларида алам ва азоб акси кўриниб турган каллани ерга юмалатди.

Корнер афтини буриштирди. Беннет юзини ўгирди. Унинг қўнгли айниётганди. Нурулла бўлса шитоб билан бориб, этигининг учи билан Хисровнинг калласини туртди.

– Хоин, – вишиллади у, – қочиб қолмоқчимидинг?

– Қочмоқчи эди, – тасдиқлади Аюб, – аммо, дарров қўлга олдик.

– Уни ўлдиришнинг нима кераги бор эди? – аччиғланди Корнер, – Бу ўрта асрларда қолиб кетган ваҳшийлик-ку. Аввал у билан гаплашиш, ҳаммасини батафсил билиб олиш керак эди.

– Бу ерда ҳам адолатни бошқача тушунишади, – деди Беннет, – қасоснинг ҳеч иккиланмасдан, ўша заҳоти амалга оширилишини ҳамма билиб қўйиши керак.

– Бунақа ўзига хосликлар жуда жонимга тегди, – хўрсинди Корнер, – умуман олганда бу тоғлардан ҳам тўйиб кетдим.

– Бизнинг қилиқларимиз ҳам аллақачон буларнинг жонига теккан бўлиши мумкин, мистер Корнер. Аммо, бир-биримизсиз яшай олмаймиз, – эслатди Беннет, – уларнинг муаммоси ҳал бўлди, мана энди қочоқ зобитни тутиш билан шуғуллансак ҳам бўлаверади.

– Аммо, бизни ҳалиги Алимуротнинг тўдаси ҳам қизиқтираётганини унутманг, – таъкидлади Корнер.

XIII

Бир замонлар СССР ва Афғонистон ўртасидаги эндиликда эса, тожик-афғон чегарасидан ўтиш учун Асанов гуруҳи икки йўлдан бирини танлаши керак бўлиб, биринчиси – тоғошарлик маҳорати-

ни намоён қилиб, қоя ва музликлар орқали ўтиш бўлса, иккинчиси Ишқашим ёнидаги тўғри йўлдан кетиш эди. Соғлом мантиққа кўра, Асанов биринчи, яъни, машаққатли, аммо, қисқа йўлни танлаши лозим бўлса-да, у операциянинг мақсадидан келиб чиқиб, иккинчи йўлни танлади. Бунинг учта сабаби бор эди, биринчиси, Кречетовни босқинчилар қўлига Ишқашимда “топшириш” бўлса, иккинчидан Елагин ва Падерина билан учрашиладиган охириги муддат ўша ерга тайинланган, учинчидан, ўта хатарли йўлни танлаш орқали, америкаликларнинг “ўлимни бўйнига олганларнинг” шу даражада сурбетлик билан бу йўлни бекорга танламагани хусусидаги тахминларини тасдиқлаб, Кречетовни тириклайин қўлга олишга бўлган иштиёқини кучайтириш эди. Бу ерда мураккаб мантиқий ўйинни қўллашга — душманга нисбатан “қаршиликка қаршилик” тамойилини ишга солиб, уни чалғитишга тўғри келаётганди. Шароит тақозосига кўра қочаётган ганим нима қилади? Хавфсизроқ, аммо машаққатли йўлни танлайди. Аммо, қочаётган ганим ақлироқ бўлса, янада бошқачароқ усулда иш кўради. Рақибининг ўз ҳийла-найрангига ақли етмаслигига ишонади-да, энг хатарли йўлни танлайди. Бундай вазиятда таъқибкор ганим қандай йўл тутади? Ўзича қочоқларнинг ҳийласини пайқаган бўлиб, иккинчи йўлни тўсади. Шу тарзда мураккаб ўйиннинг ечимини топдим, деб ўйлайди. Аслида эса ўзидан-да устакор рақибининг тузоғига илинганини сезмай қолади.

Агар Асанов чинакамига қутулиб кетишни истаса, бунинг йўлини топар, яъни бир неча зобитини Ишқашим орқали қочаётгандек кўрсатиб, ўзи эса икки кишини — Кречетов билан бир йўлбошловчини тоғдан ошириб юборарди-кўярди. Бироқ, у ўзгача йўл тутди. Рақиблари Асанов гуруҳининг найрангини ўзларича ечган бўлиб, голиблик нашидасини суришларига имкон бериш учун, қийин йўлни танлади. Ишқашимга яқинлашгач, гуруҳини иккига бўлди. Раҳимов, Семенов, Борзуновга тоғдан ошиб кетишни буюрди. Асанов, Чон Дин ва Кречетов пастки йўлдан кетадиган бўлишди. Бунда қувлаб келаётган босқинчиларнинг тахмини ҳисобга олинганди. Улар Ишқашим орқали кетаётган гуруҳ чалғитувчилик вазифасини бажараяпти, асосий гуруҳ эса тоғдан ўтиб, чегара томонга кетаяпти, деб ўйлашлари керак эди.

Тоғларда яшириниш ўрмон ёки чўлда яширинишдан кўра ҳам оғирроқ. Қоялардан ошишнинг машқини олган тажрибали йўлбошловчилар, Асановнинг гуруҳи қаерда иккига бўлинганини дарҳол аниқлашди. Икки томонга кетган изларни кўриб, гуруҳни қувлаб келаётган саксон кишини бошлаб келаётган кишилар тўхтаб, бу хабарни асосий қароргоҳга етказишди.

Корнер ва Беннет Нурулланинг қўналғасида таъқибчиларнинг қайтишини кутишарди. Хабар етган заҳоти Асановнинг ўзига хос ўйин бошлаганини фаҳмлашди. Ўзларига ким қарши турганини билишмаса-да, ҳар қалай пихини ёрган разведкачининг иш кўраётгани аён эди. Энди гап икки йўлдан асосийсини танлаб олишда қолганди.

— Полковник бу гуруҳларнинг қайсиси билан кетган, деб ўйлайсиз? — сўради Корнер.

— Бир нарса дейиш қийин, — ўйланиб қолди Беннет, — устаси фарангларнинг ўйин қоидаси ҳам ўзига хос бўлади.

— Улар тоғ орқали кетишади, — тишларини гижирлатди Нурулла — аммо, одамларим қайда бўлса ҳам топишади.

– Катта кетманг, – тўнгиллади Корнер, – улар бизнинг айнан шу фикрга келишимиз учун ҳам гуруҳни иккига бўлиб юборишган. Яъни, пастки йўлдан кетаётганларни чалғитувчи, тоғ ошиб кетадиганларни эса чегара томонга ёриб ўтадиган кишилар, деб ўйлашга мажбур қилишни мўлжаллашган. Шунинг учун ҳам биз асосий эътиборни қуйи гуруҳга қаратишимиз керак.

– Ўзингиз ҳозиргина пастдагилар бизни чалғитмоқчи, дедингизку, – Нурулла ҳеч нарсани тушунмасди.

– Мен айтгандек ҳаракат қилишимиз зарур, – бош ирғади Корнер, – сиз нима дейсиз, – сўради у Беннетдан.

– Сиз ҳаққа ўхшайсиз. Қолган одамларни Ишкашимга ташлаш керак. Аммо, бу бироз хатарли. У ерда Нурулла билан ёвлашган тўдаларнинг одамлари билан тўқнашиш юз берса, уларни тўхтатиш қийин бўлади.

– Бу энди Нурулланинг вазифаси, – газабланди Корнер, – бундан ташқари, биз станцияга ким ҳужум қилганини ҳам аниқлаб оламиз, бу ҳам анча-мунча муваффақият дегани.

Тоғдагиларга хабар етказилгач, Аюб бошиқ каттагина тўда шаҳарга бориш учун водийга туша бошлади. Йигирма беш киши эса Рахимов ва унинг шериклари изидан тоққа йўл олди.

Падерина ва Елагин билан Ишкашимда бўладиган сўнги учрашув муддати кундуз соат учда тугаганди. Аммо, Асанов кичик гуруҳини шаҳар сари бошлаб борар экан, зобитларини қутқаришдан умидини узмаганди. У Елагиннинг ғирт славян башараси билан шаҳарда қандай юришини тасаввур қила олмас, лекин, Падеринага ва унинг бой тажрибасига ишонарди. Ишкашим шаҳри Зебадан ҳам кичик бўлиб, Падерина бош майдондаги сув минораси ёнига келиши керак эди. Бироқ, бу орада яна минглаб “агар...”лар кўндаланг бўлиб турарди. Агар Падерина ва Елагин таъқибчиларидан соғ-омон қутулган бўлса, агар Падерина Ишкашимга кириш учун аёллар либосини тополган бўлса, агар Елагин Падеринанинг қайтиб келишини кутиш учун қулай жой топган бўлса.... Ва ҳоказолар.

Аммо, Асановнинг ўзига ишончи баланд эди. Агар бедарак кетган одамларининг тирик қолишларига заррача умид қолмаган бўлса ҳам, Ишкашимга бориб, уларни ўша ерда кутишга қатъий жазм этди. Ҳеч қачон ва ҳар қандай вазиятда ҳам яхши ният билан яшаш, мушкул вазиятда қолган дўстларини ташлаб қўймаслик – ҳарбий разведкачиларнинг қонуни, ўзига хос ор-номус қоидаси эди.

Ишкашимга улар кундуз соат иккиларда етиб боришди. Чин Донга шаҳарга тушиб, вазиятни билиш, ҳаракатни давом эттириш мумкинми, йўқми, шуни аниқлаш топширилди. Асанов билан Кречетов эса унинг қайтишини кутадиган бўлишди.

Чин Дон муюлишдан ўтиб, кўздан ғойиб бўлгач, полковник Кречетов Асановга қаради:

– Энди нима қилмоқчисиз?

Уларнинг бошқа зобитлар олдида гаплашмасликларининг сабаби, ишонмаслик ёки эҳтиёткорликда эмасди. Ҳеч бир ўхшаши бўлмаган бу операциянинг махфийлигини таъминлаш шу қадар муҳим эдики, Асановнинг машаққатли сафарнинг бутун азоб-укубатини тенгма-тенг тортаётган сафдошларига ҳам унинг ўзига хос жиҳатларини батафсил айтишга ҳаққи йўқ эди.

– Кутамиз, – деди у хўрсиниб, Кречетовнинг саволига жавоб берар экан, – ҳали бир неча соат фурсатимиз бор, деб ўйлайман.

– Сиз бизни топиб олишади, деган фикрдамисиз?

– Агар очигини айтсам, менинг бор умидим шундан, – бош қимирлатди Асанов, – мен МРБнинг резиденти ва сизни “ўғирлаган” кимса ўртасидаги суҳбатни эшитгандим. У ерда ишлаётганлар ҳам ахлоқ эмас, қандай қилиб чалғитмоқчи бўлганимизга ақллари етади. Шундан сўнг одамларини ортимиздан жўнатишади. Шу боисдан ҳам зобитларимни сақлаб қолиш учун, бирма-бир ўзимдан узоқлаштираяпман. Агар қолган одамларимни ҳам топа олсам, ўз вазифамни удраладим, деб ҳисоблайман. Сизни эса Ишкашимдан ўтаётганимизда “қўлга олишади”. Менинг битта режам бор, ҳозир сизга тушунтираяпман.

Шундан сўнг у Елагин ёлғиз қайтган тақдирда нимани мўлжаллаётганини, омади келиб, Падерина билан Елагинни бошлаб келса, нима қилажакларини батафсил баён қилди.

– Сиз зобитларим барибир қайтиб келади, деб ўйлаяпсизми? – сўради Кречетов.

– Умид қилаяпман, – энтикди Асанов, – мен аслида ушбу сафарда аёл кишининг қатнашишини истамагандим.

– Қанча одамингиздан айрилдингиз? – секингина сўради Кречетов қовоғи солиниб.

– Ҳозирча икки кишидан. Майор Машков тоғда ҳалок бўлди. Иккинчимиз кўниш пайтида шикастланди. Биз уни яқин қишлоқда қолдирдик, лекин у ердан қутулиб чиқиши амримаҳол. Айтгандек, у сизнинг собиқ маҳкаманингиздан, майор Абдулло Тошматов.

– Мен уни билардим, – бош ирғади Кречетов, – операциямиз ниҳоятда қимматга тушаяпти.

– Ҳеч бўлмаганда, қолганлар қайтиб келишса, мен ўзимни бахтли санардим, – тан олди Асанов, – агар очигини айтадиган бўлсам, имконимиз деярли йўқ даражада.

– Сизнинг режангиз кўпроқ тавваккалчиликка ўхшаяпти, шундай эмасми? – сўради Кречетов, – кечирасиз-ку, уни бажариш учун шахсан ўзингиз жонингизни қанчалик хатарга қўяётганингизни, тушунасизми?

– Бу борада бошқа йўл бўлиши мумкин эмас, – деди Асанов жўнгина қилиб, – шунинг учун ушбу сафарга ўзим чиқишга мажбур бўлдим. Одамларимни қурбон қилгим келмади. Била туриб уларни ўлимга йўллаш, инсонгарчиликдан эмас, ахир. Улар операциянинг асл моҳиятидан беҳабар, демак, сизни босқинчиларга бермаслик учун жонлари борича олишишади ва ўлимдан ҳам қайтишмайди.

– Балки, сиз ҳақдирсиз, – хўрсинди Кречетов, – барибир жуда хавфли-да.

Улар икки соатлар кутишди. Ниҳоят, ҳориб-чарчаган Чон Дин қайтди. Белгиланган вақтда Падерина ва Елагин Ишкашимга келмапти. Бу битта нарсани билдирарди: ё улар ҳалок бўлишган, ё ҳозирги вазиятдаги энг катта фожиага гирифтор бўлишган, яъни қўлга тушиб қолишган. Гарчи, Марказдаги таҳлилчиларнинг ҳисоб-китобига кўра, бунақа ҳолат операциянинг умумий тақдирига унча хавф туғдирмасди, чунки зобитларнинг бирортаси сафарнинг асл моҳиятини билмасди. Асанов режасининг тескари томонга айланиб кетгани учун ўзини кечира олмасди. У Падеринани хавфсизроқ жойга қўйдим, деб ҳисоблагани учун ўзидан домонгир эди. Уни ёнидан узоқлаштирмаслиги керак эди. Эндиги афсусдан эса сариқ чақалик наф йўқ. Гуруҳнинг икки зобити топилмадими, демак, уларни ҳам қатордан чиққан, деб санаса бўлади.

Энди Кречетовни қайтадан душман қўлига топшириш учун аввалдан ўйланган режанинг биринчи қисмини ишга солишга тўғри келарди. Чон Дин билан Асанов маҳаллий аҳоли кийимларини кийишди. Асирга тушган заҳоти ҳарбий кийимини олиб қўйишгани боис, Кречетов пуштунча эгни-бошда эди.

Бўлажак жанг учун ўнғай жойни анча қидиришга тўғри келди. Ниҳоят, Асанов баланд қоялардан бирининг ортига ўрнашишни мўлжаллаб, шерикларини тўхтатди.

Бунчалик имиллашнинг сабабини тушунмаган Чон Дин “нима қилишни ўзи ҳаммадан яхши билади”, деган фикрда, бу ҳақда генералдан суриштирмай қўя қолди.

Бу сафар уч соатлар кутишга тўғри келди. Таъқибчилар билан ора-ларидаги масофа чамадагидан анча узоқроқ бўлиб чиқди. Эҳтиёткор Чон Дин барибир Асановдан сўради.

– Кечирасиз, ўртоқ генерал, нимани кутаяпмиз ўзи?

– Ҳайрон бўлманг, капитан, шундай қилишимиз керак, – деди Асанов бош ирғаб, аммо, бошқа нарсга демасди.

Кречетовнинг ҳам маъқуллаб калласини ликиллатганини кўргач, Чон Дин автоматини яна бир қур кўздан кечириб, ҳеч гап бўлмаган-дек, чўзилган қўйи ётаверди. Керакми, керак, вассалом. У генералга бутун борлиги билан ишонар, ҳеч қачон ортиқча саволлар бермасди. Сиртдан қараганда оғир-босиқ, аслида эса қони қайноқ ҳарбий разведка капитани, корейс Чон Динни Асанов шу хислатларига кўра ҳам жуда қадрларди.

Таъқибчилар кутилмаганда пайдо бўлишди. Уларни ҳолдан тойган қочоқларнинг шу атрофда эканини аниқ пайқаган пихини ёрган изкуварлар бошлаб келарди. Шунинг учун автоматларнинг дастлабки ўқлари айнан уч бошловчига қарата отилди.

Иккитаси дарҳол қулади, биттаси ўзини катта тош ортига отди. Занжирсимон сафи пароканда бўлган босқинчилар ҳам ўт очишга тутиндилар. Асанов чўтлагандай, улар аниқ мўлжал билан эмас, қочоқларнинг йўлини тўсиш учун ҳар тарафга қараб ўқ узарди.

Асанов бир неча кишининг чекиниш йўлини тўсиш учун айланиб ўтмоқчи бўлаётганини илғади. Кречетов ҳам ўша йигитларни имо-ишора билан кўрсатди. Асанов калласини қимирлатиб, пайқаганини билдирди-да, ўқ узишда давом этди. Босқинчилар ҳужумга ўтишга очикдан-очик шошилмас, қочоқ асирни тириклайин тутиш тўғрисида махсус топшириқ олганлари учун, пешоналарини душман ўқиға тутиб беришга хоҳишлари йўқ эди.

Жанг ўз-ўзидан тинди, ҳужум қилувчилар сон жиҳатдан жуда кўп бўлишларига қарамасдан, олдинга силжишнинг уддасидан чиқа олмай, қочоқларни айланиб ўтаётган гуруҳнинг бир иш чиқаришини кутарди. Ярим соат давомида битта-яримта ўқ узиб, Асанов, Кречетов, Чон Дин яна эҳтиёткорликни унутиб, кўриниш берган учта таъқибчини сафдан чиқарди.

Чон Дин жойини ўзгартириб, Нурулланинг одамларини ўзлари томон яқинлаштирмаслик учун олдинроқ сурилди. Асанов орқадан бериладиган кутилмаган зарбанинг олдини олиш учун, Кречетовга ишора қилиб, ўзининг ўрнини эгаллашни буюрди-да, барча аслаҳаларини қолдириб, чаққонлик билан юқорига тирмашди. Вақтида ҳаракат қилган экан, улоқтирилган гранаталар мўлжаллаган жойларига етай деб қолган тўрт босқинчини йўлини ўзгартиришга мажбур қилди. Улар ўлган ёки яраланган икки шерикларини қолдириб, орқага чекинишди.

Аюб полковникни қўлга олиш бу сафар илгаригисига қараганда анча қийин бўлишини тушунди. Аммо у қочоқсиз ҳам қайта олмаслигини, акс ҳолда, Нурулла унинг ўз калласини узишини аниқ биларди. Демак, одамларини хужумга қўтариш керак. Аммо, чаптастликда иблисдан қолишмайдиган “шўровийлар”нинг ким қимирласа, ўша заҳоти ер тишлатишлари ҳеч гапмасди. Шу боисдан ҳам ҳозирги аҳволда одамларини жойидан қўзғатиш, ўлимдан ҳам баттар эканлигига ақли етиб турарди. Бу тўдадагилар талончиликни, одам ўлдиришни, наркотик моддалар сотишни, ҳатто ислом дини қатъий ман қилишига қарамасдан спиртли ичимликлар ичишни билар, аммо, аъло даражада тайёргарлик кўрган жангчилар билан тенгма-тенг олишишга ярамасди.

У ўзларининг имиллаши Асановнинг нечоғлик асабига тегаётганини тасаввур ҳам қила олмасди. Генералнинг мўлжалига кўра, босқинчилар шиддат билан хужум бошлашлари ва жанг майдонига ярадор ҳолда ташлаб кетилган Кречетовни қўлга олишлари керак эди. Бироқ, улар кеч тушишини кутаётгандек, жангга киришга ошиқмасди. Қоронғи тушишини кутиш эса Асановнинг режасига мутлоқ тўғри келмасди. Зулмат қўйнидаги ғира-ширликда тўсатдан пайдо бўлган ҳар қандай шарпа панд бериши мумкин, Кречетовни шу тарзда душман қўлига топширишни ўйлаш, бориб турган гумроҳлик ва нодонлик бўларди.

— Чекиниш керак, — қичқирди у Кречетовга, — бу ерда ҳеч нарса чиқара олмаймиз. Жуда қулай жойни топган эканмиз.

Тўсатдан нарига тарафда жонланиш сезилди. Ҳайқирқиқлар, отишма овозлари эшитилди. Кейин эса пайдар-пай отилаётган ўқ товушлари автоматларнинг тариллашига кўшилиб кетди. Асанов ва Кречетов ҳеч нарсани тушунмай, бир-бирига қаради. Бир қарашда бу Нурулла ва одамларининг тушунарсиз найрангидек кўринса-да, бақир-чақирларга қараганда, бу тўдага яна бир бошқа тўда яқинлашаётганга ҳам ўхшарди.

Ҳақиқатан ҳам Алимуротнинг одамлари бостириб келаётган экан. Ваъда қилинган юк машиналарини кун бўйи кутган ва ўзлари мўлжаллаган мўмай ўлжани қўлга кирита олмай, доғда қолган босқинчилар шаҳардан ўн чақирим нарида жанг бораётганини эшитиб, шу томонга ошиққанди. Улар Аюбнинг одамларига нисбатан анча кўп бўлиб, алданган кишининг аламзадалигидан қутуриб, шиддат билан жангга киришдилар. Аюб одамларининг довдираб қолганини сезиб, рация орқали Нурулладан ёрдам сўради.

— “Учар машина”ни юборинглар, — қичқирди ваҳимага тушган Аюб, — иложи борица тезроқ келсин.

Рациядан нарига томонда ниманингдир тиқир-тиқир қилгани эшитилди. У вертолётнинг расмий хўжайини бўлган Корнернинг икки йўл олдида боши қотиб турганини хаёлига ҳам келтирмасди. Бир томондан Алимуротнинг одамларини жазолаш, станцияга ким хужум қилганини аниқлаш, қочқин полковникни топишдек муҳим вазифа ҳал қилиниши зарур. Иккинчи томондан... уларнинг вертолёти икки контрабандачи ўртасидаги можарога аралашishi керак. Бу эса бирорта қонун-қоидага тўғри келмасди.

Корнер анчагина — олти дақиқалар ўйланиб турди. Унинг вазоҳатини кўрган Беннет индамасликни маъқул кўрди. Нурулла ҳам қандайдир ваҳшиёна сезги билан меҳмоннинг кўнглидан кечаётган ҳиссиётни сезиб турар ва сабр билан парвозга рухсат беришини кутарди. Ниҳоят, Корнер бир қарорга келди.

– Жин урсин сизларни, – деди у қаҳр билан, – бирор ишларинг одамларнинг ишига ўхшамайди. Майли, учсин, анави тўданинг кулини кўкка совурсин. Аммо, тайинланг, калласини узишдан олдин, бирортасини тирик тутиб келишсин.

Беннет бош силкиб, тезгина кўрсатма бергани йўл олди. Нурулла қувонганидан, учувчилар билан бирга парвоз қиладиган бўлди. У ҳам Беннетнинг ортидан шошилди. Беш дақиқадан сўнг Беннет қайтди.

– Ҳозир учишади, – деди қисқа қилиб.

– Агар ҳимояси учун шунақа қаланғи-қасангилардан фойдаланишга тўғри келадиган бўлса, демократиямизга ҳам тупурдим, – сўкинди Корнер, – шу ярамастар билан бир жойда туришнинг ўзи ҳам кўнглимни айнитаяпти.

– Қарачидан хабар бор, – Беннет унга бир варақ қоғозни узатди, – Рона Баксейни ўлдириш учун пулни афғон мужоҳидлари билан алоқада бўлган покистонлик контрабандачилар тўлашган экан. Биз ҳақмиз, шекилли. Афтидан, Покистонда кимдир шеригини алмаштиришга, “дўстимиз” Нурулланинг ўрнига Алимуротни ўтқозишга қарор қилганга ўхшайди. Натижада станцияга ҳужум уюштирилган. Аммо, қотилнинг ўзи ҳамон топилган эмас.

– Биз ҳам шундай тахмин қилгандик-ку, – Корнер қоғозни шахд билан олди, бу сафар унинг “биз” дегани Беннетнинг эътиборидан яширин қолмади.

– Полковникни тутиш ҳақида қарорга келиб, тўғри иш тутдингиз, деб ўйлайман. Асосий вазифамиз русларнинг бу ерда қанақа операцияга тайёргарлик кўраётганини билиб олиш—ку, ахир. Алимурот масаласи бўлса бугун узил-кесил ҳал қилинади, – деди Беннет Корнернинг беихтиёр илжайётганини кўриб.

Вертолёт жанг бораётган жойга йигирма дақиқадан сўнг етиб борди. Аюбнинг одамлари тўсатдан бошлари узра пайдо бўлган баҳайбат машинани кўришганда, ҳолдан тойиб бўлишганди. Шу пайт оғир пулемётлар тариллаб, ракетаалар бирин-кетин уча бошлади. Душман томонда вертолёт борлигини хаёлларига ҳам келтирмаган Алимуротнинг каллакесарлари ўртасида ваҳима кўпди. Улар буни билишганда, “учар машина”ни, албатта, “стингер” ва пулемётлар билан қарши олган бўлишарди. Нуруллада бунақа машина бўлиши мумкинлигини ким ҳам ўйлапти, дейсиз.

Уруш даврида мужоҳидлар қутилмаганда пайдо бўлиб қоладиган совет самолётлари ва вертолётларининг ҳаводан ҳужум қилишларига кўникиб кетишганди. Америкаликлардан олинган “стингер”лар ўша пайтда душман кучларига қаршилик кўрсатиш ва эгаллаган жойларини сақлаб қолишда жуда кўл келганди. Бироқ, америкаликлар қурол-яроғ етказиб беришни ҳаддан ошириб юбордилар. Оқибатда урушдан сўнг террорчилар ва экстремистлар кўлига тушиб қолмаслиги учун, ўзлари етказиб берган ушбу қуролларни афғон мужоҳидларидан катта пул эвазига қайтадан сотиб олишга мажбур бўлишди.

Асанов, Кречетов ва Чон Дин бу қонли воқеанинг ихтиёрсиз шохидига айланиб, вертолётдагиларнинг Алимуротнинг одамларини ракетаалар билан аёвсиз янчишаётганини, қояларга сиқиб бориб, пулемётлардан қиришаётганини кузатишарди. Асанов мана шу вазиятнинг жонларига ора киришини дарров англади.

– Режамиз амалга ошадиган бўлди, – бақирди у Кречетовнинг ёнига сурилиб.

У бошини қимирлатиб, ништарини чиқарди. Тез ва кескин ҳаракат билан бошининг чаккасига яқин жойини тилиб юборди. Бир зумда сочлари қондан қорайди. Кречетов Асанов итқитган халтачани олиб,

ўзига укол қилди ва ярасига дока босди. Дока ўша заҳоти қип-қизил рангга бўялди.

– Бўлди, – қичқирди Кречетов, – энди ҳаммаси жойида.

У халтача ва ништарни Асановга қайтариб отди.

Улар бир-бирининг кўзларига тикилишди.

Бу ўзига хос видолашув эди.

Кречетов бировнинг кўзига хотиржам ва тик қараши учун ҳали кўп йиллар ўтиши даркорлигини биларди. Асанов эса полковникни энди ҳеч қачон кўра олмаслигини тушунарди.

Бир неча зобитни қурбон берган бўлса-да, ниҳоят, берилган топшириқни адо этди, муҳими шу эди.

Номаълумлик сари кетаётган Кречетовнинг эса кейинги умри афсонага уланиб кетар, ушбу афсонадан Ташқи разведка хизматининг саноқли одамларигина хабардор бўлиши мумкин эди, холос.

Вертолёт бир неча бор айланиб, Асанов гуруҳини ҳам бир неча бор ўққа тутди. Бундан ортиқ қулай вазият бўлиши мумкинмасди.

– Тез бўл, қочдик, – буюрди Асанов Чон Динга.

У бўлса чўзилиб ётган Кречетовни кўрсатди.

– Яраланганга ўхшайди.

– Қочдик, – Асанов баланроқ овозда такрорлади буйругини.

– Тушундим, – Чон Дин бошқа бирорта савол бермади.

Йигирма дақиқадан сўнг хужумга ўтган Аюбнинг одамлари Кречетовни ҳушсиз ҳолда топишди.

XIV

Асанов ва Чон Дин таъқибчилардан кўп ўтмасдан қутулди. Ўзини билмай ётган Кречетовни қўлга киритган босқинчилар топшириқни бажарилган ҳисоблаб, қолган қочқинларни қувишга шошилмасди. Иштиёқмандлар топилмагач, таъқиб ўз-ўзидан тўхтади.

Асановнинг режаси бўйича Ишкашимдан шимол томонга юриб, баланд тоғлар оша Афғонистоннинг ҳеч ким томонидан қўриқланмайдиган чегарасига чиқишлари лозим эди. Бироқ, у ўша тарафга йўл олиш ўрнига, Ишкашим яқинидаги тоғда яна бир оқшом тунашга қарор қилди. Гарчи, бедарак офицерлари билан учрашиладиган сўнгги муҳлат аллақачон ўтиб кетган бўлса-да, ҳар эҳтимолга қарши, яна бир бор уриниб кўрмоқчи эди.

Ишкашимга ўзи бора олмас, шунинг учун юраги зирқираб, яна Чон Динни жўнатди. Шов-шувли ғалабадан сўнг Нурулланнинг одамлари яна шаҳарда пайдо бўлишлари мумкин эди. Қароргоҳларига борган табибнинг юзини кўпчилик кўрган, ташқи қиёфаси ва юришларини эслаб қолишганди. Шунинг учун Асанов хомхаёлга берилмасдан, Ишкашимга Чон Диннинг боришини маъқул кўрди.

Капитан калта оёқларини қулгили тарзда чалиштириб босганча, одатдагидек ланж одимлар билан шаҳарга кириб борди. Бу шимолда яшайдиган корейслар, қирғизлар ва хитойликларнинг ўзига хос юриши бўлиб, Чон Дин ҳам ўшаларнинг биридек кўринарди.

Белгиланган муддатга бир соатлар қолганда, ўзига хос эркаклар клуби ўрнини бажарувчи чойхонага кириб борди.

Бу ерда бир неча ўнлаб чоллар ўтириб олиб, шошилмасдан кеча Алимурот билан Нурулла ўртасида бўлган жанг тафсилотини муҳокама қилишарди. Гапирувчилар ўзганинг бойлигига кўз олайтирган Алимурот ноҳақ иши учун Худонинг қаҳрига учради, деган хулосага мойил эди. Аслида ҳам бу тоғларда яшовчиларнинг талончиларга сира тоқати йўқ эди.

Чойхўрлар орасида ола чопон ва дўппи кийган бир неча бадқовоқ эркаклар ҳам бўлиб, улар бироз четроқда ўтиришар, шаҳарда бўлган воқеанинг ўзларига мутлақо дахли йўқдек, умуман суҳбатга аралашмасди.

Бу кимсалар ўз ватанида фуқаролар урушини бой бериб, мажбурий муҳожирликка гирифтор бўлган ва қўшни юртни макон тутган Абуқодирнинг одамлари эди. Ўсиб кетган патак соқолли бу кимсалар мурсою мадорани ва исломий бағрикенгликни урф қилган тоғликларни чўчитарди. Бу тоғларда сунний ва шиа мансабига мансуб муслмонларни ҳам, баҳойларни ҳам, кришначиларни ҳам, буддавийлар ва насронийларни ҳам учратиш мумкин эди. Зеро, кўп миллатли мамлакатда бағрикенглик ва ҳар бир миллатнинг қадр-қимматини жойига қўйиш, ўша юртда барқарорликнинг асосий шартидир.

Одамлар билан гавжум чойхонага кирган Чон Дин эшикка яқин жойдаги бўш столни танлади. Орадан бироз ўтгач, бир чол келиб, салом ўрнига бош қимирлатиш билан кифояланди, унинг қаршиси-га чўкди. У анчагача индамасдан чой хўплаш билан машғул бўлди. Ниҳоят стакан ўрнида берилган тожикча пиёланинг иккинчисини бўшатгач, офир хўрсинди.

– Бизнинг тоғларга ҳам қора кунлар келди.

– Шундай, – маъқуллади Чон Дин хушёр тортиб.

– Неча йилдирки, тинмай одам ўлдиришади, ҳеч қириб битириша олмайди. Эл қонга ҳам ўрганиб қолди, – чол бошини сарак-сарак қилди.

– Уруш уруш-да, – унинг дардини тушунгандек елка қисди Чон Дин.

– Бу қалбимизни эгаллаган иллатларнинг касри, – эътироз қилди чол, – биз бағритош бўлиб қолдик. Илгари асирнинг бошини кесган-мидик, болалар ва аёлларни қийнаганмидик?

– Ҳа, жуда ўзгариб кетдик, – маъқуллади Чон Дин, – лекин аёллар ва болаларга азоб бермаслик керак. Бу катта гуноҳ.

– Шундай, – бош ирғади чол, – кеча манави худодан қайтганлар бир-бирини отганда, қанчадан-қанча суяги қотмаган ўспиринлар ўлиб кетди. Аммо, худди, шундай бўлиши керакдек, биров бир нарса дегани йўқ.

– Вертолётни айтинг, ҳалиги “учар машина”ни – Чон Дин ҳам ўзини ҳамма нарсадан бохабар қилиб кўрсатмоқчи бўлди.

– Бу ҳам руҳимиз мажруҳлигининг касофати, – деди чол насиҳат оҳангида, – энди бизга ҳеч нарса ёрдам бера олмайди.

– Балки, Оллоҳ яна раҳимимизни еб қолар, – Чон Дин соатига қаради, шартлашилган вақтга йигирма дақиқа қолаётганди.

– Гуноҳларимиз учун Оллоҳ биздан юз ўгирди. Мана, яқинда бир қўшним уйига ёшгина хотинни олиб келди, – худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандек, шошилмасдан давом этди қария, – бу аёл қаёқдан келиб қолган, ўзи ким, илгари қаерда юрган, ҳеч ким билмайди. Қўшним тоғда учратиб қолиб, бошлаб келаверипти. Аммо, биз ҳаммамиз қаршимиз. Унинг кимлигини билмасак, қаёқдан рози бўлайлик. Балки, эрини ўлдирган чиқар. Балки, илгари Қобулнинг бозорида танини сотиб кун кўрадиган, Оллоҳнинг қаҳрига учрагур, ифлос фоҳишалардан биридир. Ишқилиб, билмаймиз. Билмагандан кейин ишонмаймиз. Ишонмаганимиздан кейин, уйига киритишнинг нима кераги бор? Илло, аёл шайтоннинг яратмиши, барча фалокат аёл зотидан келади.

– Ўша аёлнинг келганига қанча бўлди? – сўради Чон Дин қизиқишини яшира олмасдан.

— Беш ойдан ошди, — деди чол бажонидил, — лекин ҳалигача у ҳақда ҳеч нарсани билмаймиз.

Чон Дин сездирмасдан нафасини ростлади. Унинг Падерина эмаслиги аниқ эди.

— Раҳмат сенга, саховат соҳиби. Омон бўл, — у чопонини тўғри-лаб, ўрнидан турди.

— Оллоҳ таоло сенинг ҳам йўлингни очиб, сафарингни бехатар қилсин, — дуо қилди қария.

Чон Дин чойхонадан чиқди. У чол билан суҳбатлашаркан, чойхонанинг бошқа бурчагидан кимнингдир ўзига тикилиб қараб турганини сезмаганди. Чон Дин чойхонадан чиқар-чиқмас, ўша кимса ёнидаги икки шеригига нимадир дегач, ўрнидан сакраб туриб, эшик томонга отилди. Ортидан ошналари ҳам қўзғалишди.

Кундузги соат учда, ҳатто, тоғ шаҳар-қишлоқларида ҳам кўчада ҳеч ким бўлмайди. Дўконлар ёпилиб, инсон овози тинади. Иссиқ юр-ларда бу пайтда одамлар дам олишни маъқул кўришади. Тоғликлар эса ишламаса ҳам, дам олаверади, шу боисдан Ишкашимнинг кўчаларида бирор кимсанинг қораси кўринмасди.

Чон Дин ортидан бирваркайига уч нотаниш кимсанинг илашганини майдонга етмасдан туриб, пайқади. Таъқибчилардан бирини дарров таниди. Бу ўша — Асанов бир зарб билан қулатган Кречетов-нинг кўриқчиси эди.

Чон Динни эслаб қолган кўриқчи ўша куни Нурулланинг тўдасидан шармандаларча қувилган, ҳозир эса ўч олиш иштиёқида ёнарди. У ўз ниятини яширмасдан, Чон Диннинг ортидан чопиб келарди. Унинг ёнида индамасдан келаётган икки ҳамроҳи эса манави қочқинни қўлга олиб, кеча тоғларда вертолёт пайдо бўлгандан сўнг обрўси бирдан ошиб кетган, голиб Нурулланинг тўдасига эҳтиром билан қабул қилинишдан орзуманд эдилар.

Чон Дин тўппонча дастасини пайпаслади, соат уч бўлишига қарамасдан майдонда ҳамон ҳеч ким кўринмасди. Лекин, ўқ узиш ҳам мумкин эмас. Шаҳарда Абуқодир ва Нурулланинг қуролланган одамлари тўлиб-тошиб ётипти. Битта ўқ овози чиқса, майдонга ўнтаси чопиб келади. Аммо, таъқибчиларнинг шитобига қараб, яхшилик билан қутулиб кета олмаслигига Чон Диннинг кўзи етиб турарди.

Сув минораси олдидаги саҳн ҳам бўм-бўш эди. У соатига қаради. Учдан беш дақиқа ўтипти. Энди ўзининг хавфсизлиги ҳақида ўйлаш керак. У қочиш ўрнига, шарт бурилиб, таъқибчилари томон юрди. Улар Чон Диннинг шижоатидан довдираб, етган жойларида тек қотишди. Собиқ кўриқчи, мабодо уни ўзига ҳужум қилганлардан бири, деб янглишмадимкин, деган хаёлда қочқиннинг юзига яна бир бор синчиклаб тикилди.

У хато қилмаганини тушунганда, кеч бўлган, бирор нарса қилиш тугул, қичқирришга ҳам имкони қолмаганди. Чон Диннинг чиройли, аммо ерпарчин қиладиган сапчиш билан ўнг оёқда иягига берган тепкидан, беш қадам нарига учди ва ҳушини йўқотиб, ерга гурсиллаб тушди. Тўқнашувнинг бунақа тус олишини кутмаган шериклари бир неча лаҳза эсанкираб қолишди, бу эса, ҳатто, қичқирришга ҳам улгурмасдан, бир неча зарб билан ерга қулашларига кифоя қилди. Аммо, худди шу дақиқада майдонда Нурулланинг одамларидан бири пайдо бўлиб қолди. Нотаниш кимсанинг учта тоғликни чўзилтириб кўйганини кўриб, яқинроқ келди-да, узала тушганлардан бирининг собиқ сафдоши эканини таниб қолди. Босқинчи қутуриб, бегона кимса томон отилди ва елкасидан туртиб юборди. Чон Дин йиқилди, аммо,

бир юмалаб, ўрнидан сапчиб турди-да, унинг тўппончасини чиқарганига кўзи тушди.

Капитан биринчи марта қочишга ҳам, яширинишга ҳам, ҳатто, сакраб зарба беришга улгурмаслигини тушунди, қуролини олиш ҳақида-ку, гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Шу лаҳза ўқ овози янгради. Босқинчи бир чайқалиб, ерга ағнади. Чон Дин атрофга аланглади. Сал нарироқда ўнг қўлида тўппонча тутган паранжили аёл турар, у бу қадди-қоматни минглаб бошқа аёллар орасидан ҳам ҳеч адашмасдан, таниб олган бўларди.

– Сизми? – у аёл томонга отилди.

– Ҳаммаси жойидами? – сўради аёл омадининг бу тарзда кулиб боққанига ҳамон ишонмай.

– Ҳа. Кетдик, ҳозир ҳар лаҳза ганимат, – у сўзини охирига етказмасдан, Падеринани Ишкашимнинг тор кўчалари бўйлаб, тоғ тарафга, Асанов кутаётган манзилга бошлаб кетди.

Падерина Чон Дин билан етаклашиб келганда, уни кўришдан тамоман умид узган Асанов, бу тинкаси қуриган аёлнинг ҳолдан тойдирадиган тоғ довопларидан соғ-омон ўтиб келганига ишонгиси келмасди. Аёл ҳаяжондан тутила-тутила босқинчилардан қутулиш учун қайси йўллардан ўтишганини, Альберт Елагин қандай ҳалок бўлганини, Зебакка қай тарзда қайтганини, Ишкашимдаги учрашувнинг сўнгги муҳлати охириги илинжи эканини тушуниб, қишлоқни қандай тарк этганини сўзлаб берди. Бахтига тоғда иккита диёнатли ва инсофли овчига дуч келгани, уларнинг Ишкашимга бошлаб келиб, уйларида жой бергани ҳам қолмади. Кеча тунда чарчаган ва аламзада ҳолда чегарадан қай йўсинда ўтишни ўйлаб қийналганини, бугун эса тушунарсиз ички бир туйғу билан шаҳар майдонига бориб, Чон Динни кўрганини, кейин ёнида эркак киши борлигидан боши осмонга етганча, ёруғ оламда бор нарсани унутиб, кучига-куч қўшилган ҳолда, унинг ортидан чопганини ҳам сўзлади.

Асанов индамасдан, унинг Альберт Елагин ҳалок бўлгандан сўнг тоғдан қай аҳволда қайтиб тушгани, қишлоқдан чиқиб, Ишкашим сари йўл олгани, бахтига эрини йўқотиб қўйгани ҳақидаги чўпчагига ишонган икки кекса овчини учратиб қолгани тўғрисидаги ҳикоясини тинглар экан, аёл боши билан қанчалик азоб-уқубатларга гирифтор бўлганини ўйлаб, юраги зирқирарди.

Гуруҳ берилган топшириқни нисбатан қойилмақом қилиб бажарган бўлса-да, у ўзидан норози, аниқроғи, кайфияти расво эди. Энг аъло даражада якунланган операция ҳам одамларининг учдан бири йўқотилганини ҳисобга олганда, ўйлаганлари кўнгилдагидек амалга ошди, дейишга ҳуқуқ бермасди. У Машков ва Елагинни ҳеч қачон унутмайди, уларни қурбон бергани учун ўзини ҳам ҳеч қачон кечирмайди. Доимо Тошмухамедовнинг соғ-омон қутулишини тилайди. Умрининг қолган қисмида шунга умид боғлаб яшайди энди.

Энди фурсатни бой бермасдан, тезроқ кетиш керак эди. Падерина уларнинг нима учун Кречетовни асраб қола олмаганларига, қандай қилиб яна қўлдан чиқариб қўйганларига тушунолмасди. Ҳеч қанақа баҳонаю сабаб аёлга таскин беролмас, у операциянинг бемаъниларча бой берилган, деб ҳисобларди. Фақат, Чон Дингина зоҳиран хотиржам кўринар, афтидан, ниманидир англаб, доимгидек индамас ва босиқлигича қолганди.

Кейин улар шимолий чегара томон узоқ йўл босишди. Нурулланинг одамлари яна изларидан тушиб, тўхтатиб қолиш, жилла қурса бирорта зобитни тирик қўлга олиш учун қувлаб келарди. Аксига олиб,

қочқинлар тез-тез тўхтаб, нафас ростлашга мажбур бўлишар, зеро, инсон куч-қувватининг ҳам чегараси бор, Падерина билан Чон Дин ҳар қалай темирдан ясалган эмасди.

Ниҳоят, чегара яқинида миномёт ўқиға дучор бўлишди. Ўлжанинг қўлдан чиқиб кетаётганини кўриб, қутуриб кетган босқинчилар икки миномётни ўрнатиб, улар тушиб келаётган тоғ ёнбағрига аямасдан ўқ ёғдиришди. Чегарагача ҳали беш чақиримча бор эди.

Мана шу ерда омад улардан юз ўгирди. Миналардан бири мўлжалга етиб келди. Асанов хавотирланиб бошини кўтараркан, босинқи чинқириқни эшитди ва Падеринага қараб, юзини дарров терс ўгирди, аёлнинг чап оёғи қонга беланган, терининг титилган жойидан парчаланган суяк кўриниб турарди. Аёл қичқирмас, йиғламас, ранги бўздай оқариб кетганди, бирданига шахд билан тўппончасини чиқариб, ўзининг чаккасига тиради. Асанов гапириб-нетиб ўтирмасдан, ўша заҳоти қуролни бир уриб туширди-да, аёлнинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Шундан сўнггина Падерина йиғлашга тутинди.

Унинг жароҳатига кўзи тушиб, ҳеч бўлмаса бирорта зобитни асир олиш учун ортларидан жон-жаҳди билан қувиб келаётган босқинчиларни кўрган Чон Дин, уларнинг ҳамласини қайтариш учун, ёлғиз ўзини қолдиришларини сўради. Тортишишнинг ўрни эмасди, Асанов бош ирғаб ижозат берди-да, хайрлашув маъносида капитанни бағрига босди. Сўнг Катя Падеринани ортмоқлаган ҳолда, тоғлар оша беш чақирим масофани босиб ўтди. У аёлни елкалаб борар экан, тобора ҳолдан кетаётганини сезар, лекин ҳар қандай вазиятда ҳам уни ташлаб кета олмаслигини биларди.

Орқадан ўқ овозлари эшитилди. Бир киши ўзини қуршаб олган босқинчиларнинг каттагина тўдаси билан тенгсиз жангга киришганди. Асанов чегарага етгандагина капитан Чон Диннинг сўнгги жанги қандай тугаганини эшитди. Генералнинг кетиш олдидан ўз зобитига берган мукофоти Чон Диннинг саволига индамасдан, бошини қимирлатиб берган жавоб бўлди.

– Биз ҳаммасини тўғри қилдикми?– деб сўраганди у.

Асановнинг бу саволга жавоб беришга мутлақо ҳаққи йўқ эди. Аммо, шундай воқеалар ҳам бўладики, дунёдаги энг улкан сирларни ҳам ошкор этишга тўғри келади. У ҳам оғиз очгани йўқ, фақат “ҳа”, деган маънода бош ирғади, холос. Сафарга чиққанларидан бери биринчи марта Чон Диннинг юзига табассум ёйилди. У ўлимидан беш дақиқа олдин операциянинг бутун моҳиятини ва унда қатнашган ҳар бир зобитнинг нечоғлик қаҳрамонлик кўрсатганини англаганди.

Чон Диннинг жасадини топиша олмади, бироқ, тоғликлар орасида контрабандачиларнинг катта тўдасини бир ўзи қириб ташлаган кичкина қирғиз йигити ҳақидаги ҳикоя кўп вақт оғизма-оғиз кўчиб юрди. Кимлардир уни Алимуротнинг одами, деб ҳисобласа, айримлар ҳатто, Покистондан юборилган, деб гапиришарди.

Падеринани чала ўлик ҳолда чегарадан олиб ўтган Асанов, уч кундан кейин аёлнинг чап оёғини сақлаб қолишнинг иложи бўлмаганини, у ногирон бўлиб қолганини билди. Узоқ давом этган фуқаролар уруши вайрон қилган Душанбеда яхши врач ҳам, керакли дори-дармон ҳам топилмаган, қорасон касали бошлангач, врачларнинг оёқни кесишдан бошқа чоралари қолмаганди.

Агар таъқиб пайтида гуруҳ бошлиғини гавдаси билан тўсган Семёновнинг енгил яраланганини ҳисобга олмаганда, Раҳимов, Семёнов ва Борзуновлар чегарадан ҳеч бир тўқнашувларсиз ўтишга муваффақ бўлдилар.

Икки ойдан сўнг Президентнинг ҳеч ерда эълон қилинмайдиган, ҳеч ким ўқимайдиган Фармони чиқди. Унга кўра, Асановнинг бутун гуруҳи орденлар билан тақдирланган, уч кишига эса мукофот ўлимидан сўнг берилганди. Бир неча кундан сўнг Душанбедан Абдулло Тошмуҳамедовнинг ҳам чегарадан соғ-саломат ўтгани ҳақида хушхабар келди.

XV

Кўлга олинган Кречетовни Нурулланинг қароргоҳига келтиришди. Уни кўздан кечирган врач янги олган жароҳати ҳаёти учун хатарли эмаслигини билдирди. Хурсанд бўлган Корнер тонг отишини ҳам кутмасдан, полковникни вертолётга чиқаришни буюрди ва ўзи жиндан ёмон кўрадиган Нурулла билан хайрлашиб ҳам ўтирмасдан, дарҳол учиб кетди.

Вақтинчалик қўналга ҳисобланган Нурулланинг қароргоҳида Кречетовнинг ярасини боғлаб, укол қилишганди, холос. Покистон ҳудудидаги станцияга қўнишгач, дарҳол Исломободдан махсус шифокор чақирилди. У Кречетовни обдон текширгач, қатъий тарзда, унга шунчаки осойишталик ва яхши уйқу зарурлигини айтди. Кречетов икки соқчининг назоратида ўз бўлмасида мазза қилиб ухлаётганда, Беннет билан Корнер шахмат суришар, операциянинг муваффақиятли якунланганидан боши осмонга етган Мосс, у ёқдан-бу ёққа юрарди.

— Жуда зўр бўлди, — дея такрорларди у тинмасдан, — чиндан ҳам зўр иш бўлди. Сизлар ДХҚнинг энг зўр командаси — ўлимдан қайтмайдиганлар гуруҳи қўлидан полковникни тортиб олдиларинг-а!

— ДХҚнинг тугаб кетганига кўп йил бўлди, — эътироз қилди Корнер тахтага тикилиб, — ҳозир уларда СВР ва ФСБ, деган ташкилотлар бор.

— Фарқи нима, — қўл силтади Мосс, — номи бошқа-бошқа бўлгани билан ҳаммаси ўша КГБнинг вазифасини бажаради. Модомики, ўша маҳкаманинг ходимлари полковникни қутқариш учун жонларини тиккан бўлса, демак, маҳбусимиз улар учун жуда керакли шахс бўлиб чиқади.

— Бу фикрингизга қўшиламан, — деди Корнер дона суриб, — қандайдир алоҳида қимматга эга бўлса керакки, уни озод қилиш учун ҳаёлга келмаган чораларни қўллашди.

— Шундай, — гапга қўшилди Беннет, — кейин эса ахлоқ бўлиб ташлаб кетишди.

— Сиз, — бирдан хушёр тортиди Мосс, — икки сафар ҳам ихтиёрий равишда асир тушди, деб ўйлаяпсизми?

— Албатта, йўқ. — деди Беннет дарҳол, — биринчи марта у мўжиза билан тирик қолган. Вертолёт ҳалокатга учраганда, порглаш тўлқини уни тошлар устига отиб юборган. Яхшиямки, парчаланиб кетмай, оёғидан лат еган. Иккинчи марта шунча кўп қон йўқотганки, ҳатто, Нурулланинг одамлари уни ўлик, деб ўйлашган. Буниси тушунарли. Аммо, бошқа нарса, Нурулла қайтариб беришга тайёр турган полковникни қутқариш учун шунча одамни нега ўлим чангалига жўнатишгани тушунарсиз. Балки, улар биз бирорта муҳим сирдан хабардор бўлиб қолсак, Нуруллани алиштирмасликка мажбур қилади, деб ўйлашгандир.

— Мен ҳам доимо шу ҳақда ўйлаяпман, — маъқуллади Корнер, — сиз ҳақсиз. Кречетов деганлари, ўзи айтаётгандек, чегара қўшинлари

зобити эмас. Бизнинг эндиги асосий вазифамиз — русларнинг қанақа ўйин бошлаганини ва полковник Кречетовнинг аслида кимлигини аниқлашдан иборат.

— Станцияга қилинган ҳужумнинг сабаблари маълум бўлдими? — суриштирди Мосс.

— Умуман олганда, маълум. Бу Нурулла билан рақобат қилаётган тўданинг иши. Улар аввал Нурулланинг ҳомийларини тинчитиб, кейин ўзини ҳам яксон қилмоқчи бўлишган. Умуман, офицерларимизнинг жиноий унсурлар билан ҳамкорлик қилишини таъқиқлайдиган низом тайёрлаш керак. Улар ғирт бош оғриқдан бошқа нарса эмас. Оливер Норт контракт орқали эронликларга қурол сотиб нима бўлди? Бунақа олди-сотдини сир сақлаб бўлармиди, оқибатда катта можарога айланди. Энди эса бу ҳужум туфайли ҳам шунақа жанжал кўтарилади.

— Лекин, бизнинг заррача гуноҳимиз йўқ-ку, — эътироз қилди Мосс, — бизга муҳолифат вакиллари билан алоқа ўрнатишни буюришди, айтганларидек қилдик. Уларнинг орасида контрабандачилар, каллакесарлар, муттаҳамлар, лўттибозлар шу даражада кўплигига биз айбдор эмасмиз-ку. Бунинг учун Нурулла билан яқиндан алоқа боғлашни топширган бўлимимизнинг раҳбарлари жавоб бераверсин.

— Бу гапдан хабарим бор, — бош қимирлатди Корнер, — қайтишим билан шу масалани кўтармоқчиман. Пулимиз қаёққа кетаяпти? Қанақа тўдалар ва кучларни қўллаб-қувватлаяпмиз? Бу борада тушуниксиз ва мавҳум гаплар жуда беҳисоб. Бунақа ишларга барҳам бериш керак. Эскича фикрлашнинг вақти ўтди.

— Ўйлашимча, ҳужум ҳақидаги гаплар қўзғалмайди, ёпиғлиқ қозон ёпиқлигича қолади, — деди Беннет паст овозда вазирини олға суриб, — чунки, бу гап бошлиқларимиз бошига калтак бўлиб тушади. Бундай олиб қараганда, бирининг адабини бериш учун контрабандачиларнинг бошқа гуруҳини гижгизлаётган бўлиб чиқамиз. Бу жуда хунук иш. Шунинг учун офицерларнинг жасадини тантанали тарзда кўмишади, уларнинг ўлимига сабаб бўлган ҳужумни эса тилга ҳам олишмайди.

— Сиз бугун қандайдир тажангсиз, — ўзини тутта олмади Корнер, — ўзингизни худди операцияни бой бергандек тутаяпсиз.

— Буни ҳали билмаймиз, — деди башоратомуз оҳангда Беннет.

— Асиримиз билан гаплашиб кўришга тўғри келади, — бир қарорга келди Корнер, — Бироқ, у Покистонда эканини билмаслиги керак. Майли, ўзини Афғонистондаман, деб ўйлайверсин. Беннет, сиз уни афғонистонлик сифатида тергов қиласиз.

— Менимча, бундай қилсак, нотўғри бўлади, — ўзини тутолмади Беннет.

— Нима учун?

— У бизнинг қўлимизда эканини билиши шарт. Шундагина тилга киради. Бўлмаса ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Уни қўлга олган афғон босқинчилари аслида ким эканини билиб қолишса, янада қимматроқ сўрашдан ҳам тойишмайди. Шунинг учун эҳтиёткорлик билан иш тутишга тўғри келади.

Шу лаҳза хонага Беннетнинг номига йўлланган шошилинчнома-ни кўтариб Гарри Блант кириб қолди.

— Сизга шошилинч хабар бор, — деди у.

— Нима гап экан? — норозиланди Беннет.

— Ўқинг-чи.

— Маълум қиламизки, — ўқий бошлади Блант, — полковник Кречетов Россия ташқи разведка хизматининг кўзга кўринган мутахас-

сисларидан биридир. Чегара қўшинларига мансублиги ҳақидаги маълумотларнинг ҳаммаси ёлғон...

– Раҳмат, бораверинг, – Беннет Корнерга қаради.

У бу кутилмаган хабардан шошиб қолиб, бармоғини тишлаб олди.

– Энди ҳаммаси тушунарли, – хўрсинди у.

– Демак, сизлар рус разведкасининг катта зобитини қўлга олиб-сизлар-да, – деди Мосс бу кутилмаган галабанинг ўзи учун қанақа истиқбол эшикларини очишини билганидан, қувончини яшира олмади.

– Шунақага ўхшаяпти, – бош ирғади Беннет.

– У ҳолда русларнинг Кречетовни нима мақсадда қутқаришга уринганларини тушуниш мумкин, – Корнер шахмат донасини қайтариб ўрнига қўйди, – яхшиямки, отиб ташлашмапти. Балки, вертолётимиз тўсатдан пайдо бўлгач, улгуришмагандир. Эҳтимол, қонга беланиб ётган ҳушсиз зобитга ортиқча ўқ сарфлагилари келмагандир. Ҳар қандай вазиятда ҳам бу ёққа олиб келиб, тўғри қилдик. Қанақа ютуққа эришганимизни тушунаёйсизларми, жаноблар!

У атрофга голибона назар солди. Барча саволларнинг жавоби топилгач, тоғлар ҳам кўзига бегона ва тушунарсиз кўринмай қолди. Аксинча, бу гўзал манзаралар кўнглига хуш ёқа бошлади. Энди у ўтказган операция маҳкамасининг тарихига муҳрланади. Марказдан келган полковник Корнернинг оқилона режалаштирган ва амалга оширган операцияси туфайли, русларнинг тасодифан асирга тушган юқори унвонли зобитларини қутқариш учун қилган уринишлари барбод этилди. Бир неча сутка ичида станцияга ҳужум қилганлар ва МРБ зобитини ўлдирган босқинчилар топилди, фақат, топилиб қолмасдан, жазоланди. Корнер Нурулланинг одамларига ёрдам бериш учун вертолётни жўнатишда қанчалик иккиланганини ҳам унутди. Бу ҳолат ҳам аввал-бошданок режамда кўзда тутилган эди, деб ҳисобларди. У бор айби инглиз тилини пухта билиши ва пулни яхши кўриши бўлган Хисровнинг кесилган калласини ҳам эсидан чиқарди, зеро, очкўзлик Нурулланинг барча каллақесарларига хос иллат эди.

У ҳозир икки соат олдин кўзига балодек кўринган Нурулланинг барча гуноҳларини кечиришга тайёр эди. Мана энди ҳаммаси жой-жойига тушди. Россия разведкасининг зобити чегарани кузатаётганда тасодифан қўлга тушади ва ўзини чегара қўшинлари зобити, деб таништиради, бу гапга лаққа тушган калтафаҳм босқинчилар, асирнинг бошини ўзларича нархлайди. Аммо, Москвадаги раҳбарларнинг босқинчилар Кречетовни қай шарт билан қайтариб беришларини кутишга сабри чидамайди. Шунинг учун жонини ўлимга тикканлар гуруҳини жўнатиб, полковникни Нурулланинг чангалидан қутқармоқчи бўлади. Албатта, русларнинг ҳам бу мамлакатни тарк этаётганда қолдириб кетган ўз хабаркашлари ва алоқачилари бор эди. Улар Нурулланинг МРБ билан мустаҳкам алоқада эканини, ҳузурига хорижликларнинг тез-тез келиб туришлари ҳақидаги хабарни етказишади. Шундан сўнг Кречетовни қутқариш учун махсус гуруҳни тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилинади. МРБнинг станцияга Нурулла билан ёвлашган яна бир тўдани жўнатиб, уни суянчиқсиз қолдирмоқчи бўлишади. Лекин, бу тахминни яна бир бор текшириб кўриш керак. Бу ерда ҳам русларнинг қўли бўлиши мумкин. Агар ажойиб разведкачи ва таҳлилчи Корнер келиб, рус разведкасининг ўйинини чиппақка чиқармаганда, улар мақсадларига эришишлари ҳам мумкин эди. У эса оқилона иш тутиб, ушбу чигалликнинг тагига етди, ечимини топди ва топшириқни шараф билан бажарди.

Шу лаҳзада у бирданига асирликдан қутулишга омадсизларча уринган “ҳамкасби” ва рақиби Кречетовни эслаб қолди. Тўғри, голиблик гулчамбарларини Мосс ва Биннет деган уч пулга қиммат кимсалар билан баҳам кўришни ўйлашнинг ўзи ҳам алам қилади, аммо, иш жараёнида юз берадиган шунақа қусурлардан кўз юмгани маъқулроқ. Ахир, энг асосий вазифани унинг шахсан ўзи бажармадими? Станцияда юз берган жиноятни очиб, рус разведкасининг юқори унвонли зобитини қўлга олди-ку!

XVI

САККИЗ ОЙДАН СЎНГ. ВАШИНГТОН.

У биринчи марта ёлғиз ўзи кўчага чиқди. Гарчи, тўлиқ ишонишларига ҳали анча бор бўлса-да, эркин қўйганларининг ўзи ҳам бир қадар ишонч қозонаётганини билдирарди. Ҳозирча у ўзининг илк қадамларини қўймоқда.

Бу ойлар ичида уни қирқ марталаб текширишди. Ҳар хил тест синовларига дуч қилишди, ёлғонни фош қиладиган детекторлардан ўтказишди, танасига аллақандай дорилар жўнатишди. Бунақа синовларга обдон чиниққан асабларгина дош бериши мумкин эди. У атрофига назар солди. Ҳаммаси жойида. Бугун унга шунчаки сайр қилишга ижозат беришди. Кузатувчи қўйишмади. Балки, уларнинг энди кераги ҳам йўқдир. Агар қочмоқчи бўлса, марҳамат, бугуноқ кетиши мумкин. Ахир, у Шарқий Европадаги махсус хизматнинг қанча собиқ агентларини тутиб берди, бу айби учун Россияга қадам босиши билан оқ отиб ташлашади. Шунинг учун таъқиб қилишмаяпти. Жони азиз бўлмаса, бемалол қочиб кетаверсин.

У қўл кўтариб, такси тўхтатди.

– Йўл бўлсин? – сўради такси ҳайдовчиси.

У борар манзилени айтди. Кейинги уч ой мобайнида кузатувчилари билан биргаликда бу дўконга беш марталаб киргани боис, ҳаммалари унинг янги китоблар сотиб олишни яхши кўришини билиб қолишганди. Такси дўкон эшиги олдига оҳиста тўхтади. У тезгина кира ҳақини тўлаб, ичкарига кирди. Ёмғир томчилай бошланганди.

Дўконда уни бу жанобнинг янги китобларга ишқибозлигини билиб қолган сотувчи жилмайиб қарши олди.

У эҳтиром билан сўнги пайтда олинган нашрларни таклиф эта бошлади. Шу пайт миллати поляк бўлмиш дўкон директорининг ўзи чиқиб қолди, жилмайганича, меҳмонни иш бўлмасига таклиф қилди. Ичкарига киришгач, юзидан табассум аримай, магнитофонни қўйди, ўзининг тасмага ёзилган бидир-бидир овози янграй бошлагач, меҳмонни бошқа кичик хонага бошлади ва, ниҳоят, шивирлаб деди:

– Салом, Володя.

– Салом, Янек.

Улар суяклар қисирлайдиган даражада қўл қисиб кўришишди.

– Биз сендан жуда хавотирландик, дастлабки ойларда умуман дарагинг бўлмади. Қалай ўрнашдинг?

– Ҳаммаси жойида. Бизникиларга айт, ахборот бўлимида америкаликларнинг хуфияси бор. Ўша орқали улар Афғонистоннинг шимолӣ худудида қандайдир операция режалаштирилганидан хабар топишган. Менинг разведка полковниги эканимни ҳам аниқлашган. Аниқроғи, Москвадаги одамларидан суриштириб билишган. Уни фош қилиш қийин эмас, айтиб қўй, албатта топишсин.

– Айтаман. Албатта, айтаман. Бу ердагилар сенга ишонишарми?
 – Унчалик эмас. Лекин, собиқ президентимиз айтгандек, жараён бошланди-ку. Кўрамиз, нима билан тугаркан.

– Сен анави хуфия ҳақида аниқроқ бирор нарсани биласанми? Кўлингга бирор далил борми?

– Йўқ, бошқа ҳеч нарсани билмайман. Бу ҳам тахмин. Лекин, текшириб кўришсин.

– Оёқ қалай?

– Ҳаммаси яхши. Яна Москвадагиларга айтгинки, “Барс” ва унинг одамларига миннатдорчилигимни етказишсин. Шундай деб айт, “Барс” ва одамларига.

– Тушундим, албатта, етказаман.

– Қарда учрашиб турамыз. Шу ердами?

– Бу ерда учрашиш мумкин эмас, жуда хавфли. Ҳар ойнинг тўққизинчисида чап тарафимиздаги кўчада жойлашган ўттиз бешинчи ўйнинг олдида сени хотиним кутади. Ёнидан ўта туриб, хабаринг ташланган почта қутисининг рақамини айтиб ўтсанг бас. Бошқа ҳеч нарса демайсан. У ерда ўтиш жойи бор, ҳамма ҳам бир тўхтаб олади. Шунинг учун сендан ҳеч ким шубҳаланмайди.

– Келишдик. Хотининг мени юзимдан танийдими?

– Яхши танийди. Наҳотки, ёнингга сени танимайдиган хотинимни жўнатсам? Усиз ҳам унга кўпам ишонавермайман. Сени топаман, деб бегона эркакларга тирғала бошласа нима қиламан?

Улар яйраб кулишди.

– Омон бўл, – Кречетов китоб дўкони хўжайинининг қўлини қисди.

– Соғ бўл, – меҳмоннинг қўлини қисди поляк, – сени кўрганимдан хурсандман.

У кўчага чиқди. Ёмғир тинган, ҳаво мусаффо, офтоб чарақларди. У осмонга қаради, хаёлига келган қандайдир фикрдан завқланиб, жилмайди-да, намхуш йўлақдан юриб кетди. Қуёшли кун бошланаётганди.

Ўн ой ўтгач

Бир томони бошқа кўчага туташган ҳовли тўридаги уйлар ўртасида жойлашган бу иморатга кўзи тушгунча, Асанов анча овора бўлди. Ниҳоят, бинони топгач, дадиллик билан тўртинчи қаватга кўтарилиб, эшикни қоқди.

– Ким? – эшик ортидан ёш аёлнинг таниш овози эшитилди.

– Ўзимизникилар, – деди генерал катта чиннигул дастасини кўтариб.

Ичкаридаги кимса “кўзча” орқали қараб, бир қучоқ гулни кўрди-да, худди, қўрққандек “оҳ” уриб, эшикни очди.

Узатган гулдаста юзини тўсиб қолгани боис, Асанов аёлнинг юзини сал кейинроқ кўрди. Аёл сал эт олиб, бақбақа орттирганидан, туртиб чиққан ёноқ суякларини билинмай кетганди.

– Салом Катя, – деди у аёлнинг кўзига тикилиб.

– Салом, ўртоқ генерал, – деди аёл ҳайрат аралаш, – гул учун катта раҳмат. Қани, ичкарига марҳамат.

У орқага чекиниб, генерални ичкарига ўтказди, кейин ясама оёгини укувсиз таққиллатиб, ортидан ичкари хонага йўл олди. Улкан коммунал уйдаги қўшни хонадан кимнингдир бефарқ башараси бир кўринди-да, шу заҳоти ғойиб бўлди.

Асанов ичкарига киргач, атрофига бир назар солиб, сал майишган курсига ўтирди. Ортдан қўлтиқтаёғини ёқимсиз тақиллатиб Падеринанинг ўзи кирди.

– Мени қандай топдингиз? – жилмайди у. – Манзилимни сизга ким айтди?

– Сен менинг генерал эканимни унутиб қўясан-а, – кулди Асанов, – қолаверса, касалхонада эканингда, сенсираб гаплашишга келишгандик, шекилли.

– Бутунлай эсимдан чиқиб кетипти. Аҳволларинг қалай, Акбар?

– Ёмон эмас. Тўғри, ўзимизнинг Марказда ишламаяпман, бошқа жойга ўтказишди. Ўзингнинг ишларинг қалай?

– Тирикман, ишқилиб, – аёл кулишга уринди, аммо, табассуми қандайдир аянчли чиқди.

– Бир хушxabарни айтиб қўяй, – деди генерал, уруш қатнашчиси ва ногирони сифатида сенга янги уй беришмоқчи.

– Ҳечқиси йўқ, кута тураман. Ҳозир дастурхонга у-бу нарса тайёрлай.

– Утир. Ҳамма нарсани ўзим билан олиб келганман, – Асанов портфелини очди.

Улар ярим соатдан сўнг курсиларда ўтириб, ўзларининг мушкул сафарларини эслашарди.

– Мен мудом ўзимга ўша ташвишларнинг нима кераги бор эди, деб савол бераман, – деди Падерина, – лекин, жавоб топа олмайман. Ҳатто, бизни нега мукофотлашганига ҳам тушунолмайман.

– Биз ўз вазифамизни виждонан ва шараф билан адо этдик, – деди Асанов қатъий қилиб, – сенга бошқа ҳеч нарсани айтмайман. Гўдак эмассан, ҳаммасини ўзинг тушунишинг керак.

– Тушунарли, – аёл қадаҳини кўтарди, – Олег Машков учун, Чон Дин учун, Альберт Елагин учун. Бизникилар учун.

Улар қадаҳдаги майни чўқиштирмасдан ичишди.

– Нега у ёққа бордик ўзи? – хаёлчан ҳолда сўради Падерина, – биз бормасак ҳам ҳаммаси жойида бўларди-ку.

– Биз қайтиб келмаслик учун боргандик, – уқтирди Асанов, – лекин, қайтдик. Энг муҳими шу.

– Шундай, шекилли, – маъқуллади аёл, – ҳовлимизда оёғидан айрилган битта афгон уруши ногирони яшайди. Доимо ҳукуматни сўккани сўккан. Аблаҳлар, бизни алдаб кушхонага жўнатишган экан, дейди у.

– Балки, сўкиб тўғри қилаётгандир, – ўйланиб қолди Асанов, – балки, ноҳақдир. Яна ким билади дейсан. Менинг ҳам кўп дўстларим у ёқдан қайтишмади. Лекин, улар ҳеч қачон сўкинишмаган бўларди. Чунки, шунчаки ўзларининг бурчларини бажаришди. Ҳалол ва шараф билан. Зобитларга муносиб тарзда. Қолгани энди бизнинг ишимиз эмас. Қўявер, Афғонистондаги уруш тўғримида ёки нотўғримида, деган муаммони журналистлар ҳал қилаверишсин. Бунинг бизга иссиқ-соғуғи йўқ. Биз жаҳаннам ўтидан омон чиқдик ва нуқта қўйдик.

– Нуқта қўйдик, деб ўйлайсанми? – сўради аёл.

– Қўйдик, – деди Асанов қатъият билан, – кўплар мендан афгон урушининг маъносини сўрашади. Мен сенга айтиб қўяй, бу уруш дунёдаги барча урушлардан кўра, энг оғир, энг ифлос, энг манфур ва қонли уруш эди. Айни пайтда қахрамонона. Майли, биз ҳақимизда ҳар хил бўлмағур гапларни ёзаверишсин. Аммо, сен билан биз йигитларимизнинг қанақа жанг қилганини яхши биламиз-ку. Зобитлик номуси ва аскарнинг жасорати ҳеч бир ўлчамга тенг келмайдиган, бозорга солинмайдиган улуг тушунча. Энг асосийси ҳам шу эмасми?

СЎНГ СЎЗ ЎРНИДА

Рус разведкаси полковниги Владимир Кречетов Лэнглида Россия махсус хизмати бўйича маслаҳатчи вазифасига тайинланди. Унинг Фарб махсус хизматлари тизимига кириб олган собиқ “Штази” (*Германия Демократик Республикасининг ташқи разведка хизмати – тарж.*) жосусларидан бир нечтасини фош этиши катта шов-шувга сабаб бўлди. МРБ директори унинг номини жорий йилда энг қимматли ҳисса қўшган ходим сифатида қайд этди.

Пешавордаги собиқ резидент Стивен Мосс ниятига етиб, ўзининг кадрдон маконига қайтди ва Жанубий Америка бўлими бошлигининг ўринбосарлигига тайинланди. Ҳаддан ташқари семириб кетди, китоблар ёзишга ўтди, кўзига сеvimли кўринган Сантьяго ва Буэнос-Айросга тез-тез бориб туради.

Бошқа бир резидент – Жеймс Беннет истейфога чиқиб, ўзининг Аризонадаги фермасида кўним топди. Айримларнинг гапига кўра, номзодини демократлар партияси томонидан конгрессга қўймоқчи эмиш, лекин, бу ҳозирча миш-миш. Муҳими, ажойиб фермаси бор ва катта дўстона оила соҳиби.

Покистондан қайтгач, Беннетнинг оиласида яна бир қизалоқ дунёга келди.

Читралдаги станциянинг яна бир ходими Гарри Блантнинг омади кулди, унинг таҳлилчилик қобилияти раҳбарият томонидан юксак баҳоланиб, бир неча йилдан сўнг Покистонга қайтди – Карачидаги ҳудудий резидент лавозимига тайинланди. Айтишларича, яхши резидент бўлган эмиш.

Рона Баксейнинг қотилини барибир топиша олмади. Аммо, бу ишни текшириш билан шуғулланган мистер Уолш МРБ дан ФБРга ўтди ва бу даҳшатли ташкилотнинг машҳур терговчиларидан бирига айланди. Балки, Карачидаги омадсизлигини эшлашнинг ўзиёқ, унинг кучига-куч қўшиб, ҳар қандай жиноятчини панжара ортига ўтқазишга, ўзининг эса янги мукофотга сазовор бўлиб, мансаб пиллапо-ларидан юксалишига сабаб бўлаётгандир.

Фуслар оиласини Огайо штатининг ўзлари туғилиб ўсган ва ота-оналари яшаётган Бьюсайрус шаҳрига дафн қилдилар. Алфред Херикнинг жасадини Калифорнияга жўнатишди ва тантананали тарзда катта оилавий даҳмаларига қўйишди.

Мистер Корнер Кречетов воқеасидан сўнг МРБда бош қахрамонга айланди. Унинг ҳисоботлари эътибор билан ўрганилар, бирор мурраккаб операция режалаштирилаётганда, фикрлари сўзсиз ҳисобга олинарди. Корнер аввал таҳлил бўлими бошлиги лавозимига тайинланди. Кейин эса МРБ директори ўринбосарлигига кўтарилди. Айтишларича, полковник Кречетов унинг маслаҳатчиси эмиш. Балки, бу ҳам ҳасадгўй ҳамкасбларининг гийбатидир. Корнер аслида америка разведкачисининг ҳақиқий тимсоли – бағрикенг, ҳалол, ақлли ва жасур инсон, шунинг учун ундан ибрат олишади ва у билан фахрланишади.

Нурулла кўп ўтмай кичик контрабандачилар тўдаси билан тўқнашувда ўлдирилди. Бу гал ҳам гиёҳванд моддаларнинг навбатдаги партиясини бўлиша олмай қолганда, очкўз талончилар ўзларига ҳалақит бераётган кўшни тўданинг бошлигини тинчитиб қўя қолишганди. Нурулланинг тўдаси кўп ўтмай тарқаб кетса-да, кўп вақтгача унинг одамлари тўғрисидаги гап-сўзлар тоғлиқлар ўртасида тилдан тушмай юрди.

Майор Абдулло Тошмухамедов уйига соғ-саломат қайтиб келди. Оёғи тузалгандан кейин ҳам бир муддат ўша қишлоқда яшаб турди-да, чегарадан муваффақиятли ўтиб, чегара отряди бошлигининг хузурига келди. Тўғри, аввалига билмасдан отиб қўйишларига сал қолди, аммо, соф рус тилида сўзлаши жонига ора кирди, уни олдин Душанбега олиб келишди, кейин Москвага жўнатишди. Айтишларича, соқолини қириб ташлагандан кейин, янада ёшариб, хушрўй бўлиб кетганмиш.

Подполковник Али Раҳимов полковник унвонини олиб, Акбар Асановнинг ўрнига полигон бошлиғи этиб тайинланибди, йигитларни қийнашда машҳур “Барс”дан ҳам баттармиш. Баъзиларнинг гапига қараганда, яқин орада генерал бўлармиш. Нима бўлганда ҳам ҳарбий разведканинг янги раҳбари у ҳақда жуда илиқ фикрда эмиш.

Майор Семёнов жароҳатига кўра ҳарбий разведкадан истеъфога чиқарилди, ҳозир Москва шаҳридаги йирик туманлардан бирида ҳарбий комиссариатини бошқараяпти. Кўплар уни ҳарбий хизматга чақирилувчилар билан уларнинг ота-оналари тилини топишда тенги йўқ, энг одамшаванда комиссар, дейишяпти. Ўзининг машҳур разведкачи бўлгани ҳақидаги миш-мишларни рад этиб, бир умр ҳарбий госпиталда хизмат қилганини, врачлик жонига теккач, ҳарбий комиссариатга ўтиб кетганини айтиб юради.

Капитан Борзунов қаёқладир гойиб бўлди. Кўпчиликнинг тахминига кўра, Ташқи разведка хизмати бир амаллаб авраган кўринади. Эндиликда ўша маҳкаманинг айрим нозик топшириқларини адо этармиш. Уни Бразилияда, Кенияда, Миср Араб Республикасида ва Португалияда кўришгани ҳақида хабарлар бор. Аммо, бу ҳам миш-мишдан бошқа нарса эмас. Аниғини билишнинг эса иложи бўлмади.

Ташқи разведка хизматида тўсатдан чет эл жосуси бўлмиш полковник П. қўлга олинди. Айтишларича, уни суд қилиб, отиб ташлаганмиш. Баъзилар эса, сўнгги лаҳзада Президент отувни қамоқ жазосига алмаштирган, дейишади. Кимлардир эса отилган, дейди. Ҳар галгидек тўғрисини ҳеч ким билмайди, пойтахтда эса нима кўп, гап-сўз кўп.

Фақат, унинг МРБга сотилгани ва мамлакатига катта зарар етказгани ҳақиқат.

Иккинчи гуруҳ ногирони Екатерина Падерина ҳозир қандайдир фахрийларнинг жамоатчилик кенгашига раҳбарлик қилади. Чўлоқлигига қарамасдан, ҳамон шайдолари кўп эмиш. Аввалги гўзаллиги шундайлигича сақланиб қолганмиш. Айтишларича, йилига бир марта уникига юсак мартабали қандайдир генерал меҳмонга келармиш, иккаласи эшикни бекитиб олиб, марҳум дўстларини хотирлаб, ароқ ичишармиш. Баъзан генерал йиғлармиш. Катя бўлса уни юпатармиш, ким билсин, балки, бу ҳам гийбатдир. Ҳеч кимнинг аслида нима бўлганидан хабари йўқ. Фақат, ҳамма бир нарсани яхши билади — Катя хола билан ўша генерал кўп йиллар муқаддам афгон урушида бирга бўлган экан. Ҳозиргилар ўша урушни эслашмайди ҳам. Балки, эсламаганлари ҳам яхшидир. Аслида ҳам минг карра лаънатга учрагур урушнинг эслагулик нимаси бор?

*Русчадан
Бахтиёр РИЗО
таржимаси*

Бенедикт САРНОВ

Ҳеч ажабланманг!

ЯШАШ УЧУН

Адабиёт жамғармасидаги тўполонлар ҳақида гапириб берган жамғарма ходими бу кўнгилсизликлар сабаби ҳақида ҳеч нарса демади. Сабаблар эса изоҳсиз ҳам маълум эди.

Бу даврга келиб совет Адабиёт Жамғармаси урушдан кейин абгор ҳолатга келиб қолганди.

Пастернак моддий жиҳатдан жуда қийналиб қолганда кимдир Адабиёт Жамғармасидан озроқ пул қарз олиш мумкинлигини айтиб қолади. Чамаси, бу қайтарилмаса ҳам бўлаверадиган қарз эди. Жамғармада Борис Леонидовични яхши билишарди, шу боис у илтимос билан мурожаат қилганда шундай дейишади:

– Ҳа, албатта ... Фақат ариза ёзиш керак.

Борис Леонидович бир варақ қоғоз сўрайди, столнинг бир четига омонат ўтиради ва тезда аризани ёзиб, имзо чекади.

□ –Жуда яхши, – дейишади унга ариза матнини ўқиб кўришгач. – Фақат, Борис Леонидович, охирида бу пуллар сизга нима учун кераклигини ҳам ёзиб қўйсангиз.

– Э–ҳа, – дейди Борис Леонидович, – албатта, албатта. Ҳозир...

Пастернак аризасини қайтариб олади, матн охиридаги нуқтани вергулга алмаштиради ва бор-йўғи иккита «яшаш учун» деган сўзни қўшиб қўяди.

Борис Леонидовичга ўша сўраган қарзини ҳойнаҳой беришгандир. Эҳтимол, ўшанда Сталин осмондан тушган одам деб таърифлаган бу фаройиб кимсанинг устидан кулишгандир ҳам, аммо нима бўлганда ҳам илтимосини қондиришади, зеро бу воқеа Пастернакнинг Нобел мукофотини олишидан олдинроқ содир бўлганди. Ходимларнинг кулганига сабаб – ўша даврда «яшаш учун» ҳеч кимга қарз, айниқса, қайтарилмайдиган қарз берилмасди. Ўз аризаларида далаҳовли қурмоқчи, автомобил сотиб олмоқчи, қимматбаҳо мебел олмоқчи экани кўрсатилган ёзувчиларгагина қарз бериларди.

Сирасини айтганда, жамғармада ишлайдиган хоним ва хонимчалардан биронтаси Пастернак деганлари ким эканини билмасди. Аммо партком аъзолари ва секретариатдаги арбобларнинг ҳар бирини башарасидан танийдигина эмас, балки исми шарифигача тўлиқ билишар эди.

ЖАМҒАРМАНИ КИМ ТАШКИЛ ҚИЛГАН?

Бир куни Виктор Борисович Шкловский ана ўша ўзи учун унчалик таниш бўлмаган, янгича адабиёт жамғармасига келиб, бу ердаги хонимчалардан бири билан иш юзасидан гаплаша туриб, хонимнинг уни мутлақо танимаслигини пайқаб қолади. Дарғазаб бўлиб, хонимчага момақалдиरोқдек гумбурлаган овози билан бақира кетади:

Давоми Боши ўтган сонда.

– Сиз мени билишингиз шарт! Биласизми сиз қаерда ўтирибсиз? Қандай даргоҳда хизмат қилаётганингизни биласизми? Адабиёт жамғармасини ким ташкил этганини биласизми ўзи?

Талмовсираб қолган хонимча кўрқа-писа жавоб қилади:

– Сиз... ташкил қилгансиз!

Виктор Борисович бунақа муруватни кутмаган эди, албатта. Ҳалиги жўн саволини берганда у 1859 йили Дружинин, Толстой, Некрасов, Островский, Тургенев, Анненковлар асос солган ҳақиқий Адабиёт Жамғармасини назарда тутган эди... Аммо у ташриф буюрган бу даргоҳ билан эски Адабиёт Жамғармаси ўртасидаги муштараклик фақат унинг номидагина сақланиб қолганди.

Эски Адабиёт Жамғармасининг фаолияти В.Г.Белинскийнинг оиласига нафақа тайинлашдан бошланганди. Аввалига янги, совет Адабиёт Жамғармаси ҳам ана ўша хайрли анъанани давом эттироқчи бўлиб, ҳаётдан кўз юмган мумтоз адибларнинг ёши улуг «болаларига» қандайдир арзимас нафақа тайинлаган эди. Аммо, ёзувчилардан бири нордонгина киноя қилганидек, эски Адабиёт Жамғармаси билан янгисининг фарқи – эскисини бадавлат ёзувчилар камбағал ҳамкасбларига ёрдам бериш учун жорий этган бўлса, янги жамғарма бойларга ёрдам бериш учун камбағал ёзувчилардан аъзолик бадали йиғарди.

Бадавлат ёзувчиларнинг иштаҳаси эса борган сайин карнай бўлиб борарди. Пастернак ва Шкловский каби адибларга маълум муддат катта дастурхондан арзимас садақа бериб турилади. Аммо Помяловскийнинг набираси ва Глеб Успенскийнинг эварасига келганда маблағ тутаб қолган эди.

ХАВФЛИ АЛОҚА

Виктор Борисович Шкловский бир куни цензурани қандай қилиб чув туширганини гапириб берувди.

– Нима учун баъзан қамоқхонадан маҳбуслар қочиб кетади? Чунки қамоқхона нозирини маҳбуснинг қочиб кетиши мумкинлиги ҳақида доимо бош қотиравермайди. Маҳбус эса ҳамини шу ҳақда ўйлайди. Тушуняпсизми? Ана шунақа!..

Виктор Борисович фақат ўзига хос, теша тегмаган фикр-мулоҳазаларини қойилмақом қилиб ифодалаш маҳорати билан машҳур эди. Аммо бир куни мен бундай гаройиб фикрнинг ҳаётга гаройиб бир тарзда татбиқ этилганига гувоҳ бўлганман.

Юрий Тимофеев деган яқин бир танишим болалар нашриётида ишларди. Лавозими анча юқори – бош муҳаррир ўринбосари эди. Аммо раҳбарият билан муносабати яхши эмасди. Яхши бўлиши ҳам мумкин эмасди, Юра нашриётда ҳеч кимга ўхшамасди. Биринчидан, у адабиётни севарди. Шу ҳолатнинг ўзиёқ шубҳали эди. Иккинчидан, у муаллифлар – ёзувчи ва шоирлар билан ҳам апоқ-чапоқ эди. Улардан айримлари (Борис Слуцкий, Давид Самойлов) билан яқин дўст эди.

Юра дўстлигини яшириб ўтирмасди, ана шунинг учун жазоланди: уни ишдан бўшатишди.

Бундоқ қараганда, ушбу воқеанинг ҳеч қандай айтишга арзигулик жиҳати йўқ. Фақат Ю.П.Тимофеевни бош муҳаррир муовини вазифасидан бўшатиш ҳақидаги буйруқнинг нимага асослангани гаройиб эди. Бу асос «Муаллифлар билан алоқа ўрнатгани учун» дейиларди.

Бу асос худди 30-йиллардаги ёвуз тамгани эслатарди: «Халқ душмани билан алоқа ўрнатгани учун». Бу мантиққа кўра муаллифлар халқ душманига ўхшаб қолганди.

Аммо буйруқ асосининг гаройиблиги фақат шундангина иборат эмасди. Ахир муҳаррир хизмат вазифасига кўра ҳам муаллифлар билан алоқа ўрнатмаслиги мумкин эмас эди-да. Қанақасига энди уни бундай мулоқот учун ишдан бўшатиш мумкин?

Ана шунақа гаплар. Ахир қамоқхона нозирини ҳам хизмат вазифасига кўра маҳбуслар билан «алоқада» бўлади. Аммо раҳбарияти унинг маҳ-

буслар билан яқиндан, дўстона алоқа ўрнатганини сезиб қолса, дарҳол ишдан бўшатиб юборади. Ва тўғри қилади.

АННА КАРЕНИНА КИМ ЎЗИ?

Бир куни Александр Трифонович Твардовскийнинг машинаси бузилиб қолганда у билан яқин бўлган кекса Маршак таклиф қилади:

– Мен қариб қолдим, барибир ҳеч ёққа бормайман Менинг машинамни ола қол.

Эртаси куни саҳар чоғи Маршакнинг машинаси Твардовскийнинг йўлагига турарди.

Ҳайдовчи хўжайинни кўргач, ўқиб ўтирган қандайдир қалин китобни бир четга қўйиб, қаёққа борамиз дегандек саволомуз қарайди.

Твардовский ҳайдовчи қандай китоб ўқиётганини билгиси келади. У ўриндиқдан энгашиб, китобга кўз ташлайди. Бу «Анна Каренина» эди. Шоирнинг кўнглида бир қувонч қалқийди.

– Қалай? Ёқяптими? – жавобнинг қандай бўлишини билгандек, китобга ишора қилиб сўрайди.

– Эҳ, сиз сўраманг, мен гапирмай, – дея ҳайдовчи бир хўрсиниб кўяди.

Йўл-йўлакай ҳайдовчи шундай бир аламли воқеани ҳикоя қилади.

– Бир куни Самуил Яковлевич билан қаёққадир кетаётгандик. Қандайдир бир темир йўли ёнидан ўта бошладик. Бир маҳал Самуил Яковлевич шундай деб қолди: «Қаерда кетаётганимизни биялпсизми? Бу айнан Анна Каренина ўзини поезд остига ташлаган жой». Мен шундай дедим: «Бу ерлар-ку, таниш. Фақат, бу... Анна Каренина деганингиз ким бўлди? Мен уни сизникида ҳеч учратмовдим шекилли...» Шу гапни айтишим ҳамон Самуил Яковлевичнинг ранги қув оқариб кетди. «Машинани тўхтатинг, бўтам! – деди у. – Мен Анна Каренинанинг ким эканлигини билмайдиган одам билан битта машинада кетолмайман». Уни уйғача боришга зўрға кўндирдим. Уйга етиб келганимизда у шундай гап қотди: «Тепага мен билан чиқасиз, бўтам!» Энди тамом деб ўйладим. Ҳозир мени ишдан ҳайдайди. Аммо иш бошқача бўлди. Ичкаридан мана шу китобни олиб чиқди. Уни кўлимга тутқазиб, деди: «Мана, ўқинг. То ўқиб чиқмагунингизча сиз билан таниш эмасмиз деб ҳисоблайверинг...» Мана энди ўқияпман, – деди ҳайдовчи.

ЯШИРИНИБ ОЛГАНМИШ

Уйдан чиқаётиб, почта қутисидан газетани олдим ва саҳифани очиб, академик Сахаровга берилган навбатдаги қақшатқич зарбага кўзим тушди. Мактуб остида гўё ўзларининг фуқаролик бурчини бажараётганларнинг имзоси турар, улар орасида менинг кўшним – машҳур бир режиссёрнинг ҳам исми шарифи бор эди. Ҳовлига чиққанимда унинг ўзига дуч келиб қолдим.

Кўлимдаги газетага кўзи тушиши ҳамон юзида афсус-надомат ифодаси пайдо бўлди, шоша-пиша гапира бошлади:

– Ўқидингизми?... Ҳа, ҳа... Даҳшат, даҳшат... Бутун ҳафта давомида яшириниб юрдим, боққа кетиб қолдим, телефонга ҳам яқинлашмадим... Хотинимга қаерда эканимни айтмасликни тайинладим... Барибир мени топиб олишди, машинага ўтқазиб, тегишли жойга олиб боришди... Кўлларимни қайиргудек қилиб мажбур қилишди... Ҳеч нарса қилолмай қолдим...

Орадан бир неча кун ўтгач, ўша кўшним бадий кенгаш раиси бўлган идорага йўлим тушиб қолди. Ўтириб, у ёқ-бу ёқдан гурунглаша бошладик. Шунда кимдир гапириб қолди:

– Бизнинг хўжайин ҳам кўлини қорага ботирибди-да.

– Ҳа, дарвоқе, мен уни худди ўша куни кўрувдим, – дедим ва унинг гапларини қисқача айтиб бердим.

Ҳамма хо-холаб кулиб юборди.

Улар кулиб бўлишгач, хўжайинларининг қаердадир шунақа хат тай-ёрланаётганини эшитиб, пайтавасига қурт тушганини, қатордан қолмаслик учун ўзини ўтга-чўққа урганини айтишди. Давлат киносига, Марказий Кўмигага, яна қаёққадир қўнғироқ қилибди. Охир-оқибат Сахаровга мағзава ағдариб ёзилган ўша машъум хатга имзо чекиш шарафи муяссар бўлибди.

— Ё тавба! — дедим ҳайратланиб. — Бунинг унга нима кераги бор экан?

Улар яна кулишди. Кейин мен соддага соддагина қилиб тушунтиришди:

— Қанақасига керак бўлмас экан? Ахир у ҳам арбоб, асосчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ва ҳ.к... Ҳамма «Қаҳрамонлар» имзо қўйиб турсаю у четда қолиб кетса... Худо кўрсатмасин, тагига сув кетган деб ўйлашлари мумкин-да...

ЙЎЛИНИ ТОПИШДИ

Бу воқеани менга Александр Григорьевич Зархи ҳикоя қилиб берувди.

Уларнинг режиссёр Хейфиц билан ҳамкорликда яратган «Ҳукумат аъзоси» фильмини ўша даврдаги одатга мувофиқ Сиёсий бюро аъзолари эндигина томоша қилиб бўлган, орага фильм ижодкорлари учун ниҳоятда кўнгилсиз бир сукунат чўкканди.

Кўрик тамом бўлса ҳам муҳокамадан дарак йўқ эди. Юқоридаги мансабдорлардан ҳеч қандай садо чиқмайди.

Режиссёрлар уйларига тарқаб, нима бўлишини кута бошлайдилар.

Орадан бир кун, икки кун, уч кун ўтади... Фильм ижодкорларининг аҳволини тарифлашга сўз ожиз. Ниҳоят, тўртинчи ёки бешинчи кун телефон қўнғироғи жиринглайди. Поскребишев телефон қилаётганди.

Сухбат жуда яхши, самимий бўлади. У фильм маъқул бўлганини таъкидлайди. Сиёсий бюро аъзоларидан ҳеч ким эътироз билдирмабди. Фақат бир кичик муаммо шахсан Поскребишевни ўйлантириб қўйибди. Бутун бошли фильмда Сталиннинг номи бир оғиз ҳам эсланмабди...

Александр Григорьевич писандани дарҳол пайқаб, бу англашилмовчиликни тез орада тузатишга ваъда беради.

Тузатиш эса айтишга осон... Ахир улуг дохий номини дуч келган жойга тиқиштириб бўлармиди? Асарнинг бадиий томонига зиён-заҳмат етмайдиган қилиб қаловини топиш лозим эди.

Александр Григорьевич бир неча тунларни бедор ўтказди. Ва ниҳоят бир кун қидирганини топгандек бўлади.

Воқеалар ривожига кўра фильм қаҳрамони «энг юқори»га хат ёзади. Худди ана шу ўринда қаҳрамоннинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган ўша хат айнан кимга мўлжалланганини томошабинга нозик бир ишора билан тушунтириб қўйиш лозим. Аммо қандай қилиб? Воқеа қоқ ярим тунда кечаётганди. Қаҳрамоннинг бу масалада маслаҳатлашадиган одами бўлиши мумкин эмас. Албатта, бир варақ оқ қоғозга ажи-бужи йирик ҳарфлар билан ёзилган «Қимматли...» деб бошланувчи ёзувни йирик планда кўрсатиш ҳам мумкин. Аммо унда қутилган бадиий самара чиқмайди. Александр Григорьевич эса, шубҳасиз, бадиийлик тарафдори эди.

Ҳарқалай, у бу мураккаб ҳолатдан чиқиш йўлини барибир топади.

Керосин чироғи ёруғида хатини ёзаётган қаҳрамон аёл ўрнидан аста туриб, каравотда ухла ётган кичкинтой қизалоғини уйғотади ва оҳиста шивирлаб сўрайди:

— Қизим! «Виссарионоич» деганда битта «с» бўладими ёки иккита?

Қизалоқ мудроқ кўзларини ишқалаб, жавоб қилади:

— Иккита «с» бўлади.

Александр Григорьевичнинг ҳаммуаллифи, режиссёр Хейфицга бу топилма жуда маъқул бўлади. Александр Григорьевичнинг ўзига ҳам

ёқади. Аммо Сталинга ёқармикин деган шубҳа пайдо бўлади. Бу топилма унга жуда ҳам жўн туюлмасмикин? У фильмда ўз номининг бунақа бадиий ишораларсиз, бор залвори билан дангал айтилишини хоҳламасмикин?

Хайриятки, бу ҳадиқлар асоссиз бўлиб чиқади.

Маълум бўлишича, доҳийнинг бадиий диди жуда нозик экан: режиссёр Александр Григорьевичнинг фаройиб топилмаси уни тўла-тўқис қаноатлантирибди.

ЎҚИДИМ

Сумск партизанлар бирлашмасининг қўмондони Сидор Артемьевич Ковпак жуда қўп мукофот ва унвонлар соҳиби: генерал-майор, икки карра Совет Иттифоқи Қаҳрамони. Бир муддат Украина Олий Совети Президиуми Раиси муовини ҳам бўлган. Аммо буларнинг ҳаммаси унга камлик қилган. У халқ эътирофи рамзи бўлмиш қатор расмий унвонлар билан бир қаторда яна ёзувчилик шухратини ҳам қўмсаб қолади. Эҳтимол, унинг ўзи бунга истамагандир. Эҳтимол, Ватан урушининг афсонавий қаҳрамони ёзадиган китоб ҳақидаги фикр бошқа бировдан чиққандир. Нима бўлганда ҳам ўша китоб ёзилади. Табиий, Ковпак эмас, адабиётнинг нонини еб юрган бошқа одам томонидан қоғозга туширилади. Бу оддий бир ҳол эди: шунақа адабиётчилар ўша даврда қўп эди. Бунақа сохтагарчиликни анча обрў-эътиборли одамлар бошлаб берганди. Уларнинг биринчиси Горький эди. Эстафетани қабул қилиб олган Маршак кутб қаҳрамонлари ва ғаввослар ҳақида бир қанча китоблар ёзади. Бу кўзбўямачиликларнинг чуви чиқиб қолгани ҳаммага маълум. Л.И.Брежневнинг «Кичик ер»ини айрим шоввоз ёзувчиларимиз дунё адабиётининг ютуқлари билан тенглаштиришгача бориб етишди-ку.

Хуллас, Ковпакнинг «Путивлдан Карпатгача» деган китоби ёзилиб, таҳрирдан чиқарилиб, чоп этишга тайёрлаб қўйилади. Ана шунда кимдир қўлёмзани босмахонага топширишдан олдин «муаллиф»га ҳам бир кўрсатиб қўйилса ёмон бўлмасди деб қолади. Агар у лозим топса балки биронта қўшимча ёки тузатиш киритар. Балки фикрини оғзаки айтар.

Шундай қилишди.

Тез орада қўлёмза таҳририятга қайтарилади. «Муаллиф»нинг фикри мухтасар эди. Титул варағида саводи ғовлаброқ кетган одамнинг қўли билан ажи-бужи қилиб битилган биргина сўз бор эди: «Укидим».

ИСТАМАСАНГ – ГАПИРМА

Машҳур композитор Дмитрий Шостаковичнинг қўлида бир дард пайдо бўлади. Ленинград ва Москвадаги шифокорлар уни тузатолмайди. Кимдир унга Сибирга, Курган шаҳридаги машҳур жарроҳ Гавриил Абрамович Илизаров ҳузурига боришни маслаҳат беради. Шифокорнинг у ерда мўъжазгина касалхонаси бор экан.

Шифохона овқатларининг маза-матраси йўқ эди. Аҳён-аҳён беморларга касалхона ҳовлисидан ташқарига чиқиб, яқин атрофдаги дўкондан бирон егулик сотиб олишларига руҳсат бериларди.

Дмитрий Дмитриевич ҳам бир куни ўша дўконга боради.

Кийимлари афтадаҳол эди: яланг оёғида шиппак, эгнида қопдай касалхона халати.

Остонада уни иккита ипириқчи кутиб олади. «Учинчиси бўласан» дейишади. У индамай сўлкавойни узатади. Улар тезда ярим литрлик ароқни сотиб олишади, қайтимини ҳалол қайтаришади, истаконларга ароқни бўлиб қуйишади. Рисоладаги одамлар каби ичишдан олдин у билан танишмоқчи бўлишади. Улардан бири ўзини ишчиман дейди. Иккинчиси муҳандис эмиш.

– Сен кимсан? – «муҳандис» янги улфатдан қизиқсиниб сўрайди.

Шостакович жавоб қилади:

- Мен – композиторман.
- «Муҳандис» ишчи билан кўз уриштириб олгач, шундай дейди:
- Ҳай майли. Истамасанг – гапирма.

БУНИСИНИ ЎЗИНГ ЯХШИЛАБ ЎЙЛАБ КЎР

Бу воқеани ҳам менга Боря Балтер гапириб берувди. Ушбу воқеа тафсилоти унинг касаллик тарихи билан боғлиқ.

Бу гал у Боткинда эмас, Биринчи Шаҳар касалхонасида даволанган. Кенг, ёруғ палатада уч нафар бемор ётарди. Улардан бири, чамаси, майдароқ партия фаоли, бошқаси – оддий ишчи эди.

Ўша кезлар газета саҳифаларида академик Сахаровни жазавага тушиб қораловчи мақолалар кетма-кет чоп этилаётганди, палатадаги гурунглр ҳам шунга дахлдор эди.

Партия фаоли академикни сотқинликда айблаб, устига мағзава ағдаради. Газетада муҳандис Гарин ҳақида ёзилган аллақандай бир мақола ҳақида гапирди. Боря тортишиш бефойдалигини билиб, ночор койи-нади. Ишчи эса деворга ўгирилганча миқ этмасди.

Газеталардаги айбномаларни тўтидек ёдлаб, ўртага тўкиб солган ҳалиги фаол энди бу мағзавага ўздан ҳам бир нима қўшгиси келади.

– Хўш, мана, ўзинг айт-чи, унга нима етишмасди? – тўсатдан астойдил сўраб қолади у. – Далаҳовли... Машина... Уй... Ҳаммаси муҳайё бўлса... Академикларнинг маоши қанақа бўлишини айтиб ўтирмай... Уч қарра Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Демак, Кремлга биркитилган. Сен Кремлдаги имтиёзлар нима эканини биласанми? Ейиш-ичиш даярли текин. Овқатлари беқиёс! Сен билан бизнинг тушимизга ҳам кирмайди... Йўқ, сен менга айт: бу нимаси ўзи? Унга яна нима етишмасди?!

Худди шу лаҳза уззукун давом этиб келаётган тортишув давомида оғиз очмай келаётган ишчи девордан ўгирилиб, партия фаолига масҳара қилгандек қарайди ва шундай дейди:

- Буёғини энди ўзинг яхшилаб ўйлаб кўр!

ҚЎЛИНГИЗНИ ҚИСИБ ҚЎЯЙ

Қўшним, шоир Герман Абрамов анча серҳаяжон одам, Ленинград шоҳқўчасидаги газета кўрғазмасида «Правда»ни ўқиб турарди. Табиий-ки, саҳифада гашига тегадиган бир мақолага кўзи тушади. Герман каби ёши олтмишлардан ошган одам бундай ажойиб газетани ўқиётганида ҳиссиётини андак жиловлаб олса ёмон бўлмасди. Аммо, юқорида эслатганимдек, ўта ҳиссиётли одам эмасми, ўзини тутолмай, бор овози билан хитоб қилади:

- Ахир қачонгача бемаъни нарсалар билан бошимизни қотиришади!

Кўнглини бўшатиб, бундоқ атрофга аланглаб қараса, шундоққина ёнида гапларини бемалол эшитиб турган турқи совуқ бир кимсага кўзи тушади.

Гарчи Сталин замонаси бўлмаса ҳам, ҳарқалай, балодан ҳазар – бунақа яланғоч гапларни кўчада бақриб айтиш хавфсиз эмасди. Албатта, Германнинг хаёлида бундан минг чандон беозорроқ гап-сўзлар учун ҳам умри ҳибсхоналарда чириб кетганларнинг аянчли қисмати жонланади.

Қисқаси, ножоиз гаплари эшитилганига амин бўлган Герман кўрқиб кетади. Шартга орқасига қайрилиб, туёғини шиқиллатиб қолса ҳам бўларди, аммо оёқлари шол бўлгандай ўзига бўйсунмайди. Ёнидаги ўша турқи совуқ елкасига қўлини ташлаганда эса биратўла бўларича бўлади. У энди «Қани, мен билан юринг-чи!» деган ўша даҳшатли сўзлар айтилишига шубҳа қилмасди.

Аммо унинг ножоиз сўзларини эшитиб қолган одам ўзини бутунлай бошқача тутди. У Германга ногоҳ ёришиб кетган юзларини ўгириб, ихлос билан дейди:

- Қўлингизни қисиб қўйишга ижозат бергайсиз!

ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

Ўтган асрнинг 40- ёки 50-йиллари Москвадаги ҳайвонот боғида Чандр деган улкан арслон билан Тобик деган кичкинтой кучукча битта қафасда яшарди. Мутасаддилар бу ҳолга оғзини очганча анграйиб қараб қолган томошабинларга арслоннинг бу жажжи жониворга қанчалар меҳру муҳаббат билан қарашини, кучукча ҳам ўз навбатида бунга муносиб жавоб қилишини оғзидан бол томиб ҳикоя қиларди.

Бу апоқ-чапоқликнинг асл моҳиятини қафас деворига осиб қўйилган мана бу ёзувдан англаб олиш мумкин эди:

«Бу икки ҳайвон ўртасидаги дўстлик уларни ўз вақтида овқатлантириш орқали таъминлаб турилади».

НОШУКУР САХАРОВ

Москвадаги заводлардан бирида қандайдир катта митингга тайёргарлик кўриляётганди. Нима муносабат билан — эсимда йўқ, бу унчалик муҳим ҳам эмас.

Ҳамма роллар олдиндан тақсимлаб қўйилган, ирод қилинадиган нутқлар ҳам ёзиб, тасдиқланган. Аммо аксига олиб, ҳамма тонгги газеталарда академик Сахаровнинг ҳукуматга қарши қаратилган навбатдаги ҳатти-харакатини қораловчи мақолалар пайдо бўлади. Бебош академик тиниб-тинчимасди, совет ватанпарварлари эса унга навбатдаги зарбани беришган эди.

Ёзиб, тасдиқлаб қўйилган нутқларга энди ўзгартириш киритишнинг мавриди ўтганди, митинг энди бошланай деганда партком қандайдир бир ишлаб чиқариш илғори бўлган, гапга чечанроқ нотикқа шундай топшириқ беради:

— Сен нутқингни тугатгач, Сахаров ҳақида ўзингдан бирон нарса кўшиб гапириб кўй.

— Албатга, — дейди нотик бош ирғаб.

— Яна эсингдан чиқиб қолмасин. Мен сенга ишоняпман.

Нотик ишора билан тушунтиради: ҳаяжонланма, ҳаммаси жойида бўлади. Эсимдан чиқмайди.

Дарҳақиқат, эсидан чиқармайди.

У нутқини охирига етказгач, қоғозини ҳафсала билан тахлаб, чўнтагига солади.

— Мана энди, ўртоқлар, — дейди у, — мен икки оғиз Сахаров ҳақида гапирмоқчиман. Нималар бўляпти ўзи! Биз унга ҳамма нарсани муҳайё қилиб бердик! Отнинг калласидек маош, мукофот, янги квартира — ҳаммасини олди! У эса ношукурчилик қилиб Киевнинг «Динамо»сига ўтиб кетди!

Давоми бор

*Русчадан
Шодмон ОТАБЕК
таржимаси*